Как он отмечает, «Долгое время эта сказка считалась у нас чисто русской, но с тех пор как началось изучение народной словесности других европейских народов оказалось, что она распространена у многих народов славянского, германского и романского племени…и все это в формах, до крайности близких к той, в которой она существует у нашего народа, но мало того, что мы сознаем такую общераспространенность нашей сказки; мы имеем сверх того возможность указать теперь, откуда она пришла в Европу». В качестве одного из очень древних оригиналов этой сказки он приводит одно из собраний индийских сказок Санодевы. Содержание её таково: У одного могущественного индийского царя было много жен и сыновей. Одну жену и её сына царь любил больше остальных, за что те возненавидели её, и в результате их происков царь удалил её от себя. Они хотят также погубить и любимого сына царя. Вскоре прилетает огромный журавль и садится на крышу дворца. Буддийский священник, проходивший мимо, сказал, что это злой дух, приносящий с собой беду. Царевичи стреляют в птицу, но не попадают, священник говорит им, что попадет в неё любимый сын царя. Тогда царевичи, принося наиболее ценный и дорогой для царя лук со стрелами, предлагают своему брату выстрелить в журавля, надеясь, что раненная птица улетит и царевич отправится на её поиски, чтобы избежать гнева царя. И действительно,

[1] Savchenko S.V. Russkaya narodnaya skazka. – Kiev, 1914. Sm. takje: Anikin V.G. Russkaya narodnaya skazka (Folk Russian fairy tales). – M., 1959; Lazutin S.G. Poetika russkogo folklora (Folk Russian poetics). – M., 1981.

[2] Sitiruetsya po knige «Russkoe narodnoe tvorchestvo» pod redaksiey gen. korr. – M.– L., 1957.

царевич попадает в птицу и та улетает со стрелой, а он отправляется за ней. После долгих поисков царевич подходит к замку, в котором живет злой дух, успевший уже принять человеческий образ. Дочь злого духа и царевич влюбляются друг в друга. Царевич хочет жениться на ней, но злой дух предлагает ему выполнить четыре задания, прежде чем согласится на её замужество. Выполнить эти задачи помогает царевичу его невеста, обладающая волшебными свойствами. В результате царевич достает стрелу и женится на дочери злого духа.

Проанализировав приведенный индийский рассказ, В. В. Стасов говорит в своем труде далее: «Но не следует думать, основываясь на близком сходстве наших и западноевропейских сказок с мистикой, будто они непосредственно происходят происходят он нее. Как сказка об Еруслане Лазаревиче не происходит прямо из Шах-намэ, несмотря на всю близость, так же и сказка о Жар-птице не происходит от сказок Самоведы». Есть другие восточные рассказы, с которыми она в известных отношениях имеет ещё более сходства, чем с приведенном индийским оригиналом. Стасов В.В. указывает на одну песню сибирского племени кизильцев, живущих на р. Черном Юсе.

Алтын-Хан имеет сребровolосую кобылу, у которого неизвестно кто крадёт жеребят. По его предложению три зятя его остаются сторожить кобылу, но двое из них засыпают, а третий, взяв своего богатырского коня вместо клячи, предоставленной ему тестем, настигает громадную птицу, в то время как та собирается украсть жеребенка. Он убивают птицу, но по просьбе двух свойственников продает им её за сустав с пальца каждого из них. Затем тесть предлагает им изловить златошёрстного тигра, которого также удается убить третьему зятю благодаря его богатырскому коню[1]. Этот зять продает убитого им тигра двум другим зятьям за ремень, вырезанной из их спины, а сам уходит жить на Алтай. Два зятя решает его погубить, подкарауливают его и сталкивают в яму, откуда ему никак не вылезти. Старания его жены и коня вытащить его из ямы не помогают; тогда конь поднимается на край неба и земли и находит там прекрасную девицу с длинной косой и она помогает ему выбраться из ямы, опустив туда свою косу. В благодарность герой берет её себе в качестве второй жены и объявляет о коварном поступке двух зятьев.

По мнению В.В.Стасова, «Жар-птица или золотая птица есть не что иное, как птица-золототел индийских рассказов, освещение сада типом божественного или волшебного существа встречается также в восточных поэтических преданиях»[2].

В заключение своего труда В.В.Стасов приходит к следующему выводу: «Мы не можем сейчас говорить о существовании одного оригинала (источнике), от которого происходит русская сказка о Жар-птице, имеющаяся и других европейских народов – но её восточное происхождение несомненно и в ней мы находим сохранении в очень близкой передаче ценные отрывки, полные эпизоды из древнейших поэм и песен древней Азии и далее: очень вероятно, что значительная часть этих сказок пришла в западную Европу с Востока, перейдя через Россию. Между тем, другая часть пришла туда тогда же через юг, посредством арабов и путем письменности» Как труд В.В. Стасова, в большей своей части посвященный русским былинам, так и сама теория заимствования подвергались основательной критике. Однако академик А. Н. Веселовский пишет в своей книге «Историческая поэтика»: «Необходимо предположить, что в истории передачи восточных сказочных вымыслов греческому

[1] Azbelov S.N. Istorizm bilin i spesika folklore (Historicism of epics and the specifics of folklore). – L., 1982. – S. 227.

[2] Russkoe narodnoe poeticheskoe tvorchestvo. – M.– L., 1953; Anikin V.P. Russkaya narodnaya skazka (Folk Russian fairy tales). – M., 1959; Novikova A.M., Amisandrova Ye.A. Folklor i literature (Folk and literature). – M., 1978; Arxaicheskiy ritual v folklore i ranneliteraturnix pamyatnikax. Sbornik statey. – S. 61–83.

западу не последненюю, если не исключительную роль играла устная передача. Роде доказывает и, по нашему мнению, совершенно справедливо, что не только отдельные подробности, но и сама сущность Синбадовых путешествий заставляют предположить их дальнейшими источник Индию, ту богатую сказками страну, из которой народы Востока и особенно арабы заимствовали свои повести и новеллы, ставшие известными на Западе главным образом при их посредстве»[1].

Возможность подобного зарождения народных сказок и песен из литературных мотивов также не представляет для А. Н. Веселовского никаких сомнений. В противовес Бенфею[2], виднейшему представителю теории заимствования и так называемой школы индианистов, в подражании которому старались уличить В.В. Станова некоторые из его оппонентов.

В своём труде «Морфология сказки» [3] В.Я. Пропп останавливается на необходимости классификации сказок, основанной на предварительном систематическом их описании, после чего только можно переходить к освещению вопроса о происхождении сказок. Констатируя полное единообразие строения волшебных сказок, к числу которых принадлежит и сказка об Иване-царевиче, он задает вопрос, не значит ли это, что все они происходят из одного источника. «Единый источник, говорит он, не означает непременно, что сказки пришли, например, из Индии и распространились отсюда по всему миру, приняв при странствии своём различные формы, как это допускают некоторые. Единый источник может быть и психологическим можно говорить также о религии и влиянии быта на содержании сказки.»

Весьма древним очагом сказок является и Египет, причем некоторые из них относятся к XV в. до н.э. Сказки эти были изданы египтологом Масперо в виде отдельного сборника под заглавием «Contes populaires de l'Egypte ancieme» в 1882 году[4]. По своему содержанию они представляют, главным образом описания похождений различных хитрецов, плутов и просто воров, данные сюжеты считаются характерными для египетских сказок.

Возвращаясь к нашей арабской сказке «Три царевича и золотая птица» следует отметить, что Галлан в своих замечаниях к сборнику сирийских сказок относит её к числу тех, которые встречаются и в своих первоначальных версиях в старинных арабских сборниках, тем не менее, представляют заимствования. Параллели такого рода сказок, говорит он, можно найти в «Дополнение к переводу 1001 ночи» – R.Buzton далее следует ссылка на упоминаемую в «Дополнении» «Историю о султане, его сыновьях и волшебной птице», которая дала начало сказке «Три царевича и золотая птица»[5].

Суммируя изложенное, необходимо прийти к выводу, что произведенный анализ сказки «Три царевича и золотая птица» лишний раз подтверждает восточное происхождение русской сказки об Иване-Царевиче, Жар-птице и сером волке, хотя и не предрешая вопроса о персидском или индийском оригинале последней и пути, по которому она пришла к нам с Востока.

[1] Veselovskiy A.N. Istoricheskaya poetika (Historical poetics). – M., 1989. – S. 300–307.

[2] Th. Benfey – gettingenskiy orientalist, izvestniy svoim perevodom i issledovaniyami indiyskogo sbornika rasskazov i basen Panchatantra. Ob indiyskix motivax v skazkax mnogix narodov Vostoka i Zapada. Sm. podrobnee: Minegulov X. Yu. Tatarskaya literatura i vostochnaya klassika (Tatarian literature and oriental classics). – Kazan, 1993. – S. 246–276.

[3] Propp V.Ya. Morfologiya skazki (Morphology of a fairy tale). – M., 1969

[4] Gerxardt M. Iskusstvo povestvovaniya (literaturnoe issledovanie 1001 nochi) (art of storytelling). – S. 7–19.

[5] Ibid. – S. 13–38.

XX АСР СУРИЯ РОМАНЧИЛИГИ ХУСУСИЯТЛАРИ

АБДУЛЛАЕВ АБДУЛҲАЙ

Филология фанлари номзоди, доцент, ЎХИА

Аннотация. *Мақолада XX аср иккинчи ярмидан кейин Сурия адабиёти тараққиётининг асосий тенденциялари, Сурия романнавислигининг ривожланиши муаммолари очиб берилади, XX аср араб адабиётидаги эволюциянинг айрим жиҳатлари айтиб ўтилади. Мақолада араб дунёсидаги адабий жараён ривожланишининг типологиясини ёритиб беришга ҳаракат қилинади. Сурия адабиётида реалистик йўналишнинг шаклланиши, ижтимоий адабиёт, реалистик адабиётга қизиқиш тобора ортиб борган давр белгиланади. Суриянинг энг йирик ёзувчиси Ханна Минанинг ижодида умуман араб дунёсига хос адабий жараённинг муҳим типологик хусусиятлари чуқур ва ёрқин жиҳатлари билан намоён бўлганлигини кўрсатишга ҳаракат қилинади. Сурия адабиётидаги романларнинг бадиий ва таркибий таҳлили ҳамда таниқли суриялик романнавис Ханна Минанинг адабий ва илмий мероси ёритилади. Шунингдек, Ханна Минанинг Сурия адабиёти, хусусан, Сурия романнавислиги тараққиётидаги муҳим ўрни ва ролини очиб бериш орқали Сурия романнавислигининг ривожланиш хусусиятлари кўрсатилади. Замонавий араб адабиётидаги янги тенденциялар кўрсатилади, жумладан, XX аср иккинчи ярмида Суриядаги адабий муҳит очиб берилади, суриялик адабиётшунослар ва адабий танқидчиларнинг миллий араб адабиётида роман жанрини ривожлантиришга бағишланган илмий ишлари шарҳланади. Сурия адабиётида янги эстетик қарашлар ҳамда янги адабий йўналишлар шаклланиши жараёни очиб берилади.*

Таянч сўз ва иборалар: *Сурия адабиёти, роман, Ханна Мина, араб романчилиги, реализм, наср, поэтика, Сурия ёзувчилари, Сурия, араб олами, араб адабиёти, жанлар, сюжет, араб маданияти, адабий муҳит.*

Аннотация. *В статье раскрываются основные тенденции развития сирийской литературы после второй половины XX века, проблемы развития сирийского романизма и некоторые аспекты эволюции арабской литературы XX века. Статья призвана пролить свет на типологию развития литературного процесса в арабском мире. Отмечается формирование реалистического направления в сирийской литературе, социальной литературе, период растущего интереса к реалистической литературе. В работе величайшей сирийской писательницы Ханны Мины предпринята попытка показать, что важные типологические особенности литературного процесса, присущего арабскому миру в целом, проявляются в глубоких и ярких аспектах. Освещен художественный и структурный анализ романов в сирийской литературе, а также литературное и научное наследие знаменитой сирийской писательницы Ханны Мины. Он также подчеркивает особенности развития сирийского романа, раскрывая важное место и роль Ханны Мины в развитии сирийской литературы, в частности сирийского романизма. Выделяются новые тенденции в современной арабской литературе, в том числе литературная среда в Сирии во второй половине XX века и научная работа сирийских литературоведов о развитии жанра романа в национальной арабской литературе. Раскрыт процесс формирования новых эстетических взглядов и новых литературных течений в сирийской литературе.*

Опорные слова и выражения: *сирийская литература, роман, Ханна Мина, арабский романизм, реализм, проза, поэтика, сирийские писатели, Сирия, арабский мир, арабская литература, души, сюжет, арабская культура, литературная среда.*

Abstract. *The article reveals the main trends in the development of Syrian literature after the second half of the twentieth century, the problems of the development of Syrian romanism and some aspects of the evolution of Arabic literature of the twentieth century. The article is intended to shed light on the typology of the development of the literary process in the Arab world. The formation of a realistic trend in Syrian literature, social literature, a period of growing interest in realistic literature is noted. The work of the greatest Syrian writer Hannah Mina made an attempt to show that important typological features of the literary process inherent in the Arab world as*

a whole are manifested in deep and vivid aspects. The artistic and structural analysis of novels in Syrian literature, as well as the literary and scientific heritage of the famous Syrian writer Hannah Mina, are highlighted. He also emphasizes the peculiarities of the development of the Syrian novel, revealing the important place and role of Hannah Mina in the development of Syrian literature, in particular Syrian novelism. New trends in modern Arabic literature are highlighted, including the literary environment in Syria in the second half of the twentieth century and the scientific work of Syrian literary scholars on the development of the novel genre in national Arabic literature. The process of the formation of new aesthetic views and new literary movements in Syrian literature is revealed.

Keywords and expressions: *Syrian literature, novel, Hannah Mina, Arabic romance, realism, prose, poetry, Syrian writers, Syria, the Arab world, Arabic literature, souls, plot, Arabic culture, literary environment.*

XX асрнинг 50-йиллари ўрталаридан 70-йиллари охиригача бўлган давр араб адабиёти тарихида, хусусан, Сурия адабиёти тарихида муҳим ўрин тутади. Ушбу даврни араб адабиёти анъаналаридан узоқлашиш даври деб аташ мумкин, бу даврда анъанавий элементлар ҳали тўлиқ сиқиб чиқарилмаган, Европа маданиятининг ютуқлари эса соф миллий эстетик қарашлар фильтридан ўтган. Бизнингча, бу давр араб дунёсидаги адабий жараён ривожланишнинг типологиясини тушуниш учун жуда муҳим. Мазмуннинг ҳаққонийлиги ва воқеликнинг ҳар қандай ҳодисасини ижтимоий-ахлоқий ва эстетик қадриятларга айлантиришга уриниш – булар эҳтимол сўз бораётган давр адабиётининг икки асосий хусусиятидир[1].

XX аср араб мамлакатлари ёзувчиларининг асарларига диққат билан назар ташланса, аввало, уларнинг мавзуси, кўтарилган муаммолар ва муаллифларнинг бадиий услуби қанчалик хилма-хил эканлигини кўриш мумкин. Араб танқидчиларининг фикрича, адабиёт, айниқса, роман жанрининг ижтимоий аҳамияти беқиёс даражада ўсди, китобхонларнинг романга бўлган қизиқиши ортди. Араблар эътироф этган, умумараб минтақасида тан олинган бутун бир адиблар авлоди юзага келади. Булар сирасига мисрлик Жамол ал-Ғитоний, Юсуф ал-Қуайд, суриялик Ханна Мина, Хоний ар-Роҳиб, фаластинлик Ҳасан Канафоний, Эмил Ҳабибий, ироқлик Ғойиб Туама Фармон, Абдураҳмон Мажид ар-Рубоий, суданлик Солиҳ ат-Тойиб, жазоирлик Ваттор ат-Тоҳир ва Абдулҳамид ибн Ҳадук ва бошқаларни киритиш мумкин. Санаб ўтилган ёзувчилардан ҳар бирининг нафақат ўз мавзуси, балки ўзига хос ёзув услуби, ўз дунёқараши, нуқтаи назари бор. Бу ёзувчиларнинг ҳар бири ўзига хос, фарқли. Уларнинг умумий, ўхшаш жиҳатлари борми? деган савол туғилади. Бу уларнинг барчаси учун умумий бўлган, услуб бирлиги эмас, албатта, ёзиш услуби ҳам эмас, юқорида айтиб ўтилганидек, ўтган аср одамлари ҳаётининг энг муҳим томонларига мурожаат қилишларида, ва шу билан бирга, муаллифлар риоя қиладиган ахлоқий ва эстетик қадриятларнинг барқарор тизимида намоён бўлади.

XX аср охири араб адабиётида реализм ҳукмронлик қилар эди ва бу нарса китобхон билан мулоқот ўрнатишнинг ягона йўли эканига ишонч ҳосил қилиш учун кўплаб нотўғри тушунчаларни бартараф этиш керак эди. Замонавий Сурия адабиёти ҳануз етарли даражада ўрганилмаган. Ҳозирга қадар Сурия адабиётида роман жанрининг юзага келиши муаммоси ҳал этилмаган, Сурия насрининг миллий ўзига хослиги масаласи кун тартибига қўйилмаган.

Реалистик йўналиш урушдан кейинги давр мобайнида ривожланди; 70-йилларда у кекса авлод ёзувчиларнинг беназир истеъдодларини намойиш этган ҳолда тобора ривожланиб борди (Х. Мина, Н. Маҳфуз, Ар-Рубоий) ҳамда ўрта ва ёш авлод ёзувчилари гуруҳининг

[1] Kirpichenko V.N. Sovremennaya yegipetskaya proza. 60–70-e godi (Modern Egyptian prose). – M.: Nauka, 1986. – S. 102.

миллий, биринчи навбатда, реалистик анъаналарни ўрнатишга бўлган иштиёқ юзага келди (Ҳасан Канафоний, Солиҳ ат-Тойиб, Рифқат ас-Саид, Ҳамал ал-Ҳитоний, Абдураҳмон Муниф). Ижтимоий адабиёт, реалистик адабиётга қизиқиш тобора ортиб борди, турли муаммолар, мавзулар, жанрларни ривожлантиришда тўпланган тажрибани англаш ва сўнгги йилларда унутилган бўлиб кўринган адабиёт, ижтимоий типлар ва ҳаётнинг ижтимоий қатламлари, масалан, ишчилар, деҳқонлар ҳаётига, оддий одамлар ҳаётига бўлган қизиқиш юксалди.

Авлодлар бадиий тарихни ўн йиллар, ҳатто бутун бошли юз йилликларни камдан-кам ҳолларда ҳисоблайдилар: антик давр, Уйғониш даври, барокко. Ҳудди шунингдек, бир кун келиб бизнинг давримиз адабиёти ҳақида шундай дейишади – Йигирма биринчи аср. Вақт деган нарса ўзининг шафқатсиз ҳукмини ўқийди, шубҳасиз, энг бебаҳо асарлар адабиёт тарихига муҳрланади. Нима унутилади-ю, нима сақланиб қолади, буни олдиндан айтиш қийин, лекин ҳозирги адабий ҳаётдан бироз четга чиқиб, маълум даражада эҳтимолийлик билан шуни тахмин қилиш мумкин: ўтган бутун аср давомида сўнгги давр араб дунёси адабиётида шоҳ асарлар сони кўп бўлмаган. XX асрнинг 50–80-йилларида Сурияда ҳаётлик чоғидаёқ классик ижодкорга айланган адиб Ханна Мина ижод қилди. Ҳозирга қадар унинг ўрнини босадиган муносиб ижодкор кўзга кўринмайди. Назаримизда, Х. Минанинг тажрибаси адабиёт хотирасида “ўрнашиб”, бадиий тафаккур ҳаракатининг зарур қисми бўлиб қолади. Бўлажак “чўққи”лар шаклланишидан олдин ички, унчалик сезилмайдиган адабий асарларнинг тўпланиш даври келади. Адиб Исҳоқ, Ал-Кавокибий, энди, эҳтимол, фақат мутахассисларни қизиқтиради, аммо уларнинг ижоди Н. Маҳфузнинг келишига замин тайёрлади.

Ушбу мақолада фақат суриялик ёзувчи Х. Мина ижодини таҳлил қилиш билан чекланмай, балки араб адабиётшуносларининг ёзувчи ҳақидаги танқидий тадқиқотларига ҳам эътибор қаратилади. Чунки танқид ва адабиётшуносликни адабиёт тарихининг ажралмас таркибий қисми деб ҳисоблаш мумкин. Маълум бир даврга оид бутун бошли адабий-ижодий ҳаётнинг ҳеч бўлмаганда бир ёзувчи қаламига мансуб асар мисолида ҳар томонлама ўрганилишини, танқидни ҳар томонлама ўрганмай амалга ошириш имконсиз, чунки бусиз адабий жараён содда ва жўн бўлиб қолиши муқаррардир.

Замонавий араб насрини ўрганиш, унинг асосий тараққиёт босқичларини чуқур илмий ёритиш, жумладан, Сурия адабиётидаги роман жанрининг хусусиятларини аниқлаш энг долзарб ва кўп қиррали муаммо ҳисобланади. Ҳусам ал-Хатиб (“Маданий ва ижтимоий-сиёсий юксалиш даври Сурия романи”), Муҳсин Жасим Али ал-Мусувий (“Замонавий араб адабиётида араб халқининг озодлик ва тинчлик учун кураши мавзуси”), Аднан ибн Зурайл (“Арабларнинг замонавий романида”), Умар ал-Даққоқ (“Замонавий Сурия адабиёти”), Муртоз Абдулмалик (“Замонавий араб романини ўрганишга кириш”), Аднан ибн Зурейл (“Сурия ҳикояси”) каби араб адабиётшунослари Сурия романнавислигининг ривожланиш муаммоларига алоҳида эътибор қаратганлар.

Буларнинг барчасини ягона хусусият бирлаштиради. Муаллифлар кўпинча бадиий асарлар поэтикасини тадқиқ этмасдан ва таҳлил қилмасдан асарлар мазмунини батафсил баён қилишга уринадилар. Баъзан композиция, услуб, асарнинг тили, бош қаҳрамон образи, муаллифнинг позицияси ва умуман, таҳлил қилинаётган бадиий асар олдига қўйилган муҳим вазифалар ва бошқа бир қатор муаммолар эътибордан четда қолади.

Сўнгги даврларда роман жанри араб танқидчилари, адабиётшунослари ва ёзувчиларининг эътиборини торта бошлади. “Ал-Маърифа” (1980 йил октябрь), “Ат-Ториқ” (1981 йил август) ва “Ал-Мавқиф ал-Адабий” (1982 йил январь) журналларининг Сурия адабиётида

роман жанрини ривожлантиришга бағишланган махсус сонлари ушбу мулоҳазаларни тасдиқлайди.

Таниқли араб адиби Набил Сулаймон ўзининг "Танқид ва Сурия романи" (1981) номли мақоласида шундай ёзади: "Сурия романи ҳали адабиётимизда ҳукмронлик қилиш мавқеини эгаллашга даъвогарлик қилувчи мустақил жанр сифатида ўз ўрнини топгани йўқ. Шеър ва ҳикоя жанрлари турли авлод ўқувчиларининг эътиборини ўзига жалб қилмоқда. Романга келинса, ушбу жанр профессионал бўлмаган ёзувчилар учун имтиёз ҳисобланади, чунки улар учун адабиёт иши қўшимча машғулот саналади. Роман ёзиш билан эса атиги бир неча профессионал ёзувчи шуғулланади, бироқ уларнинг ушбу жанрда олиб борадиган ишлари баъзан йиллар мобайнида тўхтаб қолади"[1].

Яна бир суриялик таниқли ёзувчи Абдуссалом ал-Ужайлийнинг таъкидлашича, турли ёзувчилар ижтимоий воқелик билан боғлиқликни турли шаклларда ифодалайдилар. Баъзи роман муаллифлари воқеликни худди суратга тушираётгандек акс эттириш билан чекланса-лар, бошқалари эса ҳаётдан завқ олиб, уни турли рангларда тасвирлайдилар. "Яна бир гуруҳ муаллифлар эса унинг камчиликларини кўриб, танқид қилишади. Ёмон иллатлардан халос бўлиш йўлини улар мавжуд воқеликдаги ёвузликларга қарши курашда кўрадилар ва ундаги энг яхши хусусиятларни сақлаб қолишни ёқлайдилар. Яна шундай ёзувчилар борки, улар учун атрофдаги олам билан ўзаро муносабат ундан қочишни англатади, улар ҳаққоний ҳаётдан узоқ нарсалар ҳақида ёзадилар. Ўзим ҳақимда айтишим мумкинки, мен воқеликни рад этадиган ёзувчиларданман, баъзида мен уни пушти рангда кўраман, аммо у менга баъзан қора рангда кўринади. Ҳаётнинг ёрқин томонлари ҳам бор, мен унда қувончу шодлик борлигини инкор этмайман... лекин умидсизлик, тушкунликка тушиш учун сабаб кўпроқдек туюлади менга ёки менинг кўзимга жамият ҳаётининг қоронғу томонлари кўпроқ ташланади. Агар қайғуларимнинг сабаблари менга маълум бўлса, унда мен ёмонликларни йўқ қилиш ёки ҳеч бўлмаганда уларни юмшатиш учун ишлай оламан. Масалан, мен бадавийлар муҳитида қасос, қишлоқдаги қолоқлик, учинчи дунё мамлакатларидаги ҳукмдорларнинг золимликлари ҳақида ёздим[2].

"Ал-Мавқиф ал-Адабий" (1982 йил январь) деб номланган бошқа бир журналда Ҳусам ал-Ҳатибнинг "Сурия романининг миллий ўзига хосликлари", Аднан ибн Зурайлнинг "Суриядаги араб романининг шакли ва мазмуни", Самар Руҳий ал-Файсалнинг "Сурия тарихий романида "Сирлар" шакли", Ханна Аббуднинг "Сурия романида қаҳрамон образи", Муҳаммад Мунқиз ал-Ҳошимийнинг "Сурия романида романтизм"[3] сингари адабиётшунослик ва танқидчилик йўналишида ёзилган мақолалари нашр этилган.

Шундай қилиб, роман жанри замонавий Сурия танқидчилигида кенг кўламда ўрганилмоқда. Бу бутун араб дунёси ижтимоий ҳаётидаги, хусусан, Суриядаги ижтимоий ўзгаришлар билан чамбарчас боғлиқ. Қайд этиш мумкинки, айнан Сурия публицистикасида араб ижтимоий тафаккури тарихидаги қарама-қаршиликлар ёрқин акс эттирилган, адабий услубни янгилаш учун кураш бўлмаганида у йиллар араб адабиётининг бутун тарихи тушунарсиз бўлиб қолар эди. XIX асрнинг сўнгги чораги ва XX аср бошларида Суриядаги қатор йирик ёзувчиларнинг фаолияти бевосита публицистика билан боғлиқ. Шу сабабли, сурияlik публицистлар ўша давр публицистикасининг умумий тавсифи билан чекланиб

---

[1] نبيل سليمان وعى الذات والعا لم، دراسات في الرواية العربية. اللاذقية ١٩٨٥ ص.٢٠٩

[2] الموقف الأدبي عدد خاص، الرواية في سورية. دمشق. شباط ١٩٨٢ . ص ٩

[3]، فيصل سماق، الواقعية في الرواية السورية . دمشق ١٩٧٩. ص.١٣ عدنان بن ذريل، أدب القصة في سورية. بيروت ص. ١٣٢-١٥٠

қолмайди, аксинча, унинг ҳаёти, ижтимоий-сиёсий қарашлари ва унинг энг обрўли вакилларининг адабий фаолияти очеркларини беришни зарур деб ҳисоблайди.

Ҳусам ал-Хатиб, Муҳсин Жасим Али ал-Мусувий, Муртоз Абдулмалик, Аднан ибн Зурейл ва бошқа араб адабиётшуносларининг бир қатор асарлари Сурия адабиётида роман жанрининг ўзига хос хусусиятларини ўрганишга бағишланган. Бироқ азалий анъаналарга кўра, юзага келган тасаввурлар таъсирида адабиёт тарихидаги муайян давр тавсифи берилган умумий шарҳларнинг муаллифлари етакчи ёзувчиларнинг ишлари билан боғлиқ материаллардан тўла фойдаланишдан ўзларини тийганлар. Бу ёзувчиларнинг ижодий амалиётларида адабий жараённинг муҳим хусусиятлари ҳамда объектив қонуниятлари чуқур ва ёрқин намоён бўлган, деб ўйлаймиз.

Ҳозирги янги давр ва энг янги даврлар Шарқ адабиётларини ўрганиш тадқиқотчилар олдига, одатда, Шарқ мамлакатларининг миллий ва тарихий ривожланишининг ўзига хос хусусиятлари ва уларнинг маданияти билан боғлиқ бир қатор муаммоларни қўяди. Шарқда, хусусан, араб дунёсида ёш миллий адабиётнинг шаклланиш жараёни, бир томондан, кучли барқарор ўрта асрлар маданияти анъаналарининг мавжудлиги, иккинчи томондан, ижтимоий-сиёсий эволюция суратининг ўсиши ва дунё маданияти билан алоқаларни доимий равишда кенгайтириб бориш каби омилларга ўз таъсирини кўрсатди. Улардан бири бошқасига устун келди ва араб мамлакатларидаги ёш миллий адабиётчилар ушбу омилларнинг турли хил элементларини ўзлаштирдилар. Араб адабиёти йилдан-йилга вақт ва инсон ҳаётининг чуқур оқимларига тобора кўпроқ кириб келмоқда. Ундаги тарихий ўзаро тўқнашув кўп қиррали бўлиб боради, инсон тақдири мураккаблашади, хулқ-атворнинг ижтимоий ва психологик манбалари янада мустаҳкамланади. Бу нарса адабиётшуносларни адабий жараённи ҳозирги ижтимоий-фалсафий ва эстетик тафаккуримиз даражасида тавсифлаш учун доимо янги параметрларни киритишга мажбур қилади.

Сурия адабиётида роман жанрининг янги эпик жанр сифатида юзага келиши, юқорида ёзилганидек, XX аср бошларига тегишли. XX аср Сурия адабиётининг ўзига хос хусусияти шунда намоён бўладики, унда ижтимоий кучларнинг қайта гуруҳлаштирилиши ва мавжуд феодал-мустамлака тизимига танқидий муносабатнинг кучайиши маърифатпарварлик реализми ўзининг "паст", ҳаётнинг реал жиҳати ва ўткир ижтимоий муаммолари билан юзага келди. Аммо шу муносабат билан бадиий насрнинг жадал ривожланаётганига қарамай, маърифатпарварлик реализми адабиётида журналларда чоп этилган публицистик наср, мактублар, саёҳатлардан парчалар, ҳар турли кундалик тасвирлар катта аҳамият касб эта бошлади[1].

Роман жанри эпик насрнинг етакчи жанрига айлана бошлади. Бу борада суриялик маърифатпарварлардан ташқи муҳитни ўта механик ва эмпирик (амалий) тарзда идрок этиб ижод қилган Адиб Исҳоқ, Абдураҳмон ал-Кавокибий, Нажиб ал-Ҳаддод, Фараҳ Антуан каби адибларнинг яна бир хусусиятини алоҳида таъкидлаш керак ва бу уларнинг дунёқарашларининг бир томонлилиги билан изоҳланади.

Амалий жиҳатдан ҳодисалар ҳақиқатни эмас, уларнинг ижтимоий, иқтисодий, сиёсий моҳиятини аниқлай олганлар. Воқеликда реалиялар кўпинча "тизим" сифатида эмас, балки фактлар занжири сифатида намоён бўлган. Ва, табиийки, аниқ фактларни тасвирлашга мурожаат қилган ҳолда, улар бадиий образларнинг яхлит тизимида ўз воситалари билан вазиятлар ва белгилар ўзаро таъсирининг табиий натижаси сифатида маълум бир ижтимоий можарони очиб бера олмадилар, ўз фикрларини сюжетга асосланган ҳолда ифодалай

[1] نبيل سليمان، الرواية السورية. دمشق ١٩٨٢. ص.١٧-٢٧؛١٠٨

олмадилар, кузатилган ҳодисаларни шунчаки тиклаш, уларнинг тўғридан-тўғри сатирик жиҳатдан тавсифланиши билан чекланганлар.

Адабиётдаги эволюция, хусусан, XX аср араб адабиётидаги эволюцияни тўла ишонч билан эволюция асри деб ҳисоблаш мумкин[1]. Бу, биринчи навбатда, эстетик идрок ва воқеликни тафаккур қилиш тамойилларини янгилаш, типиклаштириш усулларини ва умуман, адабиётнинг структурасини, миллий анъанани ўзгартиришдир. Адабиёт ҳавосиз маконда, бошқа адабиётлар билан, у ерда бўлаётган жараёнлар билан боғлиқ бўлмаган ҳолда мавжуд бўлмайди. Назаримизда, адабиётнинг тузилишидан келиб чиқадиган ички ва ташқи (ижтимоий тараққиёт, фалсафий тизимлар, мафкуравий таълимотлар ва бошқалар) ўзгаришларнинг сабаблари ва шароитларини аниқлаш муҳимдир.

Тирик адабий жараён бирон-бир меъёрий эстетика талабларига жавоб бермайди. Бунда ҳамма нарса олдиндан тузилган режага мувофиқ жойлаштирилади. Шунинг учун адабиёт тараққиётининг дихотомик концепциясидан (реализм-антиреализм) қатъиян воз кечиш керак. Бунга кўра ўтмишдаги барча муҳим ҳодисалар реалистик деб эълон қилинди. Шу билан бирга, XX аср адабий жараёни ичидаги кўплаб ҳодисаларга нисбатан қатъий меъёрий талаблар қўйилди ва уларнинг аксарияти антиреализмнинг кўриниши сифатида кўриб чиқилди[2].

Биз адабий жараёнга таъсир кўрсатувчи икки омил ҳақида сўз юритдик. Агар замонавий араб адабиётига ўз манфаатимиз нуқтаи назаридан қарайдиган бўлсак, миллатлараро адабий мулоқотнинг шакл ва усуллари, унинг бир лаҳзали намоён бўлиши ва узоқ давом этадиган оқибатлари кўзга ташланмаслиги мумкин эмас. Бу ерда кўр-кўрона тақлид, қатъий танлов, оддий маълумот алмашиш (ҳар доим зарур ва фойдали) ва чуқур сингиб борувчи таъсир, ижодий тажрибанинг асл талқини ва адабий ҳодисаларга муносиб жавоб, дунё санъатида эришилган ютуқларни чинакам ўзлаштириш ва ўз эстетик принциплари, анъаналар ҳимоя қилинганлигини кўриш мумкин. Миллатлараро мулоқот жараёнида ғоявий ва эстетик бойиш муаммоларига мурожаат қилган ҳолда, биз илк бошдан адабиёт деб аталган нарсани бадиий тасвирнинг бутун бошли тизими ёрқин илгари суриладиган ҳамда янги адабий шакл ва жанрлар ишлаб чиқиладиган, янги ижодий методлар ривожлантириладиган бошқа мулоқот турларидан алоҳида ажратиб олишимиз лозим.

Тадқиқотчилар, одатда, араб мамлакатларида ёш миллий адабиётнинг шаклланиш жараёнини адабиётшуносликда илмий муомалага “Ан-Наҳда” уйғониш даври сифатида мустаҳкам кириб ўрнашган маданий ҳаётни жонлантириш даври билан боғлайдилар[3]. Айнан шу даврда Сурия адабиётида янги эстетик қарашлар ҳамда янги адабий йўналишлар шаклланди. Ан-Наҳдани маърифатпарварлик даври, Европа маърифатпарварлигига ўхшамаган, ўзига хос, аммо тарихий маънога тўла бўлган давр сифатида тавсифлашга имкон берадиган бир қатор характерли хусусият ва аломатлар мавжуд[4]. Суриядаги биринчи маърифатпарварлардан бири Франсис Марраш (1836–1873) эди; Суриядаги маърифатпарварлик йўналишида иш олиб борган тадқиқотчилар учун муҳим материал унинг “Тарози палласи” китобидан ўрин олган. Китобда мажозий шаклда, Сурия фольклори руҳида маърифатпарварлик ғояларини баён қилади.

---

[1] Kirpichenko V.N. Sovremennaya yegipetskaya proza. 60–70-e godi (Modern Egyptian prose). – M.: Nauka, 1986. – S. 153.

[2] Dolinina A. A. Ocherki istorii arabskoy literaturi novogo vremeni (Yegipet i Siriya) (Essays on the history of Arabic literature of modern times (Egypt and Syria). – M., 1973. – S. 114.

[3] حسام الخطيب، سبل المؤثرات الأجنبية وأشكالها في القصة السورية. دمشق١٩٧٤ص.١٣٧

[4] Dolinina A. A. Ocherki istorii arabskoy literaturi novogo vremeni (Yegipet i Siriya) (Essays on the history of Arabic literature of modern times (Egypt and Syria). – M., 1973. – S. 120.

Ижтимоий фикрни ривожлантириш учун публицист ва маърифатпарвар Абдураҳмон ал-Кавокибий (1849–1903) жуда кўп иш қилди. Адабий анъана изларини аниқ акс эттирган "Истибдоднинг табиати ва қулликка қарши кураш" китобида у Султон Абдулҳамид [1] ҳукмронлик даврини кескин қоралайди. XIX асрга қадар Сурия кейинги давр араб классикларининг анъаналарини сақлаб қолди: шеъриятдаги атайлаб мураккаблаштирилган услуб, шеърий қўшиқлар илова қилинган қофияланган наср, ўрта аср қўлёзмалари остида стилизацияси ва б. 1920 йил – француз мандати ўрнатилган йил Ғарбий Европа маданиятининг кириб бориши ҳолати кучайди[2].

Дамашқдаги Фанлар академиясининг ядросини ташкил этувчи, анъанавий араб адабиёти шаклларига амал қилишга чақирувчи, ўрта асрлар адабий ёдгорликларини ўрганган суриялик филолог-олимлар Муҳаммад Курд Али, Халил Марданбей (18951959), Бадриддин ал-Ҳамид, Салим ал-Жундий ва бошқа гуруҳларнинг фаолиятлари онгли реакция сифатида намоён бўлди.

1920-йилларда Сурияда анъанавий адабиёт ҳимоячилари билан бир қаторда ёзувчиларнинг янги авлоди пайдо бўлди, уларнинг кўпчилиги Европа мамлакатларида, аксарият ҳолларда Францияда таҳсил олишди. Ғарбий Европа адабиётини тарғиб қилар экан, улар ўзлари билан янги ғоялар ва жанрларни олиб келишган. Бироқ, уларнинг таъсири кейинги ўн йилликда сезила бошлади. XX асрнинг 20-йиллари суриялик ёзувчиларнинг услубларидан, уларнинг насрларининг публицистикасига оидлигидан воз кечиб [3], 30-йиллар янги авлод ёзувчилар қисқа ҳикоя жанрини такомиллаштирди, бадиий адабиётни ривожлантириш учун кўп иш қилди. Ушбу авлод ёзувчилари орасида биринчи ислом даври ҳақидаги бир қатор тарихий романлар муаллифи, Сейид ал-Қурайш (1929–1931) ва Умар ибн ал-Хаттоб (1936) деган илк ислом даври ҳақидаги тарихий романлар силсиласи муаллифи, Маъруф Аҳмад ал-Арнаутни (1892–1948) алоҳида ажратиб кўрсатиш мумкин.

Ал-Арнаут нафақат ёзувчи, балки йирик адабиёт назариётчиси ҳам эди. Унинг тил, услуб ва бадиий образлар тўғрисидаги мақолалари Шакиб ал-Жобирий (1818 йилда туғилган), Фуад аш-Шайб, Муҳаммад ан-Нажжар ва бошқалар каби ёзувчиларнинг шаклланишига катта ёрдам берган.

1925–1927-йиллардаги миллий қўзғолоннинг бостирилиши зиёлилар муҳитида умидсизликларга сабаб бўлган, кўплаб ёзувчиларнинг асарларида из қолдирган. Ўттизинчи йилларда, миллий озодлик кураши кескинлашган даврда адабиёт яна жанговар қуролга айланди. Шеърлари халқни иш ташлаш ва намойишларга чорлаган шоирлар пайдо бўлди. Хайруддин аз-Зиреклий, Муҳаммад ал-Бузий (1887–1955), Умар Абуриша каби шоирлар француз мустамлакачилигини қораловчи асарлар яратганлар [4]. Лирика юқори бадиийлик чўққисига чиқди. 1930-йилларнинг ўрталарига келиб, "Ат-Талиа" журнали атрофида бирлаштирилган янги йўналишда ижод қилган ёзувчиларнинг овозлари (Авангард, 1937 йил) Сурияда янада юксала бошлади. Журнал атрофида бирлашган ёзувчилар, жаҳон адабиётига оид кўплаб асарларни, шу қаторда таниқли намояндаларнинг асарларини арабчага таржима қилдилар.

---

[1] Dolinina A.A. Zametki o yegipetskoy literature novogo i noveyshego vremeni // Folklor i literatura Afriki (Notes on Egyptian literature of modern and recent times // Folklore and African literature). – M., 1970. – S. 24.

[2] Krimskiy A. Ye. Istoriya novoy arabskoy literaturi. XIX – nachalo XX veka (The history of the new Arabic literature. XIX - beginning of XX century). – M., 1971. – S. 403.

[3] Dolinina A. A. Ocherki istorii arabskoy literaturi novogo vremeni (Yegipet i Siriya) ((Essays on the history of Arabic literature of modern times (Egypt and Syria). – M., 1973. – S. 121.

[4] Luskiy V.B. Nasionalno-osvoboditelnaya voyna v Sirii (National Liberation War in Syria). – M., 1964. – S. 62.

Ана шу авлод ёзувчиларнинг саъй-ҳаракатлари туфайли новелла (ҳикоя) жанри шаклланди. Психологизмга, оддий одамнинг ички дунёсига эътиборни қаратган ҳикоя пайдо бўлди, сюжет тузилиши, композицион воситалар – пейзаж, ташқи портретни ўзлаштириш давом этмоқда, бир сўз билан айтганда, адабиёт буларсиз роман каби мураккаб шаклларга ўта олмайди.

Замонавий роман шаклланишининг илк босқичида (Сурияда бу босқич фақат XX асрнинг 20-йилларига тўғри келади), жанрнинг шаклланишига кўмак берган адабий манбалар, келиб чиқиши жиҳатдан ранг-баранг ва эстетик материаллар аниқ-равшан намоён бўлади. Сурияда роман жанрининг шаклланиши замонавий адабиётнинг пайдо бўлиши ва умуман, замонавий санъатнинг пайдо бўлиши билан боғлиқ ҳолда кечади. Буларнинг барчаси, маълум маънода, узоқ давом этган жараён – Суриянинг кенг дунё маданий алоқалари тизимига қўшилиши жараёнининг бир қисми эди. М. Бахтиннинг "жанр – бу санъатнинг хотираси" формуласи, аввалambор, жанр муаммоларига аниқ тарихий ва типологик ёндашишга йўналтирилган. У адабиётнинг муҳим хусусиятларидан бирини аниқлашга имкон берадиган энг муҳим нарсани ўз ичига олади – жанрлар узлуксиз ривожланиш ҳолатида бўлади, улар ҳаёт ўзгариши билан туғилиб, йўқ бўлиб кетади, бинобарин, бадиий асар мазмуни ҳам. Суриядаги адабий жараён бизга буни кўришга кўмак беради[1].

XX аср 30-йилларида йирик араб адибларининг деярли барчаси анъанавий Сира – пайғамбаримиз Муҳаммад (саллоллоҳу алайҳи ва саллам) ҳаётлари тасвири матнлари – Таҳа Хусайн (1889–1956), Тавфиқ ал-Ҳаким (1848) ва суриялик Маъруф ал-Арнаут (1892–1948), уч жилдли тарихий роман – "Саид ал-Курайш" (1929), икки жилдли роман – "Умар ибн ал-Хаттаб" ва "Фотима она" романларига мурожаат қилдилар. Аслида бу адибларнинг барчалари қадимги матнларни янги замон таълимотлари даражасида муаллиф сифатида қайта ишлаган ҳолда Сира ва ҳадисларни талқин қилишга уриндилар. Бундай тарихий романларни яратишга адибларнинг ўз мамлакатининг қаҳрамонона ўтмишини кўрсатиб бериш, қадимги даврлар араб жамиятининг манзарасини қайта яратиш саъй-ҳаракатлари рағбат бўлди. Тарихий роман жанрида асар яратган ёзувчилар озодлик учун кураш идеаллари ўз аксини топган халқ тарихи даврларига мурожаат қиладилар

Ҳар бир адабий давр ўзига хос жанр тизимини туғдиради. Жанрларнинг умумий манзарасида йирик санъаткорларнинг ижодий ютуқларида мустаҳкамланган даврнинг бадиий қиёфаси ҳам намоён бўлади.

Табиийки, маданий юксалиш ва Суриядаги маърифатпарварлик ва мустамлакага қарши ҳаракатларнинг ривожланиши шароитида очиқ-ойдин саргузаштли роман китобхонларнинг талабларини қондира олмаётган эди. Янги даврда тарихий роман жанрнинг шаклланиши жараёнида ҳал қилувчи роль ўйнашни давом эттириб, аввало, маърифатпарварлик ва ватанпарварлик вазифаларидан келиб чиққан юксак тарихийликнинг юқори даражаси билан тўлдирилган.

Ўз халқининг ва улуғвор ўғилларининг тарихини бадиий асарларда тирилтирар экан, ёзувчилар чет эл маънавий ҳукмронлигига қарши туришга, замондошларнинг ватанпарварлик туйғуларини тарбиялашга ва кескинлаштиришга ҳаракат қилдилар. Шундай қилиб, сюжет, тарихий воқеалар М. Арнаутнинг олдинги планига чиқди. У ўз романларининг бадиий шаклига унчалик аҳамият бермади. М. Арнаут жамиятнинг аристократик қатламлари ҳаётини тасвирлаган ва камдан-кам ҳолларда оддий одамлар ҳаётига мурожаат қилган. М. Арнаут романларининг айрим камчиликларига қарамай, улар ушбу жанрда ёзилган илк

[1] Veselovskiy A. Istoricheskaya poetika (Historical poetics). – M., 1990. – S. 181.

адабий тажрибалар ҳисобланган. А. А. Долинина таъкидлаганидек, насиҳатомуз элементлар маърифатпарварлик мавзусидаги асарларга хос муҳим аҳамият касб этади[1].

Сурия адабиётида романнависликнинг ривожланишида Шакиб ал-Жобирий (1912 йилда туғилган) алоҳида ўрин тутади. У ўзининг адабий фаолиятини 30-йилларда, Сурия Европа маданияти билан кўпроқ танишишни бошлаганида бошлаган. Шакиб ал-Жобирий ижодининг бошларида француз ва немис адабиётининг таъсири сезилади.

Шакиб ал-Жобирий ўз адабий фаолиятини "Очкўзлик" романидан бошлаган (1937). У ўзининг "Тақдир ҳазиллашмайди" деб номоланган иккинчи романини Иккинчи Жаҳон уруши арафасида, яъни 1939 йилда нашр этди. Адибнинг навбатдаги асари 1946 йилда ёзилган, "Камалак" романи эса 1961 йилда нашр этилади.

Агар М. Арнаут тарихни ўз романлари учун мавзу сифатида олган бўлса, Шакиб ал-Жобирий эътиборини ўз замондошларининг феъл-атворларига қаратади, уларнинг ички дунёсига кириб боришга, ўз қаҳрамонларининг ўзига хослигини очиб беришга интилади. Шуни таъкидлаш керакки, бу давр немис романтизмининг таъсири адабиётда сезилди.

"Романлар Ғарбий Европа адабиётлари ва миллий анъаналарининг охиригача ўзлаштирилмаган ўзаро боғлиқлик изларини акс эттиради. Бу фикрларнинг мавҳумлигида ҳам, бадиий гавдалантиришда ҳам ўз тасдиғини топади. Жанр шаклининг мўртлиги, жанрнинг хомлиги, хилма-хил адабий анъаналарнинг кучли таъсирини ҳали ўзлаштирмаганлиги жуда аниқдир"[2]. Таниқли шарқшунос Л. С. Гиунашвилининг форс романи ривожланишининг ўзига хос хусусиятлари ҳақидаги фикрлари Сурия насридаги жараён билан мутаносибдир.

Бадиий ва ғоявий маънода маълум муайян ривожланиш Ал-Жобирийнинг "Тақдир ҳазиллашмайди" ва "Камалак" роман-диологиясида сезилади. Гарчи ушбу икки романнинг асосий воқеалари Европада рўй берган бўлса ҳам, ёзувчи арабларга руҳан бегона бўлган "Очкўзлик" романида етарли бўлмаган қаҳрамонлар ва воқеаларга миллий бўёқ беришга интилган. Шунинг учун, ҳам баъзи араб адабиётшуносларининг фикрича, "Очкўзлик" асари унинг Эльза дастлаб ёқтириб қолган "эркин" (ноқонуний) ҳаёти ҳақида.

Романнинг иккинчи қисми уларнинг ўғли Муҳаммад Алига бағишланган. Эльза ўғли билан бирга Австриядаги бир қишлоққа кўчиб ўтади. Муҳаммад Али тиришқоқ бола бўлиб вояга этади, ўз устида кўп шуғулланади, ислом динини ўрганади. Онаси эса ўз эри ва унинг араб дўстларини унута олмайди. Шундан кейин Эльза ўғли билан Берлинга кўчиб кетади. У ерда унинг ўғли очликдан, ёмон овқатланиш туфайли сил касалига чалинади ва вафот этади, Эльза эса Гамбургга қайтади. Эльза бу ерда болаликдаги дўстини учратади. У раққосалик қилар эди. У Эльзани ўзи билан бирга ишлашга кўндиради ва шу тарзда Эльза Байрутга келади, у ерда ўзининг собиқ севгилиси Ала билан учрашиб қолади ва ўғлининг ўлими ҳақида унга сўзлаб беради. Кўриниб турганидек, асар Эльза ва Ала ўртасидаги романтик ва баъзан фожиали муносабатлар романнинг асосини ташкил этади. "ШаркҒарб" мавзуси ҳар доим араб ёзувчилари ижодида муҳим ўрин тутган. Ал-Жобирий қаҳрамонлар орасидаги мураккаб муносабатларни тасвирлар экан, Шарқ ва Ғарб дунёсининг ҳеч қачон бир бўлмаслиги, улар орасида муроса бўлмаслигига эътибор қаратди. Инсонлар характеридаги тафовутлар, фикрлаш тарзи, турмуш тарзи орасидаги фарқлиликлар оиладаги келишмовчилик, ихтилофларга сабаб бўлишини тасвирлайди.

[1] Dolinina A. A. Ocherki istorii arabskoy literaturi novogo vremeni (Yegipet i Siriya) (Essays on the history of Arabic literature of modern times (Egypt and Syria). – M., 1973. – S. 82.

[2] Giunashvili L.S. Problemi stanovleniya i razvitiya realizma v sovremennoy persidskoy proze (The problems of the formation and development of realism in modern Persian prose). – Tbilisi: Mesniereba, 1985. – S. 91.

Ала ва Эльза образлари муаллиф томонидан илиқлик ва лиризм билан ёзилган, баъзан бу сентименталликка айланиб кетган. Араб ёзувчилари, шу жумладан, Ал-Жобирий ўз ижодий услубларидаги романтик ва сентиментал хусусиятларни енгиб, реалистик роман сари йўл олдилар. Қаҳрамонларнинг ички дунёсига, уларнинг ҳис-туйғулари ва азоб-уқубатларига ҳаддан ташқари эътибор Ал-Жобирийга севги, никоҳ ва аёлларнинг жамиятдаги мавқеини янада чуқурроқ акс эттиришига тўсқинлик қилади. Ал-Жобирий романнинг мураккаб композицион шаклини ўзлаштирган ҳолда сюжетни моҳирона чизади. Роман воқеалари шундай изчил кетма-кетликда баён этиладики, ўқувчининг романга хос интригалар, муаммоларга бўлган қизиқиши сусаймайди[1].

Араб адабиётшуноси Умар ал-Даққоқ таъкидлаганидек: "Шакиб ал-Жобирий ўз маҳорати билан адабиётда катта роль ўйнаган. У ўз қаҳрамонларининг ички дунёсини очиб беришга қодир бўлган, уларнинг ўзига хос хусусиятларини чуқурроқ кўрсатиш ва таҳлил қилишга ҳаракат қилган. Сурияда бу ёзувчининг романлари пайдо бўлиши билан янги бадиий роман дунёга келди"[2]. Сурия адабиётининг янада юксалиши урушдан кейинги даврда адабиётга кириб келган ёш авлод ёзувчиларининг шаклланишига катта таъсир кўрсатган 1935 йилда "Ат-Талиа" журналининг пайдо бўлиши билан боғлиқ.

Шундай қилиб, Сурия адабиётида роман жанрининг пайдо бўлиши ва ривожланишини ўрганиш сирасида икки бир-биридан фарқли босқични ажратиш мумкин. Биринчи босқичда (20-йиллар ва 30-йилларнинг ўрталари) француз мандат режими шароитида миллий-озодлик ҳаракатининг кўтарилиши туфайли юзага келган, мамлакатдаги маданий кучларнинг бирлашиши рўй беради.

XX аср 40-йиллари ўрталарида Сурия жамиятининг янги, демократик онгини акс эттирувчи наср жанрлари интенсив шаклланади, замонавий Сурия адабиёти тарихининг иккинчи босқичи бошланади. Араб мамлакатларида таржима қилинган ва нашр этилган Ғарб реалистлари, шунингдек, россиялик ёзувчиларнинг асарлари таъсири остида араб адабиётида реалистик йўналишни шакллантирган кўплаб ёзувчиларнинг шахсиятлари шаклланди.

Сурия адабиётида халқнинг машаққатли ҳаёт шароитлари билан боғлиқ ижтимоий тенгсизлик, ишсизлик мавзулари юзага келади. Бадиий асарларда ижтимоий мавзуларни акс эттириш натижаси ўлароқ, шуни айтиш мумкинки, уларда жамиятдаги ўзининг ўрнини яхши англовчи ва ўз ҳуқуқларини ҳимоя қилувчи фаол қаҳрамон пайдо бўлди. Бу XX аср 40-йилларнинг охири ва 50-йилларнинг биринчи ярмида юз берди.

1950-йилларнинг ўрталарида, умуман араб адабиётида, хусусан, Сурия адабиётида "роман ҳукмронлиги" даври бошланади. "Бошқа жанрларнинг деярли барчаси озми-кўпми даражада романлаштирилади. Романнинг адабиётда мавжудлиги туфайли қатъий каноник жанрлардаги шартли тиллар жаранглай бошлади.

Бу билан бошқа адабий жанрлар ҳам "романлаштирилдими?" деган савол туғилади. Ушбу саволга қуйидагича жавоб бериш мумкин – роман жанрининг таъсирида янада пластикроқ, эркинроқ бўлиб борди, уларнинг тили диалектизмлар эвазига янгилана борди, кулги, истеҳзо, ва энг муҳими, ҳаёт билан алоқада бўлишга имкон берадиган баъзи бир семантик кемтиклик унинг ичига сингиб борди.

[1] Lamidze G.I. Problemi tvorcheskogo vzaimodeystviya nasionalnix literature (Problems of the creative interaction of national literatures). – M., 1961. – S. 61.

[2] عمر الدقاق الانواع الادبية في سوريا. دمشق، 1971، ص. 21

Ханна Минанинг асарлари ҳақида ўз даврида жуда кўп ёзишган. Романнавис адиб, жамоат арбоби Ханна Минанинг номи Нагиб Маҳфуз, Юсиф Идрис, Ҳусайн Муррув ва бошқаларнинг номлари билан бир қаторда араб дунёсида яхши маълум ва машҳурдир. Араб китобхони учун Сурия шаҳарлари – Лазиқия, Дамашқ, Ҳалаб аҳолиси билан танишиш кўп жиҳатдан Ханна Минанинг китоблари орқали юз беради, дейиш муболаға бўлмайди. Бундай ҳолат, шубҳасиз, ёзувчининг, танқиднинг зиммасига улкан масъулият юклайди. Танқид кенг омма эътиборига ҳавола этилган муаллифнинг китобларида ҳақиқат нақадар чуқур ёритилганлигини аниқлашга интилади.

Юқорида зикр этилганлардан келиб чиқиб, қуйидагиларни қайд этиш мумкин:

Сурияда замонавий адабиётнинг шаклланиш жараёни роман жанрининг пайдо бўлиши ва ривожланиши билан чамбарчас боғлиқ. Бунда XX асрда ижод қилган баъзи ёзувчилар анъанавий араб романи "Сира" тажрибасини янги талқинда қўллашга уринишган (Маъруф ал-Арнаут) бўлсалар, бошқалари Европа романнавислиги анъаналарига (Шакиб ал-Жобирий) кўпроқ эргашганлар.

XX аср 40-йилларининг ўрталаридан бошлаб Сурия замонавий адабиёти, шу жумладан, дунё тажрибаси таъсирида реал тенденцияларнинг кучайиши билан тавсифланадиган янги жанрнинг ривожланиш босқичи бошланади. Бу даврда Сурия адабиётида ижтимоий мавзуларга нисбатан алоҳида қизиқиш кучаяди, бадиий асарларда жамиятдаги ўрнини тан олувчи ва ўз ҳуқуқи учун курашувчи фаол қаҳрамон образи юзага келади. Шу нуқтаи назардан замонавий суриялик ёзувчи Ханна Минанинг ижоди ўзига хос воқеа ҳисобланади.

ГЕРОИ АРАБСКИХ ПЛЕМЕННЫХ СКАЗАНИЙ «АЙЙАМ АЛ-АРАБ»

МУТАЛОВА ГУЛНОРА

PhD (филологические науки), ТГИВ

Аннотация. *В истории изучения мирового эпоса арабский эпос долгое время оставался неизученным, а его специфика иногда была причиной того, что говорили о его отсутствии у арабов. До настоящего времени эпические образцы рассматривались в основном как источники, представляющие интерес лишь для ученых-историков и этнографов. Одним из уникальных образцов раннесредневекового эпического творчества арабов являются племенные предания, известные в арабистике как «Аййам ал-араб» («Дни арабов»). Это собрание устных, а позже письменно зафиксированных повествований является не только уникальным историческим памятником, но и ценным филологическим источником в самом широком его понимании.*

Данная статья посвящена изучению вопроса роли и места человека в доисламском обществе, его сущности и достоинств, положительных и отрицательных сторон, получивших художественное отображение в «Аййам ал-араб».

С этой целью были отобраны и проанализированы племенные сказания – «Дни», на основе которых были выявлены главные участники исторических событий – эпические герои, составлена их классификация, а также затронут вопрос прототипа литературных героев в арабской литературе и их влияния на формирование литературных типов на последующем этапе её развития.

Опорные слова и выражения: *племенные предания, «Аййам ал-араб», эпический герой, личность, характер героя, психологизм, прототип, литературный тип, персонаж, художественный портрет.*

Аннотация. *Жаҳон эпосини ўрганиш тарихида араб достони узоқ вақт ўрганилмай келган, унинг ўзига хос хусусиятлари эса, араблар достончилиги мавжуд эмас, деган тасаввурга сабаб бўлган. Бугунги кунга қадар эпик намуналар асосан тарихчи ва этнограф олимлар томонидан манба сифатида ўрганилиб келган. Арабларнинг илк ўрта асрларга оид эпик ижодининг энг ноёб намуналаридан бири – арабшуносликда "Аййам ал-араб" ("Араблар кунлари") номи билан машҳур бўлган қабилавий ривоятлардир. Аввал оғзаки ва кейинчалик ёзиб олинган бу ривоятлар тўплами нафақат ноёб тарихий ёдгорлик, балки кенг маънодаги қимматли филологик манба ҳисобланади.*

Ушбу мақола "Аййам ал-араб" ривоятларида ўз бадиий аксини топган исломдан олдинги жамият инсонининг роли ва ўрни, унинг моҳияти ва фазилатлари, ижобий ва салбий жиҳатлари масаласини ёритишга бағишланган.

Шу мақсадда бир қатор танлаб олинган "Кунлар" ривоятлари таҳлили асосида тарихий воқеаларнинг асосий иштирокчилари – эпик қаҳрамонлар аниқланди, уларнинг тавсифи ва таснифи тузилди, шунингдек, араб адабиётида бадиий қаҳрамонлар прототипи ва адабиётнинг кейинги тараққиёти босқичида адабий типларнинг шаклланишига унинг таъсири масаласи атрофлича ёритилди.

Таянч сўз ва иборалар: *қабила ривоятлари, "Аййам ал-араб", эпик қаҳрамон, шахсият, қаҳрамон характери, психологизм, прототип, адабий тип, персонаж, бадиий тасвир.*

поездида саёҳат” – «رحلة قطار كل يوم»[1] (“Риҳлату қитар кулли йавм”), Эдвар ал-Харратнинг “Вокзал 3” – «محطة السكة الحديدة (3) – »[2] (“Маҳаттат-ус-суккат-ил-ҳадид 3”), суриялик Жўрж Салимнинг “Поезд” – «القطار»[3] (“Ал-Қитар”)[4] ва бошқа адиблар ҳикояларида намоён бўлди. Мазкур ёзувчиларнинг ҳикояларида номаълум томонга кетаётган “поезд” орқали инсон ҳаёти, тақдири рамз сифатида акс этиб, инсон бу дунёда ёлғиз, унинг ҳар бир яшаган куни уни ўлимга яқинлаштиради ва унинг ҳаётида масъулият фақат ўзигагина тушади, бошқа ҳеч ким унинг ҳаёти учун масъул эмас каби экзистенциаллик ғоялари илгари сурилган. Фаластин ва иорданиялик Исо ан-Нурий (“Қилич гапирсин”, “Жанг майдонига қайтиш”, Юсуф Дамра “Вагонлар”, “Онамга етиб бормаган мактублар”) ҳамда Ҳусний Файриз (“Саросима фикрлар”) каби ёзувчилар ижодида мамлакатдаги сиёсий вазиятларни рамзий ифодалаш кузатилади. Ҳозирги кунда Тунисда истиқомат қилаётган фаластинлик адиб Тавфиқ Файад ижодида воқеликни рамзий ифодалаш алоҳида аҳамият касб этади. Тавфиқ Файаднинг “Яхшиликнинг онаси” – [5] «أم الخير» – (“Умм-ул-хайри”) ҳикоясида аёл – она Ватан тимсоли сифатида тасвирланган. Ҳикояда она – Фаластин, онанинг ўзини ҳам, оиласини ҳам чақиб ўлдирган илон эса унинг Ватанини босиб олган ёвуз кучларнинг рамзи сифатида ифодаланган. Лекин, илон чақса ҳам, аёл атрофдагиларнинг меҳр-муҳаббатидан яна оёққа туриб кетади. Бу орқали ёзувчи ватанни ёвуз душманлар қанчалик хароб қилмасин, бутунлай яксон қила олмаслиги, халқининг меҳр ва садоқати туфайли гуллаб-яшнаши каби кўтаринки ғояларни илгари суради. Мана шундай кўтаринки кайфият Маҳмуд ал-Вардонийнинг “Денгиз ёнида” – «أمام البحر» (“Амама-л-баҳри”) ҳикояси учун ҳам хосдир. Ёзувчи ҳикояда ортиқча тафсилотларсиз, фақат қаҳрамоннинг хатти-ҳаракатлари орқали унинг ҳолатини, ички кечинмаларини очиб беради. Ушбу ҳикоя тасвирида қаҳрамоннинг хатти-ҳаракатларида бегоналашишдан қутулиш, яқинларга, оилавий муносабатларга ташналик руҳи сезилиб туради.

Замонавий араб ёзувчилари мумтоз адабиётдаги ибратли ҳикоя (притча) ва масал жанрларининг рамзий-мажозий хусусиятларини сақлаган ҳолда, ўз даври учун долзарб бўлган ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий муаммоларни бадиий ифода этишда баъзи ёзувчилар модернистик усуллардан фойдаланиб, ўқувчиларни фикрлашга, мулоҳаза юритишга чорлайдилар. Жумладан, Миср адиби, Нобель мукофоти совриндори Нажиб Маҳфузнинг “Соябон остида” – «تحت المظلة»[6] (“Таҳта-л-мазалла”) ҳикоясида рамзий-мажозий, ҳикматомуз мазмун, жамиятнинг ижтимоий-сиёсий муаммолари ва маънавий тубанлашувининг сюрреалистик тасвири фонида акс эттирилган. Ҳикоянинг композицияси коллаж, фрагментарлик, кинокадр услубида бўлиб, ёзувчи воқеа-ҳодисалар тасвирини бир-бирига боғланмаган бир неча эпизодларда баён этади. Шунингдек, Нажиб Маҳфузнинг “Норвег

---

[1] ضياء الشرقاوي. رحلة قطار كل يوم. قصص.القاهرة. 1966 (Diya ash-Sharqoviy. Rihlatu qitar kulli yavmi. Qisas. Al-Qohira, 1966). [Diya ash-Sharkavi. "Journey in the train of everyday life. Short stories. Cairo. 1966.]

[2] ادوار الخراط. اختناقات العشق و الصبح. قصص. القاهرة. 1983. ص. 71-84. (Edwar al-Kharrat. Ixtinaqat-ul-ishqi va-s-subh. Qisas. – Al-Qohira, 1983. – S. 71–84.) [Edwar al-Kharrat. To be intoxicated by the love and the morning. Short stories. – Cairo, 1983. – P. 71–84.]

[3] جورج سالم. الرحيل. قصص. دمشق. 1970.ص.7 (Jurj Salim. Ar-rahil. Qisas. – Dimashq, 1970. – S. 7.) [George Salim. Departure. Short stories. – Damascus, 1976. – P. 15–26].

[4] Muxiddinova D.Z. Jo‘rj Salim hikoyalarida badiiy tafakkur evolyusiyasi (Evolution of artistic thinking in theshort stories of George Salim). filol. fil. nomz. disser. – T., 2008.

[5] توفيق فياض. الشارع الأصفر. مجموعة قصص. 1968. ص.62-70. (Tawfiq Fayad Ash-Shari-ul-asfar. 1968. – S. 62–70). [Tawfiq Fayad. Yellow street. 1968. – P. 62–70].

[6] نجيب محفوظ. تحت المظلة. قصص. القاهرة. 1967. (Najib Mahfuz. Taxta al-mazalla. Qisas. – Al-Qohira, 1967)

каламуши”, “Туш” ҳикоялари ҳам “ибратли ҳикоя” (притча) мазмунида бўлиб, Мисрнинг замонавий тарихи рамзлар орқали тасвирланган.

Масал жанри хусусиятларини давом эттириш XX аср араб адабиётида Абдурраззоқ ал-Ҳамуд, Адиб Аббос, Исҳоқ Мусо ал-Ҳусейний, Валид Ихлосий, Закария Тамер, Мунир Утейба каби ёзувчилар ижодида кузатилади. Суриялик адиб Валид Ихлосийнинг “Пашша”[1] – «ذبابة» (“Зубаба”) ҳикоясида масал жанридаги ҳайвон, ҳашаротлар тимсолида мажозий-рамзий маънони ифодалаш имконидан унумли фойдаланишга ҳаракат қилади. Мисрлик ёзувчи Мунир Утейбанинг “Тун қироли” – [2]«ملك الليل» (“Малик-ул-лайл”) ҳикоясида эса ит ва бўри тимсолида эзгулик ва ёвузлик ўртасидаги ашаддий кураш каби азалий, умумбашарий муаммолар мажозий равишда акс эттирилган. Унда бутун башариятни қийнаб келаётган терроризм бўри тимсолида ифода этилган. Иорданиялик замонавий ёзувчи Илёс Фаркуҳнинг “Ким денгизни ишғол қилади?” – [3]«من يحرث البحر؟» (“Ман йаҳрус-ул-баҳр?”) ҳикоясида эртак жанрига хос хусусиятлар кўзга ташланади. Ҳикоя бош қаҳрамони бўлган қизнинг йигитни тушида кўриб севиб қолиши, ўша севгилисини ўз хаёлларига кўчириши эртакка хос мотивдир. Ҳикояда қизнинг хаёлий севгиси орқали тасаввуф ғоялари илгари сурилган. Эртакона хусусиятлар Закария Тамер ижодида “Қуш”, “Кичкина қалб”, “Ранда” ва бошқа шу каби ҳикояларида кузатилади.

Замонавий араб ҳикоячилигида “риҳла” (“саёҳатнома”) жанри, мумтоз бадиий санъатлардан фойдаланиш ҳам кузатилади. Жумладан, ироқлик ёзувчи Абдураҳмон Мажид ар-Рубейъийнинг “Сув сири” – [4]«سر الماء» (“Сирр-ул-ма’”) ҳикоясида бош қаҳрамон социологнинг Ироқнинг чекка ҳудудларига сафари, ботқоқликда яшайдиган ироқликларнинг ҳаёти, уларнинг урф-одатлари ҳақидаги баёнида саёҳатнома жанри, бадавий шоир “Бусайнанинг Жамили”[5] қасидасидан келтирилган парчада эса “ирсол ул-масал” бадиий санъати намоён бўлган.

XX асрнинг иккинчи ярми ва охирларида замонавий араб насрида, хусусан, ҳикоянависликда мифологик образ ва сюжетларга мурожаат этиш кучайди. Уларда мифларга эркин ижодий ёндашув орқали кўпинча экзистенциалик ғоялар ифода этилган. Замонавий Миср ва Машриқ араб мамлакатлари адабиётида Нажиб Маҳфуз, Юсуф Идрис, Дийа аш-Шарқовий, Жўрж Салим, Мунир Утейба, Закария Тамер, Абдураҳмон Мажид ар-Рубейъий, Муҳаммад Шаълон, Илёс Фаркуҳ, Валид Ихлосий, Муҳаммад Иброҳим ал-Ҳож Солиҳ ва бошқа бир

---

[1].95-81 .ص .1968 .حلب – .مجموعة قصص .دماء في الصبح الأغبر .وليد اخلاصي (Valid Ixlasi. Dima’I fis-subh-il-ag’bar. Majmuatu qisas. – Halab, 1968. – S. 95–81) [Valid Ikhlasi. Blood in the morning of Dawn. Short story. – Aleppo, 1968. – P. 95–81]

[2].18-16 .ص .2002 .القاهرة .قصص .حكايات البيباني .منير عتيبة

(Munir Utayba. Hikayat-ul-Baybani. Qisas. – Al-Qohira, 2002. – S. 16–18) [Mounir Utayba. Short stories of Baybani. Short story. – Cairo, 2002. – P. 16–18]

[3].20-13 .ص .1986 .عمان – .قصص .من يحرس البحر؟ .فركوح إلياس (Ilyas Farkuh. Man yahrus-ul-bahr? Qisas. – ‘Amman, 1986. – S. 13–20) [Ilyas Farkoh. Who will occupy the sea? Short story. – Amman, 1986. – P. 13–20]

[4].126-113 .ص .1993 .تونس – .قصصية .مختارات .سر الماء .عبد الرحمان مجيد الربيعي

(‘Abdurahman Majid ar-Rubi’iy. Sir-ul ma’i. Muxtaratu qisasaiya. – Tunis, 1993. – S. 113–126) [Abdul Rahman Majeed al- Rubaie. The secret of water. Selected stories. – Tunis, 1993. – P. 113–126]

[5] Buseynaning Jamili – asli ismi Jamil ibn Abdulloh ibn Maamar bo‘lib 660-701 yillarda yashagan taniqli badaviy shoir. Jamil o‘z sevgilisi Buseynaga atab qasidalar yozadi, natijada “Jamil Buseyna”, ya’ni Buseynaning Jamili laqabini oladi. Jamil va Buseyna orasidagi muhabbat keyinchalik arab xalqi orasida afsonaga aylangan. (Buseyn Jamili is a well-known Bedouin poet whose original name was Jamil ibn Abdullah ibn Maamar, who lived in 660–701 years. Jamil writes Qasidas to his lover Buseynah, as a result of which he received the nickname" Jamil Buseynah", that is, Buseynah of Jamil. The love between Jamil and Buseyna later became a legend among the Arab people).

қатор ёзувчилар мифологик сюжет ва образларга ижодий ёндашув натижасида таг маъноларга эга мураккаб услубдаги асарларини яратдилар.

Жаҳон адабиётида грек мифологиясига мурожаат этиш (француз, араб, ўзбек ва б.) жуда кўп кузатиладиган бадиий ҳодисадир. Айниқса, Сизиф ҳақидаги мифга кўпроқ эътибор қаратилади. Замонавий Миср ёзувчиларидан Дийа аш-Шарқовий "Боғ"[1] – «الحديقة» ("Ал-Ҳадиқа") ҳикоясида реал воқеликни тасвирлаб, Сизиф образини Миср деҳқони образига кўчиради. Француз адиби Албер Камюнинг "Сизиф ҳақида миф" фалсафий рисоласидан фарқли равишда, ёзувчи деҳқоннинг оғир меҳнати, унинг натижага бўлган тинимсиз интилишининг бесамар кетмаслиги, охир-оқибат унинг боғ ярата олиши қадимги Миср мифологик образи, яратувчилик ва ҳосилдорлик маъбуди Осирисга ишора қилиш, шарқона дунёқараш орқали акс эттиради. Суриялик ёзувчи Жўрж Салимнинг "Қалъа" – «الحصن»[2] ("Ал-Ҳасн") ҳикояси сюжетида грек мифининг янгича талқинини кузатиш мумкин. Албер Камюнинг талқинидан фарқли ўлароқ, Жўрж Салим ҳикоясида жазо ижроси шарқона ҳал этилади, яъни бунинг учун қаҳрамон комиллика эришиши, покланиши лозимлиги таъкидланади[3].

Замонавий араб ёзувчилари ижодида қадимий Шарқ халқлари мифологиясига мурожаат этиш ҳам кузатилади. Миср адиби Юсуф Идриснинг "Ҳаммол"[4] ҳикояси шулар жумласидандир. Юсуф Идрис мазкур ҳикояда ҳаммол образини очиш мақсадида қадимги Миср мифологик образларидан Птах Ра[5] образидан фойдаланади. Ҳикояда миллион йиллардан бери унга озодлик берилса-да, ҳаттоки унга ўзи кўтариб юрган тахт совға қилинса-да, тахтни ерга қўймасдан кўтариб юрган ҳаммол образи тасвирланган. Мазкур ҳикояда муаллиф магик реализмдан, яъни реал воқелик таркибида ғайритабиий, фантастик воқеликни акс эттириш, тарих, ҳозир ва келажакни биргина рамзий образ – ҳаммол орқали ифода этиш усулидан фойдаланган. Ҳикояда Библиядаги Мусо пайғамбарининг халқига аталган ерга олиб бориш учун ўз халқини қирқ йил давомида қувғинликдан ва қулликдан озод қилиш мақсадида чеккан азоблари сингдирилгандек гўё. Шунингдек, Мунир Утейбанинг "Кишилар онаси" – ام «الرجال» ("Умму-р-рижал"), "Тун қироли" – «ملك الليل»[6][7] ("Малик-ул-лайл") каби ҳикояларида антропологик миф мавзуларидан эзгулик ва ёвузлик ўртасидаги азалий кураш мистик кўринишда акс эттирилган.

Замонавий араб ҳикоячилигида муқаддас диний китобларга, улардаги қиссалар, ривоятларга янгича ижодий ёндашган ҳолда мурожаат этиш кузатилади. Замонавий араб ёзувчилари

---

[1] ضياء الشرقاوي. الحديقة. قصص. القاهرة. 1976.
(Diya' ash-Sharqaviy. Al-Hadiqa. Qisas. – Al- Qohira, 1976) [Diya ash-Sharqawi. Garden. Short story. – Cairo, 1976]

[2] جورج سالم. حكاية الظمأ القديم. قصص. – دمشق 1976.– ص. 36-27
(Jurj Salim. Hikayat-uz-zimail-qadim. Qisas. – Dimashq, 1976. – S. 15–26) [George Salim. The story of ancient thirst. Short stories. – Damascus, 1976. – P.15–26]

[3] Zamonaviy o'zbek adabiyotida Sizif obraziga murojaat Ulug'bek Hamdamning "Lola", "Ko'nglimdagi daryo" hikoyalari, Xurshid Do'stmuhammadning "Donishmand Sizif" romanlarida kuzatiladi (In modern Uzbek literature, reference to the image of Phoenix is observed in the novels by Ulugbek Hamdam "Lola", "The River In My Heart", "Wise Phoenix"by Khurshid Dostmuhammad).

[4] Идрис Ю. Носильщик /Современный египетский рассказ (Porter /Modern Egyptian short story)/ – М.: Наука, 1988. – С. 65–69.

[5] Ptax Ra – qadimgi Misr mifologiyasiga ko'ra, Memfis shahrining Xudosi. Memfis kohinlarining fikricha, Ptax dunyoni va undagi barcha narsani yaratgan (Ptah Ra – is the God of Memphis, according to the mythology of ancient Egypt. Due to the priests of Memphis, Ptah created the world and everything in it).

[6] منير عتيبة. حكايات البيباني. قصص. القاهرة. 2002. ص. 21-25.
(Munir Utayba. Hikayat-ul-Baybani. Qisas. – Al-Qohira, 2002. – S. 16–18) [Mounir Utayba. Stories of Baybani. Short story. – Cairo, 2002. – P. 16–18]

[7] Ibid. – S. 16–18.

пайғамбарлар (Иброҳим, Юсуф, Исо ва б.) ҳаёти билан боғлиқ воқеа-ҳодисаларни асарларида “талмеҳ”, “ирсол-ул-масал” санъатларини қўллаган ҳолда ифодаладилар. Бу турдаги асарларда ижодкорларнинг икки хил ёндашувларини кузатиш мумкин, бири пайғамбарлар ҳаётидаги бирон-бир воқеани асар мазмунига сингдириб юбориш, иккинчиси, асарда архетип образларни акс эттириш. Жумладан, Жўрж Салимнинг “Қонлар” – «الدماء»[1] (“Ад-Дима’”) ҳикоясига диний манбаларда келтирилган Иброҳим пайғамбар ва унинг ўғлининг иймонини синаш учун ўғлини қурбон қилиши кераклиги ҳақидаги воқеа асос қилиб олинган. Ҳикоя бош қаҳрамони Иброҳим архетип образ. Ҳикояда сирли овоз билан Иброҳим ўртасидаги диалогларда диний манбалардаги Иброҳим пайғамбар ҳаёти билан боғлиқ воқеаларга ишора қилинади. Шунингдек, Закария Тамернинг “Гўзал Юсуф” ҳикоясида пайғамбар Юсуф ҳақидаги қисса ҳикоя сюжетига сингдирилган, яъни, жамиятнинг камбағал қатлами болалари ўзига тўқ оиладан чиққан бегуноҳ ўртоқларини, худди диний манбаларда келтирилган Юсуф пайғамбар ҳаётида бўлганидек, ҳасад қилиб сувда чўктириб юборишлари тасвирланган. Бунга ёзувчи фақат асар сарлавҳасида ишора қилади. Мисрлик ёзувчи Муҳаммад Шаълоннинг “Чақмоқ”[2] – «الومضة» (“Ал-Вамда”) ҳикоясида “талмеҳ” санъати орқали (“У ўзига-ўзи бу молу дунё, на болалар ёрдам берадиган кун деб айтади”, ибораси орқали Қуръони Каримнинг “Наба”, “Назиат”, “Абаса”, “Таквир”, “Инфитор”, “Мутаффифун”, “Иншиқоқ”, “Буруж”, “Ториқ” ва “Қиёмат”) суралари оятларига ишора қилади. “Чақмоқ” ҳикоясининг сюжети онг оқимига қурилган бўлиб, туш, галлюцинация каби бадиий ифода воситалари орқали ҳикоянинг мазмун-моҳияти, қаҳрамоннинг руҳий ҳолатлари очиб берилади. Ёзувчилар ижодида муқаддас диний китобларда келтирилган жаннат васфи, жаннат боғларининг тасвирлари, охират, бу дунёнинг ўткинчилиги тўғрисидаги хабарларга ҳам ижодий ёндашув кузатилади. Ушбу масала бўйича араб ёзувчиси Жўрж Салимнинг бир қатор ҳикояларини мисол келтириш мумкин. Жўрж “Фирдавс” – «الفردوس»[3] (“Ал-Фирдавс”) ҳикоясида[4] реал, кундалик воқелик таркибига ғайритабиий, фантастик воқеликни бириктиради. Ҳикояда ҳам реал манзараларни васф этувчи матнга боғ тимсолида жаннат тасвири киритилиб, афсонавий гўзаллик муҳити яратилади. Бу муҳит ҳикоя сарлавҳаси билан боғланиб, мотивацион яхлитлик яратади ва композицион бутунликни таъминлайди. Ёзувчи мазмуний мақсадни ном даражасига кўтариб, инсон тақдири, умри, охирати, бу дунёнинг ўткинчилиги ҳақида диний-фалсафий фикрларни баён этади ва инсон такомиллашувини жаннат билан боғлайди.

Замонавий араб ёзувчилари ижодида ҳикоя жанри турли шаклларда учрайди, жумладан, “узун ҳикоя” – «قصة طويلة» (“қиссатун тавилатун”), “қисқа ҳикоя” – «قصة قصيرة» (“қиссатун

---

[1] 53-58 .ص .1976 .دمشق .قصص .حكاية الظمأ القديم .جورج سالم (Jurj Salim. Hikayat-uz-zimail-qadim. Qisas. – Dimashq, 1976. – S. 53–58) [George Salim. The story of ancient thirst. Short stories. – Damascus, 1976. – P. 53–58]

[2] محمد شعلان. الومضة. قصص قصيرة. القاهرة. 2002. ص. 7-10.

(Muhammad Sha’lan. Al-Wamda. Qisas qasira. – Al-Qohira, 2002. – S. 7–10) [Mokhammad Sha’lan. Lighetning. Short stories. – Cairo, 2002. – P. 7–10]

[3] جورج سالم. حكاية الظمأ القديم. قصص. دمشق. 1976. ص. 59-66.

(Jurj Salim. Hikayat-uz-zimail-qadim. Qisas. – Dimashq, 1976. – S. 59–66) [George Salim. The story of ancient thirst. Short stories. – Damascus, 1976. – P. 59–66]

[4] Shu o‘rinda Jo‘rj Salimning “Firdavs” hikoyasi o‘zbek adibi Isojon Sultonning “Bog‘i Eram” hikoyasi bilan hamohangdir. Har ikki adibning hikoyalari mazmun-mohiyati, ko‘tarilgan g‘oya, syujet, kompozisiya, ramziy obrazlar tizimi jihatidan o‘xshashliklar borligi aniqlangan (The short story of George Salim "Firdavs "is in line with the short story of the Uzbek writer Isojon Sultan" Garden of Eram". It is established that the short stories of both writers have similarities in terms of content, raised idea, plot, composition, system of symbolic images)

қасиратун”) ва “энг қисқа ҳикоя” – «قصة قصيرة جدا» (“қиссатун қасиратун жиддан”) шакллари[1] мавжуд бўлиб, араб ёзувчилари мазкур кичик эпик жанрнинг бой имкониятларини кенг намоён этиб бормоқдалар. «قصة طويلة» – “узун ҳикоя” шаклида Ғада ас-Самман, Жамол ал-Ғитоний, Муҳсин Юсуф, Валид Ихлосий, Аҳмад Абдулла Митвалий, Абдураҳмон Мажид ар-Рубейъий, Фуад ат-Текерли ва бошқа кўплаб ёзувчилар ижод қилиб келмоқдалар. Уларга марказига қўйилган масалани кенгроқ ва батафсилроқ тасвирлаш, инсон руҳиятини, унинг ички оламини, ҳаттоки ўзига ҳам маълум бўлиб-бўлмаган ўй-кечинмаларни, онг оқимини очиш, тафтиш этиш, характернинг маълум бир воқелик тизимида турли тобланишларини акс эттириш хосдир. Замонавий араб адабиётидаги “узун” ҳикояларнинг “повесть” жанридан фарқи асардаги асосий қаҳрамон ҳаётида юз берган воқеанинг яхлит ҳолатда тасвирланиши, асар персонажларининг жуда чегараланган бўлиши билан тавсифланади. Бу борада мисрлик ёзувчи Аҳмад Абдулла Митвалийнинг “Чироқ” – [2]«السراج» (“Ас-Сирож”) ҳикояси диққатга сазовордир. Ҳикоя инсон руҳиятининг кенг кўламдаги тасвирига бағишланган. Унда ўрта ҳол кишининг вақти келиб нафақага чиқиши, бундай вазиятдаги инсоннинг руҳий ҳолати, унда ёлғизланиб қолиш туйғуларининг шаклланиши кабилар тасвирланган. Ҳикояда онг оқими билан бир қаторда, коллаж, кинокадр каби замонавий бадиий усуллар истифода этилган. Шу жиҳатдан қараганда, ҳикоянинг сюжет ва композицияси ўзига хос услубда қурилган. Унда қаҳрамоннинг бир-бирига боғланмаган хотиралари, ҳиссий кечинмалари, воқеа-ҳодисалар кинокадрдек бирма-бир тасвирланади. Ҳар бир кадр алоҳида эпизод сифатида боғланган, аммо уларнинг барчаси нафақага чиқиб, ҳаётда ўз мавқеини йўқотган одамлар қиссаси яхлит тарзда очиб берилган.

Шунингдек, мисрлик адиб Жамол ал-Ғитонийнинг аксарият узун ҳикоялари тақдир ҳукмидан азият чекаётган қаҳрамон ҳаётини тарихий воқеалар жараёни фонида кўрсатиши билан ажралиб туради. Унинг ижодида йигирмага яқин ҳикоялари тарихий мавзуларга бағишланган. Адибнинг “Мўғуллар” – «мўғулларнинг Марказий ояси) ҳик”Мўғул-л“А» ([3]المغول) Осиёга қилган юришига бағишланган. Ҳикоянинг услуби мураккаб, тасвир равон ва изчил эмас. Ёзувчи онг оқими, “ҳикоя ичида ҳикоя” каби анъанавий ва янги услублардан, Қуръон оятларига ишоралардан фойдаланиб тарихий ҳикоя яратган. Мўғулларнинг Марказий Осиёга юриши, шу жумладан, Ўтрор билан боғлиқ тарихий воқеалар ҳақида Миркарим Осимнинг (1907–1984) “Ўтрор”[4] номли тарихий қиссаси ҳам мавжуд.

XX асрнинг охирларига келиб замонавий араб адабиётида ҳикоянинг «قصة قصيرة جدا» (“қиссатун қасиратун жиддан”) “энг қисқа ҳикоя” шакли жаҳон адабиётидаги каби кенг оммалашди. Гарчи, бундай ҳикоя шакли XX аср ҳикоянависларининг (хусусан, араб адабиётида[5])

---

[1] Hikoya janriga berilgan mazkur atamalarni keltirishda arab adabiyotshunoslari Abdulloh Axmad, Buali Yasin, Nabil Sulayman, Sayyid Hamid an-Nassaj, Saloh as-Sarviy, Dalal Xuseynlarning qarashlariga tayanildi (In citing these terms given to the genre of the story, the views of Arab literary critics such as Abdullah Akhmad, Buali Yasin, Nabil Sulayman, Sayyid Hamid an-Nassaj, Salah as-selv, Dalal Huseyn were relied on)

[2] جورج سالم. حكاية الظمأ القديم. قصص. دمشق. 1976. ص. 160–183. (Jurj Salim. Hikayat-uz-zimail-qadim. Qisas. – Dimashq, 1976. – S. 160–183) [George Salim. The story of ancient thirst. Short stories. – Damascus, 1976. – P. 160–183]

[3] جمال الغيطاني. الأعمال القصصية. المجلد الثاني. القاهرة. 1991. ص. 91-125.
(Jamal al-G’itaniy. Al-A’mal-ul-qisasiya. Al-mujallid-us-saniy. – Al-Qohira, 1991. – S. 91–125) [Gamal al-Gitani. Selected short stories. Second set. – Cairo, 1991. – P. 91–125]

[4] Osim M. O‘tror. Tarixiy povest. – T.: O‘zdavnashr, 1947. – B. 49.

[5] O‘rta asr arab adiblari Abu Usmon Amr ibn Baxr al-Johiz (jumladan, *“Ziqnalar”) ("البخلاء")*, Abu Xayan at-Tavhidiy (*“Masallar to‘plami”) ("مجمع الأمثال")*da va boshqa adiblarning ijodida mana shunday kichik hajmli hikoyalar yaratilganligi kuzatiladi. Ayniqsa, mumtoz arab adabiyotida keng tarqalgan latifa xususiyatiga ega bo‘lgan eng kichik

кашфиёти бўлмаса ҳам, эски анъаналар янгитдан қайта тикланди. Ҳикоянинг мазкур шаклига муқобил термин берилиши бўйича ўзбек адабиётшунослигида аниқ тўхтамга келинмаган бўлса-да, “энг қисқа ҳикоя”, “шингил ҳикоя”, “япроқ ҳикоя”, “фиқра”, “митти ҳикоя”, “жажжи ҳикоя” каби терминлар ҳам истеъмолдалигини инкор этиб бўлмайди. Юқорида таъкидланганидек, тадқиқотимизда “энг қисқа ҳикоя”[1] термини танлаб олинди.

Жаҳон адабиётида (инглиз адабиётида “very short story” (сўзма-сўз таржимаси “жуда қисқа ҳикоя”) ёки “short short story” (“қисқагина ҳикоя”), рус адабиётида “очень короткий рассказ” (“жуда қисқа ҳикоя”), форс адабиётида “достанак” (“ҳикояча”), япон адабиётида “кафтдек ҳикоя”, турк адабиётида “минимал ҳикоя” (“кичик ҳикоя”) ва ҳ.к.) бу шаклдаги ҳикоянинг кенг кўламда оммалашувига ижод эркинлиги, ёзувчиларнинг воқеа-ҳодисаларга субъектив ёндашуви ҳамда глобаллашув жараёнида катта ҳажмли асарларга нисбатан кичик ҳажмли асарларга бўлган талабнинг кучайиши каби омиллар сабаб бўлди.

Замонавий араб адабиётида Нажиб Маҳфуз, Мунир Утейба, Иззат ал-Қамаҳавий, Маҳмуд ал-Вардоний (Миср), Жуброн Халил Жуброн (Ливан), Закария Тамер, Аъбир Холид Яҳё, Ҳийма ал-Муфтий (Сурия), Бусайна ан-Носирий, Аҳмад Иброҳим (Ироқ), Фарруқ Мавосий, Маҳмуд Шуқейр (Фаластин), Юсуф Дамра (Иордания) ва бошқа ёзувчилар ҳикоянинг мазкур турида ижод қилмоқдалар. Ушбу шакл ҳажм жиҳатдан ўзгаришларга учраган, айрим ҳикоялар бир нечта жумладан икки саҳифагача ҳажмни ташкил этса, бошқалари эса, шеърий шаклда баён этилган.

“Энг қисқа ҳикоя”да воқеа-ҳодиса, ғоя ва фикрлар зичлашади, бундай ҳикояларга мавҳумлик, матн билан ўйин, тўғри маънодан қочиш, кутилмаган ечим, эртакнамолик, фалсафийлик, рамзийлик каби хусусиятлар хос бўлиб, бадиий сўз ниҳоятда катта аҳамият касб этади. “Энг қисқа ҳикоя”нинг мавзулар доираси кенг бўлиб, фалсафий-мажозий, маиший-ахлоқий ва ижтимоий мазмун касб этади, шу билан бирга, ибратли ҳикоя (притча) жанрига яқин баён хусусиятлари кузатилади. Фалсафий-мажозий мазмун суриялик Аъбир Холид Яҳёнинг “Жамланмалар”, “Қисқарув”, “Меъёр” номли ҳикояларида, ибратли ҳикоя (притча) мазмунида эса ливанлик Жуброн Халил Жуброннинг “Дур”, “Тулки”, фаластин-иорданиялик ёзувчи Фарук Мавосийнинг “Фил ва Азроил”, мисрлик Иззат ал-Қамаҳавийнинг “Унинг унвони тасвири: Мен подшоҳман” каби бир қатор ҳикояларида кузатилади.

Фалсафий-мажозий мазмундаги ҳикояларда мифларга ижодий ёндашув кузатилиб, уларда ахлоқий-маънавий масалалар акс этган. Жумладан, мисрлик ёзувчи Мунир Утайбанинг бир бетлик “Огоҳлантириш” – ”Вишну“) номли ҳикоясида ҳинд халқининг ”Инзар-л“А(الإنذار[2] маъбуди ҳақидаги мифига ижодий ёндашув кузатилади. Унинг сюжетига интертекстуаллик хос бўлиб, ҳикоя бошида ҳинд мифологияси келтирилади, лекин ёзувчининг қаламига мансуб “афсона” эса ҳикоя сюжетининг кейинги тизимида кўзга ташланади.

Мисрлик Нажиб Маҳфузнинг “Қирғоқда”, “Оппоқ”, “Сенда қадимий ҳикоя бор”, ироқлик Бусайна ан-Носирийнинг “Сўз”, Аҳмад Иброҳимнинг “Битта жумла”, суриялик Ҳийма ал-Муфтийнинг “Аниқ нусха”, “Ҳимоя”, Закария Тамернинг “Момақалдироқ”, фаластин-иорда-

---

hikoya bo‘lgan *“navadir”* shakl, mazmun va g‘oya jihatdan “eng qisqa hikoya”ga o‘xshashdir (It is observe that in the works of Medieval Arabic writers as Abu Usman Amr ibn Bahr al-Jahiz ("The Misers") ("البخلاء"), Abu Khayan at-Al-Azadiyy ("Collection of parables" ("مجمع الأمضال") and other writers such small short stories have been created. Especially common in classical Arabic literature is the "navadir", which is the smallest story that has the characteristic of anecdote, in terms of form, content and idea is similar to the "shortest short story")

[1] Dunyo adabiyotidagi eng qisqa hikoyalar (The shortest short stories in the world literature).

[2] منير عتيبة. حكايات البيباني. قصص. القاهرة. 2002. ص. 49. [Mounir Utaiba. The tales of the babbani. Stories. – Cairo, 2002. – P. 49.]

ниялик Маҳмуд Шуқейрнинг “Тегирмон”, “Автобус”, Юсуф Дамранинг “Бошлар” каби энг қисқа жажжи ҳикоялари ижтимоий мавзуларга бағишланган бўлиб, ҳаёт ташвишларию, қувончлари гирдобида қолган инсоннинг руҳий ҳолати, ҳис-кечинмалари, ўй-фикрлари рамзий-мажозий услубда баён этилган. Уларнинг айримларида рамзийлик, сюрреалистик тасвир ва киноя кучли, жумладан, иорданиялик Юсуф Дамранинг “Бошлар” –«الرؤوس» (“Ар-Руус”) ҳикояси модернистик услубда ёзилган энг қисқа ҳикоянинг ёрқин намунасидир[1]. Ҳикояда одам бошларининг ерда думалаши, таналарнинг эса бошсиз юриши каби сюрреалистик тасвирлар орқали киноявий тарзда жамиятнинг маънавий тубан инсонлари қиёфасини акс эттирган.

Маиший-ахлоқий мавзуларга бағишланган энг қисқа ҳикояларда оилавий муносабатлар, эркак ва аёл ўртасидаги муносабатлар тасвирланиб, қисқа ва лўнда жумлалар замирида катта маънолар мужассам этилган. Бу ҳикояларда ҳам маиший-ахлоқий мавзуларни ёритишда тагмаънолиликдан кенг фойдаланилган. Мисрлик адиб Иззат ал-Қамаҳавийнинг тасвирлари шулар жумласидандир.

تصويرة عادية

»نظر فنظرت، تبسم فسرت، حيا فردت.

قال: أنت أجمل أنثي في العالم.

قالت: أنت أوسم من رأيت.

طلبها فوافقت.

كان ميسور الحال، أغدق عليها من حلاله و من حرامه. و فجأة انفصلا.. كانت حياتهما تسير كالمعتاد، فقط كانا توقفا عن الكذب.»[2]

Оддий тасвир.

«У (эркак) назар ташлади ва у (аёл) ҳам назар ташлади. У табассум қилди ва у хурсанд бўлди, у саломлашди ва у жавоб қайтарди.

У (эркак)айтди: Сен дунёдаги энг гўзал аёлсан.

У (аёл)деди: Сен мен кўрганларимнинг энг кўркамлисисан.

У (эркак) унинг қўлини сўради ва у (аёл) унга рози бўлди.

Омадли ҳолат бўлди. У уни ўз жуфти ҳалолига олди ва унга ўз ҳарамидан жой берди. Кутилмаганда ажралишди. Уларнинг ҳаёти одатдагидек давом этди, фақат улар алдашдан тўхтадилар».

Миср ёзувчиси Ал-Қамаҳавий мазкур ҳикоясида аёл ва эркак ўртасидаги муносабатларни ҳикоя ечимидаги «фақат улар алдашдан тўхтадилар» жумласи орқали бу муносабатларнинг носамимийлиги, ҳақиқий меҳр-муҳаббатга асосланмаганлиги, фақат инсон табиатидаги шаҳвоний, ўткинчи туйғуларга қурилганлигини акс эттирган.

Хулоса. XX асрнинг иккинчи ярми Миср ва Машриқ мамлакатлари ҳикоячилигида янгиланиш тамойиллари асосий икки омил асосида шаклланди. Биринчиси, ички омил, яъни араб–исроил урушида арабларнинг мағлубияти, араб мамлакатларидаги турли низо ва қарама-қаршиликлар, воқеликка нисабтан танқидий қарашнинг кучайиши, араб ёзувчилари дунёқарашининг ўзгариши, бадиий тафаккур такомили, ижодда янгича, бадиий-эстетик изланишларнинг юзага келишидир. Иккинчи, ташқи омил жаҳон адабиётидаги экспрессионизм,

[1]Yusuf Damraning “Boshlar” nomli jajji hikoyasining mazmuni bilan qirg‘iz yozuvchisi Sulaymon Risboyevning “Nima uchun” jajji hikoyasida o‘xshashlik kuzatiladi (A similarity is observed in the short story of the Kyrgyz writer Suleyman Risboev "Why" with the content of the short story of Joseph Damra "Heads").

[2] عزت القمحاوي. حدث في بلاد التراب و الطين. قصص قصيرة. القاهرة. 1992. ص. 77. (‘Izzat al-Qamhawi. Hadasa fi biladi at-turab wat-tiyn. Qisas qasira. – Al-Qohira, 1992. – S. 77) [Izzat al-Qamkhowi. Short stories of the soil and clay city. Short stories. – Cairo, 1992. – P. 77]

сюрреализм, экзистенциализм каби модернистик ҳамда реализмнинг магик, психологик, интеллектуал реализм каби йўналиш ва оқимлар таъсирининг кучайиши билан изоҳланади.

Ушбу минтақада янгиланиш жараёнлари икки босқичда ривожланди. Биринчиси, XX аср 1950–60-йиллари адабиётидаги янгиланишлар жараёни бўлиб, Миср ҳикоячилигида "Янги мавж", Сурияда "Миллий экзистенциализм йўналиши", Ироқда "Индивидуализм йўналиши", Иордания ва Фаластинда "Фалсафий йўналиш", "Символизм йўналиши" каби номлар остида танилган бўлса, иккинчиси, XX асрнинг 1980–90-йилларига тўғри келади. Бу давр Миср ва Машриқ мамлакатлари адабиётида бадиий изланишларда кўп тажрибалар ўтказиш билан боғлиқ бўлган "Янгича ҳис қилиш" номи билан танилган босқич билан ажралиб туради.

Янгиланишлар жараёнида ўрганилаётган мамлакатлар ҳикоячилигида мазмуний ўзгаришлар қуйидагиларда акс этди: ёзувчилар дунёқарашида субъектив муносабатлар юзага чиқди, инсон "мен"ининг иккига бўлиниши, инсон руҳияти ва унинг туб моҳияти, инсоннинг руҳан парчаланиши, унинг сирли дунёсини акс эттиришга интилишлар кучайди. Бу мавзуларни ёритишда инсоннинг жамиятдан, ҳаётдан "бегоналашув", "ёлғизланиш" ҳолати ва унинг сабаб-оқибатлари экзистенциализм фалсафаси нуқтаи назаридан тушунтирилди. Ҳаётий ва миллий муаммолар доирасида умумбашарий ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий масалалар рамзий, мажозий ҳамда сюрреалистик тасвирлар орқали тасвирланди.

Миср ва Машриқ араб мамлакатлари адабиётидаги янгиланиш босқичида услубий ўзгаришлар ўзида қуйидагиларни мужассамлаштирди: асар қаҳрамонига реал хронотопик характеристика бермасдан баъзан исмсиз қолдириш, воқеалар кечадиган макон ва замонни географик жиҳатдан чексиз қилиб тасвирлаш, ҳикояларни моҳиятан серқатлам бўлиши (шу даврда ижод қилган барча араб ёзувчилар услубига хос), замонавий ифодавий-тасвирий воситалар "онг оқими", фрагментарлик, кинокадр, коллаж, галлюцинация, сюрреалистик тасвирлар, тагмаънолилик кабиларидан кенг фойдаланилди. Тасвирда сюжетнинг реал ва нореал каби қисмларга бўлиниши, туш ва ўнгнинг аралашиб кетиши, фантастик унсурларнинг қўлланиши каби магик реализм унсурлари, ассоциатив тасвирлар, рамзийлик, мажозийликнинг кучайиши кузатилди.

Шу босқичда адабий мерос анъаналари, яъни "мақома", "риҳла" (сафарнома), ибратли ҳикоя (притча), масал, эртак каби жанрлар хусусияти замонавий бадиий тасвир ва ифода воситалари билан уйғунлаштирилган ҳолда истифода этилди. "Ирсол ул-масал", талмеҳ каби мумтоз бадиий санъат намуналари замонавий араб ёзувчилари ижодида эпиграф, лирик чекиниш тарзида берилиши кузатилди.

Муқаддас диний китоблар мавзулари (охират, қиёмат, жаннат, дўзах) ва образларининг (пайғамбарлар) ёритилиши янгича бадиий-эстетик услубларда ифодаланди. Пайғамбарлар ҳаётига оид қиссаларга мурожаат талмеҳ санъати орқали ифодаланди. Бу турдаги асарларда ижодкорларнинг икки хил усулда ёндашувларини кўриш мумкин: бири пайғамбарлар ҳаётидаги бирон-бир воқеани асар мазмунига сингдириб юбориш, иккинчиси, асарда архетип образларни акс эттириш, яъни асар қаҳрамонини ўша пайғамбар исми билан аталиши ва пайғамбар ҳаётидаги воқеаларни асар қаҳрамонининг ҳаётига сингдириб юборилиш каби усуллар кузатилди.

Замонавий араб ҳикояларида асотирлаштириш ҳодисалари Миср ва Машриқ мамлакатлари замонавий (ва ҳозирги замон) адабиётида алоҳида бадиий-эстетик жараён сифатида шаклланиб, "мифологик йўналиш" номини олди. Араб ҳикоянавислари ижодида жаҳон грек, ҳинд, қадимги Шарқ халқлари кабиларнинг мифологияси алоҳида аҳамият касб этади. Араб адиблари асарларида, бир томондан, мифларга эркин ижодий ёндашув кузатилса, иккинчи

томондан, бугунги кун воқелигини (поклик, маънавий баркамоллик), инсон борлиғи, ҳаёти ва тақдирига боғлиқ масалаларни сўз санъати талабларидан келиб чиқиб, юксак бадиият билан акс эттириш хос.

Янгиланиш босқичида араб ҳикоячилигида ҳикоянинг янги шакллари намоён бўлди. Замонавий араб адабиётида "қисқа ҳикоя" – «قصة قصيرة» ("қиссатун қасиратун") шаклидан ташқари "узун ҳикоя" – «قصة طويلة» ("қиссатун тавилатун") ва "энг қисқа ҳикоя" – « قصة قصيرة جدا» ("қиссатун қасиратун жиддан") шакллари ривожланди.

"Узун ҳикоя" – «قصة طويلة» ("қиссатун тавилатун") ҳажм жиҳатдан ўн беш саҳифадан эллик саҳифага бўлган ҳикоялар бўлиб, «қисқа ҳикоя» туридан фарқли равишда марказга қўйилган масалани кенгроқ ва батафсилроқ очиш, инсон руҳиятини, унинг ички оламини, ўй-кечинмалари, онг оқимини очиш, тафтиш этиш, характернинг, шунингдек, тарихий воқеаларнинг кенг кўламдаги тасвири хос.

"Энг қисқа ҳикоя" – «قصة قصيرة جدا» ("қиссатун қасиратун жиддан") хили шакл жиҳатдан ўзгаришларга дуч келди. Биринчидан, ҳажм жиҳатдан бир неча қаторли жумлалардан икки саҳифагача ҳажмни ташкил этса, иккинчидан, аксарият шеър шакли кўринишига эга. "Энг қисқа ҳикоя" шаклида воқеа-ҳодисалар ғоят зичлашиб, фикр ҳам тиғизланиб, мавҳумлик, матн билан ўйин, тагмаънолилик, рамзийлик, хотиманинг кутилмаган ечим топиши, эртакнамолик, фалсафий мазмундорлик хос бўлиб, бадиий тил ниҳоятда катта роль ўйнайди. Араб ҳикоячилигида мазмуний нуқтаи назардан "энг қисқа ҳикоя" шакли фалсафий-мажозий мазмунда, ижтимоий ва маиший-ахлоқий мавзулар доирасида акс этди. "Энг қисқа ҳикоя"-ларда адабий мерос анъаналари ҳам, замонавий бадиий тасвир ва ифода воситаларининг уйғунлашуви ҳам кузатилади.

АРАБСКИЙ НАРОДНЫЙ РОМАН И ОБРАЗ АЙЙАРА

БУЛТАКОВ ИКРОМ

Кандидат филолгических наук, ТГИВ

Аннотация. *В исследованиях новейшего времени доминирует историко-культурная проблематика. В то время чисто литературоведческим вопросам уделяется недостаточное внимание. Однако надо отметить, что до настоящего времени образ любимого народом персонажа – образ плута - айййара не изучался совсем, также практически не изучался и мир юмора литературы арабского средневековья в целом. Не было сделано попыток определить его национальные и эпохальные особенности.*

Одной из характерных особенностей смеха в сире является его направленность на самого смеющегося. Он чаще всего смеется над собой, своими злоключениями и неудачами. Герои сир – эпигоны главного персонажа – удивительным образом соединяют в себе черты обыкновенного, рядового человека, не блещущего красотой, не образованного и идеальные, героические черты. Он смел и отважен, верен друзьям и великодушен с врагами, находчив, умен, неутомим и благороден духом.

Характерные особенности других средневековых произведений, как плутовской роман или плутовскую повесть – яркое изображение жизни самых разных слоев городского общества того времени, небольшое количество фантастических элементов, которыми так богато, ироническое

отношение к изображаемому, граничащее с цинизмом, и связанное с этим отрицание дидактики. В плутовском романе нет места кротости и терпению, добродетелью считаются ловкость, а также хитрость, напористость и сила. Подлинный герой здесь – это тот, кто сумеет сыграть самую ловкую шутку с соперником, перехитрить его.

Плутовские сказки и рассказы в арабской литературе играли большую роль в развитии арабской повествовательной прозы, которая получила новые возможности за счет расширения тематических и художественных границ. Соединения элементов юмора, фантастики и карикатуры, пародийно-сатирических и фантастико-утопических тенденций позволили соотнести повествования об аййарах с общемировой традицией народной культуры.

Опорные слова и выражения: *арабская народная литература, смеховой мир, сира, народный роман, плутовские сказки и рассказы, аййар, образ, сюжет.*

Аннотация. *Замонавий тадқиқотларда тарихий-маданий масалаларга катта эътибор қаратилаётган бўлса-да, адабиётшунослик масалаларига етарлича эътибор берилмайди. Бироқ, шуни таъкидлаш керакки, шу вақтга қадар халқ севган қаҳрамонлардан бири – айёр образи умуман ўрганилмаган, шу билан бирга арабларнинг ўрта асрлардаги кулги дунёси ҳам тўлиқ тадқиқ этилмаган. Унинг миллий ва даврий хусусиятларини аниқлашга ҳаракат қилинмаган.*

Сиралардаги кулгунинг ўзига хос хусусиятларидан бири бу – унинг кулаётган одамнинг ўзига қаратилганлигидир. Уларда қаҳрамон кўпинча ўзининг бахтсизликлари ва камчиликлари устидан кулади. Сираларнинг қаҳрамонлари – бош қаҳрамон эпигонлари – ҳайратланарли даражада гўзал бўлмаган, оддий, ўқимаган инсоннинг хусусиятларини, идеал, қаҳрамонона хусусиятларни ажойиб тарзда ўзларида мужассам этадилар. Улар кучли ва жасур, дўстларига содиқ, душманларига сахий, топқир, ақлли, чарчоқ билмас ва олийжанобдир.

Ўрта асрлардаги бошқа асарлар, хусусан, фирибгарлик романлари ёки фирибгарлик қиссаларининг характерли хусусиятлари – ўша даврдаги шаҳар аҳолиси турли қатламлари ҳаётининг ёрқин тасвири, кўп бўлмаган фантастик унсурлар, тасвирланаётганларга истеҳзоли муносабат эди. Фирибгарлик романида юмшоқлик ва сабр-тоқатга ўрин йўқ, жўшқинлик, шу билан бирга айёрлик, қатъийлик ва куч-қудрат асосий фазилатлардан ҳисобланади. Бу ерда ҳақиқий қаҳрамон рақиби билан энг зўр ҳазил қилган, уни алдаб, енгиб чиққан кишидир.

Араб адабиётидаги фирибгарлик ҳақидаги эртак ва ҳикоялар мавзу доираси ва бадиий тасвир чегараларининг кенгайиши орқали янги имкониятларга эга бўлган араб насрининг ривожланишида катта роль ўйнайди. Юмор, илмий фантастика ва карикатура элементларининг уйғунлиги, тақлидий-сатирик ва фантастик-хаёлий тенденциялар айёрлар ҳақидаги ривоятларни умумжаҳон маданиятининг анъаналари билан муносабатда бўлиш имконини яратди.

Таянч сўз ва иборалар: *араб халқ адабиёти, кулги дунёси, сира, халқ романи, фирибгарлик эртаклари ва ҳикоялари, айёр, образ, сюжет.*

Abstract. *Historical and cultural issues dominate in modern research. While purely literary issues receive insufficient attention. However, it should be noted that until now the image of the character beloved by the people - the image of the rogue -ayyar has not been studied at all, just as the world of human of the literature of the Arab middle ages as a whole has not been studied. No attempt was made to determine its national and epochal features.*

One of the characteristic features of laughter in syrah is focus on the laughing man himself. Laughing most often laughs at himself, at this conclusions and failures, the heroes of sirah - the epigones of the main character – surprisingly combine the features of an ordinary person, not shining with beauty, not educated, end ideal, heroic features. He is brave and courageous, faithful to friends and generous with enemies, resourceful, smart, tireless and noble in spirit.

The characteristic features of other medieval works, such as rogue romance or the rogue novel, are vivid depiction of the life of various layers of urban society of that time, a small number of fantastic elements that are so rich, an ironic attitude to the image, bordering on cynicism, and the associated denial

of didactics. In the rogue novel there is no place for meekness and patience, dexterity, as well as cunning, assertiveness and strength, are considered virtue. The true hero here is the in who manages to play the most deft joke with the opponent, outsmart himself.

Roguish literature played a large role is the development of Arabic narrative prose, which received new opportunities by expanding thematic and artistic boundaries the combination of elements of humor, science fiction and caricature, parody-satirical and fantastic - utopian tendencies made it possible to correlate the ayyar narratives with the global tradition of folk culture.

Keywords and expressions: *Arabic folk literature, laughter world, syrah, folk romance, roguish tales and stories, ayyar, image, plat.*

Европейские путешественники, попадавшие в страны Машрика и Магриба в прошлые века, в своих записках отмечали небывалое распространение и популярность арабов-сказочников. Это отмечали и путешественники, и дипломаты, и врачи, и ученые, и писатели, и «торговые гости», привозившие в заморские страны свои товары. О новой, неизвестной жизни, диковинных нравах и обычаях они писали в своих путевых дневниках и записях, из которых мы сегодня можем получить массу интересной информации о жизни средневекового Востока. В них, в частности, говорится о сказочниках XIX века, но традиции на Востоке отличаются особой устойчивостью, и если многие из обрядов далекой старины сохранились и в наши дни, то вряд ли были большие различия между сказочниками XIII и XIX веков.

А вот как русский писатель Василий Иванович Немирович-Данченко, известный описаниями своих путешествий по Востоку, представляет образы странствующих рассказчиков – артистов пустыни: «Они ходят по всему Алжиру и Магрибу. В лохмотьях, босоногие, но всмотритесь в эти лица. Орлиные носы, пламенные глаза, высокие лбы. Старый писатель сказал бы: с печатью истинного гения, хоть на гениях я вообще таких печатей не видел. Низко падают черные бороды, волнистые, шелковые. На лицах выражение печали, точно они поют о своей тоске, о личных страданиях. Ноздри трепещут, голос плачет, хотя строфы, заученные этими баритонами и тенорами, так же пелись несколько веков назад в таинственных городах счастливого Йемена, в солнечных оазисах Дарфура и Кордофана, по всему Нилу, в забытых нумидийских гнездах Триполи, в священном Кайруане и на юг вплоть до арабских поселков по всему Чаду. Вся скорбь Востока вылилась в этих словах, в их лейтмотивах – наследие давно исчезнувших народов и царств Тигра и Евфрата»1.

Особенно ценным в рассказах сказочников было то, что собственно можно назвать индивидуальным творчеством - отступления от канонического текста, импровизация.

Фольклор, исполняемый профессиональными чтецами и сказочниками, позднее начали записывать, составляя что-то вроде отдельных репертуарных сборников. Именно таким образом к XIII веку сформировалось знаменитое собрание сказок «Тысячи и одной ночи». Истории из «1001-ой ночи» включались в устный репертуар профессиональных сказочников, а записи позволяли умножать их число, дополняя любое существующее издание все новыми и новыми волшебными сказками, бытовыми новеллами, короткими анекдотами или дидактическими историями. В результате от основного собрания сказок «Тысячи и одной ночи» отпочковалось несколько самостоятельных циклов. Один из них – «плутовской» – рассказывал о проделках веселых смельчаков из народа. Другой повествовал об авантюрных похождениях Харуна ар-Рашида, который в 786–809 годы правил Аббасидским халифатом. Третий цикл образовался вокруг царевича Синдбада, оклеветанного рабыней отца и ушедшего в далекие плавания, где он испытал увлекательные приключения.

[1] Nemirovich-Danchenko V.I. Kray zolotogo zakata (The edge of the golden sunset). – Berlin, [w.y.]. – S. 122.

Таким образом, в сказках «Тысячи и одной ночи», создание которых прошло длительную, сложную и многонациональную эволюцию, переплелось множество элементов сказочной и фольклорной литературы всего восточного средневековья – сюжеты, имена, мотивы, атрибуты, исторические эпизоды.

Большой популярностью в устном исполнении пользовались и *«сиры»* – «жизнеописания», действующими лицами в которых были как исторические личности, так и вымышленные персонажи, героические подвиги в сирах соседствовали с любовной интригой, исторические реалии – с анахронизмами и противоречиями. Память народа сохранила и донесла до нас эти произведения, в которых смешались воедино и крестовые походы, и межплеменные распри, и арабские завоевания.

Особую известность у арабов имела «Сират Антара» – роман про Антару, сына арабского шейха и рабыни-негритянки, вполне реально историческое лицо. В доисламской кочевой Аравии он был известен как поэт, но постепенно его образ вбирает в себя множество вымыслов, благодаря которым события сиры перестали быть реальной историей. Храбрый и мужественный Антара совершает массу героических подвигов, побеждает всех богатырей, покоряет Северную Африку, Испанию, Рим и даже некую страну демонов, становится рыцарем, женится на благородной Абле[1].

Разные социальные слои арабского общества – от вольнолюбивых кочевников до правителей Багдадского халифата с их интригами, обманом, продажностью – предстают перед нами в цикле рассказов «Сира о женщине-витязе Дельхеме и о ее сыне княжиче Абд аль-Ваххабе, о героях священных войн, борцах за божье единство».

В основе другого более позднего романа – «Жизнеописание султана аз-Захира Бейбарса»[2] лежит история мамлюкского султана Захира Бейбарса (XIII век), жестокого и деспотичного, но завоевавшего большую популярность своими подвигами и борьбой против захватчиков-монголов. Запись романа насчитывает тысячи страниц и состоит из нескольких циклов – *«захиров»*, насыщенных, также, и множеством вставных комических интермедий. Исполнители этой сиры также получили специальное название *«махетдины»*, сказителей, рассказывающих о похождениях другого героя, Абу-Зейда, называли *«хоарасы»*. Можно предположить, что в средневековье у каждого исполнителя был свой собственный репертуар.

Практика устных рассказов произведений об известных исторических и вымышленных личностях сохранялась на протяжении веков, а присутствие при подобном представлении оставляло неизгладимое впечатление.

После небольшого вступления, призванного проиллюстрировать популярность народных повествований, исполнявшихся, как мы видели, прямо на улицах, перейдем непосредственно к задачам нашего исследования.

Приступая к исследованию какого-нибудь произведения, мы исходим, прежде всего, из жанра, к которому его относят. При этом неизбежно приспособление рассматриваемого материала к привычному для нас жанровому термину: мы ищем в произведении свойства, этому жанру присущие. Такое явление имеет свои положительные стороны, ибо без него невозможна классификация. Но иногда бывает полезно возвратиться к оригинальному

[1] Jizn i podvigi Antari (life and exploits of Antara). Na russkiy yazik «Roman pro Antaru» bil pereveden v sokrashenii I. Filshtinskim i B. Shidfar. – M., 1968.

[2] Jizneopisanie sultana az-Zaxira Beybarsa. Na russkom yazike roman izdan v per. V. Kirpichenko. predisl. I.Filshtinskogo. – M., 1975.

названию для того, чтобы уяснить, почему у себя на родине данный жанр именовался так, а не иначе. Особенно это бывает необходимо для терминов, у которых отсутствует точный эквивалент в другом языке, а в переводах наблюдается неопределенность или даже разнобой. Так, например, это происходит с рассматриваемыми нами повествованиями – в арабском литературоведении жанр именуется – *сира (мн. сияр)*, т.е. «жизнеописание», «рассказ», «история», в то же время русские и западноевропейские исследователи жанра называют эти повествования по-разному – роман, эпос, рыцарский роман, жеста, народный роман и т.д.[1]. Систематическое изучение сияр (мы решили воспользоваться арабским термином) началось во второй половине XIX века.

В исследованиях новейшего времени[2] доминирует историко-культурная проблематика. В то время чисто литературоведческим вопросам уделяется недостаточное внимание. Исключения редки. Отметим, прежде всего, монографию Н.Ибрагимова «Арабский народный роман». В ней содержатся интересные наблюдения относительно структуры повествования, анализируются художественно-стилистические средства. В кандидатской диссертации Д. Онаевой, посвященной исследованию «Сират бани хилал», самая большая по объему третья глава целиком посвящена анализу стилистических особенностей этого одного из самых объемных памятников арабской народной литературы[3]. Однако надо отметить, что до настоящего времени образ любимого народом персонажа – образ плута – *аййара*, без которого, на наш взгляд, немыслима сира, не изучался совсем, также практически не изучался и смеховой мир арабского средневековья в целом. Не было сделано попыток определить его национальные и эпохальные особенности. В настоящей статье мы делаем попытку хотя бы очертить и наметить пути изучения этих особенностей.

Одной из характерных особенностей смеха в сире является его направленность на самого смеющегося. Смеющийся чаще всего смеется над самим собой, над своими злоключениями и неудачами. Широко распространенный в мировом эпосе мотив чудесного рождения героя[4] в отношении Омара в «Сират Хамза» превратили в гротеск[5].

- Был у эмира Ибрахима невольник, женатый на черной рабыне. Узнав, что Бузурджмихр одаривает деньгами родителей мальчиков, которым посчастливилось родиться в сей замечательный день (т.е. в день рождения богатыря Хамзы: И.Б.), он прибежал домой, чтобы сообщить эту новость жене.

- А нам какое дело? – удивилась женщина. Мое время еще не пришло. Наш ребенок родиться через два месяца.

Муж разозлился, схватил палку и начал колотить беременную жену. Он бил её до тех пор, пока бедная женщина не выкинула маленького черного мальчика. (Это был Омар – двойник Хамзы. *И.Б.*).

---

[1] Ibragimov N. Arabskiy narodniy roman (Arabic folk novel). – M.: Nauka, 1984. – S. 9–30.

[2] Ibragimov N. Arabskiy narodniy roman (Arabic folk novel). – M.: Nauka, 1984; Muxtarov T. Ocherki srednevekovoy arabskoy prozi (Essays on Medieval Arabic Prose). – T.: Fan, 1992; Kudelin A.B. Formulnie slovosochetaniya v «Sirat Antara» // Pamyatniki knijnogo eposa (Formular phrases in "Sirat Antara" // Monuments of the book epic) – M.: Nauka, 1978. – S. 84–105.

[3] Onayeva D. «Sirat bani xilal» – xarakternoe proizvedenie pozdnesrednevekovogo arabskogo eposa (Sirat Bani Hilal "- a characteristic work of the late medieval Arabic epos). Avtoref. dis. …kand. filol. nauk. – M., 1974. – S. 25.

[4] Jirmunskiy V.M. Tyurkskiy geroicheskiy epos (Turkic heroic epic). – M.-L.: Nauka, 1974. – S. 35–37.

[5] Qissat al-Amir Hamza al-Bahlavan [قصة الأمير حمزة البهلوان]. – Cairo, w.y. V. 1. – S. 10.

Давно замечено, что по литературе “бродит” вереница знаменитых пар – герои и их двойники, так сказать “парные герои” – Дон Кихот и Санчо Панса, Тиль Уленшпигель и Ламме Гудзак, Дон Жуан и Лепорелло.

На первый взгляд, герои каждой пары противопоставлены друг другу – мечтатель Дон Кихот и остроумный Тиль даже внешне не похожи на мужиков с толстым брюхом Санчо и Ламме. Но, конечно же, это слишком поверхностный взгляд. В этих образах, неотделимых друг от друга, народ предстает в своих лучших чертах – народ возвышенный, народ мечтательный, народ практичный. Какая-то общая мечта народа воплощена в таких парных героях. Как бы карикатурны ни были “антиподы” героев – в них также доброта и прелесть народа, прекрасные черты народного склада. Их устами говорит многовековая народная мудрость, находящая выражение в богатейшем фольклоре, здравом практицизме. Из этих пар один герой без другого – своего “напарника” – немыслим. Их постоянное «сотрудничество» ведет к взаимному обогащению, в определенных ситуациях к гармоническому слиянию, возвышенности мысли в сочетании со здравой народной мудростью, обоюдному увеличению силы и ловкости этих героев.

Такое же явление парных героев было отмечено египетским исследователем сиры Фарухом Хуршидом, который писал о “двойном герое” в арабской народной сире [1]. Ф. Хуршид говорил о том, что сира (он подробно исследовал сиру об Антаре) как бы создала традицию двойного героя или наличия “героев-двойников”, один из которых “опирается на физическую силу”, как Антара или Хамза, а другой – на хитрость, ловкость и быстроту, как Шайбуб или Омар. Конечно, мысль Ф. Хуршида о наличии своеобразной традиции (ниже мы ее проследим) очень глубока и верна, но, пожалуй, можно согласиться с мнением узбекского востоковеда Н. Ибрагимова о том, что традиция двойников уходит ещё глубже, и поэтому можно говорить, что это – одно из самых архаических явлений, повлиявших на структуру арабской сиры. Двойники основного героя имеются во всех народных романах – в сире об Антаре это Шайбуб – типичный разбойник с большой дороги времен Джахилии; в романе об Амире Хамзе – это Омар ал-Аййар – народный герой, плут и обманщик, боровшийся, по народному представлению, с персами; в сире об Амире Зат ал-Химме – это разбойник ущелий и гор; в повести о Бейбарсе – аййары Египта и Сирии.

Противопоставление – единство героев-“двойников” проходит почти во всех сирах по одной схеме. Вот, например, Омар из “Сират Хамза” – он эпигон главного героя Хамзы. Хамза – избранник провидения, судьба его заранее предопределена. Омар – карикатурен, выписан мельче, но правдоподобнее, он – отражение Хамзы, но отражение в уменьшенном и искаженном виде. Оба героя родились в один день, но Хамза сын амира Мекки, а Омар – сын черной рабыни, муж которой избивает ее палкой, чтобы она родила раньше положенного срока.

Здесь перед нами два взаимодополняющих типа. Образ возвышенный, благородный по происхождению сопряжен с приземленным, намеренно “заниженным” персонажем. Эти “бинарные” герои могут действовать как сообща, так и порознь, каждый из них достаточно самостоятелен. Их слитность воспринимается не просто как результат соучастия в одних событиях, но в значительной степени как смысловая и эстетическая необходимость, ясно сознаваемая рассказчиком и слушателями. Традиционная схема – противопоставление – единство героев, сама по себе свидетельствующая об их архаичности, заключает в себе

[1] Ibragimov N. Arabskiy narodniy roman (Arabic folk novel). – M.: Nauka, 1984. – S. 164.

возможности отражения в повествовании широкого спектра реальной действительности, поскольку в силу своего положения сами герои действуют на всех уровнях жизни общества.

Главный герой и его двойник уже в раннем детстве выказывают необыкновенные способности, причем если первый отличается силой, необычной храбростью и благородством, то второй чрезвычайно хитер, изворотлив и ловок.

Омар отличался от своих сверстников тем, что очень быстро бегал и высоко прыгал, в десять лет он прослыл самым опасным и хитрым аййаром в округе. Омар научился так стрелять из лука, что не делал промаха, его стали считать самым лучшим стрелком. Омар любил бродить в окрестностях города, не прочь забраться в чужой сад и безнаказанно полакомиться чужим добром[1].

Все эти качества позволяют говорить о том, что в образе героя-двойника можно наблюдать трансформацию архаического персонажа, так называемого трикстера[2]. В этой трансформации мы склонны видеть пути развития архетипа эпоса, в котором в основном отражалась борьба человека с природой, подвиги богатырей, борьба с чудовищами и т.д. Реальность начинает входить в эпическую сюжетику не летописными фактами, не датируемыми событиями и т.п., а типовыми устойчивыми явлениями и сторонами жизни, ситуациями, которым свойственна повторяемость, всеобщая значимость и которые определяют быт эпохи. При этом реальность быта подвергается эпическому переосмыслению, а эпическая история в определенном смысле противостоит истории реальной, она как бы исправляет несовершенство этой последней.

В данном случае наш интерес, естественно, сосредоточен вокруг Омара, так как именно он и близкие ему характеры являются необходимыми звеньями в эволюции образа плута и в этом плане могут рассматриваться как примеры развития и углубления реалистических принципов в средневековой литературе (относительность этого понятия и его употребления была оговорена выше). В отличие от Хамзы, изображенного широкими эпическими мазками, образ Омара выписан более подробно, детализирован разнообразием оттенков, его внутренний мир более подвижен, а поступки менее предсказуемы.

Итак, наш ловкий, “маленький, черный, со сморщенным лицом, похожий на обезьяну Омар” с большим искусством добывает деньги, ценимые им превыше всего, он их также быстро достает, как и без всякого сожаления также быстро расстается с ними. Хитрость и изворотливость – вот оружие Омара, единственное, на что может рассчитывать сын черной рабыни – “быстрый как ветер”, способный в «мгновение ока» выполнить любое поручение – проникнуть в лагерь врага, побывать неузнанным во дворце персидского царя... Омар неистощим на выдумки, наделен чувством юмора. Приключения Омара описаны подробнее, со множеством деталей. Во многих сценах Омар удивительно напоминает героя городских новелл – плута. Типологическое сходство образа Омара и героя плутовской новеллы очевидно можно объяснить стремлением к эмансипации человеческой личности, утверждению ее индивидуальных возможностей. Однако если в новеллах городского типа это признак основополагающий, то в сире о Хамзе он лишь намечается. Омар еще скован традицией, он обладает волшебными предметами (чудесное зеркало, сурьма, сумка, шапка-невидимка). Но жизнь Омара более насыщена событиями, свойственными обычной

[1] Qissat al-Amir Hamza al-Bahlavan [قصة الأميرحمزة البهلوان]. – Cairo, w.y. V. 1. – S. 15.
[2] Ibragimov N. Arabskiy narodniy roman (Arabic folk novel). – M.: Nauka, 1984.

человеческой жизни, т.е. его образ, в отличие от образа Хамзы, более приземлен и "узнаваем". Приключения Омара подчинены свободному вымыслу и исходят из него, поэтому не всегда можно предугадать ход событий, понять, что предпримет Омар в той или иной ситуации, т.е. у этого персонажа нет принятой эпической заданности, какую мы видим в приключениях Хамзы.

В то же самое время Омар в своих проделках выступает не просто плутом, его не назовешь банальным жуликом, мошенником, аферистом. Часто неблаговидные проделки наших плутов кажутся таковыми лишь с точки зрения модернизированного сознания. Чистое надувательство и даже издевательство над беспомощным человеком воспринимались в то время как нечто естественное, не затрагивающее норм нравственности, хотя, конечно, многое зависело от жанра повествования. Этот аспект средневекового сознания, может быть, был бы менее понятен сейчас, если бы авантюрная тема не получила столь широкого распространения в мировом искусстве последующих эпох, в том числе и в современности. Так же, как в жизни и приключениях культурного героя хитрость и авантюрность занимают немаловажное место, так и трикстер нередко проявляет качества, присущие его благородному напарнику. И в этом отношении мы с ещё большими основаниями можем не только противопоставлять их друг другу, но и говорить о единстве этих героев.

Ненависть персов, любовь арабов, активность и мудрость, самоотверженность поднимают Омара до его высокого спутника – Хамзы. Такое выступление "прозаического человека" на первый план в качестве напарника центральной фигуры, фабулы большого эпического полотна, мы считаем тем новшеством, которое было принесено образом аййара в традиционные формы эпоса. Такой герой, как Омар, знаменует собой начало появления той новой ветви эпического творчества, которая, как считает В.Кожинов, является "необходимым свойством начальной стадии истории романа"[1].

Дальнейшей модификацией, развитием образа трикстера являются образы Джохи из «Сират аз-Захир» и Али Зибака из одноименной сиры. Образ Джохи ещё больше напоминает Омара.

Джоха, не обладающий чертами "благородного героя", стал любимым персонажем арабской средневековой словесности. Чтобы полнее уяснить причины столь глубокой симпатии к нему здесь уместно воспользоваться материалом бытовой арабской сказки о плутах и разбойниках, где наш герой также был излюбленным и популярным действующим лицом, и хотя бы вкратце охарактеризовать его. Это представляется не только возможным в контексте разговора о сире (народном романе), но и необходимым в силу близости конструктивных элементов (таких как фабула): в нашем случае это плутня или цепочка проделок и приключений (основная пружина развития ситуации, пафос события и, наконец, сам герой) в тех образцах повествовательной литературы различных жанров, которые мы объединили в корпус рассказов о плутах и разбойниках.

Главными составляющими этих образов являются все ещё волшебная сказка и городская новелла в духе «1001-й ночи». Поэтому, перечисляя основные моменты сюжетной линии образа Джохи, мы невольно повторим уже сказанное об Омаре. Те же волшебные предметы, умение изменять внешность, то же отрубание головы, также, как и Омар, Джоха "обслуживает" Бейбарса, постоянно приходя ему на помощь. Переодевшись нищенкой, Джоха проникает в тюрьму и освобождает друзей, добывает сведения о планах врагов, достает

[1] Kojinov V. Proisxojdenie romana (The origin of novel). – M.: Sovetskiy pisatel, 1963. – S. 140.

деньги. Вообще складывается впечатление, что таким образом создаются новые мотивы, наподобие эпических, связанных с высоким героем, но это мотивы житейского, городского плана. Влияние городской новеллы на трансформацию и формирование образа Джохи проявляется в многочисленных плутовских эпизодах, где идет речь о борьбе Джохи с ворами и разбойниками, или его проделках над простаками.

Излюбленный герой городской новеллы – хитрый плут – здесь успешно соперничает с традиционным эпическим богатырем. Так, например, рождение Шихи («Сират Антара») предсказано (*обычный эпический мотив*), затем раннее богатырство и т.д. То есть, мы наблюдаем известную модификацию образа, который, с одной стороны, усложняется житийными элементами, а с другой – процессом "совершенствования". Шиха, как обычный эпический герой – Хамза, Антара, Сайар – уже не только борется с неверными, но и защищает простой люд от шаек бродяг и разбойников. Эти эпизоды сложились явно под влиянием городской новеллы (главным образом, египетской).

Шиха переодевается, колдует, подслушивает, подшучивает и т.д. – типичный городской аййар, которого борьба за существование вынуждала пускаться на всевозможные проделки, разоблачавшие и высмеивающие скряг, глупцов, недальновидных простаков, жадность и невежество горожан и крестьян. Мораль этих проделок часто определялась не этическими критериями. Тот, кто проявлял большую находчивость, у кого лучшая хватка в жизни, тот и оказывался победителем. В этой роли чаще всего выступали аййары, которых многому научила жизнь, которые знали её с изнанки и умели своей находчивостью одолеть противника. Плутня в сказке, сире, народном романе, макаме была не только фабульной пружиной действия, она как бы выражала пафос этих жанров. Демократические тенденции перемешивались здесь нередко с собственническими воззрениями, в результате чего возобладал частный интерес, моральная оценка оказывалась размытой, что, однако, вовсе не приводило к отсутствию этих оценок.

Герои сир – эпигоны главного персонажа – удивительным образом соединяют в себе черты обыкновенного, рядового человека, не блещущего красотой, не образованного и идеальные, героические черты. Он смел и отважен, верен друзьям и великодушен с врагами, находчив, умен, неутомим и благороден духом. Его душевное благородство, приверженность правде, прямоте всячески подчеркивается (хотя не всегда подтверждается сюжетом, особенно, когда речь о правдивости. Впрочем, ложь и хитрость по отношению к врагам в средние века грехом не считались). Это отграничивает аййара сиры от героя плута и мошенника, каким тот выступает, например, у ат-Таннухи или в макамах аль-Харири или в гораздо более поздних западноевропейских плутовских романах. От фольклорных героев типа Джохи или Ходжи Насреддина аййар сиры тоже значительно отличается: в нем совершенно отсутствуют черты простака, наивное плутовство. Если, например, приглядеться к западноевропейским произведениям романного жанра, созданным во второй половине XIII столетия, во Франции, или точнее, в эпоху Кретьена де Труа, то там мы найдем на первом плане лишь одну фигуру – рыцаря, вокруг которого, как правило, строится повествование. В наших произведениях Омар или Шиха – яркие, самостоятельные персонажи, оживляющие своими действиями и поступками постоянно повторяющиеся, шаблонные приключения главных героев. Так в народной литературе шел процесс постепенного отпочкования от структуры волшебной сказки, где одногеройность является характерной чертой. Появление такого персонажа в больших эпических повествованиях мы считаем большим открытием народной литературы, в известной мере – отражением её своеобразного «гуманизма».

Совершенно особое место среди повествований типа «сира» занимает сира об Али Зибаке. На наш взгляд, в повествовании об Али Зибаке сюжетообразующую роль играет не эпический мотив, а плутня, мошенничество, и второе, что можно отметить – отсутствие какой бы то ни было мусульманской апологетики. Сира об Али Зибаке – горько ироническое произведение, «введение в жизнь», показательная «автобиография» (уже не сира - жизнеописание), руководство по искусству жизни среди «невзгод и злоключений». Али, потеряв отца и отчима, попадает в обучение к человеку, который дает ему первые уроки жизни. Это был тот самый учитель, которому маленький Али поджег чалму… Маленького мальчика с первых шагов жизни учат, что в жизни необходимы хитрость, изворотливость, плутовство и нечувствительность, что без них не обойдешься, и что только с их помощью можно осилить чужую хитрость, жестокость и плутни. Весьма интересен рассказ анонимного автора о том, как он получил свою воровскую кличку «Зибак» - то есть ртуть.

Первые же испытания, например, учеба у жестокого шейха, мгновенно рождают в голове маленького Али мудрую житейскую заповедь: «надо быть начеку и не зевать, ибо я сирота и должен уметь постоять за себя». С этого момента Али начинает изощряться в умении «стоять за себя». С поразительным стоицизмом мальчик усваивает «уроки», преподносимые жизнью в большом городе (эпизоды со сливками, в мечети, с финиками). Начальный курс науки жизни завершен. Теперь Али может постоять за себя. Он готов к преодолению «невзгод и злоключений». Если рассказ первый (обучение в школе) учит тому, что в жизни не обойтись без хитрости и изворотливости, то рассказ второй (украденные сливки) повествует уже о «шлифовке» плутовского исуксства.

На наш взгляд, образ Али Зибака в одноименном романе можно считать вершиной разработки образа аййара в арабской средневековой литературе, где в неразрывном единстве слились моменты мифа, героического эпоса и волшебной сказки, городской новеллы. Нам кажется, что именно благодаря, или из-за образа Али Зибака и произошло распадение формы и содержания такого зыбкого понятия как “народный роман”. По-видимому, как и всякий другой исторически сложившийся жанр, сира предполагала некоторую преемственность содержательных и структурных моментов, связанных с определенной поэтикой, принятых однажды в одном произведении и разрабатываемых и обновляемых в произведениях последующих. В сире об Али Зибаке и произошло распадение формы и содержания – верный признак завершения исторической жизни жанра.

Сиры в своей основе и по своей задаче жанр апологетический. Герой сиры призван судьбой совершать великую историческую миссию: либо превозносить новую веру – в данном случае ислам, либо защищать её от врагов-иноверцев, - как Хамза, Сайф и Бейбарс. Такую религиозно-апологетическую тенденцию мы можем проследить во всех произведениях сиры, кроме сиры об Али Зибаке. Традиционные эпические мотивы (богатырское детство, волшебный помощник, добывание невесты) в романе об Али хотя и наличествуют, но уже не играют сюжетообразующей роли. Например, детство героя – если детство Хамзы или Антары сразу говорит нам о некоей необыкновенности героя, то детство Али – это школа и плутни ученика, все очень обыкновенно.

В детстве Али не совершает подвигов, не встречается с волшебником, ничего не знает о своей судьбе. Али обыкновенный мальчишка, постоянно насмехающийся над своим шейхом, то сжигает чалму, то съедает сливки – это незлые, детские проделки. В эпизодах, рассказывающих о детстве, собраны популярные городские сюжеты о дураках, героем которых чаще всего был Джоха.

Сиру об Али Зибаке помимо всего, о чем мы говорили выше, отмечает ещё и необыкновенная разветвленность циклизации, в процессе которой в сиру, где и так отсутствует единая сюжетная канва, включаются все новые и новые сюжеты народных повествований, анекдотов, увеличенных за счет детализации, описаний до размеров новелл, делают композицию весьма сложной.

Определяя повествование об Али Зибаке и других как плутовской роман или плутовскую повесть, мы должны отметить его основные особенности, характерные для данного жанра: яркое изображение жизни самых разных слоев городского общества того времени, небольшое количество фантастических элементов, которыми так богато, например, повествование о Джаударе Рыбаке, ироническое отношение к изображаемому, граничащее с цинизмом, и связанное с этим отрицание дидактики. Добро и зло здесь как бы поменялись местами. В плутовском романе нет места кротости и терпению, добродетелью считаются ловкость, а также хитрость, напористость и сила. Подлинный герой здесь – это тот, кто сумеет сыграть самую ловкую шутку с соперником, перехитрить его. Но обо всех этих «шутках» и «хитростях» рассказано так динамично, занимательно и весело, что мы поневоле проникаемся симпатией к Али, Далиле и Зайнаб, любуясь их неистощимой изобретательностью, – ведь они обманывают глупцов и простаков, верящих в «святого старца», который может помочь забеременеть бездетной женщине, принимающих на веру и без тени сомнения самые невероятные вещи. Здесь совсем не та мораль, которая утверждалась в «Джаударе»: будь кротким, добросердечным, терпеливым, и судьба пошлет тебе счастье. Повествование о плутах, выражая точку зрения средневекового горожанина «среднего класса», утверждает: будь хитер, ловок, смел, не будь разиней и не доверяйся слишком людям, и тогда, может быть, судьба будет к тебе благосклонна. Если читать «Жизнеописание Али Зибака» целиком, то там можно найти и отдельные моралистические высказывания в духе «Джаудара Рыбака», кажущиеся несколько ханжескими в общем контексте плутовского романа. Не случайно, наибольшей популярностью в народе пользовались те части, где таких высказываний нет, и именно эти главы вошли в «1001 ночь», в которую многолетней и многовековой практикой были отобраны лучшие отрывки или части произведений средневековой арабской прозы.

В заключении можем сказать, что плутовские сказки и рассказы в арабской литературе играли большую роль в развитии арабской повествовательной прозы, которая получила новые возможности за счет расширения тематических и художественных границ. Благодаря этим произведениям литература на арабском языке впервые стал носителем новых качеств, выразителем умонастроений тех слоев общества, которые никогда ранее не прибегали к литературным формам самовыражения. Соединения элементов юмора, фантастики и карикатуры, пародийно-сатирических и фантастико-утопических тенденций позволили соотнести повествования об аййарах с общемировой традицией народной культуры.

САУДИЯ АДАБИЁТИ ВАКИЛИ МАНСУР АЛ-ҲОЗИМИЙ ШЕЪРИЯТИ МАВЗУЛАР КЎЛАМИ

ТУРСУНАЛИЕВА МУСЛИМА
Ўқитувчи, ТДШИ

Аннотация. *Мазкур мақолада араб замонавий Саудия адабиёти шеърияти вакили Мансур ал-Ҳозимийнинг илмий мероси "Завқ-шавқ ва ҳикоялар" девонида шоирнинг қасидаларини ўрганишни ўз ичига қамраб олган. Биз Мансур ал-Ҳозимийнинг شعراء من الجزيرة العربية ("Араб яриморолиши шоирлари") номли китобдаги муҳаббат ва табиат васфи ила ёзилган шеърлари мазмунан бой ва шаклан гўзаллигига, Мансур ал-Ҳозимий шакл ва мазмунга доир барча унсурларни қунт билан ишлаб, уларга жило ва сайқал берганига, тил имкониятларидан усталик билан фойдаланганлигига, шунинг учун ҳам унинг шеърлари тилининг аниқ равонлиги, образли ва ширали бўлиши билан бирга гоялар содда ва ихчам, китобхонни ўйга солдирувчи, том маънода китобхонга мослигига гувоҳ бўламиз. Шунингдек, унинг шеърияти ўзбек адабларининг шеърлари билан мазмуний жиҳатдан ўзаро солиштирилди.*

Таянч сўз ва иборалар: *Мансур ал-Ҳозимий, шеърият, "Шоира Таҳмусга", "Куз", "Азоб", қофия, мазмун, ўхшатиш.*

Аннотация. *Эта статья посвящена изучению мести поэта в Девоне научного наследия Мансура Аль-Хазими, представителя поэзии в современной саудовской литературе на арабском языке «Болтовня и истории». Мы считаем, что стихи Мансура аль-Хазими, написанные с атрибутом любви и природы в книге شعراء من الجزيرة العربية («поэты Аравийского полуострова»), богаты содержанием и красотой формы, постоянно производя все элементы, касающиеся формы и содержания Мансура аль-Хазими, придавая им блеск и блеск, умело используя языковые возможности, так что четкая беглость идей проста и лаконична, нападая на читателя в мыслях, буквально свидетельствуя о совместимости читателя. Также его стихи сравнивали друг с другом по смыслу в стихах узбекской литературы.*

Опорные слова и выражения: *Мансур аль-Хазими, Поэзия, «Поэзия Тахмусу», «Осень», «Страдание», рифма, содержание, аналогия.*

Abstract. *This article covers the study of the poet's revenge in the Devon of the scientific heritage of Mansur Al-Hazimi, the representative of poetry in modern Saudi literature in Arabic "pleasure-babble and stories". We believe that the poems of Mansur al-Hazimi written with the attribute of love and nature in the book شعراء من الجزيرة العربية ("Poets of the Arabian Peninsula") are rich in content and beauty of form, persistently producing all the elements concerning the form and content of Mansur al-Hazimi, giving them polish and gloss, skillfully using the language opportunities, so that the clear fluency of the the ideas are simple and concise, attacking the reader in thought, literally witnessing the reader's compatibility. Also, his poetry was compared with each other in terms of meaning in the poems of Uzbek literature.*

Keywords and expressions: *Mansur Al-Hazimi, Poetry, "Poetry to Tahmus", "Autumn", "Suffer", rhyme, content, analogy.*

Саудия шеърияти ўзининг қадимийлиги билан ажралиб туради. Замонавий Саудия адабиётида шеърият икки гурухда шаклланмоқда. Биринчи гуруҳда шоирлар эски шеърият усули, яъни қасида ижод қилсалар, иккинчи гурухдаги шоирлар эса янги кўринишдаги услубларда ижод қиладилар. Бунга асосий сабаб, Саудия Арабистонида замонавий тус олган адабиёт XX асрнинг 30-йилларидан шакллана бошланиши билан изоҳланади.

Мансур ал-Ҳозимий Саудия Арабистони адабиётининг машҳур маърифатпарвари ва танқидчиларидандир. Мансур Иброҳим ал-Ҳозимий 1935 йилда (ҳижрий 1354 йил) Саудия Арабистонининг Макка-ю Мукаррамасида туғилган. У бошланғич таълимни шу ерда олган.

Сўнг Макка ва Ар-Риёд шаҳарларида ўқишларини давом эттирган. 1958 йил (ҳижрий 1378 йил) Қоҳира университетининг адабиёт факультетида таълим олган. 1966 йил Мансур ал-Ҳозимий Лондон университетининг Шарқ ва Африка тадқиқотлари мактабида, Лондонда докторлик даражасини олди. У Ар-Риёднинг подшоҳ Ас-Сауд университети араб факультетида фаолият олиб борди. Доктор Ал-Ҳозимий қизиқарли изланишлари марказида Саудия Арабистонининг ўзига хос умумий араб тарихий романлари ва қисқа ҳикоялари туради. У иккала гуруҳда ҳам бир неча мақолалар ва китоблар муаллифи, шунингдек, бошқалар билан ёзишмалар олиб борган муаллифдир. Унинг иш фаолияти 40 йилдан ортиқ бўлиб, бу давр мобайнида 1373 ҳижрий йилдан араб филологияси факультети декани, 1397 ҳижрий йилдан 1399 ҳижрий йилгача "Араб тили" кафедраси мудири, 1401 ҳижрий йилдан 1404 ҳижрий йилгача университетининг тадқиқот маркази бошлиғи каби лавозимларида ишлаган. Мансур ал-Ҳозимий ўз мамлакати ва чет элда маданий ва интеллектуал бойликларнинг фаол ва серҳаракат тарғиботчисидир. У биринчи "Ал-Адаб" журналининг бош муҳаррири бўлган. 1390 ҳижрий йили подшоҳ Ас-Сауд университетининг адабиёт факультетининг расмий журналига асос солган. Ар-Риёд адабий клубининг аъзоси ва маданий журнали – "Ал-Дара" таҳририят кенгаши аъзоси бўлган. У илмий, маҳаллий ва халқаро конференциялар ва семинарларда иштирок этган.

Мансур ал-Ҳозимий шеърларига эътибор берсак, биз унда янгилик топишимиз мумкин. У шеър ҳақида берилган саволга жавоб берар экан: "Мен шеърни кам ёзаман, қачон илҳом келса ёзаман. Лекин насрни шеърий руҳиятда ёзаман. Қачон шеърият бўстонида сайр этганимда, муайян бир чегара топаманки, бу чегара насрда бошқачароқ", деб айтган.

Унинг илмий ва адабий тажрибаларида бир неча намуналар мавжуд. Ҳозимий ўзи бошидан ўтказган оддий ҳиссий кечинмалар ҳақида мақола ёзишни яхши кўрган. У шундай дейди: "Баъзида бу мени сеҳрлаб қўяди. Мен мана шундай асарларни яхши кўраман, бунақа асарлар барча нарсани холис кўрсатади". Турли хил ишларга фалсафий ёндашишга ундайди. Худди профессор Аҳмад Сибоий, Ал-Башарий ва бошқа араб ҳамда ғайри араб адабиётшунослари каби.

Мансур ал-Ҳозимий илмий изланишларининг яна бир муҳим аҳамияти шундан иборатки, у Саудия адабиётида қисса жанрини ривожлантириб, кенг ёйилишига таъсир кўрсатди. Унинг "Замонавий Саудия адабиётининг қисса жанри" номли китобининг ёзилиши, қисса жанри ривожланишига катта ҳисса қўшди. Бу асарда у профессор Аҳмад Сибаҳий ҳамда профессор Ҳамза Балқарий ижодлари ва маҳаллий қисса ёзувчиларнинг асарлари ҳақида баён этган.

Шоир Мансур ал-Ҳозимийнинг Саудия адабиётига оид асарлари намуналари, хусусан, шеър ва қиссалари бир қатор тилларга таржима қилинган. Унинг асарларидан бири Халиж шоирларининг бир нечтасига аталган ва уларга шеърий қасидалар битган ҳамда бу шеърларнинг барчаси "Халиж девони"га тўпланган.

Шоирлар ёки уларнинг шеърларидан муайян намуна, муайян услуб танлашда ҳар бир шеърият мухлисига ёқадиган даражада бўлиши осон эмас. Аввало, шеър ёзиш ҳар бир инсоннинг қўлидан келмайди, шеър инсоннинг қалб тўридан жўшиб чиқадиган мисли булоқдир. У қанчалик кенгайиб борган сари, унинг сувидан барча баҳраманд бўлади. Шеърият бу касб эмас, у инсонга берилган неъматдир. Мансур ал-Ҳозимийнинг шеърларида пок, самимий, тоза туйғулар мужассам этилган. Унинг шеърлари ҳарорат билан битилган эҳтиросли, ҳаётбахш шеърлардир. У гоҳ муҳаббатни, гоҳ табиатни куйлайди. У қалбига эҳтирос ва илҳом бағишлаган туйғуларни ўз шеърларида намоён этган.

Шоиримиз Мансур Иброҳим ал-Ҳозимийнинг шеърларидан энг гўзали “Шоира Таҳмусга” номлисидир. Ушбу шеър анъанавий араб адабиётида битилган қасида жанрида ёзилган бўлиб, унда узлуксиз хотиралар тасвирланган.

المدلجات بليل الحزن سمّاري
و أنت شاعرة أيقظت أوتاري
يحملن أفئدة للّهو هامدة
يحملين فؤاداً جذوة النار

Маҳзун тун ила сайр қилувчи ҳамсуҳбатларим,
Сен шоирасан, жароҳатларим эслатгувчи,
Осойишта дилхушлик учун қалбларни элтмоқдалар,
Жаҳаннам ўтига қалбни ундовчи[1].

Ушбу мисралар билан бошланувчи бу қасида шоир қалбининг бедорлик ила тунни ўтказишини очиб берган. Шоир ҳамсуҳбатлари тун манзаралари бўлиб, бу манзаралар, яъни жимжит тундаги ҳодисалар шоир қалбига сокинлик бағишлашга, унинг оромини қайтаришга, унинг ошиқ қалбидаги жароҳатларни унутишга ундаса-да, аммо шоир қалбидаги оғриқлар унинг қалбини тинимсиз кемираётганлигининг гувоҳи бўлишимиз мумкин. Чўлпоннинг “Гўзал” шеърида ҳам ушбу шеър ғоясига яқин маънони касб этувчи мисралар бор:

Мен йўқсил на бўлиб уни суйибман,
Унинг чун ёнибман, ёниб-куйибман[2].

Муҳаббат деб аталмиш боқий туйғу мазмун-моҳиятига кўра, инсонни гоҳ бахт билан, гоҳида эса алам билан сийловчи кучдир.

Мансур ал-Ҳозимий содда, реал шаклдаги назм билан ижод қила бошлади. У “Куз” номли шеърида оддий шаклда куз ифодасини яратиб берди.

و أجدب الطريق ..
غصونه تحن للمغيب ..
وتشتهي المساء ..
كي يكسو الأشلاء بالظلام ..
ويدرأ الفضول ..
فيستر الشحوب والنحول ..

Йўлнинг энг қуруғи..
Унинг шохлари истайди: Кун ботса..
Оқшом келса..
Танаси тун либосин кийса..
Бу рангдорликни яширса..
Дармонсизликни яширса[3].

---

[1] عبد الله بن سالم بن حميد الحميد. شعراء من الجزيرة العربية،الرياض. ١٤١٣هـ–١٩٩٢م.ص.-٢٧٨ (Abdullah Salim bin Hamid Alhamid. “Poets of the Arabian Peninsula”) Ar-Riad.1413h/1992m. p.278. Tarjimasi muallif tomonidan qilindi. (The translation was made by the author)

[2] Mirzayev S. XX asr o’zbek adabiyoti [Uzbek literature of the XX century]. – T.: Yangi asr avlodi, 2005. – B. 167.

[3] عبد الله بن سالم بن حميد الحميد. شعراء من الجزيرة العربية،الرياض. ١٤١٣هـ–١٩٩٢م.ص.-٢٨١ (Abdullah Salim bin Hamid Alhamid. “Poets of the Arabian Peninsula”) Ar-Riad.1413h/1992m. p.281. Tarjimasi muallif tomonidan qilindi. (The translation was made by the author)

Ушбу мисраларда куз манзараси шоир томонидан маҳзунлик ила очиб берилган. Унда дарахт шохчалари барглардан ҳоли бўлиб қолганлиги ва куз гўё тун каби келиб, рангдорликни яшириши таъкидланмоқда. Куз манзараларида инсоннинг умри ҳам гавдалантирилган. Табиат инсон ҳаётининг жисман асосини белгилабгина қолмай, маънавий ҳаётининг ҳам асосий таянчидир. Мансур ал-Ҳозимий лирикасида инсон ва табиат талқини ана шундай фалсафий мазмунга эга. Шоир табиатнинг ўзгартириб турувчи авзойида ҳаётнинг азалийлигини, умрнинг эзгулигини кўради. Табиат оғушида умр, тақдир, эзгулик фалсафаси сизиб чиқади. Мансур ал-Ҳозимий табиат фалсафасидан умрлар ҳикматини ўқийди. Хусусан, табиат манзараларида инсон ҳаётининг маъносини кўраркан, шу асосда улар одам ҳаётига хос мазмун касб этади. Шоир поэтик дунёсида табиат ҳаётнинг асоси тарзида намоён бўлади. Бу эса инсонга умр мазмунини эслатиб туради. Халқ ва унинг тарихи билан узвий алоқадорлик инсонга табиат билан боғлиқлик ато этади, деган фикр Мансур ал-Ҳозимийнинг инсон ва табиат мавзуидаги шеърларида нурланган мазмунни ифодалайди.

لم يبق غير افرع عجاف ..
تخافها الطيور ..
تشير للمساء ..
كأذرع الأشباح ..
يحوطها الصباب و الدخان ..

Фақат нимжон шохлар талпинар..
Уни қушлар қўрқитар..
Оқшомга ишора қилар..
Уни туман-у тутунлар ўрар..
Ҳиссиётларнинг энг кучлиги каби[1].

Куз фаслида кузатганмисиз, тун кириши билан қушлар дарахт шохчаларига қўниб оладилар. Куз дармонсизлик белгисидир, кун ботиши билан барча дардлар қўзғалиши маълум. Шунингдек, қалбдаги ҳиссиётларни жунбушга келтиради. Мансур ал-Ҳозимий лирикасида куз образи алоҳида ўрин тутади. У куз фаслининг табиатида халқ меҳнатининг эзгу моҳиятини кўради, инсон қалбининг рангин ҳолатларини яратади. Куз фаслида қоронғулик гўё кийимсиз дунёдек, чунки барча нарса ўзини ўраб турган нарсаларидан маҳрум бўлади.

أصابع تستنجد الغيوم ..
وتستعيذ من تهكم الصباح ..
والطل.. و الشعاع و النجوم ..
وأقفر الطريق ..
لم يبق في حساه غير جرح ..
ووحشة خرساء ..
أذهارأذلها الرصيف ..
تدوسها الاقدام ..
تسوقها الأنواء و الرياح ..

[1] عبد الله بن سالم بن حميد الحميد. شعراء من الجزيرة العربية،الرياض. ١٤١٣هـ–١٩٩٢م.ص.-٢٨١ (Abdullah Salim bin Hamid Alhamid. "Poets of the Arabian Peninsula") Ar-Riad.1413h/1992m. p.281. Tarjimasi muallif tomonidan qilindi. (The translation was made by the author)

Куз фасли кунлари жуда қисқадир,
Туннинг шарпалари қўнар ерга тез.
Тунун ва туманлар чулғаб ҳам олар,
Булутлардан илинж истаб юрган кез.
Шабнам, нур ва самода юлдузлар,
Тонг ҳам изза бўлишдан сўрарлар паноҳ.
Йўллар бўм-бўш, йўқдир унда бирор из
Ичида жароҳат, не қилай, э воҳ.
Ёлғизликдан соқов бўлиб ҳам қолди,
Гулларин қилдилар йўлларда пайҳон.
Оёқ-ла топталиб, янчиб ташланди,
Ҳар ён учирдилар шамол ва бўрон[1].

Кузда кеч тонг отиб, шудринг ёки қуёшли кунлар кам бўлади, унда ёмғир ва шамоллар ҳукмдор бўлади. Шу сабабли, кузда ҳамма баҳорни қўмсайди. Чиройли очилиб турган гуллар, ерларга тўкилиб, одамлар оёқлари тагида ётади. Баъзан эса шамоллар уни у ёқдан-бу ёққа учиради. Буни шоир моҳирона очиб берган.

Ўзбек шеъриятида айнан ушбу мазмундаги шеърни биз Шавкат Раҳмон шеъриятида учратишимиз мумкин:

Тунги боғлар – сирли, қўрқинчли,
Хусусан, куз, хусусан, кечги куз,
Қора тунли бўлиб қўриқчи,
Қотиб турар дарахтлар унсиз.
Оёғингнинг остида ногоҳ
"Чирс" этар-у, синиб тушар шох,
Бироқ, улкан қушдек баногоҳ
Қалқиб кетар бутун улкан боғ.
Тунги боғлар қора ўпқондай
Гувлар бўрон кезилган чоғлар.
Боғни четлаб ўтади тунда
Қўрқа-писа ойдин сўқмоқлар[2].

Саудиялик шоир Мансур ал-Ҳозимий ва ўзбек шоири Шавкат Раҳмоннинг кеч куз фасли таърифига оид шеърларида ўзаро ҳамоҳанглик кўзга ташланади. Яланғоч дарахтлар, тун шарпалари, гул ва япроқларнинг йўлларга пайхон бўлиши, шамол ва бўронларнинг увиллаши, тун қиёфалари, буларнинг барчаси бир-бирига яқин тушунчалардир. Ҳар бир нарса ёки ҳодисани икки томонлама кўришимиз мумкин. Кузни ҳам икки хил талқин қиламиз. Аввало, шоирлар қаламларида олтин, деб аталган ушбу фаслнинг тароватини, табиатнинг қизғиш тус олиши ёки оёқ остида ётган баргларнинг шитирлаши кишида ўзгача оламда сайр этаётгандек тасаввур ҳосил қилади. Ёинки бошқа шоирлар кузни қалбдаги ғашликка ёки тунга ўхшатишади. Унда барча жой жимжитликдан иборатдек гўё. Иккинчи тоифадаги

[1] عبد الله بن سالم بن حميد الحميد. شعراء من الجزيرة العربية،الرياض. ١٤١٣هـ–١٩٩٢م.ص.-٢٨١-٢٨٢(Abdullah Salim bin Hamid Alhamid. "Poets of the Arabian Peninsula") Ar-Riad.1413h/1992m. p.281. Tarjimasi muallif tomonidan qilindi. (The translation was made by the author)

[2] Rahmon Sh. Saylanma [A collection of poems]. – T.: Sharq, 1992. – B. 112.

шеърлар реалликка мойил шеърлардир. Боиси унда чиройли қочиримлар ёки ўхшатишлар йўқ. Унда бор нарса шундай ўз аксини топади. Табиат ўз қонуниятига эгалигини, унда фаслларнинг ўзига хос тароват ила алмашиниши ҳам бир инсон назаридан четда қолмайди. Бироқ ёзувчи ва шоирлар нигоҳида эса, бу ҳодисалар янада гўзаллашади. Ёзувчи ёки шоир қандай асар яратмасин, қайси жанрда ижод этмасин, у объектив ҳаётга мурожаат этибгина қолмайди, балки ушбу мурожаати ила ўз ички оламидаги рангдорликни ҳам юзага чиқаради.

Ал-Ҳозимийнинг кейинги шеъри эса "Азоб" деб номланган бўлиб, унда ҳам ошиқ дилнинг сўзлари янграйди.

عرفت بعينيك معنى الوجود
وأنت عرفت بعيني العدم
و في شفتيك ابتسام الحياة
و من شفتيَ يطل الندم

Сенинг кўзларинг ила борлиқнинг маъносин билдим,
Сен менинг кўзларим билан йўқликни билдинг.
Сенинг лабларингда ҳаёт табассум қилар,
Менинг лабларимда надомат пайдо бўлар[1].

Юқоридаги шеърнинг моҳиятида шоирнинг аччиқ дил изҳорлари билан китобхон хотиралари сирлашади. Бундай нозик кузатиш шоир дилидаги ҳасратни ифода этгани билан жуда кўпчиликка бирдек таъсир этади.

Бир қарашда жуда содда туюлган бўлса-да, шоир ҳеч кимга ўхшамаган поэтик образ яратган. Буни янгиланаётган бадиий тафаккурнинг маҳсули сифатида қабул қилиш айни ўринлидир. Бинобарин, лирик ифода табиатининг энг биринчи хусусияти унинг самимийлигида намоён бўлади. Туйғу чин бўлмаса, асар бадийяти кемтиклигича қолади. Бу ҳолат шеър суратидан сийратига ўтади. Шоир баъзи ўринларда ўз қалбидаги туйғулар туғёнини юзага чиқара олмаслиги мумкин.

Эътибор қилиб қарайдиган бўлсак, ушбу шеърда ёрнинг кўзлари ва унинг лабларига таъриф берилмоқда. Иккинчи мисрада эса, ёрига ҳеч нарса бера олмаганлигини ва учинчи мисрада эса ёрининг гўзал табассумида ҳаётдан мамнунлигини тараннум этмоқда. Охирги мисрада эса, ўзининг лабларида надомат ва афсусланиш борлиги айтилмоқда.

و في وجنتيك امتلاء الورود
و في وجنتيَ احتقان الالم
فضنيَ بحسنك لا تبذليه
رخيصا.. و إلا احتواك الرمم

Сенинг яноқларингда гуллар шодаси,
Менинг яноқларимдаги ғам алангаси.
Хуснингни қилмагин ҳеч кимга фидо,
То сени кўрмасин разолат асло[2].

[1] عبد الله بن سالم بن حميد الحميد. شعراء من الجزيرة العربية،الرياض. ١٤١٣هـ–١٩٩٢م.ص.-٢٨١-٢٨٢ Abdullah Salim bin Hamid Alhamid. "Poets of the Arabian Peninsula") Ar-Riad.1413h/1992m. p.281-282. Tarjimasi muallif tomonidan qilindi. (The translation was made by the author)

[2] عبد الله بن سالم بن حميد الحميد. شعراء من الجزيرة العربية،الرياض. ١٤١٣هـ–١٩٩٢م.ص.-٢٨١-٢٨٢ Abdullah Salim bin Hamid Alhamid. "Poets of the Arabian Peninsula") Ar-Riad.1413h/1992m. p.281-282. Tarjimasi muallif tomonidan qilindi. (The translation was made by the author)

Бу тўртликнинг аввалги мисраларида ёрининг яноқлари қизғишликка тўлалиги ва ўзининг яноқлари эса дард, алам ва азобли эканлиги келтирилган. Учинчи ва тўртинчи мисраларда эса ёрига ҳуснингни менга фидо қилма, бўлмаса у туфайли сенга қийинчиликлар келади, бу эса ўзининг мадорсизлиги ва ғам-аламлари ҳисобига бўлса ҳам кўнмоқда. Бу эса ёрига муҳаббати самимийлиги ва фидойилиги туфайлидир. Муҳаббат бир инсонни ўзига мослаштириш эмас, балки ўзга инсонни ўзлигингга айланишидир. Ал-Ҳозимийнинг ушбу шеърида бунинг яққол ифодасини кўрдик. У ёри туфайли оламни бошқа нигоҳ билан билди, унинг табассумида ҳаёт ва мавжудликни кўра олди ва мен туфайли сенинг ҳуснингга зарар етмасин деб таъкидламоқда. Биз ушбу шеърни ўқир эканмиз, беихтиёр Ўзбекистон халқ шоири Эркин Воҳидовнинг қуйидаги мисралари билан ҳамоҳанглигини сезамиз:

Барча шодлик сенга бўлсин,
Бор ситам, зорлик менга,
Барча дилдорлик сенга-ю,
Барча ҳушёрлик менга.

Сен менинг жонимни олгин,
Мен сенинг дардинг олай,
Барча соғлик сенга бўлсин,
Барча беморлик менга[1].

Биз Мансур ал-Ҳозимийнинг شعراء من الجزيرة العربية (“Араб яриморoли шоирлари”) номли китобга киритилган муҳаббат ва табиат васфи ила ёзилган шеърлари мазмунан бой ва шаклан гўзаллигига, шоир шакл ва мазмунга доир барча унсурларни қунт билан ишлаб, уларга жило ва сайқал берганига, тил имкониятларидан усталик билан фойдаланганлигига, шунинг учун ҳам унинг шеърлари тилининг аниқ равонлиги образли ва ширали бўлиши билан бирга ғоялар содда ва ихчам, китобхонни ўйга солдирувчи, том маънода китобхонга мослигига гувоҳ бўламиз. Мансур ал-Ҳозимий шеърияти ранг-баранг поэтик кўчимлар, образли поэтик топилмалар, чуқур фалсафий мазмуннинг олий инъикоси сифатида бадиий мукаммал даражадаги қимматга эгадир. Шоир қўллаган ҳар қандай поэтик кўчим ва поэтик топилмалар лирик қаҳрамон руҳиятининг турли қирраларини кашф этишга, қалб аталмиш сирли ва мураккаб дунёсини ёритишга, шеърнинг бадиий-эстетик моҳиятини тўла таъминлашга муҳим ва асосий ҳисса бўлиб қўшилган.

[1] Vohidov E. Saylanma [A collection of poems]. – T.: Sharq, 2000. – P. 55.

Б.З. ХОЛИДОВ – АФҒОНШУНОС

МАННОНОВ АБДУРАҲИМ

Филология фанлари доктори, профессор, ТДШИ

Боқи Зокирович Холидовни мамлакатимизнинг аксарият кекса ва ўрта ёш арабшуносларии аввало у кишининг барчага яхши маълум ва машҳур бўлган “Араб тили дарслиги” муаллифи сифатида яхши билишади. Бу олим Ўрта Осиё давлат университети (ҳозирги Ўзбекистон Миллий университети)нинг Шарқшунослик факультети қошидаги Араб филологияси кафедрасининг салоҳиятли раҳбари, ажойиб илм-фан ташкилотчиси ва араб тилини ўрганаётган талабалар учун меҳрибон, ғамхўр устоз эди. Мадраса талабаси ўлароқ Б.Холидов араб тили билан бирга форс тилини ҳам мукаммал эгаллаган эди. Тилларни яхши билиши боис у 1942-1947 йилларда Эронда Совет Армияси офицери даражасида форс тили таржимони вазифасини ҳам адо этди.

Лекин ҳозирги авлод шарқшунос-арабшуносларига Б.З.Холидовнинг ўзининг ўқитувчилик ва илмий фаолиятини дастлаб арабшунослик соҳаси мутахассиси эмас, балки у таниқли шарқшунос олим Э.Е.Бертельснинг кўмагида пашту-дарий тилини ўрганиб, афғоншунос-паштушунос сифатида бошлагани маълум эмас. У Ўзбекистонда илк бор пашту (афғон) тилидан сабоқ берган, бу тилни ўқитиш методи асослари, фонетика ва грамматикасидан ўқув дастурлари, махсус курсларни ишлаб чиққан, хрестоматия, луғат ва маъруза курсларини тайёрлаган, талабаларнинг курс ва диплом ишларига раҳбарлик қилган биринчи ўқитувчи – устоз эди. Афғон филологияси бўйича у киши яратган дарсликлар, ўқув адабиётлари малакали мутахассислар йўқ даражада бўлган ўша давр шароитида жуда муҳим эди.

Б.З.Холидов билан елкама-елка меҳнат қилган кишилар ва ундан таҳсил олган талабалар устозни нафақат ажойиб устоз, балки ўта талабчан, принципиал олим, ҳар доим ёрдамга тайёр, ёш, ҳали тажрибасиз, аммо фаол ва тиришқоқ, мақсад сари собитқадамлик билан интилувчан ёшларни қўллаб-қувватловчи мураббий сифатида яхши билар эдилар.

Унинг илк бор илм шоҳсупаларидан кўтарила бошлаши пашту (афғон) тилидаги арабча ўзлашмаларнинг лексик, фонетик, морфологик ва синтактик тарихига қизиқиши билан боғлиқ. У кўплаб бадиий, илмий, диний, ижтимоий-сиёсий, ҳарбий матнлардан олинган катта лисоний материалларни тўплаб, уларни чуқур таҳлил қилиб, 1951 йилда “Ҳозирги замон пашту адабий тилидаги арабча ўзлашмалар” мавзусида номзодлик диссертациясини ҳимоя қилди.

Бу нафақат Ўзбекистондаги, балки дунё афғоншунослигида пашту тилидаги арабча ўзлашмаларнинг лексик, фонетик, морфологик ва синтактик хусусиятлари тадқиқига бағишланган илк монографик тадқиқот эди. Шарқшунослик соҳасининг етакчи мутахассислари ушбу тадқиқотда илгари сурилган ва ишлаб чиқилган муаммоларнинг долзарблиги, янгилиги ва аҳамиятини ўз вақтида жуда юқори баҳолаган эдилар.

Ушбу диссертацияни яқинда Ўзбекистон Миллий Университетининг кутубхонасидан топдим ва қизиқиш билан ўқиб чиқдим. Диссертация матни машинкада ёзилган 293

саҳифадан иборат эди. Аммо мени ҳайратга солган нарса – диссертациянинг ҳажми эмас, унда кўриб чиқилган муаммоларнинг кўлами, чуқурлиги ва асослилиги, олинган натижаларнинг ишончлилиги, ўтган асрнинг 40-йиллари охирида, собиқ Иттифоқда пашту тилини илмий тадқиқ этиш ҳақида ҳали ўйлаб ҳам кўрилмаган бир даврда бундай улкан ишнинг амалга оширилганлиги эди. Бундай ишни фақат учта шарқ тили: пашту, араб ва форс тилларини мукаммал эгаллаган Б.З.Холидов эплай олар эди. Ва, ҳақиқатдан ҳам, у бу ишни кутилганидан ортиқ даражада уддалаган эди.

Б.З.Холидовнинг диссертацияси у танлаган ва тадқиқотнинг хулоса қисмида аниқ таъриф этилган илмий йўналишнинг изчил рўёби ҳисобланади. У киши ёзади: "... замонавий пашту адабий тилига араб тилидан ўзлашган фонетик ва грамматик хусусиятларни мукаммал билмасдан, ушбу тил бўйича муваффақиятли илмий ва амалий ишларни амалга ошириш мумкин эмас".

Тадқиқот муаммоларига кириш кенг миқёсда ёритилган, мустақил илмий аҳамиятга эга бўлган муқаддима, уч алоҳида боб ва хулосаларни ўз ичига олган.

"Пашту тилидаги арабча сўзларнинг лексик тавсифи" деб номланган биринчи боб олти бўлим ва 15 та параграфни қамраб олган бўлиб, унда афғон (пашту) ёзуви тарихи, унда арабизмларнинг ўзлашиш йўллари, уларнинг семантикаси масалалари ва пашту тилида қўлланиш соҳалари чуқур таҳлил қилинган.

Олти бўлим ва 16 параграфдан ташкил топган иккинчи бобда араб ва пашту тиллари фонетик тизимлари қиёсий таҳлилга тортилган ва бу тилларнинг график тизимларининг хусусиятлари кўриб чиқилган. Шу нуқтаи назардан консонантизм ва вокализм, ассимиляция ва диссимиляция, урғу ва бўғин масалаларига оид муаммолар таҳлилга тортилган .

"Пашту тилидаги арабча сўзларнинг грамматик хусусиятлари" деб номланган учинчи боб икки тўла мустақил қисмдан иборат. Биринчи қисмда арабизмларнинг грамматик категориялари кенг тадқиқ этилган бўлиб, булар: масдарлар, сифатдошлар, сифатлар, сонлар, ҳаракат ва иш қуроллари номлари, феъллар, алоҳида ёзилувчи олд қўшимча (предлог)лар ва кўмакчилардир. От ва равишларнинг ясалиши, шунингдек, арабча сўз бирикмаларининг таркиби, семантикаси ва бошқа масалалар чуқур ва атрофлича тадқиқ этилган.

Учинчи бобнинг иккинчи қисми пашту тилидаги ўзлашган арабизмларнинг синтактик хусусиятлари тадқиқига бағишланган. Ўзлашмаларнинг атрибутив ва предикатив функциялари, род ва сон категорияларининг хусусиятлари батафсил ўрганиб чиқилган.

Б.З.Холидов ушбу диссертация мавзуси бўйича ҳозирги кунда ҳам ўз аҳамиятини йўқотмаган бир қатор илмий мақолалар чоп эттирган эди. Уларнинг энг муҳимларидан бир нечтасини санаб ўтамиз:

1. Заметки по фонетике афганского языка (Афғон тилининг фонетикасига оид мулоҳазалар) (Труды САГУ – иранская и тюркская филология), Ташкент, 1957, стр. 3-38;

2. К истории изучения афганского языка (Афғон тилини ўрганиш тарихига доир) (Журнал «Общественные науки в Узбекистане», №12), Ташкент, 1962, стр. 28-33. ("Ўзбекистонда ижтимоий фанлар" журнали, № 12)

3. Лексическая характеристика арабских заимствований в афганском языке (Афғон тилидаги араб тилидан кирган ўзлашмаларнинг лексик тавсифи) (Труды ТашГУ, вып. 229, Ташкент, 1964, стр. 23-40;

4. Этимология слова Таннур:р (Таннур сўзининг этимологияси) (Научные труды ТашГУ, вып. 247, иранская, тюркская, арабская филология, Лингвостатистика), Ташкент, 1964, стр. 39-43;

5. Морфологические формы арабских заимствований в афганском языке (Афғон тилидаги арабча ўзлашмаларнинг морфологик шакллари) (Труды ТашГУ, вып.286, стр. 17-23);

6. Язык пушту на современном этапе развития (Пашту тилининг ҳозирги ривожланиш босқичи) (В кн.: Тезисы научных докладов на юбилейной конференции САГУ, 25-летию образования УзССР), Ташкент, 1950;

7. Хрестоматия по языку пушту (Пашту тилида матнлар тўплами), 1954.

Олимнинг ушбу диссертацияси ёзилганига етмиш йилга яқин вақт ўтган бўлса-да, бу тадқиқот афғоншуносликда пашту тилидаги арабча ўзлашмалар соҳасида амалга оширилган ягона фундаментал монографик тадқиқот, беназир илмий асар бўлиб қолмоқда ва бугунга қадар ҳам ўзининг долзарблигини йўқотмаган илмий ишдир. Москва, Ленинград ва бошқа шарқшунослик марказларида бирон бир нашр этилган пашту тилига оид грамматика, махсус курслар, луғат ва дарсликлар, илмий тадқиқот ишлари йўққи, Б.З.Холидовнинг мазкур диссертацияси ва чоп эттирган илмий мақолаларига ҳаволалар қилмаган бўлса.

Ўйлайманки, Б.З.Холидовнинг мазкур диссертация – тадқиқотини айрим қисқартиришлар билан нашр этилиши ва унинг афғоншунос-паштушунос мутахассисларни тайёрлашга мўлжалланган ўқув дастурига махсус курс сифатида киритиш мақсадга мувофиқ бўлади. Шунингдек, ушбу тадқиқот нафақат пашту балки минтақадаги бошқа (ўзбек, озарбайжон, уйғур, туркман, қирғиз каби) тиллардаги арабий ўзлашмаларни тадқиқ этишда яхши методологик асос бўла олади.

Б.З.Холидовнинг илмий фаолияти ва диссертация иши билан танишиш натижасида қуйидаги хулосага келдим. Ҳақиқатдан ҳам, бу беназир истеъдод соҳиби, ўз даврининг юксак салоҳиятли алломаси, илм-фан соҳасидаги йирик илмий йўналишнинг ёрқин намояндаси бўлган Б.З.Холидов Ўзбекистондаги афғон филологияси соҳасида илк фан доктори, профессор унвонига лойиқ бўлиб, афғон филологияси бўйича кўп сонли илмий даражага эга бўлган тилшунос-афғоншуносларни тайёрлашда раҳнамолик қилиши мумкин эди. Аммо тақдир тилшунос алломанинг илмий салоҳияти, иқтидорини арабшуносликка йўналтирди ва бугунги кунда у аввало арабшунос олим сифатида маълум ва машҳур. Шунга қарамай, Б.З.Холидовнинг афғоншунослик олдидаги хизматлари буюкдир. У мамлакатимизда пашту тили бўйича илк йирик тадқиқотлар олиб борган олим, ғамхўр ва меҳрибон устоз сифатида шарқшунос-афғоншунослар хотирасида абадий яшайди.

АЛИШЕР НАВОИЙНИНГ “ҲАЙРАТ УЛ-АБРОР” ДОСТОНИДАГИ АРАБИЙ ЎЗЛАШМАЛАР ВА ИҚТИБОСЛАР

ҚУРОНБЕКОВ АҲМАДҚУЛ

Филология фанлари доктори, профессор, ТДШИ

Аннотация. *Бу мақолада ўзбек тилининг асосчиси жаҳоний шоир Алишер Навоийнинг “Ҳайрат ул-аброр” достонида ишлатилган арабий ўзлашмалар тадқиқотга тортилган. Бу достон асосида тузилган конкорданс ва частотали луғат асосида асарда 2838 та арабий сўз ва бирикмалар ишлатилганлиги аниқланди. Шу жумладан, ўзбек тили тизимига кирмаган 52 та Қуръон ва ҳадислардан иқтибос қилинган жумла ва иборалар келтирилган. Асарда қўлланган арабий ўзлашмаларнинг деярли 90% ўзбек адабий тилига Навоий давригача ўзлашиб бўлган ва ҳозиргача ҳам қўлланади. Қолган 10% гача бўлган арабий сўзлар ва иборалар ўзбек тили тизимига кирмаган, лекин шоир вазн ва қофия тақозоси билан уларни қўллашга мажбур бўлган. Шоир бу сўзларни араб тилида махсус ўрганган ва шу асосда “Сабъати абҳур” (“Етти уммон”) луғатини тузиб қолдирган.*

Арабий ўзлашмаларнинг ўзбек тили тизимига сингиб кетганининг яна бир далили “арабча–форсча” ва “арабча–туркийча” қўшма сўзлар ва аффиксал ясама сўзларнинг қўлланган ҳамда бу сўзларнинг морфологик ва синтактик қоидаларга тўла мослигидир.

Таянч сўз ва иборалар: *арабий ўзлашмалар, частотали луғат, корпус лингвистикаси, “Ҳайрат ул-аброр”, арабий масдар, арабий сифатдошлар, Қуръон ва ҳадислардан иқтибослар, “арабча–форсча” ва “арабча–туркийча” қўшма сўзлар, тазмин санъати ва классик шеърият.*

Аннотация. *В этой статье исследованы арабские заимствования в поэме «Хайрат ул-аброр» («Смятение праведных») основоположника узбекского языка, поэта мирового значения Алишера Навои. С этой целью, на основе конкорданса «частотного словаря» выявлено употребление 2838 лексем и словосочетаний арабского происхождения. В том числе имеются 52 цитаты из Корана и сказаний пророка, которые не адаптированы в систему литературного узбекского языка. Примерно 90% арабских заимствований прошли процесс адаптации в литературном узбекском языке до Навои и употребляются до сих пор. Остальные 10% не вошли в состав словарного фонда узбекского языка и употребления по необходимости арабской системы стихосложения "аруз" и рифмы. Поэт составил специальный словарь арабских лексем «Сабъати абхур» («Семь океанов»), для того чтобы использовать в стихах по необходимости.*

Ещё один признак полной адаптации арабских заимствований – это сложные и аффиксальные слова, составленные по модели «арабско-персидские», «арабско-тюркские» их морфологическим и синтаксическим правилам узбекского языка.

Опорные слова и выражения: *арабские заимствования, частотный словарь, корпус лингвистики, «Хайрат уль-аброр», арабские масдары, арабские причастия, цитаты из Корана и хадисов, арабско-персидские и арабско-тюркские сложные слова, искусство Тазмин и классическая поэзия.*

Abstract. *T his article explores the Arabic borrowings in the poem "Hairat ul-Abror" ("confusion of the virtuous") by the founder of the uzbek language and world-famous poet Alisher Navoi. For this purpose, the use of 2838 lexemes and phrases of Arabic origin on the basis of the concordance of the “frequency dictionary”, was revealed. In addition to this, there are 52 quotes from Kor’an and the hadiths of the prophet that are not adapted into the Uzbek language system. Approximately 90% of Arab borrowings went through the adaptation process in the literary Uzbek language before Navoi and is still in use. The remaining 10% were not included in the vocabulary of the Uzbek language and, if necessary, the use of the Arabic system of versification "Aruz" and rhyme. The poet compiled a special vocabulary of Arabic borrowings "Sab’ati abhur" (Seven Oceans), in order to use in verses as necessary.*

Another sign of the complete adaptation of Arabic is compound and affix words composed according to the "Arabic-Persian", "Arabic-Turkish" models by their morphological and syntactic rule of the Uzbek language.

Keywords and expressions: *Arabic borrowings, Frequency Dictionary, Corpus Linguistics, "Hayrat ul-abror", arabic masdars, arabic participles, Quotations of the Qur'an and Hadith, "Arabic-Persian" and "Arabic-Turkish" compound words, Tazmin and classical poetry.*

Алишер Навоий "Ҳайрат ул-аброр" достонида бу достоннинг ва умуман, "Хамса" достонларининг ёзилиши сабабини тилга олиб шундай баён қилади:

13/48 Fārsiy oldi ču alarġa adā
Turkiy ila qilsam ani ibtidā
18/49 Fārsiy el tāpti čuxursandliq
Turkdagi tāpse barumandliq[1]

Бу байтларда Низомийнинг "Махзан ул-асрор" ва Жомийнинг "Туҳфат ул-аҳрār" асарлари форсий тилида ёзилган ва бу асарлар туркий тилли халқларнинг кўпчилиги муяссар бўлмаслиги, фақат фақат туркий элнинг зиёли қисмигина улардан баҳра олиши мумкинлигини ҳисобга олиб, "Хамса"ни ва умуман, барча асарларини туркий тилда ёзишга қарор қилганини баён қилмоқда.

Алишер Навоий замонида шеърият тили, асосан, форс тили бўлган. Бунинг сабаби IX–XIV асрларда форс тилидаги шеърият Рудакий, Фирдавсий, Низомий, Аттор, Румий Хусрав, Саъдий, Ҳофиз ва минглаб бошқа шоирлар томонидан форс тили шеъриятининг юксак намуналари жаҳоншумул мавқега эга бўлган. Туркий тилида ҳам Аҳмад Югнакий, Саккокий, Лутфий каби шоирлар шеър ёзишган, лекин форс адабиёти даражасига кўтарилмаган. Алишер Навоий мана шу норасоликни тугатиш мақсадида онгли равишда туркий тилида ёзишга ва туркий адабиётни жаҳоний мезонларга кўтаришга бел боғлаган. Бу ҳақида "Муҳокамат ул-луғатайн" асарида шундай дейди: "Андин сўнграким, турк тилининг жомейяти мўнча далоил била собит бўлди, керак эрдиким, бу халқ орасидин пайдо бўлғон таб аҳли салоҳият ва табларининг ўз тиллари турғоч ўзга тил била зоҳир қилмаса эрди ва ишга буюрмасалар эрди. Ва агар иккала тил била айтур қобилиятлари бўлса, ўз тиллари била кўпроқ айтсалар эрди ва яна бир тил била озроқ айтсалар эрди. Ва агар муболаға қилсалар, иккала тил била тенг айтсалар эрди. Бу эҳтимолга худ йўл берса бўлмаским, турк улусининг хуштаъблари мажмуи сорт (форс) тили била назм қилғайлар ва билкулл турк тили била айтмагайлар, балки кўпи айта олмағайлар ва айтсалар ҳам сорт турк тили билан назм айтқондек фосих турклар қосинда ўқуй ва ўткара олмағайлар ва ўқисалар, ҳар лафзлариға юз эътироз ворид бўлғай".

Юқорида келтирилган иқтибосдан маълум бўладики, бу даврда турк шеърияти у қадар юксак савияда ривожланмаган, турк тилида битилган шеърлар ҳам унчалик халққа манзур бўлмаган. Бундай кемтиклик ўз миллатининг онги ва виждони бўлган шоирга тинчлик бермаган. Алишер Навоий ўз тилининг ижтимоий мавқеини кўтариш ва миллатининг маънавий дунёсини замонасининг энг илғор маърифати билан бойитиш ва шу йўл билан туркий тилли ижодкор зиёлилари учун ўз миллатининг онги ва маърифати учун қандай қайғуриш кераклигига ибрат намунаси бўлган ва туркий тилида юксак савияда асарлар яратиш учун йўлбошчи бўлган. "Туркий эл ҳам барумандлиғ топса" деганда "туркий халқлар ҳам ўрта аср саводсизлик зулмидан қутулиб, маърифатнинг чароғон йўли сари интилса" деган тилак бор эди.

[1] Alisher Navoiy. "Hayrat ul-abror" dostonining konkordansi. – T.: Fan va texnika, 2012. Bundan keyingi misollar shu kitobdan olingan.

Алишер Навоий бутун умр мана шу армоний мақсадларига содиқ қолди ва ўттиздан ортиқ асарини туркий тилда битди.

Алишер Навоийдан кейин туркий тили шеър ёзишга катта йўл очилди. Заҳириддин Муҳаммад Бобур, Насимий, Фузулий, Огаҳий, Увайсий ва Нодира каби минглаб шоирлар баракали ижод қилишди. Ва ҳар бири туркий тилида Наъвоийнинг шеърлари ижод мактаби бўлганлигини у ёки бу тарзда эътироф етишди.

Алишер Навоийнинг "Ҳайрат ул-аброр" достони 4050 байтдан иборат бўлиб, бу достонда 12065 сўз шакли ишлатилган. Бу достон асосида тузилган частотали луғатда 6040 сўз бирлиги ишлатилганлиги аниқланди. Бу достон сўзлигидаги арабий ўзлашмалар ва арабий иқтибосларни ҳисоблаб чиқарганда сўзликдаги 2841 сўз арабча ва арабий асосдан ясалган арабча-форсча ва арабча-туркийча гибрид сўз бирликлари эканлиги аниқланди. Ундан ташқари, достон матнида 54 бирикма Қуръон оятлари ва ҳадисларидан келтирилган. Арабий унсурларнинг ҳаммасини ҳисоблаганда достонда ишлатилган 6040 сўз бирлигидан 2895 таси арабий асосга эга эканлиги маълум бўлди. Бу сўзликнинг 47,5%ини ташкил қилади.

Туркий тилининг форс тилидан устунлигини "Муҳокамат ул-луғатайн" асарида ҳар томонлама исботлаб берган шоир асарида арабий ўзлашмаларнинг бунчалик катта миқдорда ишлатилиши бир қатор саволлар пайдо бўлишига сабаб бўлди.

Назаримизда, биринчи сабаби форс тили ўша даврда адабиёт тили бўлган бўлса, араб тили илмий тил ҳамда ижтимоий ва диний соҳаларда етакчи ўринда бўлган. Мактаб ва мадрасаларда араб ҳамда форс тиллари ўргатилган ва Қуръон, ҳадис ва ислом арконлари араб тилидаги манбалардан ва адабий асарлар форс тилида ёд олинган.

Алишер Навоий мактабда ўқиб юрганида Фаридуддин Атторнинг "Мантиқ ут-тайр" асарини бошдан охиригача ёд олганини қайд етади. "Мантиқ ут-тайр" 4838 байтдан иборат бўлган. Ўрта аср мезонларига кўра шоир бўлиш учун ўтмиш салафларининг шеърларидан камида 20 000 минг байт, замондошларидан 10 000 байт ёддан билиши керак бўлган. Ундан ташқари, ўқимишли инсон бўлиш учун Қуръонни ёд олиши ва энг мўътабар ҳадисларни ёддан билиши лозим бўлган.

Алишер Навоийнинг ўзи гувоҳлик беришича, ўтмиш салафлари ва замондошларининг 50 мингдан ортиқ байт шеърларини ёддан билган. Шундан маълум бўладики, арабий сўз бирликлари ва иборалар мактаб ёшидан бошлаб назм ва насрий асарлар орқали шоирнинг фаол қўллайдиган сўз бойлигига айланган.

Бу ҳақда шоир "Муҳокамат ул-луғатайн" асарида шундай дейди: "Ва "боб" била "замма" орасида ҳам ул нав ширкатдур. Андоққи, "эрур" лафзин "ҳур", "дур" лавзи била ҳам жойиздур. Ва "ё" била "касра" орасидағи бу навдур, андоқки, "оғир ва "боғир" алфозин "содир" ва "қодир" аларзи била қофия қилса бўлур, "тахир" ва "тағйир" алфози била ҳам бўлурки, форсий алфозда бу суҳулатлар йўқтур"

Бу сатрлардан маълум бўладики, туркий тилидаги "у" ҳарфи араб тилидаги чўзиқ

"у" ва қисқа "у" (замма) билан туркийдаги "и" араб тилидаги чўзиқ "и" (касра) билан қофия қилса бўлади. Форс тилида бундай афзалликлар йўқ, чунки форс тилида худди араб тилидагидай чўзиқ унлилар билан қисқа унлилар қофия бўлиб келади. "Ҳур", "дур", "эрур" ва "зарур" ҳамда "содир", "қодир", "тохир" ва "тағийр сўзлари ҳаммаси арабчадан ўзлашган сўзлар ва шоир учун ўз тилидан болаликдан онгига сингиб кетган ва бу сўзларга ёт сўз деб қарамайди.

Достондаги асосий араб тилидан ўзлашмалар шоир даврида туркий тил тизимига сингиб ҳам фонетик, ҳам морфологик, ҳам синтактик ва семантик жиҳатдан мослашиб, туркий тилининг ўз лексик қатламига айланиб улгурган.

Арабий ўзлашмаларнинг туркий тилига селдай оқиб келишига яна бир сабаб, ўша даврда расм бўлган аруз вазни. Бу вазнга кўра маснавийда ҳар бир байт алоҳида қофияланиши зарур бўлади. Агар "Хамса" достонларининг умумий ҳажми минг байт атрофида эканлиги назарга олинса, бунга камида ўттиз минг қофиядаги сўз топиш керак бўлур эди. Агар бунга яна "Хазойин ул-маоний" ғазал ва бошқа шеър навларини ва Навоийнинг бошқа шеърий асарлари қўшиладиган бўлса, камида 50–60 минг қофиядаги сўз топиш керак бўлур эди. Бунга нафақат туркий тилининг, балки форсий тилининг сўз бойлиги етмаслиги аниқ эди. Араб тилида сўз ясаш тизими ўта ривожланган, битта ўзакдан 10 та ва ундан кўп сўз ясаш мумкин еди. Бу эса туркий ва форсий тилида ва минтақадаги бошқа тилларда ҳам араб тилидаги сўз бойлигидан фойдаланиш айни муддао эди. Шунинг учун Алишер Навоий араб тилида 60 мингдан (100 минг деган таҳминлар ҳам мавжуд) иборат луғат тузган, ундан шеърий асарларини битиш жараёнида фойдаланган.

Шеъриятда арабий ўзлашмаларнинг бунчалик катта миқдорда кириб келишининг яна бир сабаби, ўрта асрлардан то ҳозирги давргача, ҳамма замонавий шоирларда ҳам кўплиги Ўрта Осиёда шаклланган араб, форс ва туркий муштарак илмий, адабий ва диний муҳит билан изоҳланади. Араб тилидан ўзлашган минглаб атама ва истилоҳлар ва иборалар халқнинг қон-қонига сингиб кетган ва кундалик оғзаки нутқда улардан ўз тил бойлигидек ҳеч иккиланмасдан фойдаланишган.

Арабий ўзлашмаларнинг энг кўп учрайдиган бирликлари бу – арабий масдарлар бўлиб, достонда биринчи бобдан "адад" қуйидаги байтда ишлатилган:

3/18 Birlik edi-yu, adadi yoq edi,
Birdin ozga ahadi yoq edi.

Бу байтдаги "adad" ва "ahad" сўзлари араб тилидан ўзлашган.

2- бобга мисол:

32/61 Qilmāq erur biri mu'allim talab,
Qilgali ta'lim aŋā, ilm-u adab.

Бу байтдаги "ta'lim" сўзи 2-боб масдаридир.

3-бобга мисол:

18/21 Ya's ila oz ajzini qilgāč adā,
Qildi aŋā hātifi ġaybiy nidā.

Бу байтдаги "nidā" сўзи 3-боб масдаридир.

4-боб масдарига мисол:

Qayda xavāriq bila mu'jizdurur
Aql aniŋ idrākida ājizdurur.

Бу байтдаги "idrāk" сўзи 4-боб масдаридир. Достонда бу шаклдаги ўзлашмалар кўп учрайди.

5-боб масдарига мисол:

50/96 Etsa bu hālatda tafakkur aŋā,
Qilgāhidin bolsa tanaffur aŋā.

Бу байтдаги "tafakkur", "tanaffur" сўзлари 5-боб масдари бўлиб, бу бобдан ўзлашган ўзлашмалар анчагина.

6-боб масдарига мисол:

14/47 Nav'i bašar bāšiġa rabbi ġafūr,
Qaydi talāfut bila tāji zuhur.

Бу байтдаги “talāfut” сўзи 6-боб масдари бўлиб, бу бобдаги ўзлашган масдарлар кўп учрайди.

7-боб масдарига мисол:

Išda ki eldin saŋā bār infi’āl,

Teŋriga zāhir esa bolġāy ne hāl.

Бу байтдаги “infi’āl” сўзи 7-боб масдаридир. Шу бобдаги масдарлардан достонда яна “inkisār”, “inqilāb”, “inqitā” ва “inyakād” каби сўзлари ишлатилганини кўришимиз мумкин.

8-боб масдарига мисол:

1/38 “Mim”ki “nūn”din qilibān intihā,

Jāngа qoyub minnati be muntahā.

Бу байтдаги “intihā” сўзи 8-боб масдари бўлиб, шу бобдаги масдарлардан яна “intiqāl”, “intiqām”, “intizām”, “intisāb”, “ibtidā”, “iftiqār”, “”iftixār, “ijtixād”, “ijtināb”, “iktifā”, “iktisāb”, “imtiyāz”, “imtizāj”, “iqtidā”, “iqtirān” “iqtizā”, “irtifā”, “irtikāb”, “istimā”, “istivā”, “istilāh”, “išti’āl”, “ištahā”, “ištiġāl”, “ištihār”, “ixtisār”, “ixtisās”, “ixtitām”, “ixtiyār”, “izdivāj”, “iztirāb” жами 33 та сўз бириги қўлланилган. Бу достонда қўлланган ҳамма боблардан кўп миқдордаги ўзлашмалардир.

10-боб масдарига мисол:

61/10 Xāja Muhammad Pārsādin haj ahli

Du’ā istidā qilmāq….

Бу жумладаги “istidā” сўзи 10-боб масдари бўлиб, достонда яна “istiġnā” сўзи учрайди. Бошқа бобдан ўзлашган масдарлар учрамади.

Достонда энг кўп ўзлашган масдарлар 1-бобга тегишли бўлиб, қолган боблардан энг кўп ўзлашмалар 8-бобдан ўзлашган.

Араб тилидан ўзлашмаларнинг яна бир қисмини сифатдошлар ташкил қилган бўлиб, бу сифатдошлар ўзбек тилида ё от, ёки сифат туркуми вазифасида келади.

1-боб сифатдошларига мисол:

42/1 Dahr iši tā xalq ila bolmiā sitēz,

Xārdurur ālim-u jāhil azīz.

Бу байтдаги “ālim” ва “jāhil” сўзлари 1-боб аниқ нисбатга тегишли.

12/22 Ušbu mamāhkda ki ma’mur edi,

Qildi tasarruf ne ki maqdūr edi.

Бу байтдаги “ma’mur”, “maqdūr” сўзлари 1-боб мажҳул нисбатга тегишли. Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, ўзлашмаларнинг аксарият кўпчилиги 1-боб масдари ва сифатдошларидан иборат.

2-боб сифатдошларига мисол:

26/68 Hāy-u guluvdin bu nišātiŋ kuni,

Aŋlamayin kimsa mu’azzīn uni.

Бу байтдаги “mu’azzīn” сўзи 2-боб сифатдошларининг аниқ майлидир.

33/8 Kim bu ne qol sunmāq u čekmak edi,

Pāsuxini sāhi mu’addab dedi.

Бу байтдаги “mu’addab” сўзи 2-боб мажҳул нисбатга тааллуқли.

Достонда 2-боб сифатдошлари бирмунча кўпчиликни ташкил қилади.

3-боб сифатдошларига мисол:

53/5 Dīn čerigi qatliġa tīgin belab,

Na'ra urar erdi mubāriz tilab

Бу байтдаги "mubāriz" сўзи 3-боб аниқ нисбат сифатдошларига мансуб.

24/12 Beš yasamuš teŋri tabārak ani,

Desa bolur xamsi mubārak ani.

Бу байтдаги "mubārak" сўзи 3-боб мажҳул нисбат сифатдоши. 3-бобдан ўзлашган сифатдошлар ўта кам бўлиб, достон матнида фақат "muvāfiq", "muxālif" сўзларигина ўзлашгани маълум бўлди.

4-боб сифатдошларига мисол:

10/2 Gāhi takallum saŋ mu'jiz kalām,

Nazmi kalāmiŋ bari mu'jiz nizām.

Бу байтдаги "mu'jiz" сўзи 4-боб аниқ нисбат сифатдоши.

30/52 Ham sāčari muhmal-u ham termagi,

Ham āluri harza-yu ham bermagi.

Бу байтдаги "mahmul" сўзи 4-боб мажҳул сифатдоши бўлиб, бу бобдаги сифатдошлар достонда анчагина учрайди.

5-боб сифатдошларига мисол:

5/36 Ham mutafakkīr bolubān avliya,

Ham mutahayyir qāliban anbiyā.

Бу байтдаги "mutafakkir" ва "mutahayyir" сўзлари 5-боб аниқ нисбат сифатдоши. 5-боб мажҳул нисбат сифатдоши достон матнида қўлланмаган.

6-боб сифатдошларига мисол:

52/37 Čun tegurub bāda dimāġiga našv,

Soz muta'āqib demayin ġayri hašv.

Бу байтдаги "muta'āqib" сўзи 6-боб аниқ нисбат сифатдоши. Достонда бундан бошқа фақат битта сўз "mutafāvit" сўзи 6-бобдан ишлатилган. Бошқа аниқ ва мажҳул нисбатдаги сифатдошлар учрамади.

7-боб сифатдошларига мисол:

43/7 Bir-biri birla bolubān muxtalit.

Šāh savāl etdi bolub munbasit.

Бу байтдаги "munbasit" сўзи 7-боб аниқ нисбат сифатдоши. Матнда 7-боб аниқ нисбат сифатдошидан "munharif", "munqasim", "minqati" "munqaziy" "munzaviy" сўзлари ишлатилган. 7-боб мажҳул нисбатдаги сифатдошлар учрамади.

8-боб сифатдошларига мисол:

12/11 Xāni latāyifga sozi munqasim,

Durri ma'āniyga tili muntazim.

Бу байтдаги "muntazim" сўзи 8-боб аниқ нисбат сифатдоши. Бу хилдаги сифатдошлардан яна "muntaqil", "muntašir" сўзларигина матнда қўлланган. Мажҳул нисбатдаги сифатдошлар ишлатилмаган.

10-боб сифатдошларига мисол:

34/95 Aylabān āyīni qanā'at ani,

Dahrda mustaġni ulusdin ġaniy.

Бу байтдаги "mustaġni" сўзи 10-боб аниқ нисбат сифатдоши. Матнда бу хилдаги сифатдошлардан яна 8 та сўз учрайди.

61/29 Kim bu ata birla oġulni mudām,

Davlat-u dīn taxtida tut mustadām.

Бу байтдаги “mustadām” сўзи 10-боб мажҳул сифатдоши. Матнда мажҳул сифатдошлардан яна 4 таси қўлланган.

Достон матнида отларнинг кўплик сони, сифатлар, сон сўз туркуми, баъзи кўмакчилар ўзлашган. Масалан: “āliy” ва “a’lā”, “ā’miy” ва “a’tā” сифатлари, “ahad” ва “vāhid” сонлари, “avā” va “ila” кўмакчилари ва бошқалар.

Достонда феъл сўз туркумидан ўзлашган сўз туркумлари учрамади. Фақат отлар ва сифатдошлар билан ясалган туркий қўшма феъллар кўплаб учради. Масалан:

1/10 Yāki bular barčasi ta’vil erur,

Arši muallā arā qandil erur.

Бу байтдаги “ta’vil erur” арабий ўзлашма ва туркий ёрдамчи феъли билан ясалган қўшма феъл қўлланилган. Яна:

15/42 Turfarāq ul kim tanirimni bilib,

Haqdin uyalmay maŋa zāhir qilib.

Бу байтдаги “zāhir qilmāq” арабий ўзлашма билан ясалган қўшма феъл. Бу моделда ясалган қўшма феъллар жуда кўп учрайди.

Достонда арабий ўзлашмалар билан “арача-форсча”, “арабча-туркийча” ясалган қўшма сўзлар каттагина миқдорни ташкил қилади. Масалан:

11/3 Tun qilibān qadrini a’anbarsirišt,

Butratibān yerga nasimi behišt.

Бу байтдаги “a’anbarsirišt” қўшма сўзи арабча-форсча моделида ясалган.

42/107 Kunga ki uryānliq erur ziynati,

Tiyra bolur bolsa bulut xil’ati.

Бу байтдаги “ uryānliq ” сўзи “арабча-туркийча” моделда ясалган.

Бу шаклда “арабча-форсча” ва “арабча-туркийча” моделда ясалган сўзлар бу ўзлашмаларнинг аллақачон ўзбек тили тизимига мослашганини ва ўзбек луғат бойлигининг ажралмас бир қисмига айланганидан дарак беради.

Достон матнида Қуръондан ва аҳодиси шарифдан қилинган кўплаб иқтибослар ишлатилган. Бу иқтибосларга мисол қуйидагилар:

60/129 Išta agar šahga šabih olġasen,

“Alvaladu sirru abīh” olġasen.

Бу байтдаги “Alvaladu sirru abīh” (“Отанинг сирри бола”) ҳадисдан.

3/37 “Karramnā” keldi manāqib aŋā

“Ahsani taqvīm” munāsin aŋā.

Бу байтдаги “karramnā” (17:70), “ahsani taqvīm” (95:4) Қуръон оятларидан.

Достон матнида бундай бирикмалардан 52 та бирикма ишлатилган. Бу тазмин санъати бўлиб, классик шеъриятда шоирнинг комиллик даражасининг кўрсаткичи ҳисобланган.

Бу оят ва ҳадислар шеърга айриқча бир нуфуз бағишлаб, ҳар бир саводли мусулмон кишисига таниш ҳақиқатлардир.

Хулоса ўрнида айтиш керакки, “Ҳайрат ул-аброр” достонида ишлатилган арабий ўзлашмаларнинг 90% ўзбек тилига Навоийгача сингиб, ўзбек тилининг узвий бир қисмига айланган сўз бойлигидир.

“Арабча-форсча”, “арабча–туркийча” ясалган қўшма сўзлар ва аффиксал ясама сўзлар бу ўзлашмаларнинг аллақачон ўзбек тили луғат бойлигига айланиб улгурганидан гувоҳлик беради.

Асарда ўзбек тилига кирмаган, лекин шоир вазн ва қофия тақозоси билан қўллаган баъзи бир арабий сўз бирликлари ҳам учрайди, лекин улар нисбатан камчиликни ташкил қилади.

Достонда бир қатор Қуръон оятлари ва ҳадислардан келтирилган сўз ва жумлалар ҳам қўлланганки, анъанага кўра, бу тазмин санъати бўлиб, асарга ўзгача бир гўзаллик ва нашида бағишлайди.

Умуман олганда, арабий ўзлашмалар нафақат ўзбек тилидаги шеъриятга, балки форс тили ва минтақадаги бошқа тиллардаги шеъриятда ҳам 40–60% ни ташкил қилади.

АРАБ ТИЛИДА МАФЪУЛ БИҲИ ВА УНИНГ ИШЛАТИЛИШ ЎРНИ

БЕГМАТОВА БУЗАҲРО

Юридик фанлари номзоди, доцент, ТДШИ

АИДА ФАТТАҲОВА

Филология фанлари номзоди, Қозон федерал университети (Халқаро муносабатлар институти)

Аннотация. *Ҳозирги пайтда хорижий тилларни ўрганиш ва ўргатишга юртимизда катта аҳамият берилмоқда. Чунки, жаҳон ҳамжамиятидан ўзига муносиб ўрин эгаллашга интилаётган мамлакатимиз дунёнинг кўпгина мамлакатлари билан иқтисодий, сиёсий, маданий, дипломатик, илмий-маърифий ҳамда бошқа жуда кўп соҳаларда алоқаларни ўрнатаяпти. Бу эса, ўз навбатида, чет тилларини, жумладан, араб тилини ва унинг тенгсиз гўзаллигини, тарихи ва грамматикасини, қолверса, ҳозирги замонда бу тилнинг дунё тилларидан бири сифатида чуқур ўзлаштирилиши муҳим вазифалардан бирига айланиб бораётганини кўрсатмоқда. Шунингдек, уни мукаммал ўзлаштириш учун грамматик қонун-қоидалари, терминларини таржима манбалардан эмас, балки асл манбалардан ҳам ўрганиш давр тақозосидир.*

Маълумки, она тилимизда мавжуд олтита келишик, араб тилида учта келишикда мужассамлашган ва улар бош, қаратқич ва тушум келишикларидир. Бош келишик олти ўринда, қаратқич келишиги икки ўринда, тушум келишиги эса ўн бир ўринда ишлатилади. Кўриниб турибдики, араб тилида энг кўп ишлатиладиган келишик, бу тушум келишиги бўлиб, гап бўлакларининг кўпгина қисми мана шу келишикда ифодаланади.

Араб тили грамматикасида воситасиз тўлдирувчи тушум келишигида ифодаланади ҳамда гапнинг эга ва кесимидан кейин келади.

Шу ўринда, машҳур тилшунос олим Мустафо Ғалайиний ўзининг "جَامِعُ الدُّرُوسِ العَرَبِيَّةِ" асарида бошқа наҳвшунос олимлардан фарқли равишда, воситасиз тўлдирувчини икки тур (аниқ ва яширин)га бўлгани ва ўз ўрнида уларни ҳам бир неча турларга бўлиниши ҳақида маълумотлар бериб ўтганини таъкидлаб ўтиш зарур. Шунингдек, олимнинг юқорида зикр қилинган асарида воситасиз тўлдирувчи ҳақида бошқа манбаларда учрамайдиган яна кўплаб маълумотларни учратиш мумкин. Улардан "масдари муъаввал" ёки "жумла муъаввал" билан ифодаланган воситасиз тўлдирувчилардир.

Юқорида маълумот берилганидек, мафъулун биҳи, яъни воситасиз тўлдирувчининг келиши гапда ўтимли феълларнинг ишлатилиши билан боғлиқ. Шу нуқтаи назарда тилшунос олимлар мана шу феълларни ҳам тўрт турга бўлганлар. Жумладан, Ўрта асрнинг машҳур тилшунос олими Саййид

Шариф Журжоний ўзининг "Наҳви Мир" номли асарида уларни битта, иккита ва учта воситасиз тўлдирувчининг келишини талаб қилувчи ҳамда от-кесимли гапнинг эга ва кесимини воситасиз тўлдирувчига айлантирувчи феъллар, деб номлаган.

Таянч сўз ва иборалар: *асл ва аслига ўхшаш тушум келишиги, мафъул биҳи, яъни воситасиз тўлдирувчи, мутлоқ мафъул, мафъул фиҳи, аниқ ва яширин воситасиз тўлдирувчи, масдари муъаввал, жумла муъаввал.*

Аннотация. *В настоящее время в нашей стране уделяется огромное внимание обучению иностранных языков. Наша страна, которая стремится занять достойное место в мировом сообществе, установила экономические, политические, культурные, научно-просветительские отношения со многими странами мира. В свою очередь, углубленное изучение иностранных языков, а также арабского языка, его несравненной красоты, истории и грамматики стало одной из важнейших задач. В то же время глубокое изучение языка требует исследования грамматических правил и терминов не на основе переведенных книг, а из самих оригинальных источников.*

Известно, что все три падежа: именительный, родительный и винительный соответствуют шести падежам в узбекском языке. Именительный падеж употребляется в шести, родительный в двух, а винительный в одиннадцати случаях. В арабском языке винительный падеж является самым многоупотребительным, большинство частей речи выражаются этой падежной формой и называются «ан-насб».

Данный падеж является средством подчинения имени глаголу. Исходя из этого, слово, выраженное формой насб, семантически тесно связано с глагольным сказуемым.

В арабском языке прямое дополнение выражается формой насб и находится в постпозиции по отношению к подлежащему и сказуемому.

Нужно отметить, что известный лингвист Мустафа Галайини в своем произведении "جَامِعُ الدُّرُوسِ العَرَبِيَّةِ" в отличие от других грамматистов, выделяет две разновидности дополнения: открытое и скрытое. В свою очередь, они разделяются на несколько видов. Также в вышеназванном произведении описываются свойства дополнения, о которых не говорится в других книгах, например, автор выделяет такие типы дополнения, которые выражаются «масдари муъаввал» или же «джумла муъаввал».

Как сказано выше, употребление прямого дополнения, т.е. «мафъулун бихи» в предложении обязывает употребление переходного глагола. С этой точки зрения ученые выделяют 4 типа переходных глаголов. Например, известный ученый грамматист средневековья Саййид Шариф Джуржани в своем произведении «Нахви мир» называет их глаголами, употребление которых требует присутствие в предложении одного, двух, даже трех прямых дополнений, в результате подлежащее и сказуемое предложения с именным сказуемым преобразовываются в прямое дополнение.

Опорные слова и выражения: *винительный падеж и аналогичный ему, «мафъул бихи», прямое дополнение, абсолютный мафъул, «мафъул фихи», прямое и косвенное дополнение, «масдари муъаввал», «джумла муъаввал».*

Abstract. *At present, our country pays great attention to learning and teaching foreign languages. Because, our country is striving to gain a worthy place in the world community, maintaining relations with many countries in the economic, political, cultural, diplomatic, scientific and educational spheres. This in turn indicates that one of the most important tasks is the deep learning of foreign languages, including Arabic and its incomparable beauty, history and grammar. It is also important to learn grammatical rules and terms from the original sources rather than translated sources for better understanding.*

As it is known, there are six cases in our mother tongue and all these are included in three of cases of Arabic language. They are nominative, genitive and accusative cases. Nominative case is used in six kind of situations while, genitive and accusative cases are used in two and eleven kind of situations respectively. As we can see, the most commonly used term in Arabic is accusative case, and most of the parts of the sentence are expressed in this arrangement, which is called "an-nasb – النصب".

Accusative case is a means of formalizing the verb's dominance over name. Accordingly, the word in accusative case is strongly linked to the verb in the sentence itself to which it relates. Accusative case completes the action of the verb in meaning and answers the questions such as "Who?", "What?", "Who from?", "From what?" It is divided into object of a transitive verb and adverbial object. Object of a transitive verb answers the questions "who?" and "what?" known as المفعول به and comes after subject and predicate.

It should be noted that the famous linguist Mustafa Gallaini, in contrast to other modern scientists, in his book "جامع الدروس العربية" distinguishes two types of accusative (cognate and hidden) and divides them into several species. Also, in the aforementioned book of the scholar, there are many other sources of information about object of a transitive verb. "Masdar muwwal" or "jumlah mu'awwal" are can be examples of this.

As mentioned above, the origin of the mafulun bihi is related to the use of transitive verbs in the sentence. From this point of view linguists have divided these verbs into four types. In particular, the well-known medieval linguist Sayyid Sharif Jurjoni in his book "Nahvi Mir" called them verbs that required one, two, and three objects, changing subject and predicate of sentences into maful bihi.

Keywords and expressions: *Cognate and circumstantial accusative case, maful bihi - object of a transitive verb, maful mutlaq, maful fihi – cognate accusative and hidden accusative, masdar muawwal, Jumlah muawwal.*

Кириш. Араб, ўзбек ва рус тиллари учун турланиш ва тусланиш ҳодисаси таниш. Турланиш ҳодисаси ўзбек ва рус тилларида от сўз туркумида юз берса, тусланиш феъл сўз туркумига хос ҳодисадир. Турланиш ва тусланиш тилшуносликда флексия номи билан ифодаланади. Араб тили грамматикасида эса турланиш ва тусланишга алоҳида грамматик ҳодисалар сифатида қаралмайди, балки улар эъроб деб номланиб, исм ва феълнинг эъробланиши, деб аталади

Флексия – эъроб деганда сўзларнинг охирги бўғин унлисининг ўзгариши тушунилади. Исмлардаги бу ўзгариш унинг келишигини, феъллардаги (ҳозирги замон) ўзгариш эса унинг майлини ифодалайди.

Таҳлил ва тадқиқот натижалари. Энди араб тилшунослари, яъни наҳвшунос олимларни флексия, яъни эъроб масаласига қандай ёндашганликларини кўриб ўтсак. Жумладан, ўрта асрнинг машҳур тилшунос олими Маҳмуд Замахшарий (1075–1144) "Ал-Унмузаж фин-наҳв" асарида флексияга шундай таъриф беради:

"الإعرَابُ هُوَ اِخْتِلاَفُ أَخِرِ الكَلِمَةِ بِاِخْتِلاَفُ العَوَامِلُ. اِخْتِلاَفُ الأَخِرِ اِمَّا بِالحَرَكَاتِ... وَ اِمَّا بِالْحُرُوفِ".[1]

"Омиллар ўзгариши сабабли сўзларнинг охирида юз берадиган ўзгариш "эъроб" дейилади. Сўз охиридаги ўзгариш ё ҳаракатларда бўлади, ёки ҳарфларда намоён бўлади".

Шайх Мустафо Ғалайиний ҳам бу фикрни тасдиқлаб:

فَالإِعْرَابُ: أَثَرَ يَحْدُثُ فِي اَخِرِ الكَلِمَةِ، بَعَدَ اِنْتِظَامِهَا فِى الجُمْلَةِ، فَيَكُونُ آخِرُهَا مَرْفُوعًا اوْ مَنْصُوبًا اوْ مَجْزُومًا، حَسْبَ مَا يَقْتَضِيهِ مَوْقِعُهَا فِى الجُمْلَةِ، مثل: "رَجُلٌ" مِنْ قَوْلِكَ جَاءَ رَجُلٌ، رأيتُ رجلاً، و مررتُ برجلٍ"، و مثل: "تذْهَبُ" من قولك: "تذهبُ، و لن تذهبَ، و لا تذهبْ".[2]

"Эъроб – жумладаги вазифасига қараб, сўз охирида рўй берадиган ҳодисадир. Сўзнинг охири жумладаги вазиятга қараб, даммаланган (مرفوعًا) ё фатҳаланган (منصوبًا), ёки касраланган (сукунланган) (مجزومًا) бўлиши мумкин. Масалан, "киши" сўзи қуйидаги кўринишларда келиши мумкин: جَاءَ رَجُلٌ – киши келди (бу ерда бош келишикда), رأيتُ رجلاً – кишини кўрдим (бу ерда тушумда), مررتُ برجلٍ – киши билан учрашдим (бу ерда қаратқич келишигида). Шунингдек, феъллар ҳам турлича эъробланган бўлади, масалан: تذهبُ – бораяпсан

[1] Mahmud az-Zamaxshariy. Al-unmuzaj fi-n-nahv. – Misr, 1987. – B. 2.

[2] Ash-shayx Mustafo al-Galayini. Jome ad-durusi-l-arabiyati. – Bayrut, 1993. – B. 22.

(даммаланган مرفوعًا), لن تذهبَ – умуман бормайсан (фатҳаланган منصوبًا), لا تذهبْ – борма (сукунланган مجزومًا)”.

Исм ва феъллар юқорида келтириб ўтилган тўртта қисқа унлилар билан ҳаракатланишини билишимиз зарур. Улар “дамма”, “фатҳа”, “касра”, “сукун”дир. Агар сўз дамма билан ҳаракатланса, “рафъ” ҳолатида, фатҳага тугаса, “насб” ҳолатида, касра билан ҳаракатланса, “жарр” ҳолатида, сукунга тугаса, “жазм” ҳолатида бўлади. Демак, дамма, фатҳа, касра ва сукун асл эъроб аломатларидир. Шу билан бирга, жарр ҳолати фақат исмларга, жазм эса фақат феългагина хослигини унутмаслигимиз керак[1].

Шунингдек, Мустафо Ғалайиний исм сўз туркумига кирувчи сўзлар нафақат ҳаракатлар, балки ҳарфлар билан ҳам турланиши ҳақида маълумот берган.

Юқоридаги маълумотлардан кўриниб турибдики, араб тили грамматикасида ўзбек тилидаги каби турланиш ва тусланиш ҳодисасини ифодаловчи алоҳида термин мавжуд эмас. “Рафъ”, “насб”, “жарр” ҳолатлари деганда она тилимиздаги келишиклар, тўғрироғи бош, тушум ва қаратқич келишиклар назарда тутиляпти. Демак, бу бизга маълум турланишга тўғри келади. Феълларнинг рафъ, насб, жазм ҳолатлари деганда эса, феълларнинг майлларда ўзгариши, яъни она тилимиздаги тусланиш ҳодисаси ҳақида сўз бораяпти. Феълларнинг рафъ ҳолати она тилимиздаги хабар майлига, насб ҳолати истак майлига ва ниҳоят жазм ҳолати шарт майлига тўғри келади.

Маълумки, она тилимизда олтита келишик мавжуд бўлиб, улар бош, тушум, қаратқич, жўналиш, ўрин-пайт ва чиқиш келишикларидир. Араб тилида эса, учта келишик мавжуд ва улар рафъ (رفع) – бош келишик, жарр (جرّ) – қаратқич ҳамда насб (نصب) – тушум келишигидир. Мазкур келишиклар орасида тушум келишиги энг сермаҳсулидир. Шунинг учун бўлса керак, кўплаб наҳвшунос олимлар ўз асарларида бу келишикка алоҳида тўхталиб ўтганлар ёки у ҳақида батафсил маълумот беришга ҳаракат қилганлар. Жумладан, ўрта асрнинг машҳур тилшуноси, ватандошимиз Маҳмуд Замахшарий насб ҳолати-тушум келишиги ҳақида ўзининг “Ал-Унмузаж” деб номланган асарида келтирган маълумотлар қуйидагича:

المَنْصُوبَاتِ ضَرْبَيْنِ: أَصْلٌ وَ مُلْحَق بِهِ. فَأَصْلِ هُوَ المَفْعُولُ وَ هُوَ عَلَى خَمْسَةِ أَضْرَبِ .

“Насб ҳолатидаги исмлар икки хил бўлади: 1. Асл [насб ҳолатидаги исмлар]. 2. Аслга ўхшаш [насб ҳолатидаги исмлар]. Асл насб ҳолатидаги исмлар مفعول – мафъуллардир[2].

1. المفعول المطلق – мутлоқ мафъул (ўз-ўзини тўлдирувчи). У кўпинча масдар билан ифодаланган. Масалан: ضَرَبْتُ ضَرَبًا و ضَرَبَةً و ضَرَبَتَيْنِ و قَعَدْتُ جُلُوسًا “зарб билан урдим, бир зарб билан урдим ёки икки марта зарб билан урдим”.

Мутлоқ мафъул, одатда, ноаниқ ҳолатда насб ҳолатида бўлади.

2. المفعول به – мафъул биҳи (яъни, воситасиз тўлдирувчи).

“Мафъул биҳи яширинган феъл сабабли насб ҳолатида туради. Масалан: لِلحَاجِ مَكَّةَ وَ للرَامِى القرطاسَ – Ҳожига Маккани, мерганга нишонни тилайман”[3].

3. المفعول فيه -мафъул фиҳи (яъни, ўрин ва пайт ҳоллари).

Мафъул фиҳи – у икки (хил) ҳолдир. Пайт ҳоли ва ўрин ҳоли. Уларнинг ҳар бири мавҳум ва аниқ кўринган ҳол бўлиши мумкин. Пайт ҳоли ҳар доим насб ҳолатида туради. Масалан: اتَيْتُ اليَومَ و بُكْرَةَ و ذات ليلةٍ – бугун келдим, кеча келдим, бир куни тунда келдим”.

[1] Ash-shayx Mustafo al-Galayini. Jome ad-durusi-l-arabiyati. – Bayrut, 1993. – B. 21.
[2] Mahmud az-Zamaxshariy. Al-unmuzaj fi-n-nahv. – Misr, 1987. – B.4.
[3] Ibid. – B.30.

Ўрин ҳолларда фақат мавҳумлари насб ҳолатида бўлади. Аниқ ўрин ҳолларида эса албатта олд кўмакчиси бўлади. Масалан: قُمت امامَك – Олдинга турдим, صَلَيتُ في المَسجِدِ - Масжидда намоз ўқидим”[1].

4. المفعول معه – мафъул маъаҳу, яъни биргалик тўлдирувчиси.

Биргалик тўлдирувчиси, масалан, مَا صَنَعْتُ وَ اَبَاكَ - Мен отанг билан ҳеч нарса қилмадим, - و مَاشَانُكَ وزيدًا – Зайд билан сенинг ишинг йўқ. Бундай тўлдирувчи бўлиши учун [гапда] феъл ёки феъл маъноси бўлиши керак.

5. المفعول له – мафъул лаҳу, яъни сабаб ва мақсад ҳоли.

Масалан, ضربته تأديبًا لهُ - Унга одоб бериш мақсадида урдим. Бирор иш-ҳаракатнинг содир бўлиши учун мақсад ёки сабабни билдирган ҳар қандай сўз ҳам المفعول له деб аталади[2].

Араб тилида насб ҳолати, яъни тушум келишиги ҳақида машҳур рус арабшуноси Б. М. Гранде қуйидагича маълумот беради: “Тушум келишиги исмнинг феълга тобелигини ифодалайди. Бу тобелик турлича, яъни воситасиз тўлдирувчидан тортиб, иш-ҳаракатни аниқлайдиган, чеклайдиган ва ривожлантирадиган турларгача бўлиши мумкин. Бу тўлдирувчилар насб ҳолатида туради ва феълга тавсиф беради. Бундай тавсифлар ҳинд-европа тилларида, масалан, равиш ёки ҳолатни билдирувчи сўзлар ёрдамида ифодаланади. Бу келишикни кенг маънода “феъл” ёки “равиш” келишиги деб аташ тўғрироқ бўлар эди. Бунда “равиш” келишиги тушунчаси билан бирга объект келишиги ҳам тушунилиши керак”[3]. Араб тилида насб ҳолати – тушум келишиги исмнинг феълга тобелигини расмийлаштириш воситасидир. Шунга кўра, насб ҳолатидаги сўз ўзи боғлиқ бўлган гап бўлаги феъл-кесим билан маъно томонидан мустаҳкам боғланган бўлади.

Юқоридаги маълумотлардан кўриниб турибдики, тушум келишигида ифодаланадиган гап бўлакларидан бири бу – воситасиз тўлдирувчи бўлиб, у араб тилида المفعول به – мафъул биҳи, деб номланади. Ал-мафъул биҳи асл тушум келишигидаги исмлар таркибида ўрганилади ва энг кўп ишлатиладиган гап бўлакларидан биридир.

Феъл ифодалаган иш-ҳаракатни мазмунан тўлдириб “кимни?”, “нимани?”, “кимдан?”, “нимадан?” каби сўроқларига жавоб бўлувчи гап бўлаги тўлдирувчи дейилади.

Тўлдирувчи воситали ва воситасиз бўлади. Иш-ҳаракатнинг объектини билдириб, “кимни?”, “нимани?” сўроқларига жавоб бўлувчи тўлдирувчи воситасиз тўлдирувчи дейилади. Масалан, “Мен китобни ўқидим”, “Сен Аҳмадни учратдингми?” Бу икки жумлада ҳам воситасиз тўлдирувчи мавжуд ва у “китобни” ҳамда “Аҳмадни” сўзларидир.

Араб тилида феъл кесимли гапларда гапнинг эга ва кесимидан кейин бевосита воситасиз тўлдирувчи келади ва юқорида айтиб ўтганимиздек, у насб ҳолатида бўлади. Масалан: كَتَبَ الطَالِبُ الواجبَ – Талаба вазифани ёзди. فَهِمَتْ زَيْنَبُ المَوضُوعَ – Зайнаб мавзуни тушунди. Мана шу икки гапдаги “вазифани” ҳамда “мавзуни” сўзларимиз المفعول به, яъни воситасиз тўлдирувчидир ва айтиб ўтганимиздек, улар насб ҳолати, яъни тушум келишигида ифодаланган.

Араб тилшунослари المفعول به га қандай таъриф берганларига тўхталиб ўтадиган бўлсак, жумладан, Мустафо Ғалайинийнинг асарида шундай маълумотларни учратишимиз мумкин:

المَفْعُول بِهِ اسْمٌ مَنْصُوبٌ يَدُلُّ عَلَى مِنْ وَقَعَ عَلَيْهِ فَعْلُ الفَاعِلِ وَ لا تَتَغَيَّرُ مَعَهُ صُورَةُ الفِعْلِ.[4]

[1] Nosirova M. Mahmud Zamaxshariyning “Al-Unmuzaj fi-n-nahv” risolasi. – T.:ToshDShI, 2005. – B. 97.

[2] Mahmud az-Zamaxshariy. Al-unmuzaj fi-n-nahv. – Misr, 1987. – B.30.

[3] Grande B.M. Kurs arabskoy grammatiki v sravnitelno-istoricheskom osveshenie (Arabic Grammar Course in Comparative Historical Reflection). – M.: Nauka, 2001. – S. 328.

[4] Fuad Nemat. Mulahhas qavaidu-l-lugati-l-arabiyati. – Nahdatu Misr, 1973. – B. 66.

Воситасиз тўлдирувчи насб ҳолатидаги исм бўлиб, иш-ҳаракат йўналтирилган объект бўлади. Бунда феъл ўзгармайди. Воситасиз тўлдирувчининг келишига гапнинг бўлишли ёки инкор гап эканлигининг аҳамияти йўқ. Ҳар икки турдаги гапда ҳам тўлдирувчининг бу тури ишлатилаверади. Масалан: "بريَتُ القلمَ" – Қаламни учини чиқардим; "ما بَرَيتُ القلمَ" – Қаламнинг учини чиқармадим[1].

Жумла таркибида битта эмас, бир нечта воситасиз тўлдирувчи келиши мумкин. Масалан: "أعطيتُ الفقير دِرهما" – Камбағалга дирҳамни бердим. ظننتُ الأمرَ واقعًا – Ишни амалга оширилган, деб ўйладим. أعلمتُ سعيدًا الأمر جَليًا – Саидга буйруқни аниқ етказдим[2].

Юқоридаги жумлалардаги دِرهمًا – дирҳамни, الأمْرَ – ишни ҳамда سعيدا – Саидни сўзлари насб ҳолатида бўлиб, гапда воситасиз тўлдирувчи вазифасида келган[3].

Мустафо Ғалайиний ўзининг "جَامِعُ الدُّرُوسِ العَرَبِيَّةِ" асарида бошқа наҳвшунос олимлардан фарқли равишда воситасиз тўлдирувчини икки турга бўлган, булар аниқ ва яширин المفعول به лардир. Олим ҳар икки турга қуйидагича таъриф берган: Аниқ воситасиз тўлдирувчи ҳам икки турга бўлинади ва улар кўриниб турган ҳамда бирикма ёки ажратувчи олмош ёрдамида ифодаланган мафъуллардир. Масалан: فَتَحَ خالِد الحِيرة – Холид Ҳийра (шаҳри)ни очган. أكْرَمْتُكَ و أكْرَمتُهُم – Сени ва уларни ҳурмат қиламан. إيَّاهُ أُريدُ – Уни хоҳлайман[4].

Биринчи жумлада кўриниб турган воситасиз тўлдирувчи келган ва у "Ҳийрани" сўзи, иккинчи ва учинчи жумлаларда бирикма ҳамда ажратувчи олмош билан ифодаланган, улар "сени, уларни", "уни" олмошларидир.

Яширин воситасиз тўлдирувчи эса уч турга бўлинади. Биринчиси масдари муъаввал билан ифодаланиб, масдарий юкламалардан кейин келади ва бундай жумла таркибида воситасиз тўлдирувчи кўринмайди. Масалан: عَلِمْتُ أنَّكَ مُجْتَهِدٌ – Биламанки, дарҳақиқат сен тиришқоқсан. Жумладан кўриниб турибдики, бу ерда ҳеч қандай воситасиз тўлдирувчи йўқ, чунки у масдари муъаввал билан ифодаланиб, юкламадан кейин келган. Шу ўринда "масдари муъаввал"нинг ўзи нима дегани, у қандай термин, шунга изоҳ бериб ўтсак. "Масдари муъаввал" ҳақиқий масдар билан эмас, балки сифатдош ёрдамида қуйидаги формула (агар шундай дейиш мумкин бўлса) орқали ҳосил қилинади: эгага таъсир қилувчи юклама + унинг эгаси + унинг от-кесими. От-кесим вазифасида сифатдош келади. Бу гапни аниқ воситасиз тўлдирувчи билан ҳам ифодалаш мумкин, шунда у қуйидаги тарзда бўлади: عَلِمْتُ اجْتِهَادك – Сени тиришишингни биламан[5]. Бу мисолада "тиришишингни" сўзи воситасиз тўлдирувчи ва у яширин эмас, балки кўриниб турибди.

Иккинчиси бирликдаги жумла муъаввал билан ифодаланади. Масалан: ظَنَنْتك تَجْتهِدُ – Мен сени ҳаракат қиласан, деб ўйладим. Бу мисолда "сен ҳаракат қиласан" жумласи гапда воситасиз тўлдирувчи вазифасида келган ва у араб тилида "жумла муъаввал", деб номланади.

Учинчи тури бу аслида келиши лозим бўлган предлогнинг тушиб қолиши натижасида сўзнинг тушум келишигида туришидир[6]. Масалан: دَخَلَ الْغُرْفَةَ – Хонага кирди. Бу жумлада "хона" сўзининг насб ҳолатида туришига сабаб, аслида келиши лозим бўлган "إلَى" предлогининг тушиб қолганлигидир[7]. Шу ерда таъкидлаб ўтишимиз керакки, предлогнинг тушиб

[1] Ash-shayx Mustafo al-Galayini. Jome ad-durusi-l-arabiyati. – Bayrut, 1993. – B. 5.
[2] Ibid.
[3] Ibid. – B. 5.
[4] Ibid. – B. 6.
[5] Ash-shayx Mustafo al-Galayini. Jome ad-durusi-l-arabiyati. – Bayrut, 1993. – B. 5.
[6] Ibid. – B. 6.
[7] Ibid. – B. 6.

қолиши натижасида бирор сўзнинг насб ҳолатида туриши кўпгина ўзбек ёки рус арабшуносларининг асарларида воситасиз тўлдирувчи, деб кўрсатилмаган. Предлогнинг тушиб қолиши натижасида тушум келишигида турган сўзнинг المفعول به, деб ҳисобланишини Мустафо Ғалайинийнинг биз ўрганаётган асарида учратдик.

Шунингдек, Мустафо Ғалайиний المفعول به ни тўрт хил ҳолатда ифодалаш мумкинлиги ҳақида тўхталиб, жумладан, шундай маълумотларни келтириб ўтган: биринчидан, воситасиз тўлдирувчи насб ҳолатида бўлади.

Иккинчидан, гапда у тушиб қолиши ҳам мумкин. Уни араб наҳвида "тақдирда мавжуд бўлиш" деб айтилади. Масалан: رَعَت المَاشِيَةُ – Йўловчи авайлади. Бу гапда воситасиз тўлдирувчи тушиб қолган, яъни йўловчи нимани авайлагани жумлада номаълум, лекин тақдирда нима эканлиги аниқ. Аслида бу жумла қуйидагича бўлган: رَعَت المَاشِيَةُ العشبَ – Йўловчи ўт-ўланни авайлади. Ёки هَلْ رَايْتَ خَلِيلاً – Халилни кўрдингми? деб сўралса, رَايتُ – кўрдим, деб қисқа жавоб берамиз. "Халилни" сўзини айтмасак-да, уни ёдимизда сақлаймиз.

Учинчидан, воситасиз тўлдирувчи ифодаланиб, уни келишини талаб қилувчи феъл тушиб қолиши мумкин. Бу ҳолат ҳақида Мустафо Ғалайиний шундай маълумот беради: агар сендан "مَنْ أُكْرِمُ" – "кимни ҳурмат қилишим керак", деб сўрасалар, сен العلماءَ – "олимларни", деб қисқагина жавоб берасан. Кўриб турганимиздек, бу ерда феълни тушириб қолдиргансан[1].

Жумлаларда воситасиз тўлдирувчининг келишини талаб қилувчи феълнинг тушиб қолиш ҳолати кўпроқ мақол, матал ва масалларда учрайди. Масалан: الكلابَ عَلَى البَقَرِ – Итларни ҳўкизга, деб айтадилар. Аслида бу, أرْسَلَ الْكلاب علَى البَقَرِ – Итларни ҳўкизга юбор тарзида бўлган[2]. Уйимизга меҳмон келганида ишлатадиган иборамиз, аҳлан ва саҳлан أهْلاً و سَهلاً – Хуш келибсиз, иборасида ҳам унда ишлатилиши керак бўлган феъллар тушиб қолган. Иборанинг тўлиқ шакли қуйидагича: جِئْتَ أهْلاً و نَزَلتَ سَهلاً

Тўртинчидан, воситасиз тўлдирувчи феъл ва эгадан олдин ҳам, кейин ҳам келиши мумкин.

Шуни ҳам таъкидлаб ўтиш жоизки, айрим манбаларда воситасиз тўлдирувчилар, одатда, эгадан кейин келади дейилган. Араб тилшуноси Мустафо Ғалайиний эса воситасиз тўлдирувчи ўз эгасидан ёки кесимидан олдин ҳам, кейин ҳам келиши мумкин, деб маълумот беради.

Масалан: Деҳқон пахтани теради – يجنى القطنَ الفلاحُ

Жумладаги القطن – воситасиз тўлдирувчи бўлиб, الفلاح – бу феълий жумланинг эгасидир ва у воситасиз тўлдирувчидан кейин келган.

Мустафо Ғалайиний қуйидаги ҳолатларда ҳам воситасиз тўлдирувчи ўз эгасидан олдин келиши мумкинлиги ҳақида фикр билдирган.

و يجب تقديم المفعول به على فاعله اذا كان ضميرًا منفصلاً.[3]

"Воситасиз тўлдирувчи (المفعول به) ажратиб ёзилувчи олмош орқали ифодаланган бўлса, ўз эгасидан олдин келади. Масалан,

إياك نعبد و إياك نستعين

"Сенгагина ибодат қиламиз ва сендангина ёрдам сўраймиз".

Машҳур араб тилшуноси Ҳифни Носиф воситасиз тўлдирувчининг ишлатилиш ўрни ҳақида қуйидаги фикрни келтириб ўтган:

[1] Ash-shayx Mustafo al-Galayini. Jome ad-durusi-l-arabiyati. – Bayrut, 1993. – B. 6.
[2] Ibid. – B. 8.
[3] Ash-shayx Mustafo al-Galayini. Jome ad-durusi-l-arabiyati. – Bayrut, 1993. – B. 11.

المفعول به феъл-кесим ва эгадан олдин ҳам келиши мумкин, агар сўзловчи уни таъкидламоқчи бўлса. Масалан: علياً أكرَمْتُ – Алини ҳурмат қилдим. Бу мисолда "Алини" сўзи воситасиз тўлдирувчи бўлиб, таъкидланаётгани учун, феъл-кесим ва эгадан олдин қўйилган[1].

Яна бир араб тилшуноси Фуад Неъмат ўзининг "Араб тили қоидаларининг қисқача баёни" асарида воситасиз тўлдирувчига оид қуйидаги маълумотларни беради:

Тўлдирувчи насб ҳолатидаги исм бўлиб, иш-ҳаракат йўналтирилган объект бўлади. Масалан:

1) Маҳмуд шохни кесди – قطع محمود الغصنَ

2) Ақлли (киши) илмни излайди – يطلب العاقل العلمَ

3) Аллоҳ инсонни яратди – خلق الله الإنسانَ

4) Бўри қўйни ейди – يأكل الذئب الغنم

Юқоридаги жумалалардаги الغصن – шохни, العلمَ – илмни, الإنسان – инсонни, الغنمَ – қўйни сўзлари насб ҳолатида бўлиб, гапда воситасиз тўлдирувчи вазифасида келган[2].

Бу асарда воситасиз тўлдирувчи вазифасида келувчи исмлар ҳақида ҳам фикр юритилган бўлиб, уларга шундай таъриф берилган:

Воситасиз тўлдирувчи вазифасида қуйидагилар келиши мумкин:

а) юқоридаги мисоллардаги (الغصنَ, العلمَ, الإنسانَ, الغنم каби келишикларда турланадиган) исмлар;

б) ёки ҳеч қандай ўзгаришларга учрамайдиган, яъни келишикларда турланмайдиган исмлар (бирикма олмошлар, кўрсатиш олмошлари ва бошқалар). Масалан:

Мен сени кўрдим – رأيتك

Биз сенгагина ибодат қиламиз – إياك نعبد

Биринчи жумладаги ك – бирикма олмоши, иккинчи жумладаги إيا – ажратиб ёзилувчи олмош бўлиб, воситасиз тўлдирувчи вазифаларида келган.

يشجع الجمهورية هذا اللاعبَ – Омма бу ўйинчини рағбатлантиради.

Бу жумладаги هذا – кўрсатиш олмоши насб ҳолатидаги исм вазифасида келган[3].

Шу ўринда воситасиз тўлдирувчи ўзбек арабшунослари томонидан қандай ёритилганига ҳам тўхтаб ўтсак. Жумладан, Н. Иброҳимов ва М. Юсупов араб тилида феъл-кесимли гапларда бош бўлаклардан сўнг воситасиз тўлдирувчи келиши ҳақида маълумот бериб, мана шу воситасиз тўлдирувчи гапнинг феъл-кесимига қўшилган бирикма олмошлар билан ҳам ифодаланиши мумкинлигини таъкидаганлар ҳамда унга қуйидаги мисолларни келтирганлар: كتبت الرسالة – мен хатни ёздим ёки كتبتها – уни ёздим шаклида[4]. Шунингдек, улар воситасиз тўлдирувчи вазифасида келаётган бирикма олмошлар ҳақида қуйидаги маълумотларни келтириб ўтганлар: "Баъзан тарихий ёдгорликларда бирикма олмошлар бевосита феълга қўшилмай, "إيَّا" юкламасига қўшилган. Масалан: إياك نعبد – Биз сенгагина ибодат қиламиз[5].

Яна бир ўзбек арабшуноси А. Абдужабборов эса қуйидаги маълумотларни бериб ўтган: Феъл билан бириккан олмош тушум келишигидаги воситасиз тўлдирувчи вазифасини бажаради: ضربتِه – уни урдинг, قتلها – уни (муаннас) ўлдирди, رأيناكَ – сени кўрдик. Тушум келишигидаги бирикма олмошни таъкидлаш учун уни "إيَّا" ёрдамчи сўзи билан ишлатиш мумкин:

أرجُوك – сендан сўрайман, إياك أرجوك – сенинг ўзингдан сўрайман;

[1] Hifni Nosif, Muhammad Diyab. Ad-durusu-n-nahviya. – Daru-l-aqida, 2007. – B. 338.
[2] Fuad Nemat. Mulahhas qavaidu-l-lugati-l-arabiyati. – Nahdatu Misr, 1973. – B. 234.
[3] Fuad Nemat. Mulahhas qavaidu-l-lugati-l-arabiyati. – Nahdatu Misr, 1973. – B. 64.
[4] Ibrohimov N., Yusupov M. Arab tili grammatikasi. –Namangan: Ibrat, 2009. –B.218.
[5] Ibid. – B. 218.

طردتنا – *бизни* ҳайдадинг, إيانا طردتنا – бизни (ўзимизни) ҳайдадинг*;*

تزوجتها – унга уйландим ёки إياها تزوجتها – ҳудди ўшанга (унинг ўзига) уйландим[1].

Юқоридаги (ўзбек арабшунослари томонидан берилган) маълумотлардан шуни хулоса қилса бўладики, бу ерда Мустафо Ғалайиний “аниқ мафъул биҳи” деб номлаб, “кўриниб турган ҳамда бирикма ёки ажратувчи олмош ёрдамида ифодаланган мафъуллар”, деб номлаган воситасиз тўлдирувчи назарда тутилган.

Машҳур рус арабшуноси Б. М. Гранде ўзининг “Курс арабской грамматики в сравнительно-историческом освещении” асарида ҳам воситасиз тўлдирувчи ҳақида кенгроқ маълумот беради[2].

Бу асарда ҳам араб тилшунослари таъкидлаганидек, тўлдирувчилар кўпроқ турли хил феъллардан кейин келиши кўрсатиб ўтилади ва насб ҳолатидаги тўлдирувчилар асосан иккига бўлинади:

1) бевосита насб ҳолатидаги объект (винительный падеж прямого объекта);

2) билвосита насб ҳолатидаги объект (винительный падеж внешного объекта).

Бу икки объектни ҳам асосан ўтимли феъллар бошқаради. Бу феъллар қуйидаги турларга ажратилади. Улардан кейин воситасиз тўлдирувчи келади.

а) “нутқ орқали мурожаат қилмоқ”, “буйруқ бермоқ”, “жавоб бермоқ” маъносини англатувчи феъллар. Масалан:

Мен киши билан гаплашдим – كلمت الرجلَ

У менга ваъда берди - وعدنى

б) “кийинтирмоқ”, “таъминламоқ”, “тўлдириш” маъноларини англатувчи феъллардан кейин. Масалан:

У кийим кийди – لبس ثوبًا

У нонга тўйдирилди (тўйди) – شبع خبزًا

в) “келмоқ”, “етиб келмоқ” маъносини англатувчи феъллардан кейин ҳам воситасиз тўлдирувчи келади. Масалан:

У шаҳарга етиб келди – وصل المدينةَ

У уйга кирди – دخل البيتَ

г) “бирор нарсани ташламоқ” маъносидаги феълларда “ташланиши лозим бўлган предмет” одатда кўмакчи билан келади, нарса ташланаётган предмет ёки шахс эса насб ҳолатига қўйилади. Масалан:

Мен унга тошни ташладим – رميته بحجرٍ

У овга ўқ узди - رمى الصيد بسهم

д) “жўнатмоқ” маъносини англатувчи феъллардан кейин ҳам воситасиз тўлдирувчи келади ва баъзида бундай феъллар “ب” кўмакчиси билан ҳам ишлатилиши мумкин. Масалан:

У элчини юборди – بعث رسولاً

У китобни юборди – بعث بكتاب

Келтирилган маълумотлардан кўриниб турибдики, гапда тўлдирувчининг келиши феълга боғлиқ бўлади. Шу нуқтаи назардан феъллар икки турга бўлинади, биринчиси ўтимли феъллар – أفعال متعدية бўлса, иккинчи ўтимсиз феъллар – أفعال لازمة деб аталади.

Ўтимли феъллар – أفعال متعدية ўзидан кейин “кимни?”, “нимани?” сўроқларига жавоб бўлувчи воситасиз тўлдирувчининг келишини талаб этади.

---

[1] Abdujabborov A. Arab tili. – T.: Toshkent islom universiteti, 2007. – B. 91–92.

[2] Grande V.M. Kurs arabskoy grammatiki v sravnitelno-istoricheskom osveщenii. – M.: Nauka, 2001. – S. 434–440.

Наҳвшунос олимлар воситасиз тўлдирувчини талаб қилувчи мана шу ўтимли феълларни ҳам тўрт турга бўладилар. Жумладан, ўрта асрнинг машҳур тилшунос олими Саййид Шариф Журжоний ўзининг “Наҳви Мир” номли асарида ўтимли феълларни қуйидаги турларга бўлган:

1. Битта мафъул (воситасиз тўлдирувчи)ни келишини талаб қилувчи феъл. Масалан: ضَرَبَ زَيْدٌ عَمْرًا – Зайд Амрни урди. Бу жумлада **ضَرَبَ** – урди, феъли ўтимли бўлиб, гапда фақат битта воситасиз тўлдирувчининг келишини талаб қилган ва у “Амрни” сўзидир.

وَثَانِيهَا: يَتَعَدَّى إِلَى مَفْعُولَيْنِ، يَجُوزُ فِيهِ الإِقْتِصَارُ عَلَى أَحَدِهِمَا، مِثْلُ: «أَعْطَى» وَمَا فِي مَعْنَاهُ نَحْوُ: «أَعْطَيْتُ زَيْدًا دِرْهَمًا»، يَجُوزُ «أَعْطَيْتُ دِرْهَمًا» أَيْضًا.

2. Гапда икки мафъул биҳининг келишини талаб қилувчи феъл. Бундай феълларга أَعْطَى ва унинг маъносидаги феъллар киради. Масалан: أَعْطَيْتُ زَيْدًا دِرْهَمًا – Зайдга дирҳамни бердим. Бу гапни أَعْطَيْتُ دِرْهَمًا – Дирҳамни бердим, шаклида битта мафъулни қисқартирган ҳолда ифодалаш ҳам мумкин.

وَثَالِثُهَا: يَتَعَدَّى إِلَى مَفْعُولَيْنِ، وَلَا يَجُوزُ الإِقْتِصَارُ عَلَى أَحَدِهِمَا، وَهَذَا فِي أَفْعَالِ الْقُلُوبِ مِثْلُ: عَلِمْتُ، وَظَنَنْتُ، وَحَسِبْتُ، وَخِلْتُ، وَزَعَمْتُ، وَرَأَيْتُ، وَوَجَدْتُ، نَحْوُ: «عَلِمْتُ زَيْدًا فَاضِلًا»، وَ«ظَنَنْتُ زَيْدًا قَائِمًا».

3. Гапда икки мафъул биҳининг келишини талаб қилувчи феъл. Бу ҳолат “тахмин, фараз” маъносидаги феълларда учрайди ва улар араб тилида “أَفْعَالِ الْقُلُوبِ”деб аталади. Бундай феъллар таркибига: عَلِمْتُ، وَظَنَنْتُ، وَحَسِبْتُ، وَخِلْتُ، وَزَعَمْتُ، وَرَأَيْتُ، وَوَجَدْتُ каби феъллар киради. Бу феъллар ишлатилганида албатта иккита воситасиз тўлдирувчи келиши шарт, яъни юқоридаги каби битта мафъулни қисқатириб ифодалаб бўлмайди. Масалан: عَلِمْتُ زَيْدًا فَاضِلًا – Зайдни фозил (инсон) деб билдим. ظَنَنْتُ زَيْدًا قَائِمًا – Зайдни тик турган, деб ўйладим[1].

Шу ўринда яна бир маълумотни келтириб ўтишимиз керакки, “таҳмин ва фараз” маъносидаги феъллар аслида феълий эмас, балки исмий жумла таркибида келиб, мана шу исмий жумланинг мубтадо (эга) ва хабар (от-кесим)ини ўзининг икки мафъули, яъни воситасиз тўлдирувчиси сифатида насб (тушум келишиги)да туришини талаб қилади. Юқоридаги, ظَنَنْتُ زَيْدًا قَائِمًا – Зайдни тик турган, деб ўйладим, жумласи аслида زيد قائم – *Зайид тик турибди* шаклида исмий жумла бўлган ва бу жумла таркибига “тахмин ва фараз” маъносидаги феъллардан бири бўлган “ظَنَنْتُ” феъли қўшилган ва у асли гапнинг эга ва от-кесими бўлган сўзларни ўзининг воситасиз тўлдирувчисига айлантирди.

وَرَابِعُهَا: يَتَعَدَّى إِلَى ثَلَاثَةِ مَفَاعِيلَ، مِثْلُ: ، وأَرَى، وأَنْبَأَ، وأَخْبَرَ، وخَبَّرَ، ونَبَّأَ، وحَدَّثَ، مِثْلُ: «أَعْلَمَ اللهُ زَيْدًا عَمْرًا فَاضِلًا».

Араб тилида أَعْلَمَ ، وأَرَى، وأَنْبَأَ، وأَخْبَرَ، وخَبَّرَ ونَبَّأَ، وحَدَّثَ каби бир қатор ўтимли феъллар борки, улар жумлада учта воситасиз тўлдирувчининг келишини талаб қилади.

Масалан: أَعْلَمَ اللهُ زَيْدًا عَمْرًا فَاضِلًا – Аллоҳ Зайдга Амрни фозил инсон эканлигини билдирди.

Маълумки, юқоридаги мисолда келтирилган زَيْدًا, عَمْرًا, فَاضِلًا сўзлари тушум келишигида ифодаланган ва уларнинг ҳар бири мафъул биҳи (воситасиз тўлдирувчи)дир. Араб тили грамматикасида мафъул биҳи (воситасиз тўлдирувчи) гапда ноибу-л-фоил (гапнинг грамматик эгаси) вазифасини бажариши мумкин. Бунда гапдаги феъл мажҳул даражада ва ўтимли бўлиши керак.

Масалан: ضَرَبَ زَيْدٌ عَمْرًا – Зайд Амрни урди. Бу жумлада “Амрни” сўзи воситасиз тўлдирувчи бўлиб, унинг келишига аниқ даражадаги ўтимли феъл сабаб бўлган. Агар бу жумладаги феълни мажҳул даражага қўйсак, жумла қуйидагича ифодаланади: ضُرِبَ عمرو – Амр урилди. Кўриб турганимиздек, феъл мажҳул даражага қўйилиши билан аввалги гапда воситасиз тўлдирувчи бўлган “Амрни” сўзи бош келишикда ифодаланиб, гапда энди ноибу-л-фоил (гапнинг грамматик эгаси) вазифасини бажариб келаяпти.

[1] Sayyid Sharif Jurjoniy. Nahvi Mir. – Karachi: Qadimiy kutubxona, 1997. – B. 51.

Хулоса. Араб тилида воситасиз тўлдирувчи, унинг ифодаланиши ва ишлатилиш ўрнини ўрганиш қуйидаги хулосаларга олиб келади:

1. Тўлдирувчи воситали ва воситасиз бўлади. Иш-ҳаракатнинг объектини билдириб, “кимни?”, “нимани?” сўроқларига жавоб бўлувчи тўлдирувчи воситасиз тўлдирувчи дейилади.

2. Араб тилида воситасиз тўлдирувчи – المفعول به – мафъул биҳи, деб номланиб асл тушум келишигидаги исмлар таркибида ўрганилади ва энг кўп ишлатиладиган гап бўлакларидан биридир.

3. Наҳвшунос олимлар воситасиз тўлдирувчини икки турга бўлганлар, булар аниқ ва яширин المفعول به лардир. Гапда у тушиб қолиши ҳам мумкин. Уни араб наҳвида “тақдирда мавжуд бўлиш” деб айтилади.

4. Гапда тўлдирувчининг келиши феълга боғлиқ бўлади ва ўтимли феъллар –أفعال متعدية ўзидан кейин “кимни?”, “нимани?” сўроқларига жавоб бўлувчи воситасиз тўлдирувчининг келишини талаб этади.

Наҳвшунос олимлар воситасиз тўлдирувчини талаб қилувчи мана шу ўтимли феълларни ҳам тўрт турга бўладилар ва уларни битта, иккита ва учта воситасиз тўлдирувчининг келишини талаб қилувчи ҳамда от-кесимли гапнинг эга ва кесимини воситасиз тўлдирувчига айлантирувчи феъллар, деб номлайдилар.

ЎЗБЕК ТИЛИДАГИ АРАБИЙ ИСМЛАРНИНГ ЛЕКСИК-СЕМАНТИК ХУСУСИЯТЛАРИ

ОРИФХЎЖАЕВ НОСИРХЎЖА
Катта ўқитувчи, ТДШИ

Аннотация. *Ушбу мақола киши исмларининг ўзбек тили луғавий бойлигининг таркибий қисми эканлиги, бу исмлар ўзбек халқининг улкан маданий ва маънавий қадриятининг ажойиб дурдоналаридан биридир. Чунки бу исмларда халқимиз босиб ўтган машаққатли ва зиддиятли тарихий йўл, кенг халқ оммасининг турли-туман орзу-умидлари, армонлари, фалсафий, диний, маънавий-ахлоқий, тарбиявий-эстетик қарашлари, эътиқодлари, ўзига хос одат ва расм-русумлари, инсонга бўлган ҳурмат эҳтироми, фарзандига қаратилган муҳаббати ўз ифодасини топган.*

Исм қўйилиши эстетик ва этик тамойиллар, исм танловчиларнинг орзу-истаклари, расм-русумлари, диний эътиқод, дунёқараши, миллий хусусият ва бошқаларга боғлиқ. Ўзбек оилаларида исм қўйишда ижтимоий шарт-шароитлар, ота-онанинг ижтимоий-синфий табақаси, хўжалик фаолияти ҳам маълум аҳамиятга эга бўлган.

Маълумки, ўзбек тилидаги аксарият исмларни араб тилидан кирган исмлар ташкил этади. Улар араб тилидаги сифатдошдан, масдар – ҳаракат номи ҳамда изофа бирикмали отлардан иборат. Бундан ташқари, ўзбек тилида ажнабий тилдан кирган араблашган отлар ҳам бор. Айниқса, фарзандларга ном қўйилаётганда уларни асл шаклидагига мос тарзда имловий, фонетик ва сематик жиҳатларини эътиборга олиб қўйиш ҳам этик, ҳам эстетик жиҳатдан катта аҳамиятга эга.

Таянч сўз ва иборалар: *исм, от, маданий ва маънавий қадриятлар, эстетик ва этик тамойиллар, антропономия, ономастика, истилоҳий маъно, фонетик ва имловий қоидалар, лексик қатлам.*

Аннотация. *Эта статья является неотъемлемой частью узбекского словаря, который является одним из великих шедевров огромной культурной и духовной ценности узбекского народа. Потому что в этих именах сложный и противоречивый исторический путь нашего народа, надежды и чаяния широких масс, их мечты, философские, религиозные, духовные, нравственные, образовательные и эстетические взгляды, убеждения, обычаи и традиции, а также уважение к людям. Отражены его любовь и привязанность к своему ребенку.*

Название зависит от эстетических и этических принципов, пожеланий претендентов, обычаев, религиозных убеждений, мировоззрения, национальной идентичности и так далее. Социальные условия, социальный класс и экономическая деятельность также были важны для именования узбекских семей.

Хорошо известно, что большинство имен в узбекском языке – арабские. Они состоят из арабского прилагательного, называющего название движения, и существительных с суффиксом. Кроме того, есть арабские существительные в узбекском языке, которые происходят от иностранных языков. Особенно при именовании детей важно учитывать их орфографические, фонетические и семантические аспекты в соответствии с их первоначальной формой.

Опорные слова и выражения: *имя, существительное, культурные и духовные ценности, эстетические и этические аспекты, антропонамия, ономистика, терминология, фонетические и орфографические правила, лексический слой.*

Abstract. *This article is an integral part of the Uzbek dictionary, which is one of the great masterpieces of the enormous cultural and spiritual value of the Uzbek people. Because in these names the complex and contradictory historical path of our people, the hopes and aspirations of the masses, their dreams, philosophical, religious, spiritual, moral, educational and aesthetic views, beliefs, customs and traditions, as well as respect for people. His love and affection for his child is reflected.*

The name depends on aesthetic and ethical principles, wishes of applicants, customs, religious beliefs, worldview, national identity and so on. Social conditions, social class, and economic activity were also important for naming Uzbek families.

It is well known that most names in Uzbek are Arabic. They consist of an Arabic adjective calling the name of the movement, and nouns with a suffix. In addition, there are Arabic nouns in Uzbek, which come from foreign languages. Especially when naming children it is important to consider their spelling, phonetic and semantic aspects in accordance with their original form.

Keywords and expressions: *name, noun, cultural and spiritual values, aesthetic and ethical aspects, anthroponamy, onomistics, terminology, phonetic and spelling rules, lexical layer.*

Киши исмлари тилимиз луғавий бойлигининг таркибий қисмидир. Ўзбек тили тарихий даврларда юзага келган хилма-хил исмларга жуда бой бўлиб, бу номлар ўзбек халқининг узоқ маданий ва маънавий қадриятининг ажойиб дурдоналаридан биридир. Чунки бу номларда халқимиз босиб ўтган зиддиятли тарихий йўл, кенг омманинг турли-туман орзу-умидлари, армонлари, фалсафий, диний, маънавий-ахлоқий, тарбиявий эстетик қарашлари, қадимий ўтмишидан гувоҳлик берувчи эътиқодлари, ўзига хос расм-русумлари, инсонга бўлган ҳурмат-эҳтироми, фарзандига қаратилган меҳр-муҳаббати ўз ифодасини топган.

Исм (араб. إِسْمٌ – ном) кишига туғилганда бериладиган шахсий исм. “Исм” термини ўзбек тилига араб тилидан VII асрда ўтган, унга қадар қадимий туркий от (ät) сўзи қўлланилган. Одатда, чақалоққа исмни ота-онаси, қариндош-уруғ, оиладаги кекса кишилар танлайдилар. Қандай исм қўйилиши эстетик ва этик тамойиллар, исм танловчиларнинг орзу-истаклари, расм-русумлари, диний тасаввур, дунё қараши, миллий хусусият ва бошқаларга боғлиқ.

Илгарилари эшон, домланинг маъқуллаши, танланган исмни чақалоқнинг қулоғига азон ўқиб айтиш, чақалоқнинг танасидаги белгиларга қараб исм қўйиши ва ҳ.к. исм тўйи ўтказиш одати ҳам бўлган.

Исм қадимий даврларданоқ якка шахсни фарқлаш, индивидуаллаштириш эҳтиёжи туфайли пайдо бўлган. Қадимги исмлар турдош отлар асосида вужудга келган. Шу сабабли уларнинг этимологиясини осонлик билан аниқлаш мумкин. Ҳар бир халқдаги исмлар ўз семантикасида аксарият ҳолларда табиатни, наботот ва ҳайвонотни акс эттиради.


Диёримизда ислом дини кириб келишидан аввал ва ундан кейин ҳам исм қўйишда турли иримлар ва анъаналарга риоя қилинган. Улардан энг муҳими исмни қандайдир сеҳрли кучга эга бўлган ҳодиса деб билишдир. Умуман, фикрнинг, сўзнинг, шунингдек, исмнинг сеҳрли кучига ишониш, кишининг тақдири ва бахтини исмга боғлаш хосиятли ва хосиятсиз исмлар тўғрисидаги нотўғри тасаввурларни келтириб чиқарган.

Исм қўйишда ижтимоий шарт-шароитлар, ота-онанинг ижтимоий-синфий табақаси, хўжалик фаолияти ҳам маълум аҳамиятга эга бўлган.


Марказий Осиё халқлари, жумладан, ўзбекларда учрайдиган бой, бек, хон, хўжа антропономик лексемалар шахснинг синфий-табақавий аҳволини ифодалаган.

Ислом дини вужудга келиб монотеистик динга айланганидан сўнг Қуръони каримдаги пайғамбарларнинг исмлари жаҳондаги кўпгина халқларда оммавий исмлар бўлиб қолди. Баъзан исмни талаффуз этишдаги ўзгаришлар юзага келди. Пайғамбаримиз Муҳаммад (мақталган, кўкка кўтарилган с.а.в.) – ўзбекларда Муҳаммад, Маҳамат, Мамат, кавказ халқларида Магомед, русларда Муҳамед шаклида мавжуд. Бундан ташқари, ислом динининг кенг ҳудудларга ёйилиши билан Осиё ва Африкадаги кўпгина халқларда, жумладан, Марказий Осиёда ўзбекларда араб исмлари Усмон, Умар, Аҳмад, Зайнаб, Зулайҳо, Фотима ва бошқа исмлар кенг тарқалган. Ислом дини Марказий Осиё халқларининг исм бериш одатига катта таъсир кўрсатган. Ислом ақидаларига амал қилинган ҳолда инсон Оллоҳнинг қули деб тасаввур қилинган ва ўшанга мос номланган.

Бунда Оллоҳнинг 99 та гўзал исмига عَبْدٌ (‘абдул-қул) сўзи қўшиб, фарзандларга исм қўйилган (Абдулло, Абдуфаттоҳ, Абдураззоқ ва ҳ.к.) Тилшуносликда кишилар исмларини ўрганадиган алоҳида соҳа антропонимика деб аталади. Исмни тил факти сифатида ономистика ўрганади.



Шунингдек, Аллоҳ (أَللهُ) номи билан изофа бирикмасида келган бошқа исмлар ҳам кенг тарқалган.



Пайғамбаримиз Муҳаммад (с.а.в.) кишиларга кулгили ва ҳақоратомуз исмларни қўйишга ва айниқса, эски мажусийлик давридан қолган маъбудлар исмларига қарши кескин курашганлар. Бундай исмлар жуда кўп бўлган. Бироқ ҳозирда ҳам жоҳилия давридаги маъбуд Маноф билан боғлиқ бўлган исм Абдуманоф ҳанузгача сақланиб қолган. Абдуманоф исми пайғамбаримиз Муҳаммад (с.а.в.) боболарининг исми бўлган. У киши ниҳоятда инсонпарвар ва саховатли инсон бўлганлари учун бу исм сақланиб қолган бўлса ажаб эмас. Абдуманоф – олийжаноб маъносини англатади. Ҳаттоки Абдуллоҳ исми ҳам одамларга жоҳилия даврида берилган.

Юқорида таъкидланганидек, чақалоқнинг танасидаги белгиларга қараб исм қўйилган. Агар боланинг баданида хол бўлса, Хол, Холмат (Холмуҳаммад), Холмурод, Холбек каби исмлар қўйилиши мумкин. Бироқ баъзи ҳолларда бундай муносабат билан ўғил болаларга Холид, қиз болаларга эса ўринсиз равишда Холида деб исм қўйилади. Аслида бу исмнинг танадаги белгига ҳеч қандай алоқаси йўқ. Холид араб тилида абадий, ўлмас, барҳаёт маъноларига эга. Бундан ташқари, ўзбеклар ўз фарзандларига бевосита ислом дини, унинг турли сифат ва фазилатларини ифодаловчи исмларни ҳам қўядилар. Масалан: Жалолиддин (арабча) – диннинг улуғлиги, азаматлиги маъноларини беради. Истилоҳда эса дин масалаларида азамат, кучли бўлсин, деган ният билан шундай исм қўйилади[1].

Жамолиддин (арабча) – диннинг жамоли, истилоҳий маъноси диннинг баркамоллиги, равнақи демакдир.

Асомиддин (арабча) – عِصَامٌ сўзининг маъноси айнан тутқич, истилоҳий маъносини олганда диннинг таянчи, кўмаги деб изоҳлаш мумкин.

Алауддин (арабча) – عَلَاءُ (عَلَاءُ الدِّينِ) юксаклик, баландлик, баланд (юксак) мавқе. Исмнинг истилоҳий маъноси диннинг юксаклиги, баланд мавқеи.

Бироқ айрим ўзбек исмлари баён қилинган китобларда бу исмнинг маъноси нотўғри талқин этилган. Чунончи “Исмлар китоби”да “ало” сўзининг 2 та маъноси бор; ало – огоҳ бўл, ало – усти. Исмнинг истилоҳий маъноси эса диндан огоҳ бўл ёки дин устуни деб берилган[2]. Сўз талқинида, “ало” сўзи бир вақтнинг ўзида ҳам юклама (синтактик конструкция), ҳам усти, устки томони, яъни от маъносида берилган. Араб тилида ҳам юклама, ҳам от вазифасида келадиган сўз йўқ.

Ўзбек тилидаги арабий исмларнинг فَعِيلٌ، مَفْعُولٌ، فَاعِلٌ қолипида ясалган шаклларининг муаннас шакли ـَةٌ ـٌ қўшимчаси қўшиб ясалади ва охири “а” деб талаффуз қилинади:

سَلِيمٌ – سَلِيمَةٌ	حَمِيدٌ – حَمِيدَةٌ	كَرِيمٌ – كَرِيمَةٌ
Салма – Салим	Ҳамида – Ҳамид	Карима – Карим

Ўзбек исмлари орасида орттирма даража сифатларидан ясалган отлар ҳам салмоқли ўринни эгаллайди.

كَبِيرٌ катта, улуғ, буюк; أَكْبَرُ кўп. أَكْبَرُون، كُبَرَى мн. أَكَابِرُ энг катта, энг улуғ, буюк;

عَظِيمٌ, улуғ, буюк, азим; أَعْظَمُ кўп. أَعَاظِمُ، энг буюк;

كَامِلٌ – тўла, тўлиқ, комил, камолотга эришган, тўла етилган.

أَكْمَلُ – энг етук, энг тўлиқ, мукаммал, бенуқсон.

كَرِيمٌ – сахий, саховатли, илтифотли, марҳаматли, ҳимматли, қимматбаҳо.

[1] Hamdamova Z. Saralangan ismlar ma’nosi (Meaning of selected names). – T., 2014. – B. 14.

[2] Hamdamova Z. Saralangan ismlar ma’nosi (Meaning of selected names). – T., 2014. – B. 7.

أَكْرَمُ – энг олижаноб, саҳоватли, энг қимматли.

أَحْمَدُ – энг мақтовга лойиқ, сазовор демакдир. Бу от пайғамбаримиз Муҳаммад (с.а.в.)нинг сифатларидан бири саналади[1].

Ўзбек тилидаги айрим арабий исмлар аслида эркакларнинг исмлари бўлиб, ўзбек тилида асосан аёлларга берилади. Масалан:

مُبَارَكٌ – муборак, барокатли, бахтли, қутлуғ, омадли, худонинг марҳаматига сазовор бўлган.

حَنِيفٌ – ҳақиқий, чин, ҳаққоний, ягона Аллоҳга чин дилдан имон келтирувчи киши;

Сунний мазҳабининг асосчиси Имом Аъзамнинг нисбаси – Абу Ҳанифа (тўғри, рост йўл отаси (эгаси).

Ўзбек исмлари орасида арабийлашиб ўзбек тилига кирган ажнабий исмлар бўлиб, улар ўзбек тилининг фонетик ва имловий қоидаларига мутаносиб равишда шаклланган.

Александр (юнонча) – мард, қўрқмас, довюрак жасурлар сардори, ҳимоя қилувчи.

Араб тилида "Искандар" тарзида жаранглайди.

Саламандра (юнонча) – ўзидан ўтни ўчирувчи модда чиқарадиган жонивор (шунинг учун ўтда куймайдиган жонивор ҳисобланади). Араб тилида "Самандар" тарзида жаранглайди. Истилоҳий маъноси чидамли, иродали, мустаҳкам.

Қуйидаги исмлар Инжил ва Тавротда зикр этилган араблашган яҳудийча отлар бўлиб улар ҳам ўзбек исмлари орасидан ўрин олган.

Иброҳим – қадимий яҳудийча; Таврот ва Инжил китобларида Авраам шаклида келган "халқлар отаси" деган маънога эга[2].

Идрис – қадимий яҳудийча; айнан ўқувчи, ўрганувчи демакдир[3].

Илёс – қадимий яҳудийча; айнан "Менинг тангрим Елиякин "Яҳё" деганидир. Бу маъно Инжилдан олинган. Аммо исмнинг истилоҳий маъноси "Аллоҳнинг кучи, қудрати ёки халқларнинг севимлиси, эъзозланган, қадрланган одам. Оби ҳаёт ичиб юрган Ҳизрнинг бошқа номи[4].

Исмоил – қадимий яҳудийча; айнан "худо эшитди" демакдир. Бу исмнинг тарихи қуйидагича: Иброҳим пайғамбарнинг аёли Сорадан фарзандлари йўқ эди. Иброҳим алайҳиссалом ҳамиша Аллоҳдан фарзанд ато этишини сўрарди. Пайғамбарнинг фарзандга бўлган иштиёқини сезган Сора уни ўз жорияси бўлмиш Хожарга уйлантириб қўяди ва Аллоҳнинг иноятн билан Хожар ўғил туғади. Шунинг учун хам Иброҳим пайғамбар ўғлига "Худо илтижоимни эшитди" маъносида Исмоил деб ном беради. Исмоил араб халқиниг отаси ҳисобланади. Қуръонда нақл қилинишича, араблар Исмоил наслидан тарқалганлар[5].

Исроил – қадимий яҳудийча; яҳудий тилидаги Израил сўзининг арабча талаффузи демакдир. Муҳаммад Равшан Собитхон ўғлининг "Исмларнинг маънолари" китобида "Аллоҳ таоло йўлида курашувчи" деб изоҳланади[6]. Бироқ Берунийнинг "Асорул-боқия" асарининг изоҳида "Исроил – яҳудийча сўз бўлиб, "Худо билан олишувчи" демакдир. Бу ном Ёқуб пайғамбарга унинг худо билан яширинча курашидан сўнг берилган (Таврот, Таквин китоби, XXXII боб, 28-бет). Шундан кейин у ҳам, Ёқуб ҳам Исроил номи билан атала бошлади.

[1] Hamdamova Z. Saralangan ismlar ma'nosi (Meaning of selected names). – T., 2014. – B. 6.
[2] Hamdamova Z. Saralangan ismlar ma'nosi (Meaning of selected names). – T., 2014. – B. 20.
[3] Ibid. – B. 90.
[4] Ibid. – B. 20.
[5] Ibid. – B. 22.
[6] Muhammad Ravshan Sobitxon o'g'li. Ismlarning ma'nolari (Meaning of names). T. 2. – T., 2016. – B. 31.

Лекин Исроил исми кўпроқ қўлланиб, бу ном билан баъзан бутун яҳудий халқи бани Исроил, яъни “Исроил авлодлари” деб аталди тарзидаги шарҳ берилган[1].

Сора – қадимий яҳудийча; танланган, сараланган, энг аъло, тоза, покиза маъноларини билдиради.

Юқоридагилардан кўриниб турибдики, ўзбек тилидаги арабий исмларнинг лексик қатлами жуда ранг-баранг, қадимий, сермазмун. Уларнинг мазмун-моҳиятини билиш ўзбек ўғил-қизларига ярашадиган муносиб пурмаъно гўзал исмларни қўйиш имконини беради. Бундан ташқари, қуйиладиган исмларни айнан асл шаклидагича мос тарзда имловий, фонетик ва семантик жиҳатларини эътиборга олиб қўйиш эстетик жиҳатдан муҳим аҳамият касб этади.

ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИНИНГ АРАБ АДАБИЙ ТИЛИ РИВОЖИДАГИ ЎРНИ

ЗАЙНУТДИНОВА ШИРИН

Катта ўқитувчи, ТДШИ

Аннотация. *Мазкур мақолада араб адабий тилининг ривожи ва унинг омма орасида тарқалишида оммавий ахборот воситалари – вақтли матбуот, телевидениенинг ўрни жуда беқиёс эканлиги борасида баъзи фикр-мулоҳазалар баён этилган. Бунда араб адабий тилининг халқаро мулоқот тили, бадиий адабиёт тили сифатида қўлланилиши билан бир қаторда, араб адабий тилининг бошқарув ва давлат муассасалари иш юритиш ҳужжатларида, мактаб ва ўқув муассасаларида таълим тили сифатида, ижтимоий-сиёсий, ўқув ва илмий адабиётларда ҳам акс этишини кўришимиз мумкин. Араб давлатлари кўп бўлганлиги сабабли ҳар бир араб давлатида ўзининг ҳудудий адабий тил вариантлари мавжудлиги ҳақида ҳам сўз боради.*

Таянч сўз ва иборалар: *араб адабий тили, вақтли матбуот, радио, телевидение, калькалаш, иқтибос, атама, ўзлашган сўзлар.*

Аннотация. *Эта статья дает некоторое представление о роли средств массовой информации – прессы и телевидения в развитии и популяризации арабского литературного языка. Наряду с использованием арабского литературного языка в качестве средства международного общения, языка художественной литературы, он используется в качестве языка обучения в административных документах школ и учебных заведений, социальных и политических, образовательных и в научной литературе. Тот факт, что арабские страны так многочисленны, также предполагает, что у каждой арабской страны есть свои региональные варианты литературного языка.*

Опорные слова и выражения: *арабский литературный язык, пресса, радио, телевидение, калькирование, сноска, термин, заимствованные слова.*

Abstract. *This article gives some insight into the role of the media – the press of time and television in the development and popularization of the Arabic literary language. In addition to using the Arabic literary language as the language of international communication, the language of fiction, the Arabic literary language is used as the language of instruction in administrative and administrative documents of schools and educational institutions, social and political, educational and in scientific literature. The fact that the Arab countries are so numerous also suggests that each Arab country has its own regional literary language.*

Keywords and expressions: *Arabic literary language, time press, radio, television, background, quotes, terms, words.*

[1] Абу Райхон Беруний. Асорул-боқия. – Т., 1968. – В. 430.

Мамлакатимиз мустақилликка эришгач, дунё давлатлари, хусусан, бир қатор араб мамлакатлари билан турли соҳа ва жабҳаларда ўзаро ҳамкорлик муносабатлари ўрнатилди. Мазкур ҳамкорлик алоқаларининг борган сайин ривожланиб, мустаҳкамланиб бориши натижасида таржимашуносликнинг амалий аҳамияти тобора ортиб бормоқда. Хусусан, хорижий мамлакатларда бўлаётган воқеалар акс этган оммавий ахборот воситалари хабарларини ўзбек тилига, шунингдек, юртимизда бўлаётган муҳим ўзгаришларни ўзида акс эттирувчи хабарларни чет тилларига тўғри таржима қилиш ишларини ўрганиш муҳим аҳамият касб этади.

Араб оммавий ахборот воситалари тили, шунингдек, араб матбуоти материаллари, яъни араб адабий тилида нашр қилинувчи газета ва журналларда бериб бориладиган материаллар кўплаб йирик арабшунос олимлар, ўқитувчилар томонидан ўрганилган. Мисол учун, И. Г. Фатеева, З. Н. Шокироваларнинг "Араб матбуот тили устида ишлаш" услубий қўлланмаси [1], Н. А. Майбуровнинг "Читаем и переводим арабскую газету" ўқув қўлланмаси[2], Э. В. Яковенконинг "Арабский язык. Практический курс перевода" ўқув қўлланмаси[3], И. Д. Ибрагимовнинг "Арабский язык. Учебное пособие по теме "Социалные проблемы"[4] ва "Арабский язык. Учебное пособие по теме "Политика" ўқув қўлланмаси [5], Ж. Ж. Акобировнинг "Арабский язык. Практический курс перевода политических и экономических текстов" ўқув қўлланмаси [6], Т. Ш. Қодировнинг "Қисқача арабча-ўзбекча-русча ижтимоий-сиёсий тематик луғат" китоби[7] кабиларни келтириш мумкин. Юқорида санаб ўтилган бу ўқув-услубий қўлланмалар араб оммавий воситалари, араб матбуотини ўрганишда асосий манба бўлиб хизмат қила олади.

Ҳозирги замон араб адабий тили Арабистон ярим ороли ва ундан шимолроқдаги ҳамда шимолий Африкадаги 20 дан ортиқ давлатнинг расмий тилидир. Адабий тил давлатлараро (араб давлатлари ўртасида) ва халқаро мулоқот тили, бадиий адабиёт тили сифатида қўлланилади. Адабий тилни бошқарув ва давлат муассасалари иш юритиш ҳужжатларида, ижтимоий-сиёсий, ўқув ва илмий адабиётларда кўрамиз. Адабий тил мактабларда ва бошқа ўқув муассасаларининг таълим тили ҳисобланади. Араб адабий тилининг ривожланиши, унинг халқ оммасига тарқалишида вақтли матбуот ва телевидениянинг ўрни жуда каттадир. Ҳозирги кунда барча араб давлатларининг ўз вақтли матбуот нашрлари мавжуд. Жумладан, ҳозирги кунда Тунисда "الوسط التدليسية"، "الصحافة، المغرب"، "الصباح نيوز"، "الصباح"، "الشروق", Жазоирда "صوت الاحرار"، "الشعب"، "الخبر الرياضى"، "الخبر"، "الجمهورية"، " البلاد"، "اخرساعة", Ливияда "الاهالى، العرب اليوم، "الدستور"، الغد، Иорданияда "ليبيا المستقبل"، "صحيفة الوطن الليبية"، "ليبيا لكل الاحرار "السبيل"، "المجد"، "دار السلام Ирокда "العدالة"، "العراق اليوم"، "الفرات"، "الزمان"، "الصباح" каби ва бошқа газеталар кўплаб ададда чиқади. Бошқа араб давлатларида ҳам ўз газета ва журналларини кўришимиз мумкин. Айниқса, бу борада Миср етакчилик қилади. Араб ўқувчисини Миср газета ва журнал дўконларида ҳайратга соладиган нарса – бу матбуот нашрларининг хилма-

[1] Fateyeva I.G., Shokirova Z.N. Arab matbuot tili ustida ishlash (Working on the Arabic press language) / (uslubiy qo'llanma). – T., 2004.
[2] Mayburov N.A. Chitaem i perevodim arabskuyu gazetu (We read and translate the Arabic newspaper). – M., 2003.
[3] Yakovenko E.V. Arabskiy yazik. Prakticheskiy kurs perevoda (Arabic language. Practical translation course). – M., 2005.
[4] Ibragimov I.D. Arabskiy yazik. Uchebnoe posobie po teme «Sotsialnie problemi» (Arabic language. The manual on the topic "Social problems"). – M., 2007.
[5] Ibid.
[6] Akobirov D.D. Arabskiy yazik. Prakticheskiy kurs perevoda politicheskix i ekonomicheskix tekstov (Arabic language. Practical translation of political and economic texts). – D., 2010.
[7] Qodirov T.Sh. Qisqacha arabcha-o'zbekcha-ruscha ijtimoiy-siyosiy tematik lug'at (A brief Arabic-Uzbek-Russian socio-political thematic dictionary). – T., 2010.
[8] Xalidov B.Z. Uchebnik arabskogo yazika (Arabian textbook). – T., 1981.
[9] Ibrohimov N., Yusupov M., Arab tili grammatikasi (Arabic Grammar). – N., 2009.

хиллиги ва кўплигидир. Расмий маълумотларга қараганда 1965 йилда Қоҳирада 9 та арабча кунлик, 44 та ҳафталик газеталар, 22 та икки ҳафтада бир марта чиқувчи, 146 та ойлик журналлар, шунингдек, 51 та бирор муносабат сабабли чиқувчи журналлар фаолият кўрсатган. Бу ерда инглиз, француз, грек, немис, итальян, форс, арман тилларида ҳам газета ва журналлар нашр қилинган. Миср матбуот дунёси хилма-хилдир. Лекин улар орасида "الاهرام" газетаси ўзига хос ўрин эгаллайди. У 130 йилдан буён нашр қилинади ва ҳозирги кунда кунлик адади бир миллондан ортиқ. Мисрнинг қолган умуммиллий газеталари ҳам кўпададлидир: шунингдек, ижтимоий-сиёсий ва адабий ҳафталиклар "روز اليوسق", "المصور", иккита диний ҳафталиклар "الدعوة" ва "الاعتصام" ҳам оммага жуда яхши таниш.

Лекин "саводсизлик юқори бўлган араб давлатларида адабий тилнинг ривожи ва тарқалишида радио ва телевидение асосий роль ўйнайди. Чунки матбуот ва кино, китоб маҳсулотларининг маданият, илм-фан, ижтимоий ҳаёт, миллий мафкура ва кишиларнинг ахлоқий фазилатлари ривожига таъсири камроқдир"[1]. Бунинг асосий сабаби, матбуот нашрлари ададининг аҳоли жонбошига ҳисоблаганда радио ва телевизорларга қараганда камлигидир[2].

Шуни айтиб ўтиш керакки, ҳар бир араб давлатида ўзининг ҳудудий адабий тил вариантлари мавжуд. Булар айрим сўз ва бирикмаларни қўллаш, гапнинг синтактик таркиби ва бошқа томонларда кўзга ташланади. Вақтли матбуот нашрларини кўздан кечирганда шуни кўриш мумкинки, ҳар бир араб давлатининг айрим сўз ва ибораларни қўллашда тафовутлар мавжуд. Жумладан, араб адабий тилининг Тунис, Жазоир ва Марокаш вариантларида "бош вазир" лавозим номи "الوزير الاول" ("биринчи вазир"), "вазир ўринбосари" лавозим номи эса "كاتب الدولة" (сўзма-сўз: "давлат котиби") тарзида тўғридан-тўғри француз тилидаги "примиер министер" ("биринчи вазир"), "секртаире д Этат" ("давлат котиби") бирикмаларидан калька қилинган. Миср, Саудия ва бошқа бир қатор Машриқ давлатларида эса бу лавозимлар "رئيس الوزراء" ("вазирлар бошлиғи") ва "نائب الوزير" ("вазир ўринбосари") шаклида қўлланилади. Бу ҳолатни айрим сўзларни қўллашда ҳам кўришимиз мумкин. Масалан, Миср ва Саудияда "(кимнидир) қувғин қилмоқ", "кўзни қамаштирмоқ, ҳайрон қолдирмоқ" маъноларида "طرد" ва "بحر" феълларининг 1-боби қўлланилса, Тунисда шу феълларнинг IV боби "اطرد" ва "ابحر" қўлланилади.

Ой номларида ҳам айрим тафовутларни кўриш мумкин. Масалан, Тунис ва Жазоирда ой номлари француз тилидан калькалаш орқали қўлланилади, яъни "جانفى" (январь), "فيفرى" (февраль), "افريل" (апрель), "جونا" (июнь) ва ҳ.к. Марокаш ва Машриқ давлатларида эса ўзгача "يناير" (январь), "فبراير" (февраль), "ابريل" (апрель), "يونيو" (июнь) ва ҳ.к.

Чет тилларидан кирган сўзларни қўллашда ҳам айрим ихтилофлар мавжуд. Масалан, "صالون" сўзи Жазоирда "кўргазма" (бошқа давлатларда "معرض") маъносида, Саудияда "автомобиль салони" ("سيارة صالون" – автомобиль-пикап) маъносида, Мисрда эса "меҳмонхона, қабулхона" ёки "салон" (мас.: соч олдириш) маъноларида қўлланилади.

Маълумки, араб тилида гапдаги сўз туркумлари асосан қуйидаги тартибда берилади: 1) феъл-кесим; 2) эга (агар от билан ифодаланган бўлса); 3) тўлдирувчи (ҳаракат объекти); 4) ҳол. Аммо Тунис, Жазоир, Марокаш газеталари матнларида кўп ҳолларда гап бошида эга ва кесим эмас, олд кўмакчили (ёки олд кўмакчисиз) от билан ифодаланган ҳол келади. Айрим ҳолларда эса феъл кесим ва унинг тўлдирувчиси орасига ҳаракат субъекти ҳақида кенгроқ маълумот берувчи иккинчи даражали бўлаклар – ўрин ва пайт ҳоллари қўйилганини кўришимиз мумкин. Бу ҳол Машриқ давлатлари газета матнларида кузатилмайди.

---

[1] Fateyeva I.G., Nasirova M.A. Yazikovaya situatsiya v arabskix stranax (kones XX veka) (The language situation in the Arab countries (end of the twentieth century). – T.: TGIV, 2010. – S. 168.

[2] Ibid. – S. 168–169.

Араб тили сомий тилларнинг орасида иқтибосга бой тил ҳисобланади. Иқтибос жараёни араб тилига кирган сўзларнинг турли даврларни босиб ўтганидан дарак беради. Иқтибос ҳодисасига турли даврлардаги турлича шароит, ўзига хос услублар билан таъсир этганлиги сабаб бўлган. Иқтибос қилинган сўзлардан тўла ўзлашган, ярим ўзлашган, ўзлашиб улгурмаган ёки чала ўзлашганлари мавжуд. Семантик моҳиятига кўра тўлақонли бузилмай қабул қилинган, бузиб қабул қилинган сўзлар билан бир қаторда иқтибос қилинган маз-мунларни ифодаловчи янги сўзларни ҳам тушуниш мумкин. Араб тилига форс, оромий, юнон, қадимги яҳудий, қадимги Миср ва копт каби тиллардан ўзлашган сўзлардан ташқари Европа тилларидан ҳам жуда кўплаб сўзлар ўзлашган ва бу жараён кейинги ўн йилликларда илмий-техника ривожи натижасида жадаллашди.

Европа тилларига оид атамалар эса XIX аср охири ва XX аср бошларида катта миқдорда ўзлаштирила бошланди. Бу жараён аксарият араб давлатларининг Европа мамлакатлари томонидан босиб олиниши билан боғлиқ бўлиб, улар ҳарбий қўшин ва маъмурий бошқарув-дан ташқари европача маданият кўринишларини ҳам олиб келдилар[1].

Колониал босқинчилик даврининг бошланиши араб тилининг ўзга тиллар ҳисобига бойиши хусусиятига ҳам ўзгартириш киритди. Сурия, Ливан, Тунис, Жазоир ва Марокаш французлар, Ироқ ва Судан инглизлар, Ливия эса итальянлар ҳукмронлиги остида қолди. Натижада ҳар бир мамлакат ёки минтақа ўзлашган сўзлар билан бойиш учун ўзгача алоҳида манбага эга бўлди.

Шунингдек, ушбу сўзларнинг соҳаларига кўра фарқланиши ҳам қайд этилади. Масалан, Тунис аҳолиси тилига итальян тилидан балиқчилик, савдо ва молия соҳасига, ливия халқи тилига эса маъмурий бошқарув, ҳунармандчилик ва маданий турмушга оид атамалар кириб борди. Араб тилининг Миср лаҳжасига эса жуда кўп миқдордаги география ва табиатга оид атамалар кириб келган.

Европа тилларидан араб тилига кириб келган айрим сўзларни кўриб чиқайлик. Итальян тилидан:

(بورصات) بورصة – биржа

(بنوك) بنك – банк

(قراصين) قرصان – қароқчи

إنفلونز – грипп

(بنطلونات) بنطلون – шим

(برانيط) برنيطة – шляпа

(صقا ئل) صقالة – ўрмончилик материаллари ва бошқалар.

Француз тилидан:

(سينمات) سينما - кино

(برلمانات) برلمان - парламент

(أفلام) فلم – фильм

(تلفونات) تلفون – телефон

(راديووات) راديو – радио

Инглиз тилидан:

(أوناش) ونش – кўтарма кран (инг. winch) (ورش) ورشة – устахона (инг. workshop) ва бошқалар.

Араб мамлакатларининг барчасида муомалада бўлган пул, узунлик, вазн ва электр қуввати ўлчов бирликларига оид атамаларнинг ҳам ўзлаштирилганлигининг гувоҳи бўламиз.

[1] Belkin B.M. Arabskaya leksikologiya (Arab Lexicology). – M., 1975. – S. 98–108.

Ҳозирда ҳам адабий тилниг лексик захираси ўзлашган сўзлар билан бойишда давом этмоқда, чунки араб жамияти ўзга давлатларниг маданияти, илм-фани, техника ютуқлари билан боғлиқ ҳодисаларни ўрганиб, аксар ҳолларда уларни атамалар сифатида қабул қилган ва ушбу ҳол замонавий араб атамашунослик тизими шаклланишида акс этади. Масалан:

إنترنت – интернет
تلكس – телекс
كمبيوتر – компьютер
برينتر – принтер
تلفاز – телевизор
صالون – салон
ستوديو – студия
ديكور – декорация
سنتر – центр ва бошқалар.

Арабшунос олим В. М. Белкиннинг таъкидлашича, “Замонавий араб адабий тилини ўрганиш жараёнида шу нарса маълум бўлдики, Европа тилларидан олинган ўзлашма сўзларнинг умумий миқдори у қадар кўп эмас ва луғат бойлигининг бир фоизига яқин қисминигина ташкил қилади”[1].

Умуман олганда, бой меросга эга бўлган араб тили луғавий бойлигида хорижий тиллардан ўзлашган сўзларнинг кенг кўлами мавжуд бўлиб, бу ўзлаштириш жараёни ҳозирги кунда ҳам давом этиб келмоқда ва оммавий ахборот воситаларида кенг қўлланилмоқда. Оммавий ахборот воситалари доимо ривожланишда бўлган араб адабий тилининг энг зўр тарғиботчисига айланган.

Барча араб давлатлари учун умумий бўлган адабий тил мавжуд. Адабий тил давлатлараро (араб давлатлари ўртасида) ва халқаро мулоқот тили, бадиий адабиёт тили сифатида қўлланилади. Адабий тилни бошқарув ва давлат муассасалари иш юритиш ҳужжатларида, ижтимоий-сиёсий, ўқув ва илмий адабиётларда кўрамиз. Адабий тил мактабларда ва бошқа ўқув муассасаларининг таълим тили ҳисобланади. Араб адабий тилининг ривожланиши, унинг халқ оммасига тарқалишида вақтли матбуот ва телевидениянинг ўрни жуда каттадир.

Мақола сўнгида айтиш жоизки, матбуот – фан-техника тараққиёти ҳамда одамлар онгининг ўзгариши билан ўзгариб, янгиланиб, керак бўлса қайта ишланади. Араб матбуоти доирасида араб адабий тилида нашр қилинувчи газета ва журналларнинг ҳар бири ўз мамлакати урф-одатлари, диний эътиқоди ва тили каби жиҳатларидан фарқ қилади. Грамматик жиҳатдан араб матбуотидаги материалларда қўлланувчи қоидалар биз ўрганиб келган қоидалардан фарқ қилади. Хуллас, мазкур иш доирасида мавзуни илмий манбалар ва газеталардан олинган мисоллар билан таҳлил ва тадқиқ этиб қуйидаги хулосаларга келдик:

– оммавий ахборот воситаларининг асосий хусусияти ахборот бериш, таъсир қилиш, тарғибот-ташвиқот ишларини амалга оширишдан иборатдир, бунда ифоданинг соддалиги, тушунарли ва таъсирли бўлишига ҳамда адабий тил меъёрларига қатъий риоя этилади;

– араб матбуотидаги матнлар тугалланган мазмунга эга бўлган бир неча гаплардан иборат бўлади, уларда мақоланинг бутун мазмун-моҳияти акс этади, бундай узун матнларни ўзбек тилига қисқа сўз бирикмаси ёки содда йиғиқ гап тарзида ҳамда имкон қадар матн мазмунини яшириб, қоғозга ўраб таржима қилиш мақсадга мувофиқдир.

[1] Belkin B.M. Arabskaya leksikologiya (Arab Lexicology). – M., 1975. – S. 98–108.

АРАБСКИЙ ЯЗЫК В ИНТЕРНЕТ КОММУНИКАЦИИ

УМАРОВА НОДИРА
Преподаватель, ТГИВ

Аннотация. *Развитие современного общества, основанного на использовании огромного количества самой разнообразной информации немыслимо без широкого внедрения электроно-комуникативных технологий во все сферы жизни. Сложно, даже практически невозможно представить жизнь на настоящем этапе без различных технологий, гаджетов и электронных устройств. Технический прогресс продолжает развиваться, и с каждым днём можно наблюдать за новинками и совершенствованиями в электроно-коммуникативной технике, новыми открытиями в информационной сфере, большим влиянием информационных интернет технологий в жизни людей. Важность и необходимость использования электроно-коммуникативных технологий и компьютерной техники в современной жизни не вызывает сомнений. В данной статье исследуется лингвистический статус языка интернет-коммуникации, сформировавшегося в современных условиях информационного общества, а также привелась попытка осветить это довольно интересное языковое явление, достаточно широко бытующее в молодежной среде.*

Опорные слова и выражения: *Интернет, коммуникация, лексика, термин, метаязык, варианты языка, объединяющая функция языка, арабоязычный Интернет, латинизация, заимствования.*

Аннотация. *Турли хил маълумотлардан фойдаланишга асосланган замонавий жамиятнинг ривожланиши ҳаётнинг барча соҳаларига электрон коммуникацион технологияларни кенг жорий қилмасдан тасаввур қилиб бўлмайди. Ҳозирги босқичда ҳаётни турли технологиялар, воситалар ва электрон қурилмаларсиз тасаввур қилиш қийин, ҳатто деярли имконсиздир. Техник тараққиёт ривожланишда давом этмоқда ва ҳар куни сиз электрон ва коммуникацион технологияларнинг энг сўнгги ва энг катта ўзгаришларини, ахборот соҳасидаги янги кашфиётларни, Интернет ахборот технологияларининг одамлар ҳаётига таъсирини кўришингиз мумкин. Замонавий ҳаётда электрон алоқа технологиялари ва компьютер технологияларидан фойдаланишнинг аҳамияти ва зарурати шубҳасиздир. Ушбу мақолада ахборот жамиятининг замонавий шароитида шаклланган Интернет алоқаси тилининг лингвистик ҳолати, шунингдек, ёшлар орасида кенг тарқалган бўлиб, муҳим аҳамият касб этган лингвистик ҳодисалар кўриб чиқилади.*

Таянч сўз ва иборалар: *Интернет, алоқа, луғат, атамалар, коммуникация, тил вариантлари, бирлаштирувчи тил функцияси, араб тилидаги Интернет, лотинлаштириш, ўзлашмалар.*

Abstract. *The development of a modern society based on the use of a huge amount of the most diverse information is unthinkable without the widespread introduction of electronic communicative technologies in all spheres of life. It is difficult, even almost impossible to imagine life at the present stage without various technologies, gadgets and electronic devices. Technical progress continues to evolve, and every day you can watch the latest and greatest developments in electronic and communicative technology, new discoveries in the information field, the great influence of Internet information technologies in people's lives. The importance and necessity of using electronic communication technologies and computer technology in modern life is beyond doubt. In this article examines the linguistic status of the language of Internet communication. The linguistic status of Internet Communications formed in the present conditions of the information society, and such slang can be nominated as a national version of the meta-language that possesses a novel function of the language is studied in this article. This function overwhelms non-verbal participants of communication interactions regardless of their nationality and command of any language.*

Keywords and expressions: *Internet, communication, vocabulary, term, metalanguage, language variant, unifying language function, Arabic-language Internet, Arabizi, Latinization, borrowings.*

Введение. Интернет занимает одну из ключевых позиций в развитии современного общества. Появление Интернета изменило не только образ жизни человека, но и восприятие им реальности. По объему хранящейся информации и масштабам ее передачи Интернет занимает первое место среди всех ранее известных способов обработки информации. Интернет является новым огромным миром, в котором взаимодействуют более двух миллиардов. человек. Данное обстоятельство способствует становлению Интернета как мощного лингвистического фактора, что привело к значительному расширению лексического состава многих языков в конце XX – начале XXI вв.[1]

В наше время, в эпоху интернета и компьютерных технологий, изучение присущей ей специальной терминологии стало актуальной частью жизни общества. Проблемы изучения компьютерной и Интернет терминологии постоянно усугубляются процессами проникновения электронной техники практически во все сферы деятельности общества. Подобное внедрение активно идет в арабских странах. В кратчайшие сроки Интернет, электроно-коммуникативные, компьютерные технологии нашли широкое распространение и их жизненно-важная значимость уже не вызывает никакого сомнения. Актуальность изучения данного вопроса заключается ещё и том, что арабский регион не перестает привлекать пристальное внимание исследователей всего мира, что объясняется его политическими, историческими условиями, археологическими богатствами, религиозной ситуацией, туристскими, экономическими, лингвистическими, культурными и другими ресурсами. Для Узбекистана арабский государства в целом представляет одну из ключевых зон в установлении и развитии не только дипломатических отношений, но и стабильных связей в сферах экономики, религии, культуры, образования, туризма, более того, история арабо-мусульманское сообщество тесно связана с историей узбекского народа.

Анализ и результаты исследования. Как отмечает А.Г. Шарбатова, «Естественно, что в разных странах арабского мира охват различных сфер жизни новыми техническими средствами связи и иными техсредствами проходил и проходит в разных масштабах, однако ни одна арабская страна не оказалась вне включения в современные средства коммуникации и интернетизации, в новые финансово-экономические и политические реалии»[2]. Автоматизированы и модернизированы многие национальные службы арабских стран: от таможни, налоговых и лицензирующих органов до бронирования номеров в гостиницах, оплаты чеков. Наибольшие успехи достигнуты в областях деятельности, непосредственно связанных с международной жизнью (аэропорты, порты, банковские карточки и т.д.), где достаточно одного терминала, чтобы подключить их к общемировой компьютерной сети. Интернет и коммуникативные технологии включены арабскими странами в список основных приоритетов развития и рассматриваются в качестве неотъемлемой части сферы образования и науки.

Арабский язык имеет статус не только классического языка – языка Корана, но и современного широко распространенного языка с достаточно развитой терминологией. Словарный состав арабского литературного языка, как и любого другого, делится на общую и специальную лексику. Согласно А.В. Суперанской, «общая лексика – ядро языка, а

[1] Son L.P. Lingvisticheskiy status yazika internet kommunikatsii. Sbornik Rossiyskogo gosudarstvennogo sotsialnogo universiteta. – M., 2012.

[2] Sharbatova A.G. Arabskiy literaturniy yazik i novaya sreda funksionirovaniya//Arabskaya filologiya. Vipusk 3. Institut Azii i Afriki / MGU. – M., 2008. – S. 354.

специальная лексика, состоящая из подъязыков (терминосистем) – его периферия»[1]. Особенность специальной лексики заключается не только в ее принадлежности отдельным подъязыкам, но и в необходимости фоновых знаний. Одним из подъязыков является подъязык Интернета.

Компьютерная техника, мобильные и Интернет технологии применяются в различных сферах человеческой деятельности, увеличивается поток документов на бумажных и электронных носителях, появляются новые виды технических устройств (смартфон, коммуникатор, нетбук и т.д.) и типы связи (порталы, блоги, чаты, форумы и т.д.), призванные облегчить и ускорить процесс коммуникации. Каждая новая модификация информационных технологий сопровождается обновлением всей специальной терминосистемы, созданием новых и трансформацией существующих терминологических единиц. Благодаря процессам межъязыкового и межкультурного взаимодействия в арабский язык проникают лексические единицы из различных языков мира, наибольший процент из которых составляют научно-технические англицизмы, в частности, термины Интернет-коммуникаций.

Как отмечает арабский учёный Мажид Салим Сулейман Турбан, несмотря на стремительное распространение Интернета арабские страны достаточно поздно стали использовать коммуникации[2], а также и остальных современных средств связи, которыми пользуются во всем мире. Первой страной в арабском мире, в которой появились услуги Интернет-провайдеров, стал Кувейт в 1994 г. По данным Internetwordstats, к 2017 году в арабском мире было более 110 миллионов пользователей, причём наибольшее их количество из Египта (более 44 миллионов человек, что составляет 40,1 населения страны). Для сравнения в 2005 году число пользователей Интернет в Египте было всего 4 миллиона человек. На сегодняшний день арабский язык является самым быстрорастущим в Интернете[3].

В «Докладе о социальных медиа в арабском мире» арабского учёного и политика Фади Салема, ежегодно выпускаемом Правительственной школой Мухаммеда бин Рашида аль-Мактума (ОАЭ), приводится данные об использовании социальных сетей в арабском мире, на основании исследования больших массивов данных, собранных в 22 арабских странах. В конце 2018 г. автор доклада затрагивает не только отношения к социальным сетям и их использования. Он также рассматривает тенденции развития арабоязычного сектора социальных сетей с 2011 по 2018 год. Наиболее значимые из них это Facebook, Twiter, Instagram, LinkedIn, YouTube[4]. Из этого следует, что с расширением Интернет пространства и с увеличением количества социальных сетей развивается особый своеобразный язык язык, а также специальная терминология Интернет-коммуникации.

Интернет-коммуникативная терминология представляет собой сравнительно молодой лексический пласт, исследования которого занимают особое место в современной лингвистической науке. Постоянно растущий интерес к информационным процессам влечет за собой рост и развитие данной отрасли знания, становление её метаязыка[5]. Социальная организация жизни меняется, зачастую опережая темпы развития языка. В этих условиях ряд стран становятся лидерами в области развития интернет терминологии, в то время как

[1] Superanskaya A.V. Russkiy yazik nachala XXI veka /Jurnalistika I kultura russkoy rechi №6. – M., 2007. – S. 124.
[2] Majid Salim Suleyman Turban. Elektronnaya jurnalistika/م 2007 غزة. صحافة الكترونية, فلسطين. دكتور ماجد سالم سليمان تربان
[3] www.Internetwordstats.com
[4] Fadi Salem. The Arabic World Online: Trends in Internet Usage in the Arab Region. Dubay School of Government. 2018.
[5] Akinina O.G. Problemi formirovaniya sovremennoy arabskoy terminologii/Teoriya I praktika №1. – M., 2014. – S. 65.

другие, будучи втянуты в бурные процессы глобализации информатизации, отстают и вынуждены догонять быстроразвивающиеся в этом направлении страны. Конечно, арабский язык несколько уступает английскому, французскому и немецкому языкам, которые считаются наиболее терминологически развитыми, однако языки не могут рассматриваться в отрыве от тех обществ в которых они функционируют. Роль арабских академических кругов в формировании современной научной терминологии в арабском мире очень велика. В настоящее время существуют некоторые работы более или менее затрагивающие социальные и лингвистические аспекты компьютерной терминологии, что подтверждают современные диссертационные исследования по компьютерной терминологии в английском (М.В. Орлова, 2008), русском (И.Л. Комлева, 2006), испанском (М.А. Лобанова, 2009) языках, в которых рассматриваются принципы и способы формирования терминологии, ее структурно-семантические особенности, специфика идентификации, функционирование в дискурсе сетевых форумов. Однако монографические труды, рассматривающие процессы формирования и адаптации языка Интернет-коммуникации к лексической системе арабского языка в настоящее время отсутствуют, что и обусловливает необходимость комплексного и многоаспектного изучения указанных процессов.

Арабский язык становится всё более, и более значим для интернет-коммуникации в арабском мире. По мнению некоторых арабских исследователей, в Интернете и, особенно в социальных сетях и блогах, используется так называемый «третий арабский язык». Это совокупность литературных и диалектальных языковых средств, спонтанно формирующаяся представителями различных арабских государств в процессе неформального общения. Тем не менее, арабский литературный язык остаётся языком общеарабских новостных ресурсов, таких как «ал-Арабия», «ал-Ахрам», «ал-Джазира» и других.

Социальный и лингвистический аспект Интернет-коммуникации рассмотрен с описательно-статистической, либо с прикладной точки зрения. Это говорит в целом о недостаточном внимании арабских учёных к данному вопросу. Недостаточное внимание рабских филологов приводит к проблеме недостаточного описания функционирования арабских диалектов в процессе Интернет-коммуникации, невнимания к «третьему арабскому языку». Существует немало работ, связанных с компьютерной обработкой арабского языка: исследователи семантического анализа мнений используют данные социальных сетей, поэтому пишут, к примеру, об автоматической «нормализации» египетского, тунисского и прочих диалектов в вопросах компьютерной лингвистики. В данных работах подчёркиваются сложности, которые встречаются исследователями при составлении корпусов арабского языка. Египетский журналист и известный блогер Ахмад Наги подчеркивает бессистемность арабских диалектов по сравнению с арабским литературным языком[1]. Например, это большое количество бессмысленных высказываний и спама, смешивание нескольких языков, часто арабского с английским или французским. А также арабскими пользователями используется особый язык – язык, при которым используется способ записи арабского языка и его диалектов с помощью графики латинского алфавита и цифр. Такого рода графика в арабском языке имеет несколько названий: «Арабизи» **العربيزي** (al-‘arabizi), «Франку арабик» **الفرانكو ارابيك** (al-franku arabik), «Арабтини» **العربتيني** (al-‘arabtini), «Араблашиййа» **عربلشية** (‘arablashiyya), «Арабиш» ارابيش (‘arabish)[2]

[1] Ahmad Nagi. Wasa khayalik/Akhbaa al-Adab. – Cairo, 2016. – P. 24.

[2] Jordan Facebook page statistics [Electronic sourse]// Сайт Socialbakers – socialbakers, 2016 http://www.socialbakers.com/statistics

Необходимо иметь базовые представления о языковой картине в арабоязычном интернете, что и позволяет сделать представленная работа. Социальная сеть «Facebook» является самой популярной в мире, в том числе и в большинстве арабских стран. Кроме того, она позволяет работать с текстовым материалом в наиболее широком тематическом и жанровом диапазоне. Какой же язык используют арабоязычные пользователи? До 2010 года пользователи ресурса «Facebok» в арабских странах в ходе коммуникации отдавали предпочтение использованию английского и французского языков. Однако с 2014 года наблюдается стремительная динамика использования арабского языка при общении в социальных сетях[1]. И на сегодняшний день очевидно преобладание использования арабского языка и графики в ходе виртуальной переписки арабоязычных пользователей. Однако арабский язык Интернета на нескольких уровнях отклоняется от привычных норм арабского литературного языка (АЛЯ) и арабского диалектного языка (АДЯ). Как известно, с морфологической точки зрения арабский является богатым языком, что, в свою очередь, представляет трудность для обработки лингвистической информации и её применения. Более того, для арабского языка характерна диглоссия, при которой литературная форма языка сосуществует с его диалектной формой. Некоторые из диалектов арабского языка распространяются за пределы одного государства, однако случается, что в рамках одного государства используется несколько диалектов[2].

Вопрос о том, какая форма арабского языка, арабский литературный язык или арабский диалектный язык, наиболее частотна в интернет-пространстве, является одним из ключевых в исследовании. Процесс порождения речи в коммуникации через социальные сети обуславливается рядом факторов. С технической точки зрения особое влияние оказывают синхронность или асинхронность коммуникации, параметры ввода текста/шрифта (с клавиатуры компьютера или мобильного телефона)[3], объем передаваемой информации, анонимность, канал передачи данных (текст, видео, аудио и пр.); также на формирование речи оказывают влияние ситуативные переменные, например, такие, как социальные и личностные характеристики субъекта речи, учёт адресата, особенности ситуации общения и др. Большую роль в этом процессе играют коммуникативные намерения и коммуникативные установки[4].

Выбор языкового кода (языка и системы письма) осуществляется по такому же принципу, как и процесс формирования речи. В зависимости от этих факторов коммуникантами невербально выбирается та форма языка, которая приемлема для конкретного случая. Таким образом, в личной переписке (при условии, что участники коммуникации владеют одним и тем же диалектом) употребляется арабский диалектный язык, для которого может быть характерно обилие просторечной и разговорной лексики, орфографические и синтаксические ошибки, речевая избыточность и т.п. Однако арабский диалектный язык используется не только при личной переписке. Как мы можем наблюдать в комментариях пользователей к личным публикациям и в интернет сообществах, а также в публикациях самих сообществ, рассчитанных на аудиторию из определенного региона, используется арабский диалектный язык. Это объясняется тем, что, помимо коммуникативных установок,

[1] Nazaryan A. The influence of internet on language and “Email stress”/ Nazaryan A., Gridchin A. // FACTA UNIVERSITATIS, Series: Law and Politics, 2006. – P. 23–27.
[2] Albirini Abdulkafi Modern Arabic Sociolinguistics: Diglossia, Variation, Codeswitching. – NY, 2016. – P. 438.
[3] Novie iformatsionie tehnologii v avtomatizirovannix sistemah, 2018 http://www.mbrsg.ae/getattachment/
[4] Herring, S. C. Online communication: Through the lens of discourse // Internet Research Annual. – NY, 2004. V. 1. – P. 65–76.

на выбор языкового кода оказывают влияние стиль общения и жанр, используемые в тексте. Влияет на выбор кода и тональность текста; в более эмоционально насыщенной ситуации предпочтение, как правило, делается в пользу диалектов и наоборот. Так, для разговорного стиля, наиболее часто употребляемого в социальных сетях, характерно использование арабского диалектного языка. В то время как для книжных жанров (официально-делового, художественного и др.) наиболее характерно употребление арабского литературного языка. Тем не менее, в книжных жанрах также встречается употребление элементов диалекта или упрощенного синтаксиса. В качестве примера можно привести жанр интернет-поэзии на арабском языке, который неразрывно связан с употреблением арабского литературного языка. Статистика относительно процентного соотношения употребления арабского литературного языка и арабского диалектного языка неоднозначна, однако, по данным Jordan Facebook Page Statistics в Иордании 67.7% пользователей «Facebook» употребляют арабский диалектный язык, 24.7% отдают предпочтение арабскому литературному языку, и, наконец, 7.6% придерживаются использования формы языка, представляющей собой смесь литературной и диалектной разновидностей арабского языка[1].

В целом мы можем говорить, что смена кода и переход с одного языка на другой в рамках одного предложения или текста является основной чертой языка арабских социальных сетей. Подобная смена кода проявляется не только в чередовании диалектной и литературной форм арабского языка, но и в использовании в арабских предложениях отдельных слов или фраз на английском, французском и других языках[2].

В качестве употребления арабского языка социальных сетей, отметим употребление носителями арабского языка системы транслитерации как Арабизи упомянутой выше. Арабизи фонологически повторяет арабский текст, используя при этом латинские буквы английского алфавита и цифры в Юникоде. При этом пользователи столкнулись с некоторыми трудностями. Дело в том, что английский алфавит состоит из 26 букв, в то время как в арабском 28. Можно привести соответствие арабских графем следующим английским буквам или сочетаниям букв:

F	ف	**A**	ا
L	ل	**b** или **p**	ب
M	م	**T**	ت
N	ن	**t'** или **th**	ث
H	ه	**g** или **j**	ج
W	و	**D**	د
K	ك	**R**	ر
y или **e**	ي	**Z**	ز
sh или **ch** или **$**	ش	**s** или **c**	س

[1] Abandah G. A. The Arabic Language Status in the Jordanian Social Networking and Mobile Phone Communications/ Abandah, Gheith A.; Khedher, Mohammed Zeki; Anati, Waleed A.//7th Int'l Conference on Information Technology in Amman. 2017. – P. 449–456.

[2] Nazaryan A. The influence of internet on language and "Email stress"/ Nazaryan A., Gridchin A. // FACTA UNIVERSITATIS, Series: Law and Politics, 2014. V. 4, N.1. – P. 23–27.

Кроме этого, поскольку в латинском алфавите нет точного аналога ряду арабских букв, для их фонетической передачи стали использоваться цифры.

2	**الهمزة/ ء**	*so2al* - سؤال *msa2* – مساء
3	**ع**	*3mara* – عمارة *s3adah* – سعادة
4	**ذ**	*4hb* – ذهب *mon4er* – منذر
5	**خ**	*5yaal* – خيال *mo5ada* – مخدة
6	**ط**	*6yb* – طيب *msh6* – مشط
7	**ح**	*7maam* – حمام *saa7a* – ساحة
8	**ق**	*8raar* – قرار *8mar* - قمر
9	**ص**	*93ab* – صعب *9baa7* – صباح

И дополнительно цифры с значок «'» **3' – غ** *msh3'ool* -مشغول

6' – ظ *ma6'loom* - **مظلوم**

7' – خ *7'yr* - **خير**

Кроме того, встречается употребление **7** для передачи «**ج**», несмотря на то что в английском алфавите есть соответствующая буква «**j**». Реже можно встретить некоторые употребления: **4** вместо буквы «**ث**», например, *4laa4ah* – **ثلاثة**; **S** вместо «**ص**»; **D** вместо «**ض**».

Известно, что в арабском алфавите нет гласных букв. Как можно наблюдать в вышеприведенных примерах, для передачи гласных звуков арабского языка используются гласные английского алфавита:

дамма «ُ» – *o* – например *m6rood* **مطرود**

кясра «ِ» – *e* – например *ra'9ee* **راضي**

фатха «َ» – *a* – например *moshaa3'eb* **مشاغب**

Таким образом, учитывая вышесказанное в Интернете можно встретить арабские выражения в виде латинской графики, например, *keef7alak*, что в арабском соответствует **كيف حالك**

salam 3licom, что в арабском соответствует **السلام عليكم**

ya 3sal bnt, что в арабском соответствует **يا عسل بنت**. Мы видим, что арабская буква «**ع**», не имеющая аналогичной фонемы в английском языке, заменяется цифрой **3**.

Или, например: *7abeby* в арабском соответствует **حبيبي**, где цифра 7 заменяет букву «**ح**»

Естественно, при таком письме и речи не может быть о каких-либо правилах написания. К тому же это письмо скорее отражает разговорный язык.

Изначально потребность в Арабизи обуславливалась отсутствием или крайним неудобством арабских клавиатур, но, несмотря на то, что в техническом отношении пользователям доступны полностью функциональные арабские клавиатуры, часть из них (к примеру, 8.2% пользова-

телей «Facebook» в Иордании, 40% в Египте) продолжают пользоваться системой транслитерации[1]. Главным образом, это пользователи в возрасте до 30 лет, то есть, в основном, молодые люди обладающие навыком быстрого ввода арабского текста на латинице, что является, в свою очередь, показателем высокой степени их поглощенности интернет пространством. Важно отметить, что в отличие от консонантного письма, характерного для арабской графики, при использовании Арабизи, как правило, все произносимые гласные фонемы передаются письменно. Согласно исследованиям, употребление Арабизи чаще встречается в переписке мужчин и составляет 37.1% всех отправляемых сообщений, в то время как среди женщин сообщения на Арабизи составляют лишь 14.4% о общего числа сообщений. Авторы исследования объясняют это тем, что женщины чаще, чем мужчины прибегают к переписке в групповых чатах или беседах, в контенте которых поздравления, поэзия, шутки и комментарии, для передачи которых более характерно использование арабского литературного языка встречаются чаще, чем в личной переписке [2].

Важным элементом смены языкового кода пользователей социальных сетей и Интернета в арабских странах является смена арабского языка на английский, в особенности в странах Персидского залива, где большую часть населения составляют экспатрианты, использующие в качестве языка общения английский. Кроме того, интерфейс большинства социальных сетей был довольно поздно адаптирован под арабоговорящих пользователей, например, использование «Facebook» исключительно на арабском языке стало возможным только в 2009 году, а «Twiter» только в 2012 году. В силу того, что английский язык выступает в качестве лингва франка Интернет пространства, его использование арабоязычным населением в большей степени обуславливается общедоступностью и более высоким статусом английского языка в сети Интернет[3]. Таким образом, для арабского языка «Facebook» в его письменной форме характерно использование смеси упрощенного арабского литературного языка и арабских диалектов. При этом текст написан, как правило, транслитерацией. Также для арабского языка «Facebook» характерна смена кода для донесения авторской идеи[4].

Влияние компьютерно-опосредованной коммуникации на арабский язык заключается в появлении некой новой вариативной единицы арабского языка, – так называемого интернет-языка, который включает в себя смену языкового кода, изменения на уровне синтаксиса, а также лексические и семантические заимствование из других языков. Однако ошибочным будет полагать, что такое влияние интернет-коммуникации представляет собой некий прецедент в развитии языка. Напротив, такие процессы получали реализацию в языке с времен первых языковых контактов, а с развитием технологий они приобрели новый, в некотором роде более экстенсивный характер.

Говоря о заимствованиях, невозможно не упомянуть, что арабский язык (в своей литературной и диалектной формах) с течением времени ассимилировал огромное количество иностранных слов. К концу XIX в. –началу XX в. большинство стран Ближнего Востока и Северной Африки находились под влиянием английских или французских

[1] Hanmirzaev I.I. Osobennosti transliteratsii s arabskogo yazika v sredstvah kommunikatsii/Sbornik konferentsii Aktualnie problem arabskoy filologii I metodiki prepodavaniya arabskogo yazika. – Grozniy, 2016. – S. 339.
[2] Alabdulqader E. Computer Mediated Communication: Patterns & Language Transformations of Youth in Arabic-Speaking Populations/ Ebtisam Alabdulqader, Majdah Alshehri, Rana Almurshad & others// International Journal of Information Technology & Computer Science (IJITCS), 2014. – P. 52–66.
[3] Albirini Abdulkafi Modern Arabic Sociolinguistics: Diglossia, Variation, Codeswitching. – NY, 2016. – P. 437.
[4] Albirini Abdulkafi Modern Arabic Sociolinguistics: Diglossia, Variation, Codeswitching. – NY, 2016. – P. 438.

колонизаторов. Таким образом, значительная часть заимствованных слов арабского языка, большей частью слов употребляемым именно в интернет-коммуникации, относится к английскому и французскому языкам. Тем не менее, не всегда можно определить истоки заимствования. Так, слово **تلغراف** /telegrāf/ может происходить как от французского *telegraphe*, так и от английского *telegraph*. На современном этапе большинство заимствований связано со стремительным развитием информационных технологий и масштабом межкультурной коммуникации, которая стала возможной благодаря распространению Интернета. Важно отметить, что лексемы слова, быстро ассимилировавшиеся арабским языком в связи с развитием интернет-коммуникации и технологического прогресса, могут также легко выходить из употребления или заменяться со временем арабским эквивалентом. Например, вместо арабского **برمجية** /*barmajya*/, что служит обозначением программного обеспечения, также используется **سوفت وير** /*soft wer*/, которое является калькой с английского слова *software*. Аналогично и в случае с обозначением аппаратного обеспечения, можно встретить употребление как **عتاد الحاسوب** /*atad-l-ḥāsūb*/, так употребление словосочетания как **هارد وير** /*hard wer*/, от английского *hardwear*. С точки зрения морфологии заимствование может быть прямым. В этом случае используется полная калька иноязычного слова (например, слово email по-арабски **اميل** /imail/) от английского *email*. Заимствованные слова также могут адаптироваться под морфологические особенности арабского языка, например, в **ديفايس** /*dīfais*/ мы наблюдаем смену английской фонемы /v/ на /f/. При заимствовании можно также наблюдать «калькирование» метафор того языка, из которого производится заимствование. Например, такая категория телефонов, как смартфоны, на арабском языке обозначается словосочетанием **الهواتف الذكية** *(/al-hwātif aḏ-ḏkiia/),* буквально – «*умные телефоны*», что в свою очередь является калькой с английского языка. В большинстве случаев для образования множественного числа от заимствованного существительного используется окончание **ات** /*āt*/. Бывают и исключения, как, например, со словом **كرت** /*kart*/ (карта), множественное число которого образуется по форме **كروت** /*kurūt*/.

Заключение. С точки зрения синтаксиса в арабском Интернет-языке наблюдается тенденция к упрощению структуры предложения арабского литературного языка, также можно отметить использование обратного порядка слов, наличие грамматических ошибок и др. В арабском диалектном языке синтаксическая структура предложения уже имеет более лаконичную и простую форму, а сам язык принимает скорее разговорную, нежели письменную форму. Поэтому невозможно говорить о нарушении синтаксической структуры предложения в диалектах.

В итоге мы приходим к заключению о том, что арабскому языку в Интернет-коммуникации может быть присвоен статус метаязыка Интернет-коммуникации. В современных условиях информационного общества данная коммуникация является объединяющей на уровне невербальной интеракции, а сформировавшийся невербальный язык общения в сети может быть понятен всем участникам коммуникации независимо от их места проживания и владения тем или иным диалектным арабским языком. Таким образом, на наш взгляд, в современной среде общения, а именно в Интернете, естественным образом сложился новый арабский метаязык, аналогов которому до сегодняшнего времени не существовало.

ШАРТ ЮКЛАМАЛАРИ (ҲУРУФУ-Ш-ШАРТ)НИНГ СИНТАКТИК ХУСУСИЯТЛАРИ

РУСТАМОВ АБДУЛАЗИЗ
Катта ўқитувчи, ТДШИ

Аннотация. *Анъанавий араб тилшунослигида майл шакллари ўзига хос таснифга эга. Араб наҳвшунослари томонидан майл шаклларини тавсифлашда сўзнинг маъновий ва модал хусусиятларига алоҳида эътибор қаратилади. Анъанавий араб грамматикасида феълларнинг замон, шахс, жинс ва сондаги ўзгаришлари сарф (морфология) бўлимида, исм (отлар)нинг турланиши ва феълларнинг эъроби (тусланиши) эса наҳв (синтаксис) бўлимида ўрганилади. Юкламалар ўзининг ўзгармас шакли билан ҳамда от ва феълларни бошқариш (яъни, уларга таъсир қилиш) хусусияти билан таъсир қилувчи омиллар сифатида наҳвнинг объекти ҳисобланади. Иш-ҳаракати ва воқелик ўртасидаги муносабатни турли юкламалар белгилайди ва грамматикада улар "ҳуруф" деб аталади. Ушбу юкламалар бир томондан, шартлик, воқелик ва императивлик (инкор-таъқиқ)нинг модал вазифасини, иккинчи томондан эса, шарт эргаш гаплардаги боғланишнинг синтактик вазифаларини бажаради.*

Мазкур мақола араб тилидаги "жазм" тушунчасини ўрганиш, маҳаллий ва хорижий наҳвшуносларнинг асарларида ушбу мавзуни солиштириш, шунингдек, феълнинг "жазм" ҳолатини юзага келтирувчи омил (сабаб)ларни аниқлашга бағишланган. Араб наҳвшуносларининг фикрларини таҳлил қилиш асосида шартни ифодаловчи юкламалар ўрганилган ва уларнинг шарт эргаш гапдаги синтактик хусусиятлари аниқланган.

Таянч сўз ва иборалар: *шарт юкламалари, "ҳуруфу-ш-шарт", шарт майли, "жазм", "феъл мажзум", реал шарт, нореал шарт, шарт юкламаси ўрнида келувчи исмлар, синтактик вазифа.*

Аннотация. *В традиционном арабском языкознании формы наклонения классифицированы несколько своеобразно. При описании форм наклонений арабские грамматисты придавали особое значение смысловым и модальным оттенкам слова. В традиционной арабской грамматике изменение глаголов по временам, лицам, родам и числам изучается в сарфе (т.е. морфологии), а склонение имен и изменение глаголов (и'раб – спряжение) рассматривается в нахве (т.е. синтаксисе). Частицы ввиду своей неизменяемости, а также способности управлять другими словами являются объектами нахва. Отношение действия к реальности устанавливается различными частицами, получившими в грамматике название – "хуруф". Эти частицы, с одной стороны, выражают модальную функцию условности, реальности и императивности (запрещения), а с другой – выполняют синтаксическую функцию выражения подчинительных связей в сложноподчиненных предложениях с придаточными условными.*

Статья посвящена изучению понятия "жазм" в арабском языке, сопоставлению данного вопроса в трудах отечественных и зарубежных грамматистов, а также определению факторов, влияющих на образование глагола в форме "жазм" (т.е. глагола в усеченной форме). На основе анализа взглядов арабских грамматистов изучены частицы, выражающие условие и выявлены их синтаксические особенности в составе придаточного условного предложения.

Опорные слова и выражения: *условные частицы, "хуруф-ш-шарт", условное наклонение, "жазм", "фиъл мажзум", реальное условие, ирреальное условие, замещающие условные частицы имена, синтаксическая функция.*

Abstract. *In traditional Arabic linguistics, the forms of mood are classified in a somewhat peculiar way. In describing the forms of moods, Arabic philologists, emphasizing the semantic and modal shades of the word. In traditional Arabic grammar, the change of verbs by tenses, persons, gender and numbers is studied in Sarf (i.e. morphology), and the declension of names and change of verbs (i'rab – conjugation) is considered in Nahv (i.e. syntax). Particles due to their invariableness, as well as the ability to control in*

other words as factors, are considered objects of Nahv. The relation of action to reality is established by various particles, which are called in the grammar – "Huruf". These particles, on the one hand, express the modal function of conditionality, reality and imperative (prohibition), and on the other hand, perform the syntactic function of expressing subordinate connections in complex sentences with subordinate conditional clauses.

The article is devoted to the study of the concept of "jazm" in the Arabic language, a comparison of this issue in the works of domestic and foreign philologists, as well as the determination of factors (reasons) that affect the formation of the verb in the form of "jazm" (i.e., the verb in truncated form). Based on the analysis of the views of Arab grammarians, were studied particles expressing the condition, and were revealed their syntactic features in the relative clause.

Keywords and expressions: *particles expressing the condition, "khuruf-sh-shart", conditional mood, "jasm", "fi'l majzum", real condition, unreal condition, names replacing conditional particles, syntactic function.*

Кириш. Араб тилини ўрганувчи (яъни, араб тили она тили бўлмаган)лар учун араб тилидаги грамматика қоидалари ўзбек тили билан таққослаган ҳолда ўргатилади. Ўзбек, рус ва бошқа қатор олимларнинг тадқиқотларида она тили меъёрларидан келиб чиқиб, феъл категорияларининг бири сифатида майл категорияси келтирилади. Аслида араб наҳви китобларида феъл майли деган атаманинг ўзи мавжуд эмас. Бинобарин, араб тилида феълнинг шарт майлида келиши, яъни феълнинг жазм ёки мажзум ҳолати, феъл категорияси билан эмас, балки махсус юкламалар билан боғлиқ. Феълларнинг шарт (жазм) ҳолатида келишини талаб қилувчи юкламалар араб наҳвида "*ҳуруфу-ш-шарт*" – шарт юкламалари деб аталади.

Натижа ва мулоҳазалар. Араб тили грамматикасига оид маҳаллий ҳамда хорижий китобларда "шарт майли" тушунчаси борасида бир неча изоҳлар бериб ўтилган[1]. Мазкур тушунча "шарт майли" характери, унинг хусусиятларини тўлиқ очиб бера олмайди, чунки бу шаклдаги феъл реал-шартли иш-ҳаракатни фақатгина шарт майлини талаб қилувчи юкламалар билан бирга ифодалай олади. Бошқача қилиб айтганда, шарт майлидаги феъл фақатгина шартни билдиравермайди, бу шакл бошқа юкламалар билан бирга келганда, турли вазифаларни бажаради.

Шарт майли (жазм) шаклини талаб қилувчи юкламалар сони арабшунос олимларнинг тадқиқотларида турлича кўрсатилади. Масалан, рус олимларидан Б. М. Гранде (ўн тўртта)[2], А. А. Ковалёв ва Ш. Г. Шарбатовлар (асосий ўнта)[3], В. Г. Лебедев ва Л. С. Тюревалар (асосий ўн битта)[4], В. Э. Шагаль, Н. М. Мерекин ва Ф. С. Забировлар (асосий саккизта)[5] шарт юкламаларини қайд этадилар. Ўзбек тилшунос-арабшунослари – Н. Иброҳимов ва М. Юсуповлар (асосий ўнта)[6], Б. З. Халидов (асосий еттита), Э. Талабов (асосий саккизта)[7] юкламаларни ажратадилар. Маҳаллий тадқиқотларда жазм шаклини талаб қилувчи

[1] Grande B.M. Kurs arabskoy grammatiki v sravnitelno-istoricheskom osveshenii. – M., 2001; Kovalyov A.A., Sharbatov G.Sh. Uchebnik arabskogo yazika. – M., 2001; Lebedev V.G., Tyureva L.S. Prakticheskiy kurs arabskogo literaturnogo yazika. V 2-x ch. Ch.2. Normativniy kurs. – M., 2005; Xalidov B.Z. Uchebnik arabskogo yazika. – T., 1981; Shagal V.E., Merekin N.M., Zabirov F.S. Uchebnik arabskogo yazika. – M., 1993; Ibrohimov N., Yusupov M. Arab tili grammatikasi. 1-jild. –T., 1997; Talabov E. Arab tili. – T., 1993 va boshqalar.

[2] Grande B.M. Kurs arabskoy grammatiki v sravnitelno-istoricheskom osveщenii. – M., 2001. – S. 510.

[3] Kovalyov A.A., Sharbatov G.Sh. Uchebnik arabskogo yazika. – M., 1969. – S. 475.

[4] Lebedev V.G., Tyureva L.S. Prakticheskiy kurs arabskogo literaturnogo yazika. V 2-x ch. Ch.2. Normativniy kurs. – M., 2005. – S. 423–425.

[5] Shagal V.E., Merekin N.M., Zabirov F.S. Uchebnik arabskogo yazika. – M., 1993. – S. 303–304.

[6] Ibrohimov N., Yusupov M. Arab tili grammatikasi. 1-jild. – T., 1997. – B. 116.

[7] Talabov E. Arab tili. – T., 1993. – B. 284–285.

юкламалар ҳақида тўлиқроқ маълумотларни А. Ҳикматовнинг китобида топиш мумкин. У ўн тўртта юкламани келтиради:

إِنْ ، لَمْ ، لَمَّا ، لِ (لامُ الأَمْرِ)، لاَ (لاءُ النَّهْيِ)، مَا ، أَيٌّ ، مَتَى ، مَهْمَا ، أَيْنَ ، أَنَّا ، كُلَّمَا ، حَيْثُمَا[1].

Ўзбек наҳвшуноси С. Бекпўлатнинг китобида ушбу юкламалар энг тўлиқ кўрсатилган бўлиб, уларнинг сони ўн олтитани ташкил қилади:

لَمْ ، لَمَّا ، لَامُ الأَمْرِ ، لَا نَاهِيَة ، إِنْ ، إِذْمَا ، مَنْ ، مَا ، مَهْمَا ، مَتَى ، كَيْفَمَا ، أَيّ، أَيَّانَ ، أَيْنَمَا ، أَنّى ، حَيْثُمَا [2].

Машҳур араб наҳвшунослари Хифни Насиф, Мустафа Ғалайиний, Антуан Даҳдаҳ, Фуад Неъмат ва бошқ. “шарт майли” (яъни, жазм ёки мажзум)ни талаб қилувчи ўн олтита юкламаларни ажратиб, уларга батафсил таъриф келтиришади.

لَمْ ، لَمَّا ، لَامُ الأَمْرِ ، لَا نَاهِيَة ، إِنْ ، إِذْمَا ، مَنْ ، مَا ، مَهْمَا ، مَتَى ، أَيَّانَ ، أَيْنَمَا ، أَنّى ، حَيْثُمَا ، كَيْفَمَا ، أَيٌّ[3].

Мазкур ўн олтита юклама феълни жазм ҳолатда келишини талаб қилиб, иккита гуруҳга қуйидагича бўлинади:

Биринчи тури тўртта юкламадан иборат бўлиб, улар ўзидан кейин битта феълни жазм шаклида бўлишини талаб қилади, аммо шарт мазмунини ифодаламайди. Бу юкламалар қуйидагилар:

لَمْ ، لَمَّا ، لَامُ الأَمْرِ ، لَا نَاهِيَة.

لَمْ: أنا لَمْ أَعُدْ إِلَيْكَ وَلَنْ أَعُودَ أَبَدًا مَهْمَا إِسْتَرْحَمَتْ دَقَّاتُ قَلْبِي.

Мен сени олдингга қайтмадим ва ҳеч қачон ҳам қайтмайман, гарчи юрагим тепкилари ўтиниб сўрасалар ҳам.

لَمَّا: لَمَّا يَثْمُرُ بَسْتَانُنَا وقد أثمرت البساتين.

Бошқа боғлар мева берди ҳамки бизнинг боғмиз ҳанузгача мева бергани йўқ.

لَامُ الأَمْرِ: لِيَلْزَمْ كل إنسان حده.

Ҳар бир инсон ўз чегараси (ўрни)ни билсин.

لَا نَاهِيَة: لا تَيْأَسْ من رحمة الله.

Аллоҳнинг раҳматидан ноумид бўлма.

Иккинчи тури ўн иккита бўлиб, ўзидан кейин иккита феълни жазм ҳолатига келиши талаб қилади: биринчиси шарт, иккинчиси унинг жавоби бўлиб келади. Бу юкламалар қуйидагилардир:

إِنْ ، إِذْمَا ، مَنْ ، مَا ، مَهْمَا ، مَتَى ، أَيَّانَ ، أَيْنَمَا ، أَنَّى ، حَيْثُمَا ، كَيْفَمَا ، أَيٌّ.

إِنْ: إِنْ تَصْبِرْ تَنَلْ.

Агар сабр қилсанг етасан.

إِذْمَا: إذما تَتَعَلَّمْ تَتَقَدَّمْ.

Таълим олсанг пешқадам бўласан.

مَنْ: مَنْ طَلَبَ العُلَي سَهِرَ اللَيالِي.

[1] Xikmatov A. Arab tili grammatikasidan saboqlar. – T., 2002. – B. 22–24.

[2] Bekpulat S. Nahv asoslari. – T., 2005. – B. 17.

[3] Xifni Nasif, Muhammad Diyab, Mustafa Tamum, Muhammad Salih. Ad-durus an-nahviyya. – Misr, al-Iskandariyya: Darul aqida, 2007; G‘alayiniy M. Jami’ ad-durus al-’arabiyya. – al-Qahira: Darul g‘ad al-jadid, 2007; Fuad Ni’mat. Mulaxxas qava’id al-lug‘at al-arabiyya. – Misr: al-Qahira, 1994; Antuan ad-Dahdah. Mu’jam qava’id al-lug‘at al-’arabiyya. – Bayrut, 1992. (arab tilida)

Кимки олийликни истаса, кечларни бедор ўтказсин.

مَا: مَا تَحْصُلُ في الصِغْرِ يَنْفَعُكَ في الكِبَرِ.

Ёшликда ниманики йиғган бўлсанг, улғайганингда сенга фойда беради.

مَهْمَا: مَهْمَا تُبْطِنْ تُظْهِرْهُ الأَيَّامُ.

Гарчи сен уни яширсанг-да, кунлар уни ошкор қилади.

مَتَى: مَتَى يصلح قلبك تصلح جوارحك.

Қачонки қалбинг яхши бўлса, ташқи кўринишинг ҳам яхши бўлади.

أَيَّانَ: أَيَّانَ تحسن سريرتك تحمد سيرتك.

Қалбинг чиройли бўлгандагина хулқинг мақталади.

أَيْنَمَا: أَيْنَمَا تتوجه تصادف رزقك.

Қаергаки юзлансанг ризқинга рўбаро бўласан.

أَنَّى: أَنَّى يذهب ذو المال يجد رفيقا.

Давлатманд киши қаерга борса, дўстини топади.

حَيْثُمَا: حَيْثُمَا تستقم يقدر لك الله نجاحا.

Қаерда тўғри бўлсанг, Аллоҳ сенга муваффақият ато қилади.

كَيْفَمَا: كَيْفَمَا تعامل إخوانك يعاملوك.

Биродарларингга қандай муомала қилсанг, улар ҳам сенга шундай муомала қилади.

أَيُّ: أَيُّ إنسان يحترم أباه يحترم من إبنه[1].

Қайси инсон отасини ҳурмат қилса, ўғлидан ҳурмат кўради.

Демак, айтишимиз мумкинки, шарт майли қуйидаги ҳолатларда ишлатилади:

1) шарт майлини талаб қилувчи тўртта юклама таъсирида юзага келади, аммо шарт мазмунини бермайди;

2) шарт эргаш гапли қўшма гапларда (шарт эргаш гапнинг ва бош гапнинг кесимлари ўн иккита юклама таъсирида шарт майлида келади). Гапда шартни билдирувчи хусусиятларни ифодалашда феъл-кесимнинг шакли, юкламалар ва предикатив қисмларнинг кетма-кетлик таркиби муҳим ўрин тутади. Араб тили синтаксиси хусусиятларидан бири – бу сўзларнинг қатъий тартиби ва мослашуви.

Айтиб ўтиш керакки, юқорида зикр этилган шарт юкламаларини ҳосил қилувчи айрим сўзлар (яъни, مَا، مَنْ، مَتي، أَيْنَ، أَيٌّ олмошлари) содда гаплар таркибида феълга таъсир қилмайди. Бу олмошлар ўз маъноларини сақлаб қолган ҳолда, шартни билдирувчи феълий гапларда шарт юкламалари вазифасида келиши мумкин ва феълнинг жазм ҳолатида бўлишини талаб қилади. Бундай сўзлар "*ин* (إنْ) *вазифасида келувчи исмлар*" (الأَسْمَاءُ التَّي تَقَعُ مَوْقِعَ إنْ) деб номланади[2]. Улар қуйидагилар:

А) умумлаштирувчи олмош:

1) مَنْ "*кимки, агар кимки*", масалан:

مَنْ أَفْشَى السِّرَّ فَلَيْسَ بِأَمِينٍ[3].

Кимки сирни фош қилса, у хавфсизликда бўлмайди (хавфсизликни йўқотади).

مَنْ يَعْمَلْ سُوْءًا يُجْزَ بِهِ وَ مَنْ يَفْعَلْ الخَيْرَ يَجْزِ عَلَيْهِ[4].

Агар кимки ёмонлик қилса, у билан жазо олади, кимки яхшилик қилса, унинг мукофотини олади.

2) مَهْمَا "*ниманики*", "*гарчи*", масалан:

مَهْمَا تُبْطِنْ تُظْهِرْهُ الأَيَّامُ[1].

[1] Fuad Ni'mat. Mulaxxas qava'id al-lug'at al-arabiyya. – Misr: al-Qahira, 1994. – As-safha 176–179.
[2] Ibid. – As-safha 177.
[3] Antuan ad-Dahdah. Mu'jam qava'id al-lug'at al-'arabiyya. – Bayrut, 1992. – As-safha 144.
[4] Ibid.

Гарчи сен уни яширсанг-да, кунлар уни ошкор қилади.

3) مَا "*ниманики*", масалан:

مَا تَفْعَلُوهُ في الدُّنْيا تَلَاقُوهُ في الآخِرَةِ[2].

Бу дунёда ниманики қилсангиз, охиратда ўшани оласиз.

4) أَيٌّ "*қайсики, қайси*", масалан:

أَيَّ كِتابٍ تَقْرَأْ تَسْتَفِدْ[3].

Қайси китобни ўқисанг ҳам, фойда оласан.

أَيَّ يَوْمٍ تُسافِرْ أُسافِرْ مَعَكَ[4].

Қайсики кунда сафарга кетсанг ҳам, мен сен билан кетаман.

Б) "макон ва замон равишлари" маъносини билдирувчи сўзлар феълий жумлаларда шартни ифодалаётганда, феълни жазм ҳолатига қўяди.

Улар "*ҳуруфу-ш-шарт маъносидаги ҳоллар*" (الظُّرُوف الَّتي تُجازَى بِها) деб номланади:

1) مَتَى "*қачон, қачонки*"

مَتَى يَصْلُحْ بَاطِنُكَ يَصْلُحْ ظَاهِرُكَ[5].

Қачонки қалбинг тўғри (яхши) бўлса, ташқи кўринишинг ҳам яхши бўлади.

1) أَيْنَ "*қаерда, қаердаки*"

أَيْنَ تَكُنْ تُكْرَمْ[6].

Қаерда бўсанг ҳам, иззат-ҳурмат оласан.

2) إِذْمَا "*қачон, қачонки*"

إِذْمَا تَتَعَلَّمْ تَتَقَدَّمْ[7].

Қачонки таълим олсанг, ривожланасан (пешқадам бўласан).

3) أَنَّى "*қачонки, қандайки, қаердаки*"

أَنَّى يَذْهَبْ صَاحِبُ المَالِ يُكْرَمْ[8].

Давлатманд (бой) одам қаерга борса, иззат-ҳурматда бўлади.

4) أَيَّانَ "*қачонки*"

أَيَّانَ تَسْأَلْنِي أُجِبْكَ[9].

Қачонки мендан сўрасанг, сенга жавоб бераман.

В) айрим сўзлар (яъни, сўроқ олмошлар) феълий гапларда مَا юкламаси билан бирга келганда, феълнинг жазм шаклида келишини талаб қилади:

1) أَيُّمَا – "*ниманики*"
2) أَيُّمَنْ – "*кимники*"
3) أَيْنَمَا – "*қаердаки*"

أَيْنَما تَكُونُوا يُدْرِكُكُمْ المَوْتُ[10].

Қаердаки бўлсангиз ҳам, ўлим муқаррар.

---

[1] Antuan ad-Dahdah. Mu'jam qava'id al-lug'at al-'arabiyya. – Bayrut, 1992. – As-safha 144.
[2] Fuad Ni'mat. Mulaxxas qava'id al-lug'at al-arabiyya. – Misr: al-Qahira, 1994. – As-safha 177.
[3] Ibid.
[4] Fuad Ni'mat. Mulaxxas qava'id al-lug'at al-arabiyya. – Misr: al-Qahira, 1994. – As-safha 177.
[5] Antuan ad-Dahdah. Mu'jam qava'id al-lug'at al-'arabiyya. – Bayrut, 1992. – As-safha 144.
[6] Ibid.
[7] Ibid.
[8] Ibid.
[9] Ibid.
[10] Al-Qur'anu-l-karim. an-Nisa surasi, ayat 78.

4) حَيْثُما "*қаердаки, қаердан*"

حَيْثُمَا تَنْزلْ تُكْرَمْ[1].

Қаерда тўхтасанг ҳам, иззат-ҳурматда бўласан.

5) كُلَّمَا "*ҳар қачонки*"

كُلَّمَا تُتْقِنْ العَمَلَ تَبْلُغْ الأَمَلَ[2].

Ҳар қачонки ишни мукаммал (пухта) қилсанг, орзуингга етасан.

6) كَيْفَمَا "*қандай"*

كَيْفَمَا تُعَامِلْ النَّاسَ يُعَامِلُوكَ[3].

Одамларга қандай муомала қилсанг, улар ҳам сенга шундай қиладилар.

Юқорида айтиб ўтганимиздек, "ҳуруфу-ш-шарт" шарт эргаш гапли қўшма гаплар таркибида қўлланилади. Араб тили меъёрий грамматикасида шарт эргаш гапли қўшма гаплар ундаги иш-ҳаракатнинг бажарилиши ёки бажарилмаслиги шартидан келиб чиқиб, икки турга бўлинади. Бош гапдаги иш-ҳаракатнинг амалга ошиш шарти реал ("*Яхши ўқисанг, тушунасан*" каби) ва нореал ("*Яхши ўқиганингда эди, тушунардинг*" каби) бўлиши мумкин. Араб тилида, одатда, шарт юкламаси билан келаётган шарт эргаш гап бош гапдан олдин келади.

I. Реал шартни билдирувчи шарт эргаш гап олдидан إنْ ، إذَا ، مَنْ ، مَا юкламаларидан бири ишлатилади. إنْ юкламаси иштирокидаги гапларда бош гапдаги феъл ҳам, эргаш гапдаги феъл ҳам ўтган замонда ёки феълларнинг бири шарт майлида, иккинчиси эса ўтган замонда келиши, ёхуд бунинг акси ҳам бўлиши мумкин. Бироқ, феъл шаклларининг бундай хилма-хиллиги таржимага таъсир кўрсатмайди, феъллар англаётган иш-ҳаракат ҳозирги ёки келаси замонни билдиради. Умумий қилиб айтганда, إنْ юкламаси иштирокидаги реал шартни билдирувчи эргаш гап қуйидаги вариантларга эга бўлиши мумкин:

Агар сен ёзсанг, мен ҳам ёзаман:

1) إنْ كَتَبْتَ كَتَبْتُ.
2) إنْ كَتَبْتَ أَكْتُبْ.
3) إنْ تَكْتُبْ كَتَبْتُ.
4) إنْ تَكْتُبْ أَكْتُبْ.

إنْ юкламаси билан келган эргаш гапда феъл ўтган замон шаклида, бош гапдаги феъл келаси замонда ҳам бўлиши мумкин:

و إن تبدوا ما في أنفسكم أو تخفوه يحاسبكم به الله[4].

Агар ичингиздаги нарсаларни ошкор қилсангиз ҳам, махфий қилсангиз ҳам, сизларни Аллоҳ ҳисоб-китоб қилади[5].

Реал шартни билдирувчи шарт юкламаларидан бири – إذَا юкламаси ишлатилганда ҳар икки гапдаги феъл ўтган замон шаклида келади, лекин шартнинг маъноси ҳозирги ёки келаси замонга тегишлилигича қолади. Масалан,

إذا دخلت الغرفة رأيت القنديل فيها[6].

[1] Fuad Ni'mat. Mulaxxas qava'id al-lug'at al-arabiyya. – Misr: al-Qahira, 1994. – As-safha 178.
[2] Ibid.
[3] Antuan ad-Dahdah. Mu'jam qava'id al-lug'at al-'arabiyya. – Bayrut, 1992. – As-safha 144.
[4] Al-Qur'anu-l-karim. Sura al-Baqara, ayat 284.
[5] Abdulaziz Mansur. Qur'oni karim ma'nolarining tarjimasi. –T., 2001. – B. 282.
[6] Antuan ad-Dahdah. Mu'jam qava'id al-lug'at al-'arabiyya. – Bayrut, 1992. – As-safha 144.

Сен хонага кирсанг, ундаги қандилни кўрасан.

Баъзан бош гапнинг мазмунига кўпроқ эътибор қаратилган бўлса, бош гап эргаш гапдан олдин келиши ҳам мумкин. Масалан,

لست مبالغا إذا قلت إنني مريض[1].

Агар мен касалман десам, муболаға қилмаган бўламан.

Бундан ташқари, феълий гапларда жазм ҳолати қуйидаги сабабларга кўра бўлиши мумкин:

а) буйруқни (الأَمْرُ) ифодалашда:

أَكْرِمْنِي أُكْرِمْكَ[2].

Мени ҳурмат қил, мен ҳам сени ҳурмат қиламан.

б) буйруқни инкор қилиш (тақиқлаш)да (اَلنَّهْيُ):

لَا تَفْعَلْ يَكُنْ خَيْرًا لَكَ[3].

Буни қилма, сенга яхши бўлади.

в) савол маъносини (الإِسْتِفْهَامُ) ифодалашда:

أَ لَا تَأْتِنِي أُحَدِّثْكَ[4].

Меникига келмайсанми, сен билан суҳбат қиламан.

г) хоҳиш-истакни (التَّمَنِّى) ифодалашда:

أَلَا مَاءَ أَشْرَبْهُ[5].

Сув бўлса эди, уни ичаман.

д) тахмин (фараз) ёки маслаҳат беришни (العَرْضُ) ифодалашда:

أَ لَا تَنْزِلْ عِنْدَنَا تُصِبْ خَيْرًا[6].

Бизникида тўхтасанг эди, сенга яхши бўлади.

Шарт эргаш гапли қўшма гапларда бош гап فَ юкламаси билан қуйидаги ҳолатларда келиши мумкин[7]:

1) агар бош гап исмий (от кесимли) гап бўлса, масалан:

وَإِذَا كَانَ البَعْضُ يَتَصَوَّرُ أَوْ يَحْلُمُونَ بِأَنَّ الثَّوْرَةَ اِنْتَهَتْ.. فَإِنَّهُمْ وَاهِمُونَ... [8]

Агар баъзи одамлар инқилоб тугади деб хаёл сурса ёки орзу қилсалар, улар адашгандирлар.

2) агар бош гапдаги феъл буйруқ, буйруқ инкор ҳамда хоҳиш-истак шаклида бўлса, масалан:

وَ إِذَا مَرَضْتَ فَإِذْهَبْ إِلَى الطَّبِيبِ[9].

Агар касал бўлсанг, шифокорга бор.

إِذَا الطَّبِيبُ نَصَحَ لَكَ فَأْعمَلْ[10].

---

[1] Ibrohimov N., Yusupov M. Arab tili grammatikasi. 1-jild. – T., 1997. – B. 395.
[2] Antuan ad-Dahdah. Mu'jam qava'id al-lug'at al-'arabiyya. – Bayrut, 1992. – As-safha 144.
[3] Ibid.
[4] Ibid.
[5] Ibid.
[6] Ibid.
[7] Antuan ad-Dahdah. Mu'jam qava'id al-lug'at al-'arabiyya. – Bayrut, 1992. – As-safha 145.
[8] Axbar al-yavm. Raqm al-adad: 3519, as-sabt, 14 abril, 2012. (arab tilida)
[9] Antuan ad-Dahdah. Mu'jam qava'id al-lug'at al-'arabiyya. – Bayrut, 1992. – As-safha 145.
[10] Ibid.

Агар сенга шифокор маслаҳат берса, унга амал қил.

3) Агар бош гап модал феъл билан бошланса, масалан:

.. .وَلَا يَتَعَلَّمُونَ مِنْ دُرُوسِ التَّأْرِيخِ.. الَّتِي تُؤَكِّدُ إِنَّهُ إِذَا الشَّعْبُ يَوْمًا أَرَادَ الحَيَاةَ فَلَابُدَّ أَنْ يَسْتَجِيبَ القَدَرُ...[1]

... Улар тарих сабоқларини билишмайди, агар халқ бир куни ҳаётни танласа (хоҳласа), тақдир уларнинг илтижосини эшитиши керак...

4) Бош гапдаги феъл قد، س، سوف каби юкламалар билан, шунингдек, ما ёки لن инкор юкламалари билан бошланган бўлса:

إن تستغفر لهم فلن يغفر الله لهم[2].

Агар сен улар учун кечирим сўрасанг, Аллоҳ уларни ҳеч қачон кечирмайди.

إن تذهب فقد أذهب[3].

Агар борсанг, эҳтимол, борарман.

فإن توليتم فما سألتكم من أجر[4].

Бас, агар юз ўгирсангизлар, сизлардан (мен хизматим учун) хақ сўраганим йўқ[5].

وما يفعلوا من خير فلن يكفروه[6].

Нимаики яхшилик қилган бўлсалар (унинг савобидан) маҳрум бўлмайдилар[7].

وَمَن يَسْتَنكِفْ عَنْ عِبَادَتِهِ وَيَسْتَكْبِرْ فَسَيَحْشُرُهُمْ إِلَيهِ جَمِيعاً[8].

Кимки унга банда бўлишдан ор қилса ва кибрланса, (у) уларнинг барчасини албатта ўз ҳузурига жам қилажак[9].

وإن خفتم عيلة فسوف يغنيكم الله من فضله[10].

Агар фақирликдан қўрқсангизлар, Аллоҳ таоло ўз фазлидан сизларни тез орада бой қилади[11].

II. Нореал шартни билдирувчи шарт эргаш гап олдидан لَوْ юкламаси қўйилади ва бу гапдаги феъл кўпинча ўтган замонда келади. Шарт эргаш гап бош гапдан олдин келади. Масалан,

لو زرنا المسرح شاهدنا فيه تمثيليةً رائعةً [12].

Агар театрга борганимизда эди, унда ажойиб спектакль томоша қилган бўлар эдик.

Бундай гапларда бош гап олдидан لَـ юкламаси ҳам қўшилиши мумкин. Бу юклама гапнинг маъносига таъсир ўтказмайди. Масалан,

لو كان عندي وقت لكتبت مقالة لجريدة الحائط[13].

Вақтим бўлганида эди, деворий газетага мақола ёзган бўлар эдим.

---

[1] Axbar al-yavm. Raqm al-adad: 3519, as-sabt, 14 abril, 2012. (arab tilida).
[2] Antuan ad-Dahdah. Mu'jam qava'id al-lug'at al-'arabiyya. – Bayrut, 1992. – As-safha 145.
[3] Ibid.
[4] Qur'anu-l-karim. Sura Yunus, ayat 72.
[5] Abdulaziz Mansur. Qur'oni karim ma'nolarining tarjimasi. –T., 2001. – B. 217.
[6] Qur'anu-l-karim. Sura Al Imran, ayat 115.
[7] Abdulaziz Mansur. Qur'oni karim ma'nolarining tarjimasi. – T., 2001. – B. 51.
[8] Qur'anu-l-karim. Sura an-Nisa, ayat 172.
[9] Abdulaziz Mansur. Qur'oni karim ma'nolarining tarjimasi. – T., 2001. – B. 105.
[10] Qur'anu-l-karim. Sura at-Tavba, ayat 28.
[11] Abdulaziz Mansur. Qur'oni karim ma'nolarining tarjimasi. – T., 2001. – B. 191.
[12] Ibrohimov N., Yusupov M. Arab tili grammatikasi. 1-jild. – T., 1997. – B. 394.
[13] Ibid.

Баъзан нореал шартни ифодалашда бош гап бирикма олмош билан لاَ юкламасидан иборат бўлиши ҳам мумкин. Масалан,

لَوْ لَا الطبيب لاساءت حالة المريض[1].

Агар шифокор бўлмаганида эди, беморнинг аҳволи ёмонлашар эди.

لو لاه لكنت تعساً[2].

Агар у бўлмаганида эди, мен бахтсиз бўлган бўлар эдим.

Хулоса. Араб тилидаги шарт юкламалари (“ҳуруфу-ш-шарт”)нинг синтактик хусусиятларининг таҳлили бўйича қуйидаги натижаларга эришилди:

1. Ҳозирги замон араб адабий тилида феълнинг шарт майли (жазм ҳолати)да қўйилишини талаб қилувчи ўн олтита юклама мавжуд. Араб наҳвида улар حروف الشرط “ҳуруф-ш-шарт”, яъни шарт юкламалари деб аталади.

2. Шарт юкламаларининг биринчи турига оид гуруҳдаги – لَمْ ، لَمَّا ، لَامُ الأَمْرِ ، لَا نَاهِيَة – юкламалари феълнинг жазм ҳолатида келишини талаб қилади, лекин феълга шартлик маъносини бермайди. Ушбу юкламалар феълнинг ўтган замон инкорлик, буйруқ ва буйруқ инкорлик маъноларини ифодалайди.

3. Шарт юкламаларининг иккинчи турига тегишли – إِنْ ، إِذْمَا ، مَنْ ، مَا ، مَهْمَا ، مَتَى ، أَيَّانَ ، أَيْنَمَا ، أَنَّى ، حَيْثُمَا ، كَيْفَمَا ، أَيُّ. – юкламалари феълнинг жазм ҳолатида келишини талаб қилади ва шартлик маъносини англатади. Шунда феълий жумладаги иккала феъл ҳам жазм ҳолатида бўлиб, биринчи феъл – шарт феъли, иккинчиси эса – унинг жавоби бўлиб келади.

4. Реал шартни ифодалаш учун иккинчи гуруҳни ташкил қилувчи, хусусан, إِذْمَا ، مَنْ ، مَا ، إِذَا ، إِنْ шарт юкламалари кўпроқ ишлатилади. Ушбу юкламалардан кейин феълларнинг замони турлича (ўтган, ҳозирги, келаси) бўлиши мумкин, лекин феълларнинг маъноси ҳозирги ёки келаси замонга шарт қилиб, таржимада берилади.

5. Нореал шартни ифодалаш учун لَوْ шарт юкламаси ишлатилади. Баъзан бош гап, таржимага таъсир қилмайдиган لَ юкламаси билан киритилиши мумкин. Бундай гапда иккала феъл ўтган замон шаклида келиб, амалга оширилмаган ёки ошириб бўлмайдиган иш-ҳаракатни ифодалагани учун таржимада фақат ўтган замон феъллари билан ифодаланади.

6. Шарт эргаш гапли қўшма гапларда бош гап от кесимли гап, сўроқ гап, буйруқ, буйруқ инкор, хоҳиш-истак, модал феъл, шунингдек, لن ёки ما، لا، قد، س، سوف инкор юкламаларидан бошланган бўлса, унда у эргаш гапдан кейин فَ юкламаси орқали киритилади.

7. Реал шартни билдирувчи гапларда шарт эргаш гапдаги феълнинг инкор шаклини ифодалаш учун لَمْ шарт юкламаси ишлатилади, лекин таржимада бундай феъл ҳозирги ёки келаси инкор феъл шакли билан берилади (إذا لَمْ أَكْتُبْ لَكَ رِسَالَةً في اليَوْمَيْنِ).

8. Нореал шартни билдирувчи гапларда, шарт эргаш гапдаги феълнинг инкор шаклини ифодалаш учун لَمْ шарт юкламаси ишлатилади, аммо таржимада бундай феъл ўтган ёки узоқ ўтган замон инкор феъл шакли билан берилади (لَوْ لَمْ أَكُنْ وَاعِيًا لَكَانَتْ حَيَاتِي غَيْرَ مَا هِيَ عَلَيْهِ). Шунингдек, нореал шарт эргаш исмий жумладан иборат бўлса, لَا инкор юкламаси ишлатилади (لَوْ لَا الطبيب لاساءت حالة المريض).

[1] Fuad Ni’mat. Mulaxxas qava’id al-lug‘at al-arabiyya. – Misr: al-Qahira, 1994. – As-safha 178.

[2] Ibrohimov N., Yusupov M. Arab tili grammatikasi. 1-jild. – T., 1997. – B. 394.

АРАБ ТИЛИДА ИШТИҚОҚНИНГ ИЧКИ ТУР ВА ГУРУҲЛАРИ АСОСИДА ЯНГИ СЎЗЛАРНИНГ ЯСАЛИШИ

МАҲМУДОВА ДИЁРА
Таянч докторант, ТДШИ

Аннотация. *Мақолада ҳозирги араб тилида "иштиқоқ" усулида янги сўзларнинг ясалишининг ўзига хос айрим хусусиятлари ёритилиб, мазкур ҳодиса воситасида сўз ясалиш усуллари, "иштиқоқ"нинг тур ва гуруҳларига алоҳида аҳамият қаратилган.*

"Иштиқоқ" араб тилидаги лексик ҳодисалардан бири саналиб, у янги сўзларнинг ясалиши ва тилнинг бойишига хизмат қилади. "Иштиқоқ" атамаси ўзак сўз ва ҳосила сўзнинг ўртасидаги шакл ҳамда маъно жиҳатдан бўлувчи алоқаларни сақлаб қолган ҳолда янги сўзнинг ясалиш жараёнини англатади. Ушбу мавзу Ибн Манзур, Ҳалил Аҳмад ал-Фараҳидий, Ибн ас-Саййид, Абдуллоҳ Амийн, Муҳаммад Ҳасан ал-Жабал каби араб тилшунос олимлари томонидан ўрганилган.

"Иштиқоқ"нинг шаклий иштиқоқ, маъновий иштиқоқ, товушли иштиқоқ ҳамда халқона иштиқоқ каби турлари, шунингдек, "ал-иштиқаақ ал-кабийр" – катта иштиқоқ, "ал-иштиқаақ ас-соғийр" – кичик иштиқоқ, "ал-қалбу ал-луғавийю" – лексик метатеза ва "ан-наҳту" – икки ёки ундан ортиқ сўзлардан сўз ясаш сингари гуруҳлари мавжуд. "Иштиқоқ"нинг ҳар бир тур ва гуруҳи араб тилида янги сўзларнинг ҳосил бўлишига ўзига хос тарзда таъсир ўтказиб, улар сабаб сўз ёки шаклан, ёки маъно жиҳатдан ўзгариб боради.

Тадқиқотда "иштиқоқ" доирасида сўзларнинг қандай ўзгаришларга учраши, бу ўзгаришларнинг ташқи ва ички омиллар билан боғлиқлиги масаласи ёритилган.

Араб тилини ўрганувчиларга ушбу тилдан сабоқ беришда янги сўзларнинг ҳосил бўлишида ўзига хос жараёнлар ва тилдаги сўзларнинг шакл ва маъно жиҳатдан қандай ўзгаришларга учрашини аниқ илмий мисоллар тариқасида тушунтириш бу тилга бўлган қизиқишни ҳамда таълим самарасининг янада ошишига ёрдам беради.

Таянч сўз ва иборалар: *"иштиқоқ", "иштиқоқ"нинг тур ва гуруҳлари, муштаққотлар, ўзак, "ал-иштиқаақ ал-кабийр", "ал-иштиқаақ ас-соғийр", "ал-қалбу ал-луғавийю" – лексик метатеза ва "ан-наҳту" – сўзларни калькалаш.*

Аннотация. *В данной статье даётся информация о некоторых особенностях словообразования по методу "иштикак" в современном литературном арабском языке и особенно обращается внимание на методы словообразования, виды и группы "иштикак", а также рассуждениям известных лингистов по "иштикак".*

"Иштикак" считается одним из лексических явлений в арабском языке, этот метод служит для образавония слов и обогащения языка. "Иштикак" означает формирование нового слова с сохранением формы и смысла значения.

Каждый вид и каждая группа "иштикак" по-своему влияет на образавание новых слов в арабском языке и в результате данного влияния слова изменяются либо по значению, либо по форме. В данном исследовании освещается изменение слов в рамках "иштикак" и вопрос связи этих изменений с внешними и внутренними факторами.

В преподовании арабского языка объяснение специфических процессов в образовании новых слов, изменения в их форме и значениях на основе четких научных примеро, помогает повысить интерес к этому языку и эффективность образования.

Опорные слова и выражения: *"иштикак" (словооброзование), виды и группы словооброзования, производные слова, корень, метатеза, "аль-иштикак аль-кабийр", "аль-иштикак ас-согийр", лексическая метатеза, калькирование.*

Abstract. *This article provides information about some features of word formation according to the "ishtikak" method in modern Arabic, and especially attention is paid to the word formation methods, types*

and groups of "ishtikak", as well as the reasoning of ancient and modern Arabic linguists according to "ishtikak".

"Ishtikak"is considered one of the lexical phenomena in the Arabic language, it serves to form words and enrich the language.

Each types and group of "ishtikak" in its own way influences the formation of new words in the Arabic language and as a result of this influence, the words change either by meaning or by form. This study highlights the change in words within the framework of "ishtikak" and the question of the connection of these changes with external and internal factors.

In teaching Arabic, the explanation of specific processes in the formation of new words and how words in a language change in terms of form and meaning with the help of clearly scientific examples helps to increase interest in this language and the effectiveness of education.

Keywords and expressions: *"ishtikak"(word formation), types and groups of word formation, mushtakkats (derived words), root, "al-ishtikak al-kabiyr", "al-ishtikak as-sogiyr", "al-kalb al-lugaviy" – metathesis, "an-nahtu" (carving).*

Кириш. Сўз ясаш деганда, тилда мавжуд бўлган лексик ва грамматик элементларни бир-бирига қўшиш, мослаштириш орқали янги сўзларни ҳосил қилиш тушунилади. Бошқа сўзлардан уларнинг негизлари тузилишига боғлиқ бўлмаган ҳолда ҳосил қилинган сўзлар ҳосила сўзлар, деб аталади. Уч ўзакли бўлган арабча янги ҳосила сўзларнинг кўпчилик қисми кенгайтирилган асосга, тўрт ҳарфли ўзаклилари эса содда асосга эга. Сўз ясалиш муносабатлари – бу грамматик эмас, балки лексик ҳодисадир. Араб тилида сўз ясалиши "Иштиқоқ" деб аталади. Араб тили бу борада энг сермаҳсул тил бўлиб, ушбу тадқиқотимизда иштиқоқ ҳақида, унинг тур ва гуруҳлари, уларнинг ўзига хос жиҳатлари ҳақида кенгроқ маълумот беришга ҳаракат қиламиз.

Мақсад ва вазифа. Мақоланинг мақсади араб тилшунослигида сўз ясалиши – иштиқоқни, ушбу мавзуга араб тилшуносларининг бўлган ёндашувларини ўрганиб, таҳлил этиш ҳамда араб тилида иштиқоқнинг ички тур ва гуруҳлари асосида янги сўзларнинг қандай ясалишини таҳлил этишдир. Ушбу мақсаддан келиб чиққан ҳолда қуйидаги вазифалар белгиланди:

– Араб тилида сўз ясалиши – иштиқоқ мавзусини ўрганиш.
– Иштиқоқнинг қандай ички турлари мавжуд эканлигини аниқлаш.
– Иштиқоқнинг мавжуд тўрт гуруҳини ўрганиш ва уларни мисоллар орқали изоҳлаш.

Усуллар. Мақолада солиштирма-қиёсий, тавсифий, таснифий методлардан фойдаланилган.

Натижалар ва мулоҳазалар. Аслида иштиқоқ мавзусини араб олимлари ҳижрий I асрдан бошлаб ўрганганлар. Араб тилининг асоси бўлмиш иштиқоқ ҳақида Сибавайҳийнинг "Ал-Китоб", Ал-Халилнинг "Ал-Айн", Аъламнинг "Исмларнинг ясалиши", Ибн Манзурнинг "Лисанул-араб", Ибн Дурайд, Асмаъий, Ибн Жинний, Абу Али ал-Форсий каби олимларнинг асарларида маълумотлар берилган. Қадим даврларда ҳам олимлар иштиқоқ мавзусига турлича таъриф берганлар, аммо иштиқоққа берилган барча таърифларни умумлаштириб турувчи бир жиҳат бор – бу таърифларнинг деярли барчасида "бир сўздан ўртадаги маъно жиҳатдан боғлиқлик бўлган ҳолда янги бир сўзнинг ясалиши" замиридаги мазмун мавжуд. Мисол тариқасида юқорида номлари зикр этилган баъзи олимларнинг иштиқоққа нисбатан берган таърифларини кўриб чиқсак. Масалан, Ибн Манзур иштиқоқ тушунчасига қуйидагича таъриф берган[1]:

[1] ابن المنظور، لسان العرب، Ibn Manzour. Lisaan al-arab. [Arabes tong]10ص، مصر

"أشتقاق الكلام :الأخذ فيه يميناً وشمالاً،وأشتقاق الحرف من الحرف :أخذه منه"

“Сўз ясалиши: ундаги ўнг ва чап томондан ҳарфдан ҳарфнинг олинишидир”.

Олим Абдулҳамид абу Сиккиннинг таърифи қуйидагича[1]:

“فقدعُرف الاشتقاق بتعريفات عدة؛ منها أنه أَخْذُ صيغة من أُخرى مع ٱتفاقهما معنىً ومادة أصلية، وهيئة تركيب لها؛ ليدل بالثانية على معنى الأصلية بزيادة مفيدة؛ لأجلها ٱختلفا حروفاً وتركيباً أو هيأة”

“Иштиқоқ бир неча таърифлар билан маълумдир. Улардан – маъно, аслият ва таркиб тузилиши жиҳатдан ўзаро мувофиқликда бир шаклнинг бошқа бир шаклдан олинишидир; иккинчи таъриф эса ҳарфлар, таркиб ва тузилиш жиҳатдан фарқланиши сабабли аслият англатган маънонинг янада тугал мазмунни ифодалашига далолат қилади”.

Ўзбекистон ФАШИ қўлёзмалар фондидаги Арбаъин асарлари орасида Нававий “Арбаъин”и (الاربعين النووي)нинг 12 та қўлёзма нусхаси мавжудлиги ва бу қўлёзма нусхалар “Шамоили ан-Набий” –شمايل النبى, “Ҳошия” – حاشية, “Ал-Ҳисн ул-ҳасийн мин калам саййид ал-мурсалийн” – الحصن الحصين من كلام سيد المرسلين, “Васияти Имоми Аъзам”, “Шарҳу одоби ал-мунозара”, “Қасидат ул-бурда” – “قصيدة البردة” каби машҳур асарлар билан китобат қилинганлиги унинг халқ орасида анча машҳур бўлганлигини билдиради. Бу эса “Арбаъин” асарининг манбашунослик нуқтаи назаридан илмий қийматини янада оширади. Нававий “Арбаъин” асарининг ёзилган йили номаълум, асар араб тилида ёзилган бўлиб, ўз ичига 42 та ҳадисни жамлаган. Қўлёзма нусхаларда “Арбаъин” даги 42 та ҳадис рақамлаб борилган. Анъанага кўра, айтилаётган ҳадисдан аввал албатта унинг исноди келтирилган. Ҳар бир ҳадис батафсил шарҳланган. Асар турли даврларда, турли хаттотлар томонидан кўчириб келинган. Мазкур қўлёзмалар фондида сақланаётган Нававий “Арбаъин” асарининг 3200-III, 3294-I[1], 2439-IV[2], 4079-III[3], .8181-II, 4826-I, 4602-II[4], 6437-II, 6767-III, 8174-I, 7131-IV рақамлари остида сақланаётган қўлёзма нусхалари хаттотлик ва китобат санъатининг нодир намуналаридан ҳисобланади.

Бинобарин, арбаъин – ҳадис тўплами турларидан бири бўлиб, унинг келиб чиқишининг ўз ижтимоий-тарихий сабаблари, шарт-шароитлари мавжуд. Арбаъинлар наср ва назмда ёзилган бўлиб, кўплаб Қуръон оятлари ва ҳадислар мазмунини ўз ичига олди. Арбаъинларда баён этилаётган назарий материални далиллаш учун кўплаб ҳикоят, ривоят, нақллар келтирилдики, улар назарий масалаларнинг мисоллар воситасида китобхон хотирасида сақланиб қолишига имконият яратди. Арбаъин муаллифлари ўз арбаъинларини яратишдан олдин, ўзларидан олдин арбаъин яратганлар ҳақида маълумот бериб ўтадилар. Арбаъиндаги ҳадисларнинг ровийлари албатта баён этилади. Унинг ишончлилигига урғу берилади.

Имом Нававий ўзининг “Арбаъин” асари муқаддимасида “Арбаъин” ёзиш мақсадини шундай келтириб ўтади: *айнан, арбаъин ёзиш анъанасининг вужудга келишида пайғамбаримиз Муҳаммад (с.а.в.)нинг “Ким умматимга дин ишларига оид қирқ ҳадисни ўргатса,*

[1] SVR-4, 146 bet. Alv., 11, 217, № 1476–1486; Brok., I, 396-IX; Dop., I,682–683; Mashxad, F., IV, № 32, 11–12 (muallif “Navodiy” deb noto‘g‘ri berilgan); X–X., I, 238–239, № 437.
[2] SVR-4. – B. 149.
[3] SVR-4. – B. 2292–149.
[4] SVR-IV. – B. 150.

Аллоҳ таоло уни қиёмат куни фақиҳлар ва олимлар гуруҳида киритади”[1], деган заиф ҳадис асос бўлган, деб таъкидлайди. Шу билан бирга олим *“Қирқ ҳадис” ёзган олимларнинг баъзилари ақоидга оид, диннинг турли масалалари – зуҳд, одоб, насиҳат ва бошқа мавзудаги ҳадисларни тўплашган. Уларнинг барчаси жуда гўзал ёзилган. Аллоҳ улардан рози бўлсин. Мен эса бу мавзуларнинг ҳаммасидан ҳам муҳимроқ бўлган бир мавзуда қирқ ҳадис тўплашни маъқул кўрдим. Яъни, бу китоб ана шу мавзуларнинг барчасини ўз ичига жамлаши лозим. Ундаги ҳадисларнинг барчаси диннинг энг буюк асосларидан, олимлар исломнинг тамали деб қабул қилган ёки исломнинг ярми ёки учдан бири, деб эътироф этилган масалаларни таърифлайдиган масалалардир.*

Танланган 40 ҳадиснинг барчаси саҳиҳ бўлишига эътибор бердим. Бу ҳадисларнинг аксарияти Имом Бухорий ва Имом Муслимнинг саҳиҳларида мавжуд...”[2] деб ёзади.

Арбаъин мусулмон кишисининг маънавиятини бойитиш ва уни маърифатли қилиш учун зарур бўлган ижтимоий-маънавий қадриятлар тизимини тушунтириб беради. Бу билан у эътиқод қилувчиларни исломий билимлар билан қуроллантиради, инсоннинг маънавий покланишига хизмат қилади ва унинг кундалик эҳтиёжларини қондиради. “Маънавият ўз манбасига кўра ҳам, мақсадига кўра ҳам бу фоний дунёдан ташқарига – бақога йўналган. Маънавият асли бақонинг фанода зуҳр этишидир. Маънавият инсон учун моддий эҳтиёж ҳам, сиёсий зарурият ҳам эмас. Маънавият инсоннинг ўз моҳияти олдидаги масъуллигидир. Унинг моҳияти эса Борлиқ абадиятига даҳлдордир”[3].

Инсоннинг маънавий бойлиги унинг ботиний дунёсини белгилайди. Имом Нававий “Арбаъин” асарида қуйидаги ҳадисни шундай изоҳлайди:

عن ابى عمر رضى الله عنهما قال: اخذ رسول الله بمنكبى فقال: كن فى الدنيا كانك غريب او عابر سبيل و كان ابن عمر رضى الله عنهما يقول: اذاامسيت فلا تنتظر الصباح، و اذا اصبحت فلاتبنظر المساء، وخذ من صحتك لمرضك، و من حياتك لموتك" رواه البخارى.

Ибн Умар розийаллоҳу анҳу ривоят қилади: “Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам бир куни елкамдан тутдилар ва дедилар: “Дунёда бир ғариб ёки мусофир каби бўл”[4].

Ибн Умар розийаллоҳу анҳу айтади: “Оқшомга етишсанг тонгни, тонгга етишсанг, оқшомни кутма. Соғлигингдан касаллигинг учун, ҳаётингдан ўлиминг учун ҳисса ол” (Бухорий, Термизий ва Ибн Можа ривояти).

“Дунёда бир ғариб ёки мусофир каби бўл”. Яъни унга қаттиқ боғланма, уни ватан тутма, ўзингча у ерда абадий қоламан, деб ўйлама. Дунёга ўз ватанидан йироқда бўлган ва ҳадемай оиласига етишмоқни истаган бир бегона кишининг боғлангани каби боғлан. Салмони Форсий розийаллоҳу анҳу шундай деганди: “Ҳабибим соллаллоҳу алайҳи ва саллам менга дунёдан бир суворийнинг озуқаси миқдорида олишимни тавсия қилдилар”.

Ҳадисда тавбага шошилишга, ўлимга ҳозирланишга далил бор. Бирор амал борасида иншааллоҳ, дейиш керак. Аллоҳ таоло шундай марҳамат қилади:

وَلا تَقُولَنَّ لِشَيْءٍ إِنِّي فَاعِلٌ ذَلِكَ غَدًا (٢٣) إِلا أَنْ يَشَاءَ اللَّهُ

“Ва бирор нарса ҳақида: Мен, албатта, бу ишни эртага қилувчиман”, дея кўрманг, магар “Иншааллоҳ” – Аллоҳ хоҳласа”, (денг)...” (Каҳф, 23–24).

[1] Imom Muhiddin Zakariy ibn Sharaf Navaviy. Qirq hadis. – T.: Sharq, 2017. – B. 4.
[2] Qirq hadis. Imom Muhiddin Zakariyo ibn Sharaf Navaviy. – T.: Movaraunnahr, 2005.
[3] Imomnazarov M., Eshmuhamedova M. Milliy ma’naviyatimiz asoslari. – T., 2001. – B. 34.
[4] Imom Muhiddin Zakariyo ibn Sharaf Navaviy. Qirq hadis. – T.: Movaraunnahr, 2005. – B. 107–109.

“Соғлигингдан касаллигинг учун...” Бу амр инсоннинг соғлом вақтларининг қийматини билиб, амали солиҳларни кўпайтириш учундир. Чунки, баъзи пайтларда касаллик ва қарилик сабабли рўза тутиш, намоз ўқиш ва бошқа ибодатларга куч топилмаслиги мумкин.

“Ҳаётингдан ўлиминг учун...” Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва саллам бу сўзлари билан охират учун озуқа тайёрлашни буюрганлар. Аллоҳ таоло бу тўғрида шундай дейди:

يَا أَيُّهَا الَّذِينَ آمَنُوا اتَّقُوا اللَّهَ وَلْتَنْظُرْ نَفْسٌ مَا قَدَّمَتْ لِغَدٍ

“(Ҳар бир) жон эрта (Қиёмат куни) учун нимани (яъни, қандай эзгу амални) тақдим этганини қарасин!” (Ҳашр, 18)

Инсон ўлгунига қадар бунга аҳамият бермайди. Ўлгач эса, шундай дейди:

“Парвардигор, мени (яна ҳаётга) қайтаринглар

حَتَّى إِذَا جَاءَ أَحَدَهُمُ الْمَوْتُ قَالَ رَبِّ ارْجِعُونِ (٩٩) لَعَلِّي أَعْمَلُ صَالِحًا فِيمَا تَرَكْتُ

Шояд, мен қолган умримда яхши амал қилсам, деб қолур” (Мўминун, 99–100).

Имом Ғаззолий шундай дейди: “Бани одамнинг танаси ўзи билан бирга яхши амаллар қилган бир тўрга ўхшайди. Яхшиликни қўлга киритиб ўлса, бу унга етади. Бундан кейин бу тўрга бошқа эҳтиёжи қолмайди. Бу тўр ўлим туфайли ундан ажралган танадир. Албатта, инсоннинг ўлиши билан дунёга бўлган ҳирси узилади. Қабр озиғи бўлгани учун, нафс яхши амалларни орзу қилади. Агар у билан бирга яхши амаллари бўлса, қаноатланади. Агар йўқ бўлса, озуқа олиш учун дунёга қайтишни истайди. Бу истак тўрнинг ундан олинишидан кейин бўлгани учун унга; “афсуски ўтди”, дейилади. Ҳалиги киши доимо ақлсиз бўлганидан ва тўрнинг олиб қўйилишидан олдин озуқа олишга ожизлик қилгани учун пушаймон бўлиб, эсанкираб қолади. Ана шу сабабли Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: “Ҳаётингдан ўлиминг учун фойда ол”, деганлар. Буюк Аллоҳдан бошқа ҳеч бир қудрат ва қувват соҳиби йўқдир”.

Шунингдек, ҳадислар орқали Қуръон оятлари тушунтирилади ва мусулмонларга тўғри йўл кўрсатилади. Ҳадисларнинг маъносини бузиш, айниқса, ёлғон ҳадис тўқиш оғир гуноҳ саналади. Шунга кўра, нафақат Қуръон оятлари, балки ҳадислар талқин этилганда ҳам, арбаъиннинг ушбу жанр хусусияти устувор қолади[1].

Шунингдек, Нававий ҳаёнинг фазилати ҳақидаги ҳадисни қуйидаги мисоллар билан изоҳлайди[2]:

Ҳаёнинг фазилати

عن ابى مسعود عقبة بن عمرو الانصارى البدرى رضى الله عنه قال قال رسول الله ''ان مم ادرك الناس من كلام النبوة الاولى: ***اذا لم تستح فاصنع ماشئت"****. رواه البخارى.*

*Уқба ибн Амр Ансорий розийаллоҳу анҳу ривоят қилишича, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам дедилар: “Собиқ пайғамбарлардан одамларга етиб келган бир ибора мавжуд: “****Беҳаё эрсанг, истаганингни қил****” (Бухорий, Абу Довуд ва Ибн Можа ривоятлари).*

“Беҳаё эрсанг, хоҳлаганингни қил”. Яъни, инсон бирор ишни қилишини ирода қилса, агар Аллоҳдан ва одамлардан уялмаса, хоҳлаганини қилади, йўқса уни қилмайди. Ислом дини бутунлай ана шу асос устида қурилган. Расулуллоҳ алайҳи ва салламнинг: “Истаганингни қил”, ишлари мубоҳ ишларга ҳам тааллуқлидир. Чунки бир иш шаръан тақиқланмаган бўлса, мубоҳ ҳисобланади.

[1] Omuliy Shamsuddin Muhammad ibn Mahmud. an-Nafois-ul-funun fi arois-il-uyun. – Tehron: Dor-ul-islomiyya, 1381h.-3ch.

[2] Imom Muhiddin Zakariyo ibn Sharaf Navaviy. Qirq hadis. – T.: Movarounnahr, 2005. – B. 65.

Баъзилар ҳадисни қуйидагича изоҳлашган: “Агар кўнглингда бир ёмон ишни ният қилсанг, Аллоҳдан ҳаё қилмасанг ва ундан қўрқмасанг, истаганингни қил”. Бу ерда амр таҳдид учун, мубоҳ учун эмас.

اعْمَلُوا مَا شِئْتُمْ إِنَّهُ بِمَا تَعْمَلُونَ بَصِيرٌ.

“Ўзларингиз хоҳлаган амални қилаверинглар! Албатта, У қилаётган амалларингизни кўриб турувчидир” (Фуссилат, 40).

وَاسْتَفْزِزْ مَنِ اسْتَطَعْتَ مِنْهُمْ بِصَوْتِكَ.

“Улардан кучинг етган кимсани овозинг билан қўзғат...” (Ал-Исро, 64)”, деб, ҳадис Қуръон ояти билан далилланади. Арбаъин таркибидаги ҳадисларни шарҳлашда узундан-узун, мураккаб жумлаларнинг йўқлиги ҳадислар мазмунини тушунишини осонлаштиради. Умуман олганда арбаъинларда насрий тилнинг соддалиги билан халқ тилига яқин туради.

Кўриниб турибдики, ҳадисларни шарҳлашда турли ҳикоятлардан ҳам унумли фойдаланилган.

Бундан ташқари ушбу фондда Маждиддин Шароф бин ал-Муйиддин ал-Бағдодийнинг “Арбаъин”, Жалол бин Муҳаммад бин Убайдуллоҳ ал-Қойиний ал-Бухорий ал-Ҳиравийнинг “Арбаъин фи-л-аҳлоқ” **(**الاربعين في الاحلاق), Муҳаммад бин Абу Бакр Усфурийнинг “Арбаъин Усфурий”, Амир Сайид (бин) Алий Шаҳоб Ҳамадонийнинг “Чиҳил ҳадис дар сифат фуқаро”, “Арбаъин ал-Олий*”* “Арбаъин ал-Лолий*”*, Аш-Шайх Муҳаммад ал-Омосавийнинг “Арбаъин ал-мавсум би шифаи ал-қулуб”, Муҳаммад Номроднинг “Арбаъиния” ва “Чил ҳадис манзума”, Абу Тоҳир Муҳаммад бин Ҳасан Алий Ушийнинг “Арбаъин ҳадисан”, Закиддин Абу Муҳаммад Абдулазим ал-Қавий бин Абдуллоҳ ал-Маҳтадийнинг “Арбаъин фи истиноиън”, Мир Шайх ибн Нуриддин Муҳаммад Пуронийнинг “Чил ҳадис”, Фасиҳ ад-Диннинг “Чиҳил ҳадис”, Сайид Аҳмад Василий Самарқандийнинг “Чиҳил ҳадис”, Абдулжалил ибн Муҳаммад Иброҳимнинг “Чиҳил ҳадис таржимаси”, Абдуллатиф бин Шайх Сулаймон Турбатийнинг “Чил ҳадис манзума”, XIX аср охири – XX аср бошларида Қўқонда яшаб ижод этган шоир, Муқимийнинг замондоши Муҳаййирнинг “Чил ҳадис” (Пуроний асарининг таржимаси), Муҳаммад Мурод Мавлоно Шомийнинг “Чил ҳадис” каби араб, форс ва ўзбек тилларида яратилган арбаъин асарларининг бир неча қўлёзма нусхалари сақланаётганлиги аниқланди. Келгусидаги илмий ишларимизда фондда сақланаётган “Арбаъин” асарларнинг мавзу доирасини аниқлаш, уларнинг қўлёзма нусхаларининг тўлиқ тавсифини бериш каби тадқиқот ишларини амалга ошириб, уларни илмий муомалага киритиш ниятидамиз.

Хулоса. Мазкур қўлёзма нусхалар хаттотлик ва китобат санъатининг ўзига хос намуналари бўлиб, ҳар қандай китобхонни ўзига жалб қилади. Ўзбекистон қўлёзма фондларидаги “Арбаъин” асарларининг қўлёзма нусхаларини манбашунослик нуқтаи назаридан ўрганиб чиқиш шуни кўрсатдики, биринчидан, бундай қўлёзмалар жуда кўп ва хилма-хил шакл ва мазмунга эга бўлиб, наср ва назмда ёзилиш билан бирга турлича мавзу йўналиши ва ўзига хос ёндашувларга эга экан. Улар асосан араб, форс-тожик ва туркий тилларда яратилган бўлиб, энг машҳурлари (яъни, энг кўп кўчирилганлари) араб тилида Нававийнинг, форс-тожик тилида Жомий, туркий тилда Навоийнинг "Арбаъин"лари экан.

Фикримизга кўра, ислом дини тарихи ва Қуръоннинг китобат қилиниши анъанаси билан боғлиқ равишда, ислом ақидаларини тарғиб ва ташвиқ этиш вазифасидан келиб чиққан ҳолда уларга комментарийлар ёзиш, аввало, диний йўналишда вужудга келган. Чунки, уларнинг маъноларини кенг оммага тушунтириш эҳтиёжи жуда баланд бўлган. Ўз ҳолида, Қуръон тафсирлари арбаъинлар учун назарий манба ҳам бўлиб хизмат қилган. Муаллифлар

ўз арбаъинларини ёзиш жараёнида ўз муқаддималаридаги таъкидларига кўра, Қуръон, Ҳадис ва тафсирларга таянганлар.

Арбаъин мустақил адабий жанр бўлиб, унинг эволюцияси араб адабиёти замирида вужудга келган. Арабларда арбаъин Қуръон оятлари ва Ҳадислар шарҳи даражасида қўлланилган. Бироқ форс-тожик ва туркий адабиёт негизидагина арбаъин поэтик асар сифатида шакллантирилган.

Шундай қилиб, арбаъин анъанаси махсус мазмун ва шаклга эга бўлган жанр бўлиб, унинг диний-маънавий ва ахлоқий-маърифий аҳамияти жуда катта бўлган. Аръбаин йўналишида барча даҳо ва мутафаккир ижод қилганлар. Улар ўз арбаъинларида нафақат ислом ақоидлари ва ислом маънавиятини тарғиб қилиб, шу билан бир қаторда ўзларининг дунё, борлиқ ва Яратган борасидаги қарашларини ҳам тараннум этганлар.

Шарқ мумтоз адабиётида Қуръон ва Ҳадисларнинг мазмун-моҳияти ижодкорларни қизиқтирган, улар муқаддас манбалардан илҳомланган, муқаддас манбаларда келтирилган ғоялар ва қарашлар ижодкорларни янги асарлар яратишга ундаган ва шу тариқа кейинчалик ижод вакилларининг ахлоқий ғоялар акс этган махсус асарлари, яъни арбаъинлар вужудга келган. Пайғамбар (с.а.в.) ҳадислари ва уларга битилган бадиий шарҳлар Шарқ адабиётида қадимдан мавжуд бўлиб, масалан, Адиб Аҳмад “Ҳибат ул-ҳақойиқ” асарида жами 21 ҳадиснинг туркий тилдаги шеърий шарҳини келтирган.

XV–XVI асрларга келиб Шарқ халқларининг буюк мутафаккир шоирлари Абдураҳмон Жомий, Алишер Навоий ва Муҳаммад Фузулийлар ҳам ҳадисларнинг шеърий шарҳларини форс-тожик, ўзбек ва туркий (озарбайжон) тилларда талқин этганлар.

АЛЛОМА МАҲМУД ЗАМАХШАРИЙ АХЛОҚИЙ ҚАРАШЛАРИНИНГ ЎЗИГА ХОС ЖИҲАТЛАРИ

ТЎРАЕВ ЛАЗИЗ

Таянч докторант, ТДШИ

Аннотация. *Қадимдан Марказий Осиёнинг буюк мутафаккирлари, олимлари, файласуфлари ва шоирларини аввало инсон муаммоси, хусусан, инсон ахлоқ-одоби муаммолари қизиқтириб келган. Шу сабабдан ҳам Марказий Осиёнинг ижтимоий-фалсафий ва ахлоқий қарашлари тарихида ахлоқ ва таълим-тарбия соҳасига эътибор қилмаган бирор-бир алломани топиш қийин. Ҳар бир аллома у хоҳ илоҳиётшунос бўлсин, табиатшунос бўлсин, файласуф бўлсин, ёзувчи бўлсин, шоир бўлсин ҳар бирлари ахлоқ масалаларига ўз қарашларини билдириш билан бирга, ахлоқнинг у ёки бу соҳаси бўйича тадқиқот олиб борганлар. Бу тадқиқотларнинг тарихий илдизлари узоқ ўтмишга бориб тақалади. Айниқса, файласуфларнинг ижтимоий қарашларида инсон таълим-тарбияси, ахлоқ-одоби каби категориялар юқори ўринларда бўлиб келган. Ушбу мақолада ўрта асрларда яшаган кўп қиррали мутафаккир Жоруллоҳ Маҳмуд Замахшарийнинг ахлоқий қарашлари илмий жиҳатдан таҳлил қилинган. Мақолада Маҳмуд Замахшарийнинг ижтимоий-ахлоқий қарашлари тўғрисидаги маълумотларни унинг ўзи томонидан билдирилган, айтилган насиҳатларидан иборат асарлари орқали баён қилинади. Бу асарларда берилган ҳар бир фикр нафақат ўз замонасининг, балки ўн аср ўтса ҳам бугунги кундаги долзарб бўлган масалаларга бағишланган. Бу насиҳатларда берилган*

ахлоқий ғоялар, асосан, Маҳмуд Замахшарийнинг таълимоти билан қиёсий ҳолда ёритилади. Шунингдек, ахлоқий етук, баркамол инсонни тарбиялаш ҳозирги даврнинг долзарб масалаларидан эканлиги жамиятдаги ўзгаришлар билан боғлиқ ҳолда ёритилган.

Таянч сўз ва иборалар: *оммавий маданият, саъй-ҳаракат, гўзал сифат, ҳусни хулқ, мурувват, саховат, пасткашлик, тарбия, юган.*

Аннотация. *С древних времен великих мыслителей, ученых, философов и поэтов Центральной Азии интересовали проблемы человека, в частности проблемы человеческого поведения. По этой причине трудно найти какого-либо ученого в истории социально-философских и этических соображений Центральной Азии, который не обращал бы внимания на этику и образование. Каждый ученый, будь то теолог, натуралист, философ, писатель или поэт, имеет свои собственные взгляды на моральные вопросы, но проводит исследования в определенной области морали. Исторические корни этих исследований имеют долгую историю. В социальных взглядах философов такие категории, как человеческое образование и мораль, были на вершине. В этой статье анализируются этические взгляды средневекового универсального мыслителя Джоруллаха Махмуда Замахшари. Статья содержит информацию о социальных и моральных взглядах Махмуда Замахшари через его произведения и проповеди. Каждая из идей, представленных в этих работах, имеет отношение не только к их собственному времени, но и к актуальным проблемам, существовавшим более века. Моральные идеи, представленные в этих наставлениях, в значительной степени освещены учением Махмуда Замахшари. Также подчеркивается, что воспитание морально зрелого человека является одной из актуальных проблем нашего времени.*

Опорные слова и выражения: *массовая культура, усилия, прекрасное качество, хорошие манеры, доброта, щедрость, смирение, низость, воспитание, уздечка.*

Abstract. *Since ancient times, the great thinkers, scholars, philosophers and poets of Central Asia have always been interested in the problems of man, in particular the problems of human behavior. For this reason, it is difficult to find any scholar in the history of socio-philosophical and ethical considerations of Central Asia who did not pay attention to ethics and education. Every scholar, be it a theologian, a naturalist, a philosopher, a writer, or a poet, each has his or her own views on moral matters, but has done research in a particular area of morality. The historical roots of these studies have a long history. In the social views of philosophers, such categories as human education and morality were at the top. This article analyzes the ethical views of medieval versatile thinker Jorullakh Mahmoud Zamakhshari. The article contains information on Makhmud Zamakhshari's social and moral views through his own works, his own sermons, and his works, which are compiled and classified by prophets, hadiths, Companions, Monuments, Amirs, Poets, Images, Stories, and Reminders is done. Each of the ideas presented in these works is relevant not only to their own time, but also to the actual issues that have existed for more than a century. The moral ideas presented in these exhortations are largely contrasted with the teachings of Makhmud Zamakhshari. It is also highlighted that the upbringing of a morally mature person is one of the actual issues of our time.*

Keywords and expressions: *popular culture, effort, beautiful quality, good manners, goodness, generosity, lowliness, upbringing, bridle.*

Шарқ Уйғониш даври фалсафасида ахлоқий категориялар ҳар доим муҳим аҳамият касб этиб келган. Ахлоқ масаласи буюк алломаларнинг, файласуфларнинг, адабиётчи ва ёзувчиларнинг дунёқарашида асосий ўрин эгаллаб, уларнинг ижодларида бу масала юқори даражаларда қўлланилган. Энг аввало, шарқона ахлоқий қарашлар ислом дини билан боғлиқ. Ислом динининг муқаддас китоблари Қуръони Карим ва ҳадислардир. Ҳар иккала муқаддас манбаларда ҳам инсоний фазилатлар, ахлоқий тартиб-қоидалар, таълим-тарбия масалалари кенг баён этилган. Шунинг учун ҳам Шарқ алломаларнинг ахлоқий қарашларининг негизида муқаддас Куръони Карим оятлари ва ҳадислар ётади.

Шарқ алломаларидан Абу Наср Форобийнинг “Фозил одамлар шаҳри”, “Бахт-саодатга эришув ҳақида”, “Буюк кишиларнинг нақллари”, Абу Али ибн Синонинг “Ахлоқ ҳақида рисола”, “Билимлар хазинаси”, “Китоб ул-ишорот ва танбеҳот”, Абу Райҳон Беруний-нинг “Ҳиндистон”, Насриддин Тусийнинг “Ахлоқи Носирий”, Жалолиддин Давонийнинг “Ахлоқи Жалолий”, Юсуф Хос Ҳожибнинг “Қутадғу билиг”, Унсурул Маолий Кайковус-нинг “Қобуснома”, Носир Хусравнинг “Саодатнома”, Саъдий Шерозийнинг “Гулистон”, Алишер Навоийнинг “Маҳбубу-л-қулуб”, Абдураҳмон Жомийнинг “Баҳористон”, Ҳусайн Воиз Кошифийларнинг “Ахлоқи Муҳсиний” сингари асарлари ижтимоий-ахлоқий ва тарбиявий масалаларга бағишланган. Мазкур тарбиявий аҳамиятга эга бўлган асарларнинг барчаси инсонларни одобли, тарбияли, юксак маънавиятли ва комил инсон этиб тарбиялашда муҳим ўрин эгаллайди. Тадқиқотимизнинг асосий манбалари ҳисобланган аллома Маҳмуд Замахшарийнинг “Навобиғ ул-калим” (“Нозик иборалар”), “Атвок уз-заҳаб фи-л-мавоиз ва-л-хутаб” (“Ваъз ва хутбаларда олтин шодалар”), “Рабиъ ал-аброр ва нусус-ул ахбор” (“Тақводорлар баҳори ва фозиллар ахбори”) асарларини ҳам юқоридаги ахлоқий асарлар сирасига киритиш мумкин. Чунки алломанинг ўзига хос ахлоқий қарашлари мазкур асарларда ўз ифодасини топган.

Муқаддас заминимизда туғилган аллома, шайх ул-ислом, “Устоз уд-дунйа”, “Устоз ул-араб вал-ажам”, “Жоруллоҳ”, “Фахру Хваразм” каби унвонлар соҳиби Маҳмуд Замахшарий ҳам ўзининг араб тили грамматикаси ва луғати илмига қўшган буюк ҳиссасидан ташқари ижти-моий-ахлоқий қарашлари билан ҳам тарихда ёрқин из қолдирган. Унинг тўлиқ исми Абулқосим Маҳмуд ибн Умар ибн Аҳмад аз-Замахшарийдир. Махмуд Замахшарий ва у туғилган юрт ҳақидаги дастлабки маълумотларни биз асосан ўрта аср араб манбаларидан оламиз.

Илм аҳлига маълумки, Маҳмуд Замахшарий араб тилида тафсир, тилшунослик, адабиёт, илоҳиёт ва географияга оид асарлар ёзган. Ироқлик машҳур олим, профессор Фозил Солиҳ ас-Самарий ўзининг “Ад-дирасату нахвия ва луғавия инд аз-Замахшари”[1] номли китобида алломанинг эллик олтита асарини номма-ном санаб ўтган. Бу асарлар орасида бугунги кун-даги долзарб бўлган, ижтимоий, маънавий соҳалардаги мавзуларни ўзида жамлаган дидак-тик асарлари ҳам алоҳида аҳамиятга эга. Алломанинг бу асарларида инсонпарварлик, меҳр-мурувват, эзгулик, таълим-тарбия, одоб-ахлоқ каби ахлоқий тамойиллар баён этилади. Мах-муд Замахшарийнинг “Навобиғ ул-калим”, “Атвок уз-заҳаб фи-л-мавоиз ва-л-хутаб”, “Ра-биъ ал-аброр ва нусус-ул ахбор” каби асарларида берилган таъсирли воқеалар, қизиқарли ҳикоялар, шеърлар, панд-насиҳатлар ва ибратли ўгитлар ўсиб келаётган авлоднинг маъри-фатли, маънавиятли, ақл-заковатли ва комил инсон бўлиб вояга етишида муҳим ўрин тутиши шубҳасиз.

Аллома бу асарларида инсонларнинг гўзал фазилатларини улуғлаб, салбий хислатларини қоралайди, инсонларга хулқ-одоб қоидаларини сингдиришга ҳаракат қилади. Маҳмуд Замахшарийнинг фикрича, содир бўладиган муаммолар сабабчиси ҳам, ечими ҳам инсон-нинг ўзи ва унинг саъй-ҳаракати ва қиладиган амалларига боғлиқдир. Бундай ёндашувлар алломадан олдин яшаган мутафаккирлар дунёқарашида ҳам учрайди. Хусусан, Абу Наср Форобий инсоннинг ахлоқан етук бўлиши инсоннинг аввало ўз руҳини, қадр-қимматини юқори баҳолашида деб билади. Аллома инсонларни эзгу амалларни бажариши билан бирга ўзи ҳам яхши фазилатларга эга бўлмоқлигини таъкидлайди. Абу Наср Форобий фикрича,

[1] Fozil Solih As-Samariy الدراسات النحوية واللغوية عند الزمخشري. Bag’dod, 1971. [Fazil Saleh Al-Samari. “الدراسات النحوية واللغوية عند الزمخشري” - Baghdad. 1971.]

эзгу амаллар соҳиби бўлган инсон комил инсондир. Абу Али ибн Сино ҳам инсоннинг ҳар доим яхшиликка интилиши ва эзгу фазилатларга эга бўлишини таъкидлайди. Унинг фикрича, ақл орқали инсон яхшилик ва ёмонликнинг, ижобий ва салбий хислатларнинг, маърифат ва жаҳолатнинг фарқига боради. Шунинг учун ҳам аллома ахлоқий камолотга эришишнинг дастлабки мезони деб илм-маърифатни тушунади. Инсонлар ана шу илм орқали чинакам бахт-саодатга эришиш йўлини топади. Абу Райҳон Беруний фикрича, ҳар қандай юксакликка инсон ўз яхшиликлари, эзгу амаллари ва ўз илми орқали эришади. Илм олиш йўлида ҳар қандай салбий иллатлардан воз кечиш кераклигини уқтиради. Абу Райҳон Беруний эзгуликни барча инсонларга қилиш лозимлигини ва бу эзгулик ўзига фойда келтиришини таъкидлайди.

Маҳмуд Замахшарий ўзининг ахлоққа оид фикрларини бадиий йўл орқали ўзидан олдинги пайғамбарлар, саҳобаларнинг ҳадислари, араб ва форс бўлган уламолар, амирлар, шоирларнинг ибратли насиҳатлари, улар ўртасидаги суҳбатлар, шунингдек, қадимги ҳикоятлар, ҳаётий мисоллар, халқ мақоллари асосида баён қилади. Аллома ўз ахлоқий қарашларида, энг аввало, инсон зотини улуғлаб, унинг етук ахлоқ эгаси бўлишлигини таъкидлайди. Унинг фикрича, ахлоқи етук инсон нафақат ўзига, яқинларига, балки жамиятга ҳам нафи тегадиган, ватани равнақи йўлида хизмат қиладиган, адолатли, меҳр-оқибатли, ростгўй инсон бўлади, бундай инсон, ўз навбатида, ҳеч бир кимсага ёмонлик раво кўрмайди. Инсонлар, аввало, эзгу ниятига, эзгу фикрига, эзгу ҳаракатига ва эзгу амалига эга бўлсагина бундай юксак мақомга эришадилар, деб таъкидлайди аллома.

Маҳмуд Замахшарий “Навобиғ ул-калим”, “Атвок уз-заҳаб фи-л-мавоиз ва-л-хутаб”, “Рабиъ ал-аброр ва нусус-ул ахбор” асарларида ахлоқ илмининг айнан назарий ва фалсафий жиҳатларини очиб бермаган бўлса-да, у ўз ҳаётий тажрибасидан, кўрган-билганларидан ва замонасининг ижтимоий муҳитидан келиб чиқиб, содда, ҳамма тушунадиган тилда ўз фикр ва ахлоқий қарашларини ифода этади. Бу фикрлар инсонларни доим яхшиликка, илм-маърифатли бўлишга, катталарни ҳурмат, кичикларни иззат қилишга, меҳр-муҳаббатли, саховатли бўлишга чақиради. Аллома ўзининг муътазилийлик қарашларидан келиб чиқиб, олийжаноб ахлоқий тамойилларни улуғласа, баъзи амалдор кишиларнинг адолатсизлигини, порахўрлигини, ўткинчи мол-дунёга ҳирс қўйганларни, умуман олганда, инсон учун охир-оқибат зарар келтирадиган барча ижтимоий иллатларни очиқ-ойдин қоралайди ва улардан қайтаришга ҳаракат қилади. Алломанниг бундай ёндашуви муътазилийларнинг беш асосий принципларига тўла мос келади. Бу принциплар инсондан адолатли бўлишини, яхшилик қилиб, ёмонликдан қайтишни, инсонларга эзгулик улашиб, ёвузликдан қайтишни талаб қилади.

Биз қуйида Маҳмуд Замахшарийнинг асарларидан бир нечта ибратли сўзлари, насиҳатлари ва ҳикоятларидан намуналар келтирамиз.

Маҳмуд Замахшарий ҳикматли нозик иборалардан ташкил топган “Навобиғ ул-калим” асарида шундай дейди: “Узоқ умр давомида саъй-ҳаракат ва одоб-ахлоқ билан ҳаёт кечирган одам, кейин одобга томон дастлабки қадам ташлаган кимса билан баробар эмас”[1]. Бу ҳикматда, биринчидан, аллома инсонни бутун ҳаёти давомида саъй-ҳаракатдан тўхтамасликка, одоб ила эзгу амалларни бажаришга, ўзини салбий иллатлардан тийилишга чақирса, иккинчидан, икки тоифа инсонларни, яъни ёшлигидан ахлоқли бўлишга ҳаракат қилган ва бутун умри давомида одоб ила яшаётган инсонни, саъй-ҳаракатни кеч бошлаган, хайрли ишларни кеч бўлса-да қилган инсонлардан устун қўйган.

[1] Abu-l-Qosim Mahmud az-Zamaxshariy. Nozik iboralar (Graceful expressions). Sharhlar muallifi va tarjimon U.Uvatov. – T.: Kamalak, 1992. – B. 74.

Мазкур асарда “Гўзал сифат ва ҳусни хулқ сийратлари безамаган кишини ҳеч қандай чиройли кийимлар кўркам қилолмас, гуноҳ ва хатолардан сақланмаган кимсанинг қалби сира айбдан фориғ бўлмас”[1], – деб таъкидаланади. Бугунги кунда баъзи бир инсонлар кийим-бошга қараб муносабатда бўлишади, афсуски бу кўриниш ёлғончидир. Аллома айтганидек, хоҳ чиройли, хоҳ янги, балки шоҳона кийимлар кийсин, барибир ахлоқсиз киши кўркам кийимлари сабабли, ахлоқли бўлиб қолмайди ва кўркам кийимлар ахлоқсиз кишини ахлоқли қилиб кўрсатмайди. Бу ерда аллома инсоннинг бой-камбағаллигига ҳам аҳамият беради. Бой киши қимматбаҳо кийим кийгани билан, унинг қалбида хушхулқлик бўлмас экан, кўркам кийимдан не даркор. Камбағал киши ямоқ кийимда бўлса ҳам, одоб-ахлоқи унинг қалбини бой қилади. Инсоннинг хато-гуноҳ бўлган ишлардан ва иллатлардан ўзини сақламоғи ҳамда қалбини ва хулқини чиройли қилмоғи даркор.

Маҳмуд Замахшарий жамиятдаги инсонларни ёмон, уятли сўзлар айтиш орқали ёмон ахлоқли бўлиб қолишдан огоҳлантириб шундай дейди: “Эй бўтам, тилингни ёмон сўзлардан сақла!”[2]. Аллома айтган тил шундай бир воситаки, ширин, гўзал, мулойим сўз ҳар қандай кўнгилни обод қилса, уятли, ёмон сўз эса ўша кўнгилни вайрон қилади. Ҳар қандай яхши ва ёмон сўз ҳам шу тил орқали амалга оширалади. Алломанинг фикрича, инсоннинг қадрини юксакликка олиб чиқувчи ҳам, ерга урувчи ҳам тил эканлигига урғу беради.

Маҳмуд Замахшарий Маккада яшаган даврида ёзган 100 мақомадан иборат “Атвоқ уз-заҳаб” асари ҳам алломанниг ахлоқий қарашларини ўзида мужассам этган асарлардан бири ҳисобланади. Аллома мазкур асарнинг ўн олтинчи мақомасида инсонларни, хусусан, яхши хислатларга эга бўлган гўзал хулқли инсонларни улуғлаб шундай дейди: “Шарафли ва номусли инсонга зулм қилиш таклифи билдирилса, у дарҳол бунга қарши чиқади. Ҳурмат-эътиборли (асл зотли) бир кишига бошқа бир инсонни ҳақоратлаш ва у билан ёмон муносабатда бўлиш топшириғи, вазифаси берилса, у вазифадан, топшириқдан дарров ўзини олиб қочади. Ўзига берилган, тобе этилган бир инсоннигина эмас, ҳатто ҳайвоннинг ҳам тирноғининг синиши, эгарнинг унинг белини яралаши андишаси билан ичи титрайди. Аммо бу ҳислат гўзал ахлоқ соҳиби бўлган покиза инсонларгагина хосдир, қони бузуқларга эмас”[3]. Маҳмуд Замахшарий бу ерда икки хил тоифадаги инсонларга баҳо беради. Гўзал сифатларга эга ахлоқли кишига ҳар қандай ёмон вазифалар берилса, у бу вазифалардан ўзини тияди. Бундай кишиларнинг сифатларини улуғлайди. Уларни кўкка кўтаради.

“Атвоқ уз-заҳаб” асарининг йигирманчи мақомасида Маҳмуд Замахшарий шундай дейди: “Мурувват бир сифатки, Аллоҳнинг розилигига лойиқ. Саховат бир табиатки, у ҳақида қанча гапирилса, шунча муносиб. Пасткашлик каби ёмонликка лойиқроқ сифатни кўрмадим. Фақат саховат аҳлигина биродарликни мустаҳкамлайди. Улар билан хаста диллар тузалади, синган суяклар ямалади. Неъматлар узоқлашганда улар шабада бўлиб неъматларни сен томон ҳайдайди, чорлайди. Азобу уқубатлар тўп-тўп бўлиб ёпирилганида, уларни сендан узоққа қувади, ҳайдайди”[4]. Меҳр-мурувват, саховат каби ахлоқий фазилатлар кишини юксакларга кўтаради, жамиятда обрў-эътиборини оширади. Қалби пок бўлган мурувватли ва саховатпеша инсонлар ўзга инсонлар дардини ҳам ўйлайди, эҳтиёжманд кишиларга ёрдам қўлини чўзади. Ўз навбатида, улардан яхшилик кўрган кишилар ҳам

[1] Ibid. – S. 75.
[2] Ibid. – B. 79.
[3] Mahkam Mahmud. Nazarbek Rahim. Oltin shodalar (Golden candles). – T., 2010. – B. 30.
[4] Fozil Zohid. Zamaxshar tasbehi yoxud 101 manzuma (Rosary of Zamakhshari or 101 pearls). – T., 2011. – B. 40.

бошқаларга ёрдам улашишни, уларга ҳам саховат кўрсатишни истайдилар, натижада жамиятдаги барча инсонлар ўртасида бир-бирларига бўлган меҳр-оқибат ришталари мустаҳкамланади. Пасткашлик эса инсон камолотига ва жамият ривожига тўсқинлик қиладиган иллатдир. Бу ҳикматда аллома таққослаш усулидан фойдаланиб, ахлоқий фазилатлар ва салбий хислатлар ҳақида тўхталади ҳамда ахлоқий фазилатларни устун қўяди.

Маҳмуд Замахшарийнинг тўқсон саккиз бобдан иборат бўлган диний, ижтимоий ва маънавий соҳаларга оид мавзуларни ўз ичига олган яна бир йирик "Рабиъ ул-аброр ва нусус-ул ахбор" асари бўлиб, мазкур асарда ҳам инсонларни яхшиликка, эзгуликка, адолат сари етакловчи ҳадислар, воқеа-ҳодисалар, насиҳатлар, ўгитлар ва мақоллар мавжуд. Маҳмуд Замахшарий мазкур ҳадисларни, насиҳатларни, ибратли ўгитларни пайғамбарлардан, саҳобалардан, обидлардан, зоҳидлардан, олимлардан ва амирларнинг сўзларидан ҳамда араб ширларининг шеърларини йиғиб бир асар кўринишига келтиради. Бу услуб "илм мухадарат" деб аталади. Аллома мазкур асарнинг ҳар бир бобини жамиятдаги муҳим бўлган мавзуларга бағишлаган. Тадқиқотимиздаги ахлоқий масалалар мазкур асарнинг йигирма бешинчи бобида берилган ва бу боб "Одоб-ахлоқ, яхши ва ёмон одатлар, ғазаб ва раҳм-шафқат, қўполлик ва ҳалимлик, қувноқлик ва ғамгинлик ҳақида" деб номланади. Мазкур боб шундай бошланади: "Иброҳим ибн ал-Аббос айтади: Аллоҳга қасамки, агар Расулуллоҳ (с.а.в.)нинг сўзлари инсонларнинг яхшиликлари билан тарозининг икки палласига қўйилса, албатта, у кишининг сўзлари оғир келади, у сўзлари қуйидагидир: "Сизлар одамлар орасида мол-мулкларингиз билан эмас, яхши ахлоқларингиз билан улуғланасизлар". Моддий бойлик эмас, гўзал хулқ орқали инсонлар ҳурмат-эътиборга сазовор бўлади. Кишилар бунинг учун гўзал сифатлар билан безанмоқлари, самимий, меҳрибон, ширинсўз, мурувватли ва саховатли бўлишлари керак. Ҳар бир инсон маълум бир мақсад сари ҳаракат қилади, агар ушбу мақсад жамият билан боғлиқ бўлса, жамиятга манфаати тегадиган бир олийжаноб иш қилса, нафақат ўзига балки бутун инсониятга фойдаси тегади.

"Рабиъ ул-аброр" асарида Маҳмуд Замахшарий Расулуллоҳ (с.а.в.)дан шундай ривоят қилади: "Гўзал хулқ Аллоҳнинг раҳматидан, ризолигидан бўлган югандир (жилов), у ўз соҳибининг бурнидан ўтказилгандир. Бу юган Аллоҳнинг қўлида, Аллоҳ уни яхшиликка, эзгуликка етаклайди, яхшилик ва эзгулик эса, уни жаннат сари етаклайди. Ёмон хулқ эса, Аллоҳнинг азобидан, ғазабидан ясалган югандир ва у ўз соҳибининг бурнидан ўтказилган. Бу юган Шайтоннинг қўлидадир. Шайтон уни ёмонликка ундайди, ёмонлик эса ўз соҳибини дўзах сари етаклайди[1]. Аллома ўзининг муътазилийлик эътиқодидан келиб чиқиб, ушбу ривоятни келтирадики, инсонларнинг қилган хайрли ва эзгу амаллари, яхшиликлари ҳамда етук ахлоққа эга бўлганликлари сабабли уларга Аллоҳ жаннатни ваъда қилса, баъзи бир инсонларнинг ахлоқсизлиги, билиб-билмай қилган хато ва гуноҳлари, қилган ёмон амаллари учун Аллоҳ томонидан азобланиши, натижада Шайтон томонидан дўзахга етакланиши таъкидланмоқда. Модомики, кишиларнинг мақсади икки дунё саодатига эришмоқ экан, хайрли ва эзгу ишларни қилишлари, ўзгаларга яхшилик улашишлари, яхши муносабатда бўлишлари ва ёмонликлардан ўзларини тийишлари лозим.

[1] Abu-l-Qosim Mahmud az-Zamaxshariy. " ربيع الأبرار ونصوص الأخبار" Rabi' ul-abror va nusus ul-axbor. Qo'lyozma. O'zbekiston Musulmonlari idorasi. inventar № 1490. b. 107. [Abul-Qasim Makhmud az-Zamakhshari. Rabī 'ul-abrār va nusus ul-akhbar. Manuscript. Muslim Committee of Uzbekistan. inventory No. 1490 p. 107.]

Салафийларнинг баъзилари шундай дейишган: “Яхши хулқ эгаси бегоналар наздида ҳам яқин қариндош каби, ёмон хулқ эгаси эса ўз оиласи наздида ҳам бегона каби бўлади”[1]. Бу ҳикматда ҳам аллома яхшилик қилувчи бегона ва яхшилик қила олмайдиган ва меҳр бера олмайдиган яқин қариндош кишиларни таққослайди. Яхши хулқли, одобли ва хушфеъл инсонлар нафақат қавм-қариндошларига, балки бегона бўлган кимсаларга ҳам яхшилик қиладилар, саховат кўрсатадилар. Шунинг учун ҳам яхшилик ва саховат кўрган кишиларни у инсонлар ўз қариндошларидан кўра яқин биладилар. Минг афсуски бугунги кунда баъзи ота-оналар, ҳатто ўз фарзандларига ҳам яхшилик қилишни унутиб қўйишмоқда. Натижада улар яқинларидан кўра бегона бўлган гўзал сифатга эга инсонларга меҳр қўйишади. Бу борада аллома ўз асарида Расулуллоҳ (с.а.в)дан ривоят қилади: “Болаларингизга одоб беринглар ва одобларини чиройли қилинглар”, деб марҳамат қилганлар. Фарзандларининг одоб-ахлоқли этиб тарбиялашлари ота-оналарнинг мажбуриятларидандир. Бу мажбуриятни бажариш ўта масъулиятли вазифадир. Бунинг учун ота ва она биргаликда ҳаракат қилмоғи, фарзандга яхши тарбия бермоғи керак. Бу вазифа масъулиятли экан, аввало, ота-оналарнинг ўзлари тарбияли ва гўзал хулқли бўлишлари керак. Фарзанд тарбияси жамиятнинг келажаги ва равнақи билан боғлиқ эканлигини ўрта асрларда ҳам долзарб эканлигини Махмуд Замахшарий таъкидлаб ўтган.

Маҳмуд Замахшарийнинг фарзанд тарбияси ва одоб-ахлоқи, энг аввало, ота-онанинг вазифаси ва бурчи эканлиги тўғрисида шундай фикрлари мавжуд: “Ўз фарзандингизни имкон қадар яхши хулқ-одобли, ақлли бўлишга ўргатинг. Магарким, кимарса ёшликдан яхши хулқ-одоб эгалламас эркан, улғайганда ондин билим талаб қилманг. Ғумай экиб буғдой ўролмайсиз-ку, ахир. Ҳамон шундай эркан, ота-она ўз фарзандига дунёдаги жамики эзгуликлар билан йўғрилган ижобий хислатларни сингдириб бормоқлиги минг карра шартдир. Шул боис болага нисбатан ўз зиммангизга юкланган масъулиятни ҳис этган ҳолда яхши таълим-тарбия беришга интилинг. У ўзида ижобий хусусиятларни ўзлаштирсин ва ярамас хатти-ҳаракатлардан ўзини муҳофаза этсин”[2]. Ҳар бир ота-онанинг фарзандлари олдидаги дастлабки вазифа ва бурчлари уларнинг яхши улғайиши, одоб-ахлоқли, тарбияли, билимли ва албатта яхши касб эгаси бўлишларига имконият беришдир. Ўз навбатида, фарзандлар ҳам тарбияли ва салоҳиятли бўлиб вояга етганликларининг сабабчилари бўлган ота-оналарини ҳурмат-иззат қилишлари ва уларнинг дуоларини олишлари шартдир. Алломанинг юқоридаги фикрлари бугунги кундаги баъзи бир “ота-оналарга” қаратилганки, мол-дунё, тирикчилик, мансаб, шоҳона ҳаёт мақсадида жигарбандларига таълим-тарбия, одоб, илму маърифат беришда сусткашликка йўл қўймоқдалар. Таассуфки, шундай “ота-оналар”нинг фарзандлари натижада келажакда жамият учун кераксиз, ижтимоий ҳаётда ўз ўрнини топа олмайдиган, лоқайд ва бепарво “инсон” бўлиб вояга етишади, бу эса жамиятга ўзининг салбий таъсирини ўтказмай қолмайди. Қайси бир ота-она ҳам ўзининг, ҳам фарзандларининг ҳаёти гўзал ва мукаммал ўтишини, келажаги порлоқ бўлишини ва юксак фазилатлар соҳиби бўлишини хоҳлар экан, фарзандларига яхши тарбия ва яхши билим бермоғи керак. Бундай ота-оналар жамиятга ҳам ўз таъсирларини яхши томондан ўтказган бўлади. Зеро, тарбияли, одоб-ахлоқли ва билимли фарзанд жамият тараққиёти ва юрт фаровонлиги йўлида хизмат қилади.

---

[1] Abu-l-Qosim Mahmud az-Zamaxshariy. “ ربيع الأبرار ونصوص الأخبار” Rabi’ ul-abror va nusus ul-axbor. Qo’lyozma. O’zbekiston Musulmonlari idorasi. inventar № 1490. b. 107. [Abul-Qasim Makhmud az-Zamakhshari. Rabī 'ul-abrār va nusus ul-akhbar. Manuscript. Muslim Committee of Uzbekistan. inventory No. 1490 p. 107.

[2] Boltayev A.A. Az-Zamaxshariyning ijtimoiy-siyosiy qarashlari (Socio-political views of az-Zamakhshari). Siyosiy fan.nom. ilm. dar. ol. uch. dis. – B., 2007. – B. 120.

Маҳмуд Замахшарийнинг маъно ва мазмунга бой ибратли ҳикматлари ўсиб келаётган келажак авлодни ота-онани ҳурмат қилиш, Ватанни севиш ва уни ардоқлаш, катталарни ҳурмат, кичикларга иззатда бўлиш, барчага яхшилик қилиш, эзгулик улашиш, муҳр-мурувват кўрсатиш каби олий қадриятларни эгаллашга қаратилган.

Маҳмуд Замахшарийнинг ахлоқий қарашларининг ўзига хос хусусиятлари ҳақида шундай хулоса қилиш мумкинки, унинг ахлоқ-одоб, таълим-тарбия, эзгу амаллар каби долзарб масалалар тарихий ва ижтимоий тамойиллар асосида тадқиқ қилиниши ва улардан комил инсонни тарбиялашда самарали фойдаланишни тақозо қилади. Ҳозирги даврга келиб, умуминсоний, ахлоқий ва маънавий қадриятлар фуқаролик жамиятини ривожлантириш омиллари сифатида ўзини намоён қилганлиги Маҳмуд Замахшарий илгари сурган ахлоқий ғояларнинг қанчалик муҳим аҳамиятга эга эканлигини кўрсатиб беради.

Маҳмуд Замахшарийнинг ахлоқ-одобга оид қарашлари ҳамда ибратли насиҳатларидан она Ватанини севадиган, юксак маънавиятли, маданиятли, тарбияли, билимдон ва мустақил фикрлайдиган ёшларни тарбиялаш дастури амал сифатида фойдаланиш мумкин.

Дарҳақиқат, Маҳмуд Замахшарий келтирган барча ахлоқий фазилатлар, гўзал хислатлар орқали инсон улуғ ишларни қилишга ва юксак марраларга эришишга муваффақ бўлади.

АБДУРАҲМОН ЖОМИЙНИНГ “АЛ-ФАВОИДУ-З-ЗИЁИЙЙА” АСАРИДА “ТОБЕ СЎЗЛАР”НИНГ ИФОДАЛАНИШИ

ЖЎРАЕВА МАДИНА

Мустақил тадқиқотчи, ТДШИ

Аннотация. *Абдураҳмон Жомий “Ал-Фавоиду-з-Зиёиййа” асарида “Тобе сўзлар”нинг ёритилиши ва грамматик таҳлилини кенг тадқиқ этган. “Тобе сўзлар” мавзуси наҳвга оид бошқа асарлар билан қиёслаб шарҳланган. Шунингдек, асарда “тобе сўзлар”нинг “мослашган аниқловчи” ва унинг турлари бўлган ҳақиқий ва сабабли мослашган аниқловчилар, “бирикувчи изоҳловчи” ва унинг турлари бўлган боғловчилар ёрдамида боғланган [ююшиқ бўлаклар] ва “атфун-насқ” (боғловчи ёрдамида мослашиш орқали жумланинг бир бўлагига боғланган исм), “таъкидловчи аниқловчи” ва унинг турлари бўлган лафзий ва маънавий таъкидловчи аниқловчи, “изоҳловчи ўрнидаги исм” ва унинг таркибига кирувчи бадал ал-кулл ва бадал ал-баъз, шунингдек “аниқловчи изоҳловчи” каби турлари илмий жиҳатдан таҳлил этилган. Мазкур ишда “Ал-Фавоиду-з-Зиёиййа” асаридаги “тобе сўзлар”нинг ифодаланиши мавзусининг ўзига хос хусусиятлари атрофлича таҳлил қилиниб, наҳвга оид бошқа асарлар билан қиёсланди ва фарқли жиҳатлари кўрсатиб ўтилди. Ўзига хос мураккабликка эга бўлган, араб тили грамматикасидаги “тобе сўзлар”ни манба асосида таҳлил қилишга эришилди. Жумладан, Жомийнинг асарида “Тобе сўзлар” мавзуси жуда чуқур ва кенг таҳлил этилган бўлиб, маълумотлар кетма-кетлик билан берилган ва мавзуни ёритишда Қуръони карим оятларидан, арабларнинг ўзига хос бўлган сўзлари ва бошқа шу каби мисоллар орқали қизиқарли ва аниқ далиллар билан таҳлил этилган. Мазкур далиллар атрофлича тадқиқ этилди. Ушбу грамматик категория ҳақидаги назарий билимлар манбадан олинган мисоллар билан тўлдирилди. Ушбу мавзуда учрайдиган грамматик қоидаларни ёритишда Жомийнинг ўзига хос ёндашуви кузатилади ва ишда булар аниқ ёритилиб ўтилди. Жумладан, “Ал-Фавоиду-з-Зиёиййа” асарида берилган “тобе сўзлар”*

мавзуи наҳвга оид бошқа асарлар билан қиёслаб ўрганилганда, унда баён этилган масалалар ҳозирги кун талабларига жавоб берадиган тамойил билан изоҳлангани аниқланди. Мавзуни ёритишда Жомий мантиқий ва грамматик жиҳатдан таҳлил қилиб, аниқлик киритади. Ҳар бир мавзу баёни, албатта, фактик мисоллар таҳлили билан чуқур ёритилган.

Таянч сўз ва иборалар: *тобе сўз, изоҳловчи, таъкидловчи аниқловчи, мослашган аниқловчи, ҳақиқий ва сабабли мослашган аниқловчилар, ўрин босувчи изоҳловчи, уюшиқ бўлаклар.*

Аннотация. *Произведение Абдурахмана Джами «Ал-Фаваиду-з-Зийаиййа» посвященно грамматике арабского языка. Оно известно в Центральной Азии под названием «Шарх мулло» и является комментарием к произведению «Кофия» Ибн Ходжиба. Однако «Ал-Фаваиду-з-Зийаиййа» известно в арабситике Мавераунахра в качестве самостоятельного произведения. В статье своеобразно комментируются правила нахва арабского языка, отмечается научное значение и место в развитии арабского языкознания произведения, его рукописных копий. Обширный анализ подчиненных слов на примере сочинения по грамматике арабского языка Абдурахмана Джами «Ал-Фаваиду-з-Зийаиййа». Были изучены материалы по темам: «заменительное приложение», «атрибутивное приложение», «усиленное определение», «соединительное приложение». В сочинениях также упоминаются «адаптивные идентификаторы» подчиненных слов и их истинные и аргументированные адаптивные идентификаторы, «связывающая аннотация» и связанные с ними типы связи и "атфун-наск" (существительное), «определяющий идентификатор», а также выразительный и духовный определитель их типов, таких как «имя в месте аннотатора» и его заменитель аль-кулл и бадал аль-ас, а также «определяющий объяснительный» научный анализ. В этом сочинении тщательно проанализированы особенности выражения слова «подчинение» в книге «Ал-Фаваиду-з-Зийаиййа» по сравнению с другими произведениями похоти, и выделены их различия. В статье проанализированны связанные с источником слова в арабской грамматике, которые имеют свою сложность. В частности, в работе Джами тема «Подчинения» глубоко и всесторонне проанализирована, и информация представлена последовательно, с интересными и точными фактами из Корана, арабских слов и других примеров. В статье рассмотрены эти аргументы более подробно. Теоретические знания об этой грамматической категории были дополнены примерами из источника. Джами придерживался особого подхода к интерпретации грамматических правил, которые следуют по этой теме, и это четко указано в статье. В частности, когда предмет возвышенных слов в «Ал-Фаваиду-з-Зийаиййа» сравнивался сдругими работами, было обнаружено, что упомянутые в нем вопросы были объяснены в соответствии с сегодняшними требованиями. Освещая предмет, Джами проводит его логический и грамматический анализ. Каждое тематическое изложение, анализируется на фактических примерах.*

Опорные слова и выражения: *Зависимое слово, определение, согласованное определение, заменительное приложение, атрибутивное приложение, однородные члены.*

Abstract. *In the work of Abdurahman Jami in "Al-Favoidu-z-Ziyoiyya" by analysed the property of Arabic subordinate words,under the subject "The subordinate words",materials of grammatical issues such as "attribute apposition", "connective apposition", "enhanced attribute" have been analised. The article also refers to "adaptive identifiers" of "subordinate words" and their true and reasoned adaptive identifiers, their "connecting annotation" and their associated types of binders] [and "atfun-nasq" noun), "defining identifier", and the expressive and spiritual determinant of their types, such as "name in the place of annotator" and its substitute al-kull and badal al-as, and also "determinative explanatory" scientific analysis. In this article, the peculiarities of the expression of the word "subjugation" in the book Al Fawaidu z Ziyoiyya are thoroughly analyzed, compared with other works of lewdness, and their differences are highlighted. The article has been able to analyze source-related words in Arabic grammar that have their own complexity. In particular, in the work of Jami, the subject of "Subjugations" is deeply and broadly analyzed, and the information is presented in a consistent manner, with interesting and accurate facts, from the Quranic verses, the Arabian words and other similar examples. Theoretical knowledge about this*

grammatical category was supplemented by examples from the source. Jami's particular approach to the interpretation of grammatical rules that follow on this topic is followed, and this is clearly stated in the article. In particular, when the subject of the sublime words in al-Fawaidu-z-Ziyahiyya was compared with other works of dharma, it was found that the issues mentioned in it were explained in a manner consistent with today's requirements. In covering the subject, Jami makes a logical and grammatical analysis of the subject. The fact that each topic statement is, of course, analyzed by factual examples, is detailed in the article.

Keywords and expressions: *Jami, subordinate words, syntax, explanatory, substituting explanatory, emphatic determinant, attribute clause, linking clauses, replacing clause.*

Кириш. Форс-тожик адабиётининг етук намояндаси Абдураҳмон Жомий ўзининг кўп сонли адабий-бадиий асарлари билан илмий жамоатчиликка танилган. Мутафаккир адабиётшунослик соҳасидан ташқари, тилшунослик, жумладан, араб тилшунослиги соҳасида ҳам баракали ижод қилган. Жомийнинг Марказий Осиё мадраса таълим тизимида машҳур бўлган "Ал-Фавоиду-з-Зиёиййа" асари ана шундай нодир манбалардан саналади. Ушбу асарнинг илмий аҳамияти унинг кўплаб қўлёзма ва босма нашрларда тарқалганлигида ҳам кўринади. Асар анча мураккаб манба бўлганлиги сабабли ундаги грамматик категориялар шу кунгача тилшунослик жиҳатидан илмий тадқиқ этилмаган. Абдураҳмон Жомийнинг араб тили грамматикасига бағишланган "Ал-Фавоиду-з-Зиёиййа" асарининг араб тилшунослиги тарихида тутган ўрнини ўрганиш, муаллифнинг грамматик категорияларни ёритиш принциплари, йўл-йўриқларини тадқиқ этиш, муаллифнинг баён этиш принципларини даврдош бошқа тилшунослар ишига қиёслаш ва шу йўл билан Абдураҳмон Жомийнинг тилшунослик соҳасидаги хизматларини очиб беришдан иборат.

Мақсад ва вазифа: Мазкур мақолада "Ал-Фавоиду-з-Зиёиййа" асаридаги "тобе сўзлар"-нинг ифодаланиши, хусусиятларини атрофлича таҳлил қилишни, ўзига хос мураккабликка эга бўлган жиҳатларини илмий тадқиқ этишни, муаллифнинг "тобе сўзлар" ҳақидаги қарашларини таҳлил этиб ва унга муносабат билдиришдан иборат.

Усуллар: Мақолани ёритишда анализ ва синтез, семантик, қиёсий-типологик таҳлил каби усуллардан фойдаланилган.

Араб грамматикасида ўзидан олдин келаётган сўзга эргашиб, шу сўзнинг келишигига мос келишикда келадиган сўзлар "тобе сўзлар" дейилади. Абдураҳмон Жомий "Ал-Фавоиду-з-Зиёиййа" асарида тобе сўзларни шарҳлар экан, аввало бу сўзнинг қайси қолипдан келиб чиққанлигига алоҳида урғу беради. Жомийнинг фикрича:

التوابع و هى جمع تابع منقول من الوصفية الى الاسمية ، و الفاعل الاسمي يجمع على (فواعل) ك(الكاهل) على (الكواهل)[1]

التوابع (тавобеъ) сўзи تابع (тобе)нинг кўплигидир. Васфиятдан (сифатдан) исмиятга кўчган ҳар бир فاعل (фоъил) вазни (қолипи)даги исмни فواعل (фавоъил) қолипида жам қилмоқлик, демак. Масалан, كاهل (коҳил) сўзи[2] كواهل (кавоҳил) шаклини олганидек.

Жомий "тобе сўзлар"ни қуйидагича таърифлайди:

التوابع كل ثان اى متأخر متى لو

حظ مع سابقه كان فى الرتبة الثانية منه فدخل فيه التابع الثانى و الثالث فصاعدا ملتبس بإعراب سابقه اى بجنس اعراب سابقه، بحيث يكون اعرابه من جنس اعراب سابقه، ناشئ كلاهما من جهة واحدة شخصية مثل (جاءنى زيدٌ العالمُ) فان (العالم) اذا لو حظ مع (زيد) كان فى الرتبة الثانية منه [1]

[1] F.Z.2/30

[2] كاهل (*ko'plik-* كواهل) -yelka, gardan *ma`nosida*. Qarang: Nosirov O, Yusupov M. "An-Na'im" arabcha-o'zbekcha lug'at (كاهل [ka`hil] (plural – كواهل) means a shoulder, with a neck. See Nosirov O, Yusupov M. An An-Na'im Arabic-Uzbek Dictionary). – T.: A.Qodiriy nomidagi xalq merosi nashriyoti, 2003. – B. 731.

Жомийга кўра, наҳвчилар (араб тилшунослари) наздида: жумлада исмдан кейин келган сўз ўзидан олдин келган исмнинг эъробига (ҳаракатига) тобе бўлса (эргашса), уни *тобе* дейдилар. Масалан, جاءنى زيدٌ العالمُ (Менинг олдимга ўқимишли, билимдон Зайд келди) жумласида العالمُ калимаси زيدٌ га тобедир. Муаллиф жумлада тобе сўз битта билан чекланмайди, балки у икки ва ундан ортиқ бўлиб келиши ҳам мумкинлигини таъкидлайди.

Аллома тобе сўзларнинг бешта турга бўлинишини баён этади. Улар: 1) النعت (صفة Сифат) – Мослашган аниқловчи. 2) العطف – Бирикувчи изоҳловчи (ёки уюшиқ бўлаклар) 3) التأكيد – Таъкидловчи аниқловчи. 4) البدل – Изоҳловчи ўрнидаги исм. 5) العطف بيان – Аниқловчи изоҳловчи.

Мослашган аниқловчи жумлада бирор-бир сўзга тобе бўлиб, у билан тўртта ҳолатда-жинсда, сонда, келишикда ва ҳолатда мослашиб келадиган исмдир. Абдураҳмон Жомийнинг айтишича:

النعت تابع جنس شامل للتوابع كلها و قوله يدل على معنى فى متبوعه اى يدل بهيئته التركيبية مع متبوعه على حصول معنى فى متبوعه مطلقا اى دلالة مطلقة غير مقيدة بخصوصية مادة من المواد، احتراز عن سائر التوابع[2]

У, яъни наът (النعت) сифат (صفت) ҳам деб номланади. Мослашган аниқловчи ўзи тобе бўлганни ёхуд унга тааллуқли сўзнинг маъносини аниқлаштирувчи тобе сўздир. Масалан: اعجبنى زيدٌ و علمُهُ жумласи аслида اعجبنى زيدٌ علمُهُ – "Зайд ва унинг илми ҳайрон қолдирди" кўринишида бўлган, аммо араблар кўп ҳолларда "و" "ва" боғловчисини тушириб қолдиради. Мослашган аниқловчини гапда қайси сўзни изоҳлаб келишига қараб Жомий 2 турга: ҳақиқий ва сабабли мослашган аниқловчиларга ажратади:

1. Ҳақиқий мослашган аниқловчи (صفت الحقيقية (сифату-л-ҳақиқиййа) ёки نعت الحقيقية (наъту-л-ҳақиқиййа) – бу сифат воситасида аниқланаётган исмга таъриф беришдир. Масалан: الحسنُ الطويل – Узун (бўй-бастли) Ҳасан. Мазкур бирикмада الطويل – "узун (бўйли)" сўзи الحسنُ – "Ҳасан" исмини аниқлаб келаётган сифатдир.

2. Сабабли мослашган аниқловчи (صفت سببيه (сифат сабабия) ёки نعت سببيه (наът сабабия)) – аниқланаётган исмга боғлиқ бўлган ёки унга алоқадор бўлган нарсаларга таъриф беришдир. Масалан: الحسن الطويل اليد – Узун қўлли Ҳасан. Ушбу мисолда الطويل – "узун" сўзи الحسنُ – "Ҳасан" исмини аниқлаб келмаяпти, балки الحسنُ – "Ҳасан" га алоқадор бўлган اليد –"қўл" сўзига мослашган аниқловчи бўлиб келяпти, чунки унинг эгасига нисбатан айтилгандир.

Шунингдек, Маҳмуд Замахшарий[3] ўзининг "Муфассал" асарида мослашган аниқловчининг қайси келишикда туришлиги мослашаётган исмнинг келишигига боғлиқ бўлиб, у билан бир хил бўлишини таъкидлайди. Шу билан бирга мослашган аниқловчи бирлик, иккилик ва кўплик сонларда, муаннас ва музаккар жинсларда, аниқ ва ноаниқ ҳолатларда аниқланиб келаётган исмга тўлиқ мослашишини уқтиради. Сибавайҳи эса мослашган аниқловчининг аниқланмиш билан боғланиб келишини таъкидлайди.

Абдураҳмон Жомий наът, яъни мослашган аниқловчининг ички моҳиятини жуда чуқур таърифлаган, мазкур категория баъзан:

و قد يكون لمجرد الثناء من غير قصد تخصيص أو توضيح، نحو: بسم الله الرحمن الرحيم
أو لمجرد الذمّ، نحو : أعوذ بالله من الشيطان الرجيم

---

[1] F.Z.2/30

[2] F.Z.2/33

[3] ابو القاسم محمود بن عمر الزمخشرى. المفصل فى علم العربية. الطبعة الثانية.بيروت.1990-ص.116-114.

['abu alqasim mahmud bin eumar alzamkhsharaa. almufsil fa eilm alearabiati. altibeat althaanit. – Birut, 1990. – S. 116–114] (Abu al-Qasim Mahmoud bin Omar al-Zamakhshari. Detailed in Arabic science. Second Edition. – Beirut, 1990. – P. 116–114)

او لمجرد التأكيد، مثل: نفخةٌ واحدةٌ اذ الوحدة تفهم من التاء فى (نفخة) فأكدت ب(الواحدة)[1]

фақат мақтовни ифодалаб келишини таъкидлайди, масалан: بسم الله الرحمن الرحيم (Меҳрибон ва раҳмли Аллоҳнинг номи ила) жумласида الرحمن الرحيم сўзлари الله ни мақташликни ифодалаб келган. Жомий келтирган мазкур жумлада "الرحمن" – "меҳрибон" ва "الرحيم" – "раҳмли" сўзлари мослашган аниқловчи бўлиб келган. Чунки бу икки сўз Аллоҳнинг сифатини кўрсатмоқда. Ёки наът баъзида фақат ёмонлаш ва қоралашни ифодалаб келади. Масалан:أعوذ بالله من الشيطان الرجيم (Қувилган лаънати шайтон ёмонлигидан Аллоҳ паноҳини сўрайман) Бу ўринда шайтоннинг ёмонлиги ва унинг ёмонлигидан паноҳ тилаш лозимлигини ифодалаб келган. Келтирилган ушбу жумла " الرجيم" – "лаънатланган, қувилган" сўзи мослашган аниқловчи бўлиб, бу ерда аллома бу сўзни ёмон хислатни, камчиликни ифодалаб келишини назарда тутган. Шунингдек, олим мослашган аниқловчи таъкидни ифодалаб келиши мумкинлигини ҳам изоҳлаб қуйидаги мисолни келтиради: "نفخةٌ واحدةٌ" – "Бас, қачонки, сур бир бор чалинганида". "Алҳаққо" сураси 13-оят[2]. Бу ерда ягоналик نفخة (оғиздан пуфлаб чиқариш)[3]нинг "та"сидан билинса-да, аммо واحدة (бир)нинг "та"си билан мазкур ягоналик таъкид қилинган. Шунингдек, Жомий келтирган مررت بهذا الذى كَرَمٌ ای كريمٌ[4] – "Саховатли ғоят лутфи карамли одамнинг ёнидан ўтдим" жумласида (كَرَمٌ) саховат сўзи такрор келиб таъкидланган.

Абдураҳмон Жомийнинг мослашган аниқловчи борасидаги шарҳлари араб тилшунос олими Сибавайҳининг фикрларига жуда яқиндир. Сибавайҳи[5] мослашган аниқловчини аниқланмиш билан боғланиб келишини таъкидлаб баъзи ҳолларда аниқ исмга ноаниқ ҳолатдаги сифат қўшилиб келиши мумкинлигини айтиб ўтади. Масалан: مررت برجل شر منك – Сендан ёмонроқ кишининг ёнидан ўтдим. Жумлада "شر" – "ёмон" сўзи мослашган аниқловчи вазифасида келган бўлиб, бу сўз инсоннинг камчилигини билдириб келмоқда. مررت برجل خير منك – Сендан яхшироқ кишининг ёнидан ўтдим. Бу жумлада эса " خير" – "яхши" сўзи мослашган аниқловчи вазифасида келиб, инсоннинг хислатини билдириб келган.

Кўринадики, Абдураҳмон Жомий "Мослашган аниқловчи" бирикманинг ўрта асрнинг кўплаб араб тилшунослари эътиборидан четда қолган бир қатор хусусиятларини изоҳлаб ўтган.

Тобе сўзларнинг иккинчи тури бўлган **العطف** – боғловчи (бирлаштирувчи) изоҳловчи ҳақида Абдураҳмон Жомий қуйидаги фикрларни келтириб ўтади:

العطف يعنى المعطوف بالحرف تابع مقصودٌ أى قُصِدَ نسبته الى شيئ أو نسبة شيئ اليه بالنسبة الواقعة فى الكلام مع مطبوعه أى كما يكون هو مقصوداً بتلك النسبة يكون متبوعه ايضا مقصودا بها، نحو : جاءنى زيد و عمرو ، ف(عمرو) تابع، لنه معطوف على (زيد) قصد نسبة المجيئ اليه بنسبة المجئ الواقعة فى الكلام[6]

Жомийга кўра атф (боғловчи) шундай (эргашувчи) тобедирки, матбуъ (эргашган сўз) билан бир хил нисбатдадир. Яъни, тобедан олдин келган иборада мақсад қилинган нисбат

---

[1] F.Z.2/33–34.

[2] Qur`oni karim ma`nolarining tarjima va tafsiri. Tarjima va tafsir muallifi Shayh Abdulaziz Mansur (Translation and interpretation of the meanings of the Holy Quran. Translated and translated by Sheikh Abdulaziz Mansur). – T.: Toshkent islom universiteti nashriyot-matbaa birlashmasi, 2009. – B. 567.

[3] Nosirov O, Yusupov M. "An-Na'im" arabcha-o'zbekcha lug'ati (Arabic-Uzbek Dictionary of An-Na'im). – T.: A. Qodiriy nomidagi xalq merosi nashriyoti, 2003. – B. 840.

[4] F.Z.2/33–34.

[5] ابو بشر عمرو بن عثمان بن قنبر. كتاب سيبويه. تحقيق و شرح عبد السلام محمد هارون. الجزء الاول. بيروت, 2003 – ص,422-423] 'abu bashar eamr bin euthman bin qanbir. kitab sibwyh. tahqiq w sharah eabd alsalam muhamad harun. aljuz' alawl. – Birut, 2003. – S. 422–423] (Abu Bishr Amr bin Othman bin Qanbar. Sibawayh Book. Investigation and explanation of Abdul Salam Muhammad Harun. part One. – Beirut, 2003. – P. 422–423.

[6] F.Z.2/34.

тобе сўзда ҳам мавжуд демакдир. Масалан, جاءنى زيد و عمرو “Мени олдимга Зайд ва Умар келди” мисоли каби. Бу ерда аллома исм қаратқич ёки тушум келишигида келишидан қатъи назар атф, яъни боғловчини икки исмнинг ўртасида келиб, ҳар иккисини ҳам бир хил келишикда келишини таъминлашини назарда тутган.

Жомий асарда тобе сўзларнинг عطف بالحرف – Боғловчилар ёрдамида боғланган [уюшиқ бўлаклар] тури ҳам мавжудлигини айтиб ўтади. Жомийга кўра уюшиқ бўлакларни عطف النَّسَق – “Атфун-насқ” (Боғловчи ёрдамида мослашиш орқали жумланинг бир бўлагига боғланган исм) деб ҳам номлашади. Бунда боғдовчилар бир сўзни ёки бутун бошли бир жумлани ўзидан олдинги сўзга ёки жумлага боғлайди. Масалан: جاء زيد و عمرو – Зайд ва Амр келди, ذهب عبدالله فاخوه – Абдуллоҳ ва унинг акаси кетди, سافر خالد ثم سافر أبوه – Холид сафарга чиқди, сўнгра унинг отаси, каби.

و يتوسط بينه اى بين ذلك التابع و بين متبوعه أحد الحروف العشرة مثل : قام زيد و عمرو[1]

Асарда “Тобе (сўз) билан матбуъ (эргашган сўз) ўртасида 11 “ъатф” деб аталмиш ҳарфлар (боғловчилар)дан бири келади, масалан: “Зайд ва Амр ўрнидан турди” мисолида “Амр” эъробда “Зайд”га тобедир” дейди. Абдураҳмон Жомий асарда бошқа араб наҳвшунос олимларидан фарқли равишда “ъатф” деб аталмиш боғловчи юкламаларнинг 11 та турини келтириб ўтади. Олим айтадики: و هى: الواو و الفاء و ثم و حتى و أو و إمّا و ام ولا و بل و لكن و عد بعضهم "أى" المفسرة منها. – Улар "و" ва "ف" – “ва” маъносида, "ثم" – “сўнгра”, "حتى" - “...гача, хатто”, "أو" ва "أم" - “ёки”, "بل" – “балки”, "لا" – “йўқ”, "لكن" – “лекин”, “اى” – “яъни”, " إمّا" -“ёки” маъноларидаги юкламалардир. Жомий: و الجواب: أن الواو الداخلة على "إمّا" الثانية لعطفها على "إمّا" الأولى فلكل منهما فائدةأخرى ,فلا لغو “إمّا" الثانية لعطف ما بعدهاعلى بعد "إمّا" الأولى – “Баъзи наҳв олимлари “اى” (“яъни”)ни ҳам боғловчи юкламалардандир деб ҳисоблашган” дейди. Шунингдек, олим والجواب: أن الواو الداخلية علي "إمّا" الثانية لعطفها على " إمّا " الاولى و " إمّا " الثانية لعطف ما بعدها على بعد " إمّا " الاولى فلكل منهما فائدة أخرى‘فلا لغو[2] " إمّا "- (“ёки”) юкламасини ҳам боғловчи юкламалар қаторига киритади ва " إمّا "нинг "أو" билан ёки "و" – “вов” боғловчиси билан бирга келишини таъкидлаб унга қуйидаги мисолларни келтиради: جاءنى إمّا زيد أوعمرٌ و – Менинг олдимга ё Зайд ёки Амр келди. جاءنى إمّا زيد و إمّا عمرٌ و - Менинг олдимга ё Зайд ва ёки Амр келди. Жомий: Баъзи наҳв олимлари бу ерда “вов” боғловчи юкламалар إمّا эмас, дейишганини айтиб ўтади ва олим яна шуни айтадики: Агар إمّا боғловчи юклама бўлмаса, нега келяпти, демак, إمّا боғловчи юклама бўлганлиги учун жумлада ёзилгандир, дейди.

Мустафо Ғалайиний العطف – боғловчи (бирлаштирувчи) изоҳловчини қуйидагича таърифлайди: “Боғловчилар ёрдамида боғланган – бу тобе сўз бўлиб, исм ҳамда унга эргашиб келаётган сўзнинг орасида боғловчи юкламалардан бирининг келишидир. Масалан: اكرمتُ - سعدا ثم سليما Мен Саидни, сўнгра Салимни меҳмон қилдим. Боғловчи юкламалар 9 тадир. Улар "و" ва "ف" – “ва” маъносида, "ثم" “сўнгра”, "حتى" - “...гача, хатто”, "أو" ва "أم" - “ёки”, "بل"- “балки”, "لا" – “йўқ”, "لكن" – “лекин” маъноларидаги юкламалардир[3].

Гапда икки исмнинг ўртасида боғловчи юкламалардан бири келиб, уларни бир-бирига боғлайди ва бир хил келишикда келади. Ушбу икки исм араб тили грамматикасида тобе сўзлар дейилса, ўзбек тилшунослигида уюшиқ бўлакларга тўғри келади.

---

[1] F.Z.2/35.

[2] F.Z.572.

[3] .576 .ص .2003 .–بيروت، مصطفي الغلاييني. جامع الدروس العربية.موسوعة من ثلاثة أجزاء [mustafa alghalayini. jamie aldurus alearabia.mawsueat min thlatht 'ajza'. – Beyrut, 2003. – S. 576] (Mustafa Al-Ghalayini. The Arabic Lessons Collector. An encyclopedia of three parts. – Beirut, 2003. – P. 576)

Тобе сўзларнинг учинчи тури التأكيد – таъкидловчи аниқловчи асарда қуйидагича ифодаланган:

التأكيد تابع يقرر أمر المتبوع اى حاله و شأنه عند السامع، يعنى يجعل حاله ثابتا مقررا عنده فى النسبة اى فى كونه منسوبا اليه، فيثبت عنده و يتحقق أن المنسوب أو المنسوب اليه فى هذه النسبة هو المتبوع لا غير، و لذلك اما لدفع ضرر الغفلة عن السامع أو لدفع ظنه بالمتكلم الغلط أو الشمول[1]

Абдураҳмон Жомий таъкидловчи аниқловчи тобе (эргашувчи) сўз, айтилган матбуъ (эргашган сўз)ни таъкид билан (яъни, сўзни такроран келтириш ёки шунга яқин алоқадор исмнинг келиши орқали) аниқлайдиган исмдир, дейди. Масалан, جاءنى زيد (Менинг олдимга Зайд келди) дейилганида, келганлик нисбати (яъни, ҳолати) Зайдга берилган бўлади. Аммо эшитувчининг ҳаёлига: "Зайд эмас, балки унинг ўғли ва ё хизматкори, ёхуд Зайдга алоқадор биронтаси келган бўлиши ҳам мумкин-ку", деган фикр ўтиши мумкин. Шу боисдан جاءنى زيد زيد (Зайд (келди), Зайд келди) деб айтилса, жумладаги иккинчи "Зайд" сўзи таъкид бўлиб, у жумлада биринчи "Зайд" сўзи учун устуворлик ва муқаррарликни ифодаламоқда. Шунингдек, асарда келтирилган جاءنى القوم كلهم (Қавмнинг барчаси олдимга келди) жумласида القوم сўзи гарчи ҳаммани қамраб олса-да, аммо كلهم таъкиди аксариятни (кўпчиликни) ифодалайди. Аллома таъкидловчи аниқловчини 2 турга ажратади: 1. Лафзий; 2. Маънавий.

1. Лафзий таъкидловчи аниқловчи сўзни такроран таъкидлаш орқали ифодаланади. Масалан: جاءنى زيد زيد (Зайд (келди), Зайд келди). Жомийга кўра, лафзий таъкид аниқ исм, феъл, юклама ёки жумла бўлиши мумкин. Масалан:

Исмда:جاءنى زيد زيد – Зайд, Зайд келди.

Феълда: ضرب ضرب زيد – Зайд урди, урди.

Ҳарфда: ان ان زيدا قائم – Ҳақиқатан, ҳақиқатан Зайд оёқда тик турибди.

Такрорий жумлада: ضرب زيد ضرب زيد – Зайд урди, Зайд урди.

2.Маънавий таъкидловчи аниқловчи араб тилидаги ўзлик олмошини ва (نفسه,عينه) "ўзи", (كلهما,اجمع) "ҳаммаси, бари", (كلتهما) "улар иккови" каби сўзларни келтириш орқали ҳосил бўлади. Масалан, ضربت انت نفسك – сени ўзинг урдинг.

Маҳмуд Замахшарий ҳам "Муфассал" асарида таъкидловчи аниқловчини икки турга ажратади. Аммо, уларни бошқача ном билан, яъни "Такрорий аниқ таъкидловчи аниқловчи ва ноаниқ таъкид" деб таъриф берган. Замахшарий уларни қуйидагича изоҳлайди:

1. Такрорий аниқ таъкидловчи аниқловчи. Унинг вазифасида исм, феъл, предлог, жумла, исм ва олмош (кишилик олмоши) келиши мумкин. Масалан: ضربت زيدا زيدا – Зайдни, Зайдни урдим.

2. Ноаниқ таъкид. Масалан: فعل زيد نفسه و عينه – Зайднинг ўзи, ўзи қилди[2].

Сибавайҳи эса таъкидловчи аниқловчини турларга ажратмасдан, Абдураҳмон Жомий ёритиб ўтган турларини гапда келиш ҳолатлари тарзида тадқиқ этган. Сибавайҳининг фикрича, таъкидловчи аниқловчи жумлада бир сўзни таъкид билан, яъни сўзни такрорий келтириш ёки шунга яқинроқ бўлган исмнинг келиши орқали аниқлайдиган исмдир. Масалан: رأيت زيدا زيدا – Зайдни, Зайдни кўрдим, أتى عمر نفسه – Умарнинг ўзи келди.

Мустафо Ғалайиний Абдураҳмон Жомийнинг сўзларини тасдиқлаб, таъкидловчи аниқловчини икки турга ажратиб, у ҳам Жомийдек "лафзий ва маънавий таъкидловчи аниқловчи" деб баён қилади.

---

[1] F.Z.2/36.

[2] ابو القاسم محمود بن عمر الزمخشرى. المفصل فى علم العربية. الطبعة الثانية.بيروت.1990-ص.116-114. ['abu alqasim mahmud bin eumar alzamkhsharaa. almufsil fa eilm alearabiati. altibeat althaaniat. – Birut, 1990. – S. 116–114] (Abu al-Qasim Mahmoud bin Omar al-Zamakhshari. Detailed in Arabic science. Second Edition. – Beirut, 1990. – P. 116–114)

Абдураҳмон Жомий, Маҳмуд Замахшарий ва Мустафо Ғалайинийнинг фикрлари бир-бирига яқин бўлиб, таъкидловчи аниқловчининг турлари, унинг вазифасида келадиган сўз туркумлари борасидаги маълумотларни берган. Сибавайҳига келсак, у таъкидловчи аниқловчининг жумлаларда қўлланилиш ҳолатларини ёритиб ўтган.

Араб тили грамматикасида таъкидловчи аниқловчи жумлада бирор нарсага алоҳида урғу бериш учун ишлатиладиган исм ҳисобланади. Баъзан, التأكيد – таъкидловчи аниқловчини кучайтирувчи изоҳловчи деб ҳам аташади. Таъкидловчи аниқловчини жумлада ифодалаш учун маълум бир сўзни такрорий келтириш ёки ўзлик олмошини (نفسه,عينه) "ўзи", (كلهما,اجمع) "ҳаммаси, бари", (كلتهما) "улар иккови" каби сўзларни қўллаш орқали амалга оширилади.

Тобе сўзларнинг тўртинчи тури البدل – изоҳловчи ўрнидаги исмдир. Абдураҳмон Жомий изоҳловчини қуйидагича шарҳлайди:

البدل تابع مقصود بما نسب الى المتبوع اى يقصد النسبة اليه ما نسب الى المتبوع دونه اى دون المتبوع اى لا تكون النسبة الى المتبوع مقصودة ابتداء بنسبة ما نسب اليه بل تكون النسبة اليه توطئة و تمهيدا للنسبة الى التابع سواء كان ما نسب اليه مسندا اليه أو غيره، مثل (جاءنى زيد أخوك) و (ضربت زيدا أخاك) و (مررت بزيد أخيك) [1]

Бадал – яъни изоҳловчи – ўзидан аввал келаётган сўзга ҳеч қандай воситасиз тобе бўлиб ва уни изоҳлаб келаётган сўздир. Масалан: جاءنى زيد أخيك – Менинг олдимга сенинг аканг – Зайд келди. (Бу каломдан мақсад مجئ нинг нисбати زيد га эмас, балки أخوك гадир. Бу ерда زيد нинг зикри тобенинг муқаддимасидир)

Мана шу ўринда Жомий изоҳловчини тўртга бўлиб, уларни қуйидагича таърифлайди:

1. بدل الكل - (Бадал ал-кулл) изоҳланиб келаётган исмнинг тўлиқ маъносини ифода этувчи изоҳловчи. Масалан: جاءنى زيد أخوك أخوك – Менинг олдимга сенинг аканг – аканг Зайд келди..

2. بدل البعض – (Бадал ал-баъз) изоҳланиб келаётган исмнинг фақатгина бир қисминигина ифодаловчи изоҳловчи. Бу каби изоҳловчилар изоҳланиб келаётган исмнинг маъносини тўлиқ ифодаламасдан, маълум бир бўлагини ёки ярмисини ёритиб беради. Масалан: ضربت زيدا رأسه (Мен Зайднинг бошига урдим).

3. و بدل الاشتمال – (Бадал ал-иштимал) изоҳланиб келаётган исмнинг маълум бир хусусиятини тавсифлаб келувчи изоҳловчи. Масалан: يسألونك عن الشهر الحرام قتال فيه – Сиздан "Шаҳри Ҳаром"да жанг қилиш (ҳукми) ҳақида сўрамоқдалар аноятн каби[2]. Бақара сураси 217-оят.

4. و بدل الغلط – (Бадал ал-ғалат) изоҳланиб келаётган исмнинг маъносини тўлиқ ифодалаб келувчи изоҳловчи. Бу каби изоҳловчилар изоҳланиб келаётган исмни маъжозий маъно билан ундай изоҳлаб, уни тавсифлайди. Масалан: جاءنى زيد حمار – Менинг олдимга Зайд – (кечирасиз, мен билмасдан , хато қилиб бу исмни айтдим) тўғрироғи, эшак келди.[3]

Умуман олганда, араб тилида бирор сўзнинг ўрнида ишлатилувчи изоҳловчи البدل дейилади. Замонавий араб тилшунослари мазкур изоҳловчини "Ўрин босувчи изоҳловчи" деб ҳам таржима қилишади. Бундай изоҳловчи изоҳланмишдаги маънони тўлалигича ёки қисман ўз ичига олади. Бу изоҳловчилар изоҳланмишдан кейин келади ва унга мос бўлган бирикма олмошни ўзига қабул қилади ҳамда изоҳланмиш билан бир хил келишикда келади. Масалан: محمودٌ عِلْمُهُ يُعْجِبُنِى – Менга Маҳмуднинг билими ёқади. (Менга Маҳмуд, унинг билими ёқади)[4]

---

[1] F.Z.2/62.

[2] Qur`oni karim ma`nolarining tarjima va tafsiri. Tarjima va tafsir muallifi Shayx Abdulaziz Mansur (Translation and interpretation of the meanings of the Holy Quran. Translated and translated by Sheikh Abdulaziz Mansur). – T.: Toshkent islom universiteti nashriyot-matbaa birlashmasi, 2009. – B. 34.

[3] F.Z.2/63.

[4] Ibrohimov N., Yusupov M. Arab tili grammatikasi (Arabic Grammar). – T.: O'zbekiston milliy ensiklopediyasi O'zbekiston milliy ensiklopediyasi Davlat nashriyoti, 1997. I jild. – B. 351.

Абдураҳмон Жомий ўрин босувчи изоҳловчи ва унинг жумлада келиш ҳолатларини батафсил ёритган. Шунингдек, илк ўрта асрнинг арабшунос олими Сибавайҳининг мазкур изоҳловчига берган таърифига назар ташласак олим ўрин босувчи изоҳловчини Жомий каби алоҳида турларга ажратмайди, фақатгина изоҳловчининг жумлада қўлланиш ҳолатларини умумий ёритиб ўтади[1]. Маҳмуд Замахшарий[2] ва Мустафо Ғалайинийлар[3] Абдураҳмон Жомий каби изоҳловчини тўртта турга бўлиб, уларни алоҳида таърифлаб ўтишган.

Тобе сўзларнинг бешинчи тури бўлган العطف بيان – Аниқловчи-изоҳловчини Жомий қуйидагича шарҳлаган:

عطف البيانِ تابع شامل لجميع التوابع غير صفة احترز به عن الصفة يُوضِّحُ متبوعه احتراز به عن البدل و العطف بالحروف و التأكيد و لا يلزم من ذلك أن يكون عطف البيان أوضح من متبوعه بل ينبغى أن يحصل من اجتماعهما ايضاح لم يحصل من أحدهما على الانفراد فيصح أن يكون الأول أوضح من الثانى، مثل: أقسمَ بالله أبو حفصٍ عُمَر فأبو حفص كنية أمير المؤمنين عمر بن الخطاب رضى الله عنه و عمر عطف بيان له[4]

Аниқловчи-изоҳловчи – у сифат бўлмаган ва ўзининг матбуъини (яъни, эъробда ўзига тобе бўлган сўзнинг маъносини) аниқ, равшан очиб берувчи исмдир. Жомий аниқловчи изоҳловчини мана шу хусусияти билан бошқа тобе сўзлар, яъни бадал (изоҳловчи ўрнидаги исм) ва таъкид (таъкидловчи аниқловчи)дан катта фарқ қилишини қайд этади. Масалан, أقسمَ بالله أبو حفصٍ عُمَر "Аллоҳга қасамки, Хафснинг отаси Умар" жумласида عُمَر – "Умар" сўзи аниқловчи-изоҳловчидир. У шундай тобе сўзки, дейди Жомий ушбу сўз сифат эмас ва у ўзининг матбуъи (эъробда ўзига тобе бўлган сўзнинг) أبو حفصٍ – "Хафснинг отаси" иборасини аниқлаштириб келмоқда. Мазкур мисолда "Умар" дейилганда асл мақсад "Мўминлар амири Умар ибн Хаттоб розийаллоҳу анҳу" назарда тутилиб, мана шу инсонни зикр этишдир.

Хулоса. Жомий аниқловчи-изоҳловчига таъриф берар экан, унинг ўзига хос фарқли жиҳатларини тавсифлаб ўтади. Маҳмуд Замахшарий[5] ва Мустафо Ғалайиний[6] ҳам Жомийнинг фикрларига жуда яқин бўлган маълумотларни келтиришган. Аммо, Сибавайҳининг асарида аниқловчи-изоҳловчи тадқиқ қилинмаган.

Умуман олганда, Жомийнинг "Ал-Фавоиду-з-Зиёиййа" асарида "Тобе сўзлар" мавзуси жуда чуқур ва кенг таҳлил этилган бўлиб, маълумотлар кетма-кетлик билан берилган ва мавзуни ёритишда Қуръони карим оятларидан, арабларнинг ўзига хос бўлган сўзлари ва бошқа шу каби мисоллар орқали қизиқарли ва аниқ далиллар билан таҳлил этилган.

---

[1] ['abu bashar eamrw bin euthman bin qanbir. kitab sibwyh. tahqiq w sharah eabd alsalam muhamad harun. aljuz' alawl. – Birut, 2003. – S. 572–570] (Abu Bishr Amr bin Othman bin Qanbar. Sibawayh Book. Investigation and explanation of Abdul Salam Muhammad Harun. part One. – Beirut, 2003. – P. 572–570).

[2] ['abu alqasim mahmud bin eumar alzamkhsharaa. almufsil fa eilm alearabiati. altibeat althaanit. – Birut, 1990. – P. 123–122] (Abu al-Qasim Mahmoud bin Omar al-Zamakhshari. Detailed in Arabic science. 2nd ed. – Beirut, 1990. – P. 123–122)

[3] [mustafaa alghalayini. jamie aldurus alearabia. mawsueat min thlatht 'ajza'. – Beyrut, 2003. – S. 572–570] (Mustafa Al-Ghalayini. The Arabic Lessons Collector. An encyclopedia of three parts. – Beirut, 2003. – P. 572–570)

[4] F.Z.2/68.

[5] ['abu alqasim mahmud bin eumar alzamkhsharaa. almufsil fa eilm alearabiati. altibeat althaanit. – Birut, 1990. – P. 123–122] (Abu al-Qasim Mahmoud bin Omar al-Zamakhshari. Detailed in Arabic science. 2nd ed. – Beirut, 1990. – P. 123–122)

[6] [mustafaa alghalayini. jamie aldurus alearabia.mawsueat min thlatht 'ajza'. – Beyrut, 2003. – S. 574] (Mustafa Al-Ghalayini. The Arabic Lessons Collector. An encyclopedia of three parts. – Beirut, 2003. – P. 574)

Хулоса ўрнида яна шуни айтиш мумкинки, ушбу мавзуда учрайдиган грамматик қоидаларни ёритишда Жомийнинг ўзига хос ёндашуви кузатилади. Жумладан, “Ал-Фавоиду-з-Зиёиййа” асарини наҳвга оид бошқа асарлар билан қиёслаб ўрганилганда, унда баён этилган синтаксис ва морфология масалалари ҳозирги кун талабларига жавоб берадиган тамойил билан изоҳлангани аниқланди. Мавзуни ёритишда Жомий мантиқий ва грамматик жиҳатдан таҳлил қилиб, аниқлик киритади. Ҳар бир мавзу баёни, албатта, фактик мисоллар таҳлили билан берилган.

Шунингдек, баён этилган ҳар бир мавзу “Ал-Фавоиду-з-Зиёиййа” асарида бирмунча кенгроқ, батафсил, содда, равон тилда изоҳлангани билан ажралиб туради. Жомий мавзуни ёритишда Сибавайҳи, Маҳмуд Замахшарий каби машҳур араб тилшуносларининг фикрларини келтириб, қиёслаб уларга муносабат билдирган.

РОЛЬ ВЫХОДЦЕВ ИЗ ЦЕНТРАЛЬНОЙ АЗИИ В СОЦИАЛЬНО-ПОЛИТИЧЕСКОЙ И КУЛЬТУРНОЙ ЖИЗНИ МАМЛЮКСКОГО ЕГИПТА

ХОДЖАЕВА РАЪНО

Доктор филологических наук, профессор, ТГИВ

Аннотация. *В статье рассматривается усиление тюркского фактора в Египте после прихода к власти во второй половине XIII века мамлюкских эмиров, выходцев из хорезмийских, туркменских и кипчакских племён. Влияние тюркского фактора коснулось всех сторон жизни Египта. Под предводительством тюркских эмиров египтяне разгромили крестоносцев, вторгшихся в Египет в 1248 г. Это поражение 7-крестового похода положило начало общему краху крестовых походов. Ещё одно сокрушительное поражение мамлюки во главе с султаном Кутузом нанесли монголам, остановив их победоносное шествие по арабскому миру. В результате этих блестящих побед Египет при первых мамлюкских султанах превратился в достаточно сильное государство, в котором развивалось земледелие, ирригация, внешняя торговля.*

В статье также рассматриваются факторы, способствующие превращению Египта в XIII – XIV вв. в центр мусульманской культуры после падения аббасидского халифата. В Египет съезжались учёные со всего мусульманского мира, интенсивно строились учебные заведения-медресе, начали создаваться мусульманские энциклопедии, вобравшие в себя достигнутые знания в области различных наук (географии, истории, филологии, астрономии, математики и т.д.) В знаменитых медресе Египта наряду с арабскими учёными учёные из Хорезма, Золотой Орды, Азербайджана и других тюркоязычных регионов преподавали хадисы, логику, ораторское искусство, фикх и другие мусульманские науки. В мамлюкском Египте наблюдается большой интерес к тюркским языкам, особенно огузско-кипчакскому диалекту. Арабские и тюркские филологи пишут специальные труды по лексике и грамматике тюркских языков, составляют арабо-тюркские словари. В Египте был создан целый пласт художественной тюркоязычной литературы, дошедшей до наших дней. Её основателем был известный поэт Сайф Сарайи, выходец из низовья реки Сыр-Дарья в Маварауннахр. Он писал на чигатайском (староузбекском) языке и считается поэтом, стоящим у истоков узбекской литературы. Кроме него известны имена ещё восьми тюркоязычных поэтов, большинство которых имеют нисбу "аль-Хорезми". Заметные изменения произошли и в самой арабской литературе, особенно после упадка дворцовой аббасидской поэзии. Происходит сближение литературы с народным творчеством, под влиянием которого в египетской поэзии появляются новые жанры, такие как "зажаль", "мавваль", "мувашшах" и др.

В мамлюкском Египте интенсивно развивается жанр "адаба", призванный в научно-популярной форме воспитать и просвещать добронравного мусульманина. Произведения "адаба" содержали большой поэтический и фольклорный материал из ривайатов и хикайатов, что даёт возможность иметь более полное представление о средневековой арабской литературе в целом.

К сожалению, культура, в том числе художественная литература мамлюкского периода Египта, мало изучена так же, как и влияние тюркского фактора на культурную и социальную жизнь египтян. Тюркское влияние ощущается в военной и бытовой лексике, внедрении новых обрядов, придворного этикета, пище, одежде, изменении критериев в оценке прекрасного и т.д. Выходцы из тюркских регионов, бывшие рабы, такие исторические личности как султанша Шаджарат ад-Дурр, мамлюкские султаны Кутуз и Бейбарс стали национальными героями египетского народа. Об

их деяниях были сложены народные романы – сиры. И в новое время их имена не преданы забвению. Видные египетские писатели им посвятили свои исторические романы, их именами названы улицы, им поставлены памятники, до сих пор по национальному телевидению демонстрируются посвященные им сериалы и телепостановки.

Настоящая статья впервые рассматривает аспекты влияния тюркского фактора на культурную жизнь мамлюкского Египта и освещает некоторые неизвестные страницы культурных связей между Египтом и Мавараннахром.

Опорные слова и выражения: мамлюки, мамлюкские султаны, хорезмийцы, кипчаки, кипчакско-огузский язык, тюркоязычная литература, арабо-тюркские словари, мусульманские энциклопедии, зажаль, мавваль, литература "адаба", тюркский фактор.

Аннотация. *Мазкур мақолада XIII аср иккинчи ярмида Хоразм, қипчоқ, туркман қабилаларидан чиққан мамлук амирлари Миср ҳокимияти тепасига келганда мамлакат ҳаётида туркий омилнинг кучайиши кузатилган. Бу туркий омил сиёсий-ижтимоий ва маданий ҳаётда ўзини намоён қилди. Туркий амирлар бошчилигида мисрликлар диёрига босиб кирган салбчиларни 1250 йили Мансура шаҳри ёнида тўхтатиб тор-мор қилишди. Бу 7-салбчиларнинг юриши эди ва унинг мағлубиятга учраши бутунлай насронийларнинг салб тажовузкор юришларига хотима ясади. Мамлук султони Қутуз эса, 1260 йилда Айн Жалут деган жойда босиб келаётган мўғулларга қарши жанг қилиб, уларнинг устидан катта ғалаба қозонгани бутун ислом дунёсини қувонтирди, чунки мисрликлар мўғулларнинг араб оламидаги зафарона юришини тўхтатиб, уларга қаттиқ зарба бериб, орқага улоқтириб ташлаган эди. Бу икки ёркин ғалаба натижасида Миср биринчи мамлук султонлар даврида душманларга қарши тура оладиган, ташқи савдоси, суғориш тизими ва деҳқончилиги яхши ривожланган кучли давлатга айланди.*

Шунингдек, мақолада XIII–XIV асрда Мисрда аббосий халифат емирилгандан сўнг мусулмон маданияти марказига айлангани кўриб чиқилган. Мисрда бутун мусулмон оламидан олимлар йиғилди, янги мадраслар қурилди, биринчи мусулмон энциклопедиялари яратилди. Улар илми-фаннинг турли соҳалари – жуғрофия, тарих, филология, фалакшунослик, аниқ фанлар бўйича ўзида етиб келган ва ислом тамаддунида пайдо бўлган билим-маълумотларни қамраб олган. Мадрасаларда араб устозлари билан бир қаторда Хоразм, Олтин Ўрда, Озарбайжон каби туркийзабон минтақалардан келган олимлар ҳадис, мантиқ, нотиқлик санъати, фиқҳ ва бошқа диний илмлардан дарс берарди. Мамлуклар даврида Мисрда турк тилига, айниқса, қипчоқ ва Хоразм шеваларига қизиқиш катта бўлди. Олимлар шу тилларнинг лексикаси ва грамматикаси бўйича махсус илмий ишлар яратиб, араб-туркий луғатлар туздилар. Мисрда шу даврда бизгача етиб келган туркийзабон бадиий адабиёт шаклланди. Унинг бошида Сирдарё қуйиларида туғилган ва тақдир тақозоси билан Мисрга келиб қолган таниқли Сайфи Саройи турар эди. У чиғатой (эски ўзбек) тилида асарлар ёзган, ўзбек адабиётига асос солган адиблардан ҳисобланади. Сайфи Саройидан бошқа Мисрда ижод қилган яна 8 нафар шоирларнинг номи маълум бўлиб, кўпчилигининг нисбаси "Хоразмий"дир.

Мамлуклар даврида соф араб адабиётида ҳам катта ўзгаришлар рўй берди. Мўғуллар зарбасидан кейин араб оламида анъанавий сарой шеърияти инқирозга учрайди, Миср адабиёти эса халқ оғзаки ижодига яқинлашиб, шеъриятида "мавал", "зажал", "мувашшах" каби янги жанрлар пайдо бўлди, шунингдек, "адаб" жанри равнақ топди. Бу жанр солиҳ мусулмоннинг тарбиясига йўналтирилган бўлиб, илмий маълумотларни оммабоп тарзда, турли ибратли ҳикоят ва шеърий парчаларни тақдим этарди. "Адаб" жанри асарлари ўзида бой бадиий ва дидактик материалларни мужассамлаштириб, ўша давр адабиёти тўғрисида тасаввурни кенгайтиради.

Афсуски, мамлуклар даври Миср маданияти, жумладан, адабиёти яхши ўрганилмаган. Айниқса, туркий омилни Мисрнинг сиёсий-ижтимоий ва маданий ҳаётга кўрсатган таъсири ҳанузгача чуқур тадқиқ этилмаган. Ваҳоланки, туркий элатларининг таъсири ҳарбий ва кундалик маиший ҳаёт лексикасида, янги қадриятлар, одат ва удумлар кириб келишида, ҳатто кийим кийишида, таомда яққол сезилди. Туркий қабилалардан чиққан, ҳаёт тақозоси билан оқ қуллар – мамлукларга айланиб, сўнг машҳур тарихий шахс мавқеига кўтарилган малика Шажарат ад-Дурр, мамлук султонлари

Қутуз ва Бейбарслар Миср халқининг миллий қаҳрамонлари сифатида танилган, улар тўғрисида ривоятлар, халқ романлари – сиралар тўқилган. Ҳозирги кунда ҳам улар Миср халқининг тарихий хотирасидан ўчгани йўқ. Машҳур араб ёзувчилари улар тўғрисида тарихий романлар ёздилар, уларнинг номлари кўчаларга қўйилиб, ҳайкаллар ясалган. Ҳанузгача телесериаллар олиниб, телеспектакллар намойиш қилинмоқда.

Ушбу мақолада мамлуклар даври Миср маданий ҳаётида биринчи бор туркий унсурлар кўриб чиқилиб, Миср ва Марказий Осиё ўртасидаги алоқаларнинг маълум бўлмаган баъзи саҳифалари ёритиб берилган.

Таянч сўз ва иборалар: *мамлуклар, мамлук султонлари, хоразмликлар, қипчоқлар, қипчоқ-ўғуз тили, туркий тилдаги адабиёт, араб-туркий луғатлар, мусулмон энциклопедиялари, зажал, маввал, "адаб" жанри, туркий фактор (омил).*

Abstract. *The article considers the strengthening of the Turkic factor in Egypt after the Mamluk Emirs, natives from the Khwarezm, Turkmen and Kipchak tribes, who came to power in the second half of the XIII century. The influence of the Turkic factor affected all aspects of life in Egypt. Under the leadership of the Turkic Emirs, the Egyptians defeated the crusaders who invaded Egypt in 1248. This defeat of the 7th crusade marked the beginning of the General collapse of the Crusades. Another crushing defeat of the Mamluks led by Sultan Kutuz caused the Mongols, stopping their victorious March through the Arab world. As a result of these brilliant victories, Egypt under the first Mamluk Sultans turned into a fairly strong state, which developed agriculture, irrigation, and foreign trade.*

The article also examines the factors contributing to the transformation of Egypt in the XIII–XIV centuries in the center of Muslim culture after the fall of the Abbasid Caliphate. Scientists from all over the Muslim world came to Egypt, educational institutions-madrassas were intensively built, and Muslim encyclopedias were created that absorbed the knowledge gained in various Sciences (geography, history, philology, astronomy, mathematics, etc.). Scholars from Khwarezm, the Golden Horde, Azerbaijan, and other Turkic-speaking regions along with Arab scholars taught hadith, logic, oratory, fiqh, and other Muslim Sciences in the famous madrassas of Egypt. In Mamluk Egypt, there was a great interest in the Turkic languages, especially the Oguz-Kipchak dialect. Arabic and Turkic philologists write special works on the vocabulary and grammar of the Turkic languages, and compile Arabic-Turkic dictionaries. In Egypt, a whole layer of artistic Turkic-language literature was created that has survived to the present day. The famous poet Saif Sarayi, who came from the lower reaches of the Syr Darya river in Mawaraunnahr was considered to be its founder. He wrote in Chigatai (old Uzbek) language and is recognized a poet who stands at the origins of Uzbek literature. In addition to his known the names of eight Turkish-speaking poets, most of whom have nisba "al-Khwarizmi". Notable changes occurred in Arabic literature itself, especially after the decline of Palace Abbasid poetry. There is a convergence of literature with folk art, under the influence of which the poetic genres, such as "zazhal", "mavval", "muvashshah", etc. emerge in the Egyptian poetry.

In Mamluk Egypt, the genre of "adaba" is rapidly developing, aimed at bringing up and enlightening the good-natured Muslim in a popular scientific form. The works of "adaba" contained a large amount of poetic and folklore material from rivayats and hikayats, which makes it possible to have a more complete understanding of medieval Arabic literature in general.

Unfortunately, the culture, including the fiction of the Mamluk period of Egypt, has been little studied, as well as the influence of the Turkic factor on the cultural and social life of the Egyptians. The Turkic influence is felt in the military and household vocabulary, the introduction of new rituals, court etiquette, changing the criteria for evaluating beauty, in food, clothing, etc. Natives of the Turkic regions, former slaves, historical figures such as the Sultan Shajarat ad-Durr, Mamluk sultans as Kutuz and Beybars became national heroes of the Egyptian people. Folk novels-Sirs were written about their deeds. And in modern times, their names are not forgotten. Prominent Egyptian writers have dedicated their historical novels to them, streets have been named after them, monuments have been erected to them, and series and TV shows dedicated to them are still shown on national television.

This article for the first time examines some aspects of the influence of the Turkic factor on the cultural life of Mamluk Egypt and highlights some unknown pages of cultural relations between Egypt and Mawaraunnahr.

Keywords and expressions: *Mamluks, Mamluk Sultans, Khwarezmians, Kipchaks, Kipchak-Oguz language, Turkic-language literature, Arab-Turkic dictionaries, Muslim encyclopedias, zajal, mavval, "adaba" literature, Turkic factor.*

Центральную Азию и Арабский Восток связывает общность мусульманского культурного наследия в рамках исламской цивилизации, хотя и в древности эти регионы являлись связывающими звеньями Великого Шёлкового пути, простирающегося от Китая через Центральную Азию, Ближний Восток на Запад вплоть до берегов Средиземного моря к Северной Африке. Яркие страницы в истории культурных взаимоотношений двух регионов наблюдаются в период правления в Египте, со второй половины XIII в. по XIV в. включительно, тюркских мамлюков, выходцев из хорезмийских, кипчакских, туркменских племён Центральной Азии.

При первых мамлюкских султанах Египет превратился в сильное государство, благодаря двум блестящим победам: над крестоносцами в 1250 г. и монголами в 1260 г. Хотя на первых порах султаны часто сменяли друг друга на троне, при них в стране установилась достаточно стабильная жизнь, развивались земледелие, ирригация, торговля. Египет также стал центром мусульманской культуры, куда съезжались многие ученые и литераторы, бежавшие от монгольского нашествия. Именно при мамлюках в XIV в. в Египте были созданы первые мусульманские энциклопедии, включившие в себя сведения по истории, географии, точным наукам, астрономии, религии и другим отраслям науки, собранные и классифицированные такими авторами как аль-Умари, ан-Нувейри, аль-Калкашанди.

Целью написания энциклопедий было сохранение научных знаний для потомков, особенно после того как сотни тюркоязычных, арабоязычных, персоязычных рукописей погибли во время монгольского нашествия в Хорезме, Багдаде, Дамаске. Они сгорели на пожарищах, утонули в реках Ирака. В этих энциклопедиях мамлюкского периода достаточно места уделяется и Мавараунахру – описанию его природы, культуры, городов, населения. В фундаментальной библиотеке АН Республики Узбекистан в отделе редких книг содержится экземпляр 14-томной энциклопедии Шихаб ад-Дина аль-Калкашанди (Субҳ ал-аша фи синати-л-инша), подготовленный к изданию Ахмедом аз-Заки паша и изданный в Каире в 1913–1919 гг. Название энциклопедии переводится как «Светоч для незрячего в создании сочинения» и предназначен для секретарей (катибов) и диванов (канцелярий), а также образованных мусульман.

В научном мире существуют разногласия в оценке развития арабской культуры при мамлюках. На наш взгляд, эти разногласия имели место из-за недостаточной изученности культуры и литературы этого периода. Только в 90-х годах XX в. появились фундаментальные труды арабских авторов, посвященные арабской литературе при мамлюках. До этого арабские литературоведы упорно утверждали, что при мамлюкских правителях арабская литература находилась в упадке (Ханна аль-Фахури, Махмуд ар-Рибдави и др.). Авторы 90-х годов, как например Мухаммад Заглул Салам, напротив, считали, что в литературной жизни при мамлюках наблюдалось заметное оживление, появились новые поэтические жанры, интенсивно развивался жанр «адаба», сочетающий в себе пласты художественной и научно-популярной литератур[1].

[1] Salam Muhammad Zag'lul. Al-adab fi-l-asr al-mamluki (Literature in the Mamluk period). Al-Maarif bil-Iskandariya, 1994–1996.

Жанр «адаба», возникший в арабской литературе еще в IX в. в мамлюкском Египте претерпел некоторые стилистические изменения в сторону увлечения риторикой, словесными красотами (махасин аль-Калам), игрой слов и рифмованной прозой – саджем, что отвечало эстетическим вкусам того времени.

Главной темой произведений «адаба» были сведения об окружающем человека мире – небесная сфера и небесные тела, земля с ее животным и растительным миром, разные страны и народы. По традиции жанра, в научный текст часто вклинивались художественно-литературные элементы, отрывки из поэзии или древних сказаний, ривайатов и хикаятов.

Арабской литературе мамлюкского периода посвящена специальная монография на узбекском языке автора настоящей статьи – «Мамлуклар даври араб адабиёти»[1], где она рассматривает основные литературные процессы этого периода, особенности творчества таких видных поэтов как, Мухаммада аль-Бусири, Сафиддина аль-Хилли, Ибн Нубата и др., приводит примеры из их поэзии и анализирует образцы жанра «адаба».

Вместе с тем, когда речь заходит о культуре и литературе мамлюкского Египта вырисовывается еще один аспект, который до сих пор мало изучен. Он касается усиления в XIII–XIV вв. влияния тюркского фактора на все стороны египетской жизни, в том числе на литературу и культуру в целом.

В настоящей статье делается попытка впервые проследить некоторые стороны этого влияния, определить его тенденции и направления, а также отметить, какую роль играет до сих пор мамлюкское влияние в исторической памяти египетского народа.

Первые тюркоязычные мамлюкские султаны не знали литературного арабского языка, тем не менее, они были покровителями арабоязычной науки и литературы. С приходом их к власти, естественно, усилился интерес египтян к тюркским языкам и тюркоязычной литературе. Именно в этот период тюркские слова проникают в арабский язык, особенно в его разговорную форму. На первом этапе правления мамлюкских султанов языком общения во дворце, в канцеляриях-диванах, среди воинов в войсках был и кипчакский, и хорезмский диалекты тюркского языка, на основе которых был создан кипчакско-огузский литературный язык мамлюкского Египта. К тюркоязычным литературным памятникам этого периода, в том числе переводам с арабского и персидского языков на тюркский следует отнести, например, вольный перевод с персидского на тюркский «Гулистана» ас-Саади, осуществленный в 1394 г. поэтом Сайфом Сарайи. Перевод был назван «Гулистан бит-тюрки» («Гулистан по-тюркски»), вероятно потому, что он более похож на вольный пересказ, кроме того Сарайи включил в него свои 5 газелей и 4 рубаи, 2 фарда, а также 8 газелей других тюркоязычных поэтов, своих современников, живущих в Египте. Это поэты: мавляна Кази Мухсан, мавляна Исхак аль-Хоразми, мавляна Имад Мавлани, Ахмад Хожи ас-Саройи (Урганжи) Абд аль-Маджид, Тугли Хожи Хоразми, Хасан угли, и аль-Хоразми. О последнем поэте – аль-Хоразми, кроме его нисбы, более ничего не известно, но и известно, что именно он является автором знаменитого тюркоязычного памятника XIV века «Мухаббатнаме». Сам автор вводит читателя в свой труд следующими строками:

Китобат бошладим анжома етгай
«Муҳаббатнома» Мисру Шома етгай.[2]

[1] Xodjayeva R.U. Mamluklar davri arab adabiyoti (XIII–XV) (Arabic literature and the Mamluk period (XIII–XV). – T.: ToshDShI, 2013.

[2] Kitab at-tuhfat az-zakiya fi-l-lug'atit at-turkiya (Unique gift about Turki language(Kipchak language)). Tarjimon va nashrga tayyorlovchi S.M. Mutalibov. – T.: Fan, 1968. – P. 187.

[Я начал свой труд, хватит [для поэзии] слов
«Мухаббатнома» достигнет Сирии и Египта.

То, что Сайф Сарайи включил в свой перевод произведения малоизвестных тюркоязычных поэтов и ввел их имена в литературу, имеет большое значение для определения первоисточников тюркоязычной литературы в средние века. Эти поэты были выходцами из Центральной Азии. Затем они перебрались в Сарай, столицу Золотой Орды, которая в XIV веке была в некоторой степени центром мусульманской культуры. Здесь жили и творили такие видные учёные как Кутбиддин ар-Рози, Масъуд Тафтазони, Камолиддин ат-Туркмани, Хофиз ибн Баззози, известный поэт Камолиддин Хужанди и др.

О том, что между Золотой Ордой и Египтом существовали довольно развитые политические и культурные связи, в своё время отмечали русские востоковеды: Толстов С.П., Греков Б.Д. и Якубовский А.Ю., арабский учёный Амин аль-Хули, специально посвятивший этой теме книгу «Связи между Нилом и Волгой».[1]

В результате смуты и междоусобиц, разгоревшихся в Золотой Орде, многие тюркоязычные учёные и литераторы бежали в Египет и получили там убежище. Среди них был и Сайф Сарайи, закончивший в Египте свой «Гулистан бит-тюрки». Если сравнить этот его труд с «Мухаббатнаме» аль-Хорезми в глаза бросается большое языковое сходство – оба произведения написаны на чигатайском диалекте тюркского языка, оба поэта мастерски используют его лексическое богатство, а близость стилей указывает на единство литературной школы. Сам Сайф Сарайи был талантливым поэтом, тонким лириком. Фотокопия рукописи «Гулистан бит-тюрки» с включенными в неё газелями поэта находится в музее литературы им. Алишера Навои в Ташкенте. Отличить газели Сарайи от других можно не только по почерку – изящной лирике, тонкой чувствительности, но и псевдониму «Сарайи», который он вводит в конец каждого своего стихотворения, таких как «Душа», «Твои глаза», «Луноликая», «Не встретил более», «И сколько тех, кто как я смущён…» и др.

Средоточие в мамлюкском Египте большого тюркского интеллектуального потенциала не только усилил тюркский фактор, но и способствовал развитию культуры в Египте. Учёные из Центральной Азии, Золотой Орды, Азербайджана и других тюркоязычных регионов преподают в аз-Захирии, ас-Сарагатмашии, аль-Бейбарсии и других знаменитых медресе Египта хадис, мантик (логику), фикх, ораторское искусство и другие мусульманские науки. Известные учёные: Рукн ад-Дин аль-Крими, Шихаб ад-Дин ас-Сарайи, Махмуд ибн Кутлушах, Махмуд аль-Гулистони и др. создают свои труды в равной степени на арабском и тюркском языках. Как отмечалось выше, возрос большой интерес к тюркским языкам. Арабские филологи пишут специальные труды по грамматике и лексике тюркских языков, составляют арабо-тюркские словари.

Одним из таких первых трудов был «Тарджуман» неизвестного автора, написанный в 1247 г. Он состоит из 2 частей – грамматической и лексической. В словарную часть включены арабские, тюркские, персидские и даже монгольские слова. Впервые «Тарджуман» был опубликован в Лейдене в 1894 г. востоковедом Мартином Госманом. Единственная рукопись, состоящая из 76 страниц, хранится в рукописном фонде Лейдена. Рукопись содержит 1260 кипчакских слов, около 70 – туркменских. Египетский учёный Мухаммад Харб отмечает, что этот труд был опубликован в 1970 г. в г. Алма-Ата[2].

[1] Al-Xuli Amin. Silat bayna an-Nil va-l-Fuldja (Connections between the Nil and the Volga). Dar al-marifa, al-Kohira. 1964.
[2] Xarb Muhammad. Al-Usmaniyyuna fi-t-tarix va-l-xadara (The Usman dynasty in history and civilization). Al-Markaz al-Misri med-dirasat al-usmaniyya va-l-buxus al-alam at-turki. – Al-Kohira, 1994. – P. 228.

Труд Асир ад-Дина Абу Хайана (1265–1344) «Китаб аль-идрак ли лисан аль-атрак» («Книга постижения языка тюрков») долгое время служил источником для последующих работ. Он написан на арабском языке, но примеры приводятся с кипчакского языка. Первую часть рукописи составляет арабско-тюркский словарь, вторая часть посвящена тюркской грамматике. Две переписанные копии рукописи хранятся в библиотеке Стамбула и несколько раз переиздавались.

Турецкий учёный, исследователь тюркоязычной египетской литературы Мухаммад Харб упоминает ещё 3 книги Абу Хаййана по тюркской грамматике: «Цветник тюркской грамматики», «Книга глаголов в языке тюрков», «Книга внутренних правил в освоении языка тюрков»[1].

Заметным явлением филологической науки в мамлюкский период стал труд Джамал ад-Дина ат-Турки «Книга достижения ожидаемого (в изучении) языка тюрков и кипчаков» («Китаб булгат ал-муштак фи луғат ат-турк ва-л-кифжак»). Автор труда в предисловии ставит перед собой несколько задач: провести классификацию лексического состава тюркского языка, создать тюркско-арабский словарь, рассмотреть некоторые вопросы тюркской грамматики. Редкий экземпляр рукописи хранится в «Национальной библиотеке» Парижа. Рукопись состоит из 71 листа. Она издавалась дважды Варшавской (Польской) АН – в 1954 и в 1958 годах.

Большое значение в изучении тюркского языка имел труд неизвестного автора «Китаб ат-тухфат аз-закийа фи-ль-луғат ат-туркийа» («Изысканный дар [для изучения] тюркского языка»).

Известный узбекский учёный С.М. Муталибов перевёл его на узбекский язык и подготовил к печати в 1968 г.[2] В этом памятнике рассматриваются основные свойства фонетики, морфологии и лексики кипчакского языка. Автор рукописи писал по этому поводу: «В книге я в основном опирался на кипчакский язык, потому что он больше всех используется в общении. Только по необходимости я привлекал туркменские слова и тогда употреблял выражение «говорят»[3]. То есть автор ссылался на другие источники. Сам С. М. Муталибов объясняет преимущество кипчакского языка следующим образом: «Поскольку этот язык является языком наиболее древнего и развитого кипчакского племени, участвовавшего в формировании многих тюркских народов, он занимает в истории тюркских языков особое место»[4].

Шу билан бирга, диннинг аҳолига катта таъсирини инобатга олиб, Сурия ҳукумати доимо руҳониятнинг фаолиятини назорат қилиш ва тартибга солишга ҳаракат қилган. Мамлакатда кўпчиликни ташкил этувчи суннийларнинг диний-сиёсий ташкилотлари ҳукуматни шиаларни кўпроқ қўллаб-қувватлашда айблаб келган бир шароитда бу каби ишлар муҳим аҳамиятга молик эди.

Сурияда давлат ва диний муассасалар ўртасидаги муносабатлар Вақф ишлари вазирлиги томонидан тартибга солинади. Мамлакат президенти мунтазам равишда етакчи диний уламолар билан учрашиб, исломга оид долзарб муаммоларни, “Баъс” партияси ғояларини ташвиқ қилишда диннинг ўрни, шунингдек, ҳукумат томонидан амалга оширилаётган чора-тадбирларни муҳокама қилиб боради.

Бироқ Сурия ҳукумати мамлакатдаги диний вазиятни тўлиқ ўз назоратига олишга муваффақ бўла олмади. Хусусан, XX асрнинг 70-йиллари Сурияда ислом ғоялари ниқоби остида фаолият олиб борувчи диний-экстремистик гуруҳларнинг ҳаракатлари сезиларли даражада изчиллашди. Хусусан, улар томонидан турли шаҳарларда тартибсизликлар уюштирилди, давлат ҳокимиятининг юқори мартабали вакиллари ҳамда Сурия ҳукуматининг сиёсий курсини қўллаб-қувватловчи таниқли дин пешволарига нисбатан терактлар содир этилди. Радикал гуруҳлар ўзларининг турли шиорлари ва даъватлари билан Сурия ҳукумати томонидан мамлакатда амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларнинг рўёбга чиқишига тўсқинлик қилишга қаратилган асл сиёсий мақсадларини яширишга интилардилар.

“Мусулмон биродарлар” ташкилоти Суриядаги энг йирик ва нуфузли диний гуруҳлардан бири ҳисобланади. Унинг Суриядаги фаолияти пухта йўлга қўйилган ва яширин тартибда иш олиб боради. Ушбу ташкилот 1980 йилда ҳукумат томонидан фаолият олиб бориши тўлиқ тақиқлангунга қадар Суриянинг ижтимоий-сиёсий ҳаётида муҳим роль ўйнаган[2]. “Мусулмон биродарлар” ташкилоти Сурияда яширин фаолият юритаётган бўлса-да, тарафдорлари сафида зиёлилар, тадбиркорлар, ҳунармандлар ва талабалар кўпчиликни ташкил этади. Мазкур ташкилот доирасида “Мусулмон опа-сингиллар” ҳаракати ҳам фаолият олиб боради. “Мусулмон биродарлар” масжидларда, ўқув юртларида кенг тарғибот ишларини

[1] كمال ديب. تاريخ سورية المعاصر من الانتداب الفرسي الي صيف 2011. –بيروت، 346 ص.

[2] Neil MacFarquhar. Trying to Mold a Post-Assad Syria from Abroad//The New York Times, 05.05.2012.

амалга оширади. Шу мақсадларда турли маданий тадбирлар, диний байрамлардан ҳам кенг фойдаланади. “Мусулмон биродарлар” тарғиботчилари ташкилот фаолиятига ёшлар, ҳарбийлар ва давлат муассасалари хизматчилари сафидан янги тарафдорларни жалб этишга алоҳида аҳамият беради.

ХХ аср охирида Ҳама шаҳри “Мусулмон биродарлар” ташкилотининг асосий маркази ҳисобланарди. Бинобарин, Дамашқ, Ҳалаб, Дайр аз-Зур каби йирик шаҳарларда ҳам филиалларининг фаолияти йўлга қўйилган. Мазкур ташкилотнинг фаолияти асосан хориждан молиялаштирилади ва йўналтирилади. Суриядаги “Мусулмон биродарлар” Осиё ва Африканинг 30 дан зиёд давлатларидаги ушбу ташкилот вакиллари билан яқин ҳамкорлик алоқаларини ўрнатган. Яқин ва Ўрта Шарқдаги вазиятнинг мураккаблашган бир шароитда “Мусулмон биродарлар” вакиллари ўз фаолиятларини мувофиқлаштириш масалаларни муҳокама қилиш мақсадида Европа давлатларида ўз учрашувларини ўтказадилар.

Ҳукуматга мухолиф диний-экстремистик гуруҳлар ўзларининг радикал фаолиятларини яшириш мақсадида Сурияда турли хил хайрия ва маърифий ташкилотларни таъсис этганлар. Мазкур ташкилотларнинг фаолияти ислом дини қадриятларини тарғиб этиш, ёшларни маънавий тарбиялаш масалаларига қаратилган эди. Аммо бу каби ташқаридан қараганда “безарар” тадбирлар ниқоби остида радикал диний-сиёсий тарғибот амалга ошириларди, аҳолининг ҳукуматга нисбатан ишончини йўқотишга қаратилган турли хил шов-шувларни тарқатишга ҳаракат қилинарди.

Сурия ҳукумати радикал диний ташкилотларнинг мамлакатдаги қўпорувчи ҳаракатларининг олдини олишга қаратилган кескин чора-тадбирларни амалга ошириб борди. Бироқ ҳукумат мазкур ташкилотларнинг нуфузи ва таъсири диний кайфияти кучли жамоатчилик орасида катта эканлигини инобатга олишга мажбур эди. Шу муносабат билан Сурия расмий маъмурияти томонидан радикал гуруҳларнинг асл мақсадларини, уларнинг араб дунёсидаги экстремистик доиралар билан алоқаларини фош этишга алоҳида эътибор қаратилади.

Бундан ташқари, ХХ асрнинг охирги йилларида Сурия раҳбарияти “Мусулмон биродарлар” ташкилоти етакчилари билан алоқалар ўрнатиш ва шу орқали уларнинг фаолиятини назоратга олишга ҳаракат қилди. Хусусан, 1999 йил июлда Сурия президенти Ҳ. Асад томонидан умумий афв тўғрисида қарор чиқарилиб, унга биноан 10 мингга яқин киши озодликка чиқарилади. Бунда уларнинг аксарини “Мусулмон биродарлар” тарафдорлари ташкил қилади.

Башар Асад ҳокимият тепасига келиши биланоқ ташқи мухолифатнинг бир қисми унга ярашиш ва Сурияни демократик тамойиллар асосда қайта қуриш таклифи билан чиқади.

Аммо президент Б. Асад “Мусулмон биродарлар” ташкилотининг фаолиятига қўйилган тақиқни бекор қилиш ва уларнинг мамлакат сиёсий ҳаётида иштирок этишига рухсат беришга шошилмади. Б. Асад, диний ташкилотларга нисбатан юритилган сиёсат доирасида ҳаракат қилиб, мавжуд тартибга қисман ўзгартиришлар киритди. Шу билан бирга, Сурия жамиятида диний кайфиятларнинг кучайиб бориши мамлакат раҳбариятини диний гуруҳлар, хусусан, “Мусулмон биродарлар” ташкилоти билан янгича муносабатларни қуришга тақозо этарди. 2011 йилда “Мусулмон биродарлар”нинг бир неча аъзоси Сурия Миллий кенгаши ижроия қўмитасидан жой олдилар. Муайян вақт ўтиши билан мазкур ташкилот вакилларининг фаолияти сезиларли даражада ошди[1].

[1] Popular Front for Change and Liberation//Carnegie Endowment for International Peace.carnegieendowment.org/syriancrisis/?fa=48566&lang=eng.

“Сурия мухолифати” тушунчаси мамлакатда оммавий тартибсизликлар бошлангандан кейин оммавий ахборот воситаларида кенг ишлатила бошланди. Бу эса, Сурияда кечаётган жараёнларни тўғри тушунишни мураккаблаштирди. Зеро, намойишчилар дастлаб сиёсий эркинликларни кенгайтириш, демократияни кучайтириш талабларини илгари сурган бўлса, аста-секин улар экстремистик чақириқларга ўзгарди. Намойишчиларнинг дастлабки сиёсий талаблари Сурияда шариат нормаларига асосланган давлат бошқарувини ўрнатиш талабларига трансформация бўлди. Намойишлар кўлами кенгайиши ва мухолифатнинг аниқ сиёсий талаблари шаклланиши натижасида 2011 йил апрелда ҳукумат мамлакатдаги воқеа-ҳодисалар Миср ёки Ливия сценарийси бўйича ривожланиб кетиши мумкинлигини тушуниб етди. Ислоҳотларни амалга ошириш, кўппартиявийликнинг жорий этиш, турли намойишлар ўтказишга рухсат бериш каби сиёсий талаблар ҳамда халқаро тазйиқлар кучайиши Сурия ҳукуматини муроса қилиш йўлларини қидиришга тақозо этди[1]. 2011 йил 15 октябрда президент Башар Асад намойишчиларнинг асосий талабларидан бири – янги конституцияни ишлаб чиқиш бўйича комиссияни тузиш қарорини эълон қилди[2].

Юқорида зикр этилганлардан келиб чиқиб, қуйидаги хулосаларни қайд этиш мумкин:

Сурия жамияти сиёсий ва диний масалаларни ҳал қилишга мўътадил ёндашувда эканлигини намойиш этди. Суриядаги мусулмон-суннийлар ҳукуматга қаршилик қилиш ва диний ихтилофларни келтириб чиқаришдан кўра ўзаро аҳил савдо-иқтисодий муносабатларни ўрнатишдан манфаатдор. Ҳукмрон “Баъс” партиясининг сиёсати нуфузли мусулмон-сунний тадбиркорларнинг иқтисодий манфаатларини қўллаб-қувватлаш, турли диний жамоатлар билан тинч-тотув ҳаёт кечиришни таъминлашга қаратилган эди. Суриядаги алавийларнинг ёрқин намояндаси бўлмиш президент Б. Асад мамлакат ички сиёсатини амалга оширишда асосан диний озчилик, хусусан, друзлар ва христианлар билан иттифоқчилик қилишга, мусулмон-суннийлар билан яқин ҳамкор бўлишга, диний экстремизмнинг ҳар қандай кўринишига кескин қаршилик қилишга интиларди.

2011 йилда кескин қарама-қаршиликлар бошлангунига қадар экспертлар Суриядаги экстремистларнинг ижтимоий базаси заиф эканлигини ва мамлакат ташқарисидан ёрдам олмаса, расмий ҳукуматга нисбатан жиддий таҳдид солмаслигини таъкидлаб келганлар. Мусулмон-суннийлардан иборат мухолиф кучлар Суриянинг алавийлар кўпчиликни ташкил этувчи ҳукуматига қарши чиқиши натижасида ушбу можарога Эрон ҳамда Ливандаги «Ҳизбуллоҳ» ташкилотининг аралашувини тақозо этди. Бу эса, ўз навбатида, Исроил ва айрим араб давлатларининг салбий радди-феълини келтириб чиқарди. Суриядаги суннийлар мавқеини мустаҳкамлаш ва шиа тарафдорлари кучайиб кетишининг олдини олиш мақсадида Форс кўрфази араб давлатлари Сурия мухолифатини қўллаб-қувватлай бошладилар.

Президент Б. Асад томонидан вазиятни барқарорлаштириш ва назоратга олиш йўлидаги чора-тадбирлар кеч амалга оширилган ва, бундан ташқари, улар охирига етказилмаган. Ҳукумат томонидан исёнчиларнинг талабларини бажаришнинг имкони бўлмади, чунки Сурия раҳбарияти мамлакатдаги сиёсий тизимни ҳақиқатда ўзгартиришга тайёр эмас эди. Сурия маъмурияти мамлакатдаги диний шиорлар остидаги намойишлар ва бетартибликлар кенг миқёсдаги қуролланган қаршилик ҳаракатига трансформация бўлганлигини жуда кеч тушуниб етди.

---

[1] Prezident Sirii utverdil dekret o vvedenii v strane mnogopartiynosti // TASS, 04.08.2011: tass.ru/politika/498173.

[2] K referendumu po novoy konstitusii Sirii 26 fevralya // TASS, 24.02.2012.: tass.ru/spravochnaya-informaciya/567778.

ЗАМОНАВИЙ БОСҚИЧДА ЯҚИН ШАРҚДАГИ ЭНЕРГЕТИКА МУНОСАБАТЛАРИ

АЛИМОВ ОҚИЛИДДИН
таянч докторант, ТДШИ

Аннотация. *Мазкур мақолада Яқин Шарқ энергетика муносабатларининг сўнгги ривожланиш тенденциялари, халқаро ва минтақавий воқеаларнинг унга таъсири, минтақа энергетика хавфсизлигини таъминлашнинг долзарб муаммолари ўрганилган. Шунингдек, дунё миқёсида энергия ресурслари таъминоти масалалари бўйича етакчи давлатларнинг стратегиялари, Яқин Шарқда янги энергетика муносабатларининг шаклланиши билан боғлиқ геосиёсий, геоиқтисодий ўзгаришлар таҳлил қилинган. Яқин ва Ўрта Шарқнинг етакчи нефть ишлаб чиқарувчи мамлакатларининг глобал ва минтақавий даражадаги энергетика дипломатияси ва ташқи сиёсати қиёсий-таҳлилий кўриб чиқилган.*

Бугунги кунда Яқин Шарқ минтақасидаги энг муҳим диққат-эътибор объекти, шубҳасиз, энергия ресурслари масаласидир. Бу Яқин Шарқ мамлакатларининг ривожланиш эҳтиёжлари билан узвий боғлиқ бўлиб, минтақа давлатларининг фаровонлиги, хавфсизлик ва барқарорлигини таъминлашда ёқилғи-энергетика имкониятлари муҳим аҳамият касб этади.

Ўзининг улкан захираларига эга Яқин Шарқ XXI асрда ҳам АҚШ, Хитой, Европа Иттифоқи ва Россия каби етакчи давлатларнинг геосиёсий манфаатлари тўқнашган минтақа, турли қарама-қаршиликлар нуқтаси бўлиб қолмоқда.

Глобаллашув шароитида мамлакатларнинг энергетика хавфсизлиги глобал сиёсий жараённинг энг муҳим вазифасига айланмоқда. Углеводород захираларининг камайиши, нефть қазиб олувчи мамлакатларда сиёсий ва иқтисодий инқирозларнинг кучайиши, хом ашё истеъмолининг кескин ортиши оқибатида энергетика хавфсизлиги муаммоси долзарб аҳамият касб этиб, халқаро вазиятнинг кескинлашиши шароитида энергетика хавфсизлигини таъминлаш халқаро муносабатлар иштирокчилари учун муҳим вазифага айланмоқда.

Бугунги кунда дунёдаги етакчи нефть қазиб олувчи ўнта давлатдан бештаси Яқин Шарқда жойлашган бўлиб, Саудия Арабистони, Эрон, Ироқ, Кувайт ва БАА шулар жумласидандир. Дунё бўйича нефть қазиб олишнинг чорак қисмидан кўпроғи ушбу мамлакатлар гуруҳига тўғри келади. Минтақада энергия ресурсларини ишлаб чиқариш нафақат Яқин Шарқдаги иштирокчиларга, балки минтақавий бўлмаган акторларга, бутун халқаро энергетика хавфсизлиги тизимига таъсир кўрсатади.

Мақоланинг хулоса қисмида Яқин Шарқ минтақасида энергетика хавфсизлигини таъминлаш, минтақа давлатларининг халқаро ва минтақавий даражада энергетика муносабатлари ва конструктив мулоқотининг замонавий механизмларини шакллантириш борасидаги илмий тавсиялар илгари сурилган.

Таянч сўз ва иборалар: *Яқин Шарқ, энергетика сиёсати, энергетика муносабатлари, миллий манфаат, геосиёсий ва геоиқтисодий манфаатлар, "сланец инқилоби", нефть нархи, энергетика хавфсизлиги.*

Аннотация. *В данной статье рассматриваются последние тенденции в энергетических отношениях на Ближнем Востоке, влияние международных и региональных событий на него, актуальные вопросы энергетической безопасности в регионе. Также анализируются стратегии ведущих стран мира в области энергоснабжения, геополитических и геоэкономических изменений, связанных с формированием новых энергетических отношений на Ближнем Востоке. Сравнительно изучена энергетическая дипломатия и внешняя политика ведущих нефтедобывающих стран Ближнего и Среднего Востока на мировом и региональном уровнях.*

Самым важным направлением на Ближнем Востоке сегодня, несомненно, является вопрос энергоресурсов. Это неразрывно связано с потребностями стран Ближнего Востока в области

развития, и топливно-энергетический потенциал играет важную роль в обеспечении процветания, безопасности и стабильности стран региона.

Ближний Восток с его огромными запасами остается очагом конфликта и в XXI веке, регион, в котором сталкиваются геополитические интересы ведущих стран, таких как Соединенные Штаты, Китай, Европейский союз и Россия.

В условиях глобализации энергетическая безопасность стран становится важнейшей задачей глобального политического процесса. В связи с сокращением запасов углеводородов, усилением политических и экономических кризисов в нефтедобывающих странах, резким увеличением потребления сырья, проблема энергетической безопасности становится все более важной задачей для международных отношений.

Сегодня пять из десяти ведущих нефтедобывающих стран мира расположены на Ближнем Востоке, включая Саудовскую Аравию, Иран, Ирак, Кувейт и ОАЭ. На эту группу стран приходится более четверти мировой добычи нефти. Производство энергоресурсов в регионе затрагивает не только участников на Ближнем Востоке, но и нерегиональных субъектов, всю международную систему энергетической безопасности.

В заключительной части статьи представлены научные рекомендации по обеспечению энергетической безопасности на Ближнем Востоке, формированию современных механизмов энергетических отношений и конструктивного диалога между странами региона на международном и региональном уровнях.

Опорные слова и выражения: *Ближний Восток, энергетическая политика, энергетические отношения, национальные интересы, геополитические и геоэкономические интересы, «сланцевая революция», цены на нефть, энергетическая безопасность.*

Abstract. *This article discusses the latest trends in energy relations in the Middle East, the impact of international and regional events on it, and current issues of energy security in the region. It also analyzes the strategies of the leading countries of the world in the field of energy supply, geopolitical and geoeconomic changes associated with the formation of new energy relations in the Middle East. Energy diplomacy and the foreign policy of the leading oil-producing countries of the Middle East at the world and regional levels are comparatively studied.*

The most important area in the Middle East today is undoubtedly the issue of energy. This is inextricably linked with the development needs of the countries of the Middle East, and the fuel and energy potential plays an important role in ensuring the prosperity, security and stability of the countries of the region.

The Middle East, with its vast reserves, remains a hotbed of conflict in the 21st century. The geopolitical interests of leading countries such as the United States, China, the European Union and Russia clash in the region.

In the context of globalization, the energy security of countries becomes the most important task of the global political process. Due to the reduction of hydrocarbon reserves, the intensification of political and economic crises in oil-producing countries, the sharp increase in consumption of raw materials, the problem of energy security is becoming an increasingly important task for international relations.

Today, five of the ten leading oil producing countries in the world are located in the Middle East, including Saudi Arabia, Iran, Iraq, Kuwait and the UAE. This group of countries accounts for more than a quarter of world oil production. Energy production in the region affects not only participants in the Middle East, but also non-regional actors, the entire international energy security system.

The final part of the article presents scientific recommendations for ensuring energy security in the Middle East, the formation of modern mechanisms of energy relations and constructive dialogue between the countries of the region at the international and regional levels.

Keywords and expressions: *Middle East, energy policy, energy relations, national interests, geopolitical and geo-economic interests, the "shale revolution", oil prices, energy security.*

Кириш. Яқин Шарқ дунёнинг энг динамик ва этник жиҳатдан хилма-хил минтақаларидан бири бўлиб, айни пайтда мамлакатлар ўртасидаги кескинлик кучайиб бораётган ҳудуд ҳисобланади. Табиий бойликлар захираларининг катта қисми ушбу ҳудудда жойлашганлиги минтақани қудратли давлатларнинг геосиёсий манфаатлари кесишган нуқтага айлантиради. Минтақа мамлакатларининг энергетика сиёсати иқтисодий ривожланишнинг стратегик муҳим таркибий қисми сифатида энергия манбалари учун қаттиқ рақобат шароитида давлатларнинг энергетика хавфсизлигини таъминлаш зарурати билан белгиланади.

Дунёда қазиб олинаётган нефтнинг учдан бири ва табиий газнинг ўндан бири Яқин Шарқ улушига тўғри келади. Яқин Шарқнинг умумий энергия ресурслари 802,1 миллиард баррелни ташкил этиб, Саудия Арабистони 265,4 миллиард, Эрон 154 миллиард, Ироқ 141 миллиард, Кувайт 101,5 миллиард, БАА эса 98 миллиард баррел нефть захираларига эга. Минтақа мамлакатлари кунига 26,9 миллион баррел нефть ва нефть маҳсулотлари ишлаб чиқаради. Яқин Шарқ ресурсларининг энг катта истеъмолчилари АҚШ, Япония, Хитой, Германия, Жанубий Корея ҳисобланади. Сўнгги йилларда минтақада ХХРнинг роли сезиларли даражада ўсиб, Хитой Яқин Шарқдаги энергетика муносабатларида иккинчи рақамли акторга айланмоқда. Таъкидлаш жоизки, Хитойда энергия истеъмолининг ўсиши йилига 6 фоиздан кўпни ташкил этмоқда. АҚШ ҳар йили 3,878 миллион баррел нефть импорт қилиб, умумий импорт таркибининг 70 фоизи Яқин Шарқ ва ОПЕК давлатларига тўғри келади. Япониянинг нефтга бўлган эҳтиёжининг 89 фоизи Яқин Шарқ мамлакатларидан импорт қилинадиган нефть ҳисобига қондирилади. Хитой Яқин Шарқдан йилига 949 миллион баррел импорт қилиб, бу Хитой нефть импортининг 51 фоизини ташкил этади[1]. Умуман олганда, жаҳон иқтисодининг бугунги ҳолати турли тўқнашув ва зиддиятлар нуқтаси бўлган ушбу минтақада қазиб олинаётган нефть ва газга боғлиқ.

Глобаллашув шароитида мамлакатларнинг энергетика хавфсизлиги глобал сиёсий жараённинг энг муҳим вазифасига айланмоқда. Углеводород захираларининг камайиши, нефть қазиб олувчи мамлакатларда сиёсий ва иқтисодий инқирозларнинг кучайиши, хом ашё истеъмолининг кескин ортиши фонида Яқин Шарқ минтақаси мамлакатларининг энергетика хавфсизлиги муаммоси алоҳида аҳамиятга эга бўлиб, бу глобал энергия муносабатларини тартибга солиш учун турли хил воситалардан фойдаланиш зарурлигини келтириб чиқаради. Зеро, бугунги кунда глобаллашув ва умуман халқаро вазиятнинг кескинлашиши шароитида энергетика хавфсизлигини таъминлаш халқаро муносабатлар иштирокчилари учун муҳим вазифага айланмоқда.

Мақсад ва вазифа. Тадқиқотнинг мақсади минтақа давлатларининг манфаатлари ва ташқи сиёсатининг хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда Яқин Шарқ минтақасида энергия ресурсларини етказиб берувчилар, истеъмолчилар ва транзит мамлакатларнинг энергия хавфсизлигини таъминлаш масалаларини ўрганишдан иборат.

Бунинг учун:

- Яқин Шарқ минтақаси энергетика соҳасининг ўзига хос хусусиятларини кўриб чиқиш;
- Яқин Шарқда ўз манфаатларига эга минтақавий ва минтақадан ташқари кучлар иқтисодиётининг энергетика секторидаги хавф ва омилларни таҳлил қилиш зарур.

Усуллар: илмий мақолани ёзишда тарихийлик, тизимли ва қиёсий таҳлил, шунингдек, статистик таҳлил усулларидан фойдаланилди.

[1] US Energy Information Administration. International Energy Statistics 2018 // URL: http://www. eia.gov.

Натижалар ва мулоҳаза: Яқин Шарқ, хусусан Форс кўрфази субрегиони дунёда маълум бўлган барча нефть ва газ захираларининг катта қисмига эга. Шунга кўра, ушбу минтақа жаҳон бозорида нефть нархининг ўзгаришига жуда таъсирчан ҳудуд саналади. Бугунги кунда Саудия Арабистони минтақа ва дунё нефть бозорида етакчиликка эга бўлиб, ушбу энергия манбасининг халқаро нархини белгилашда ҳал қилувчи рол ўйнайди. Мазкур тенденция Яқин Шарқ мамлакатлари ижтимоий, сиёсий ва иқтисодий соҳаларидаги вазиятнинг динамикасига, минтақадаги ва ундан ташқаридаги муносабатларга таъсир кўрсатади.

Шунга кўра, глобал энергетика муносабатлари ҳамда халқаро энергетика хавфсизлиги масалалари Яқин Шарқ мамлакатларининг энергетика сиёсати билан узвий боғлиқдир.

Бугунги кунда иқтисодий трансформация ва ресурсларни оқилона тақсимлаш Яқин Шарқ минтақасининг устувор вазифалари бўлиб қолмоқда. Маълумки, нефть халқаро шартномаларнинг ҳажми ва қиймати жиҳатидан жаҳон иқтисодиётининг энг йирик секторини англатади. ХЭАнинг маълумотларига кўра, ҳозирда нефть қазиб олишнинг ўсиши уни истеъмол қилишдан қарийб икки баравар тезроқ [1] бўлиб, бу жараёнда АҚШ ишлаб чиқаришнинг асосий ўсишини таъминлайди.

Ўнлаб йиллар давомида Яқин Шарқда энергия ривожланиши нефть қазиб олиш билан чамбарчас боғлиқ бўлиб келди. Бироқ, яқин келажакда ўсиш суръатлари нефть даромадларининг пасайиши ва аҳолининг сезиларли ўсиши, муқобил энергия манбаларининг ривожланиши туфайли хавф остида қолиши мумкин.

Минтақада энергия ишлаб чиқариш нафақат Яқин Шарқдаги энг нуфузли иштирокчиларга, балки минтақавий бўлмаган акторларга, бутун халқаро энергетика хавфсизлиги масалаларига таъсир кўрсатади.

Бугунги кунда дунёдаги етакчи нефть қазиб олувчи ўнта давлатдан бештаси Яқин Шарқда жойлашган бўлиб, Саудия Арабистони, Эрон, Ироқ, Кувайт ва БАА шулар жумласидандир. Дунё бўйича нефть қазиб олишнинг чорак қисмидан кўпроғи ушбу мамлакатлар гуруҳига тўғри келади.

Халқаро Энергия Агентлигининг сўнгги маълумотларига кўра, ОПЕК мамлакатлари томонидан кунлик нефть қазиб олиш тахминан 36,89 миллион баррелни ташкил этмоқда. Бу ўз навбатида, Яқин Шарқ минтақаси халқаро хом ашё бозорида ҳал қилувчи рол ўйнашидан дарак беради.

Яқин Шарқ минтақасидаги беқарорлик, шунингдек, энергетика хавфсизлиги тизимидаги аввалдан мавжуд ва янги муаммолар минтақанинг глобал хом ашё экспорти учун хавф туғдириб, натижада Яқин Шарқнинг энергия бозоридаги мавқеига путур етказиши мумкин. Минтақа энергия ресурсларидан фойдаланиш Ғарб мамлакатлари учун уларнинг фаровонлигининг кафолати сифатида ҳал қилувчи аҳамиятга эга.

XX асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб энергия омили, хусусан, нефть давлатлар ўртасидаги сиёсий ва иқтисодий муносабатларга жиддий таъсир кўрсата бошлади. Сувайш инқирози, 1967 йилдаги Араб-Исроил уруши пайтида Ғарб мамлакатларига нефть етказиб беришга эмбарго жорий этишга уринишлар ва натижада 1973 йилдаги “Қиёмат куни” уруши даврида нефть эмбаргосининг кенг миқёсда қўлланилиши энергия манбаларининг давлатлар ўртасидаги муносабатларга жиддий таъсир кўрсатишини яққол намойиш этди.

[1] The International Energy Agency World Outlook 2019. URL: http://www.iea.org/Textbase/ npsum/ MTrenew2019sum.pdf.

90-йилларда халқаро муносабатларда нефть омили асосий стратегик муаммолар рўйхатида ўз мавқеини нисбатан йўқотди. Бир муддат энергия ресурслари бадастирлиги ва нархларнинг барқарорлиги таъминланди. Жаҳон ҳамжамиятининг диққат эътибори "Шарқий Осиё иқтисодий мўъжизаси", Хитойнинг глобал иқтисодиётдаги мавқеининг ортишига қаратилди. Бироқ, 90-йилларнинг охирида Осиё омили жаҳон иқтисодий тизимининг тиғизлигига олиб келди.

Жаҳон миқёсида ялпи ички маҳсулотнинг пасайиши энергия таъминотига талабни пасайтирди, шу билан бирга етказиб бериш харажатлари кескин ошди. 1986 йилдаги нефть инқирози шароитида "қора олтин" нархи бир баррел учун 10 доллар даражасига тушди. Энг йирик экспорт қилувчи давлатлар инқирознинг оғир оқибатларини бошдан кечирдилар.

XXI асрда глобаллашув жараёнларининг ривожланиши билан халқаро муносабатлар тизимида энергия ресурсларининг роли устувор мавқега қайтди ҳамда энергетика хавфсизлигини таъминлаш ҳам экспорт қилувчилар, ҳам импорт қилувчилар учун муҳим вазифага айланди. Нефтга талабнинг кескин ўсиши глобал энергия саноатини кутилмаган вазиятларга олиб келди. Аввалги йиллардаги талабнинг секин ўсиш кўрсаткичлари нефть саноатига инвестицияларнинг паст даражасига сабаб бўлиб, талаб ва таклиф мувозанати жиддий бузилган эди.

Аср бошида энергия ресурслари нархларининг кескин кўтарилиши нефть тақчиллиги билан боғлиқ ташвишларни келтириб чиқарди. Шу билан бирга, янги конларнинг пайдо бўлиши, сланец ишлаб чиқариш, янги технологиялар кенг кўламдаги ишлар ва йирик инвестицияларни талаб этди. Бундай шароитда Яқин Шарқдаги энергия манбаларини экспорт қилувчи мамлакатлар учун жаҳон бозорида етакчи ўринни эгаллаш қийинлашди. Энергетика омили туфайли минтақанинг нефть қазиб олувчи мамлакатлари халқаро сиёсий тизимнинг субектларига айланиб, нефть ва газ секторининг муваффақиятли ишлаши учун қулай халқаро имиджни яратиш зарурати пайдо бўлди. Бу минтақа давлатлари учун энергия хавфсизлигини таъминлашнинг устувор йўналишидир.

Замонавий босқичда минтақа давлатларининг энергетика дипломатияси бозор ва потенциал инвесторларни изламоқда. Бироқ, минтақадаги геосиёсий жараёнлар, нобарқарор вазият, иқтисодий глобаллашув ушбу соҳадаги фаолликни чекламоқда. Рақобат марказида жаҳон иқтисодий тизимига энг кучли таъсир кўрсатадиган энергия бозоридаги нарх сиёсати турибди[1].

Яқин Шарқдаги нефть конлари XX аср бошидан Ғарб назоратида бўлиб, еттита нефть компанияларидан бештаси АҚШга тегишли бўлган. Булар: “Exxon”, “Standard Oil Company of California”, “Gulf Oil”, “Texaco”, “Mobil Oil”дир[2]. Ушбу компаниялар минтақадан барча нефть оқимларини узоқ йиллар давомида назорат қилиб келди. Минтақадаги бундай Америка гегемонлиги 1960 йилда нефть экспорт қилувчи давлатлар ташкилоти – ОПЕК ташкил топиши билан якунланди.

Шундан сўнг, Вашингтон муқобил энергия манбаларини излашга киришди. XXI асрнинг биринчи ўн йиллиги охирида АҚШ энергия манбаларини қазиб олиш учун инновацион технологияларга эга бўлди. Бу илгари қазиб олиш қийин бўлган ҳудудларда қидирув ва қазиб олишнинг ўсишига олиб келди. Айрим экспертларнинг фикрига кўра, АҚШда сланец ресурсларининг йиллик ишлаб чиқарилиши 2030 йилга келиб 300 миллион тоннага етади.

[1] Ivanov O.S. Bezopasnost truboprovodnih sistem (Pipeline Safety)// Neftegazovaya vertikal.– 2002., № 12. – S. 68.
[2] Nodari S. Neft v mirovoy politike (Oil in world politics) // Teoriya mejdunarodnih otnosheniy i mirovoy politiki. – 2011., № 2(26). – S. 83.

Бундай ҳолатда АҚШ нафақат ички бозор эҳтиёжларини қондирибгина қолмай, балки сланецнинг йирик экспортчисига ҳам айланади.

Табиий газ экспортини кўпайтириш билан бир қаторда, АҚШ дунёнинг етакчи нефть ишлаб чиқарувчилари қаторига қўшилиши мумкин. Бундан ташқари, нефть қазиб олиш бўйича Россиядан ўзиб кетиши кутилмоқда.

АҚШнинг энергетика муносабатларида суперқудрат сифатида пайдо бўлиши халқаро энергия бозорига жиддий таъсир кўрсатди ҳамда Яқин Шарқдаги энергетика хавфсизлигига кўплаб таҳдидларни келтириб чиқарди. Шунингдек, Ғарб ва дунёнинг бошқа минтақаларида муқобил энергия турларини ишлаб чиқиш ва энергия истеъмолида қайта тикланадиган энергия ресурслари улушининг ортиб бориши Яқин Шарқдаги энергетик вазиятга таъсир кўрсатмай қолмайди. Агар, илгари ОПЕК каби ташкилотлар даромадларни кўпайтириш ва глобал энергия бозорига таъсирини ошириш учун энергия таъминотини бошқарган бўлса, энди эски олигархик тизим кўпқутубли тизимга айланмоқда[1].

Шимолий Африка ва Яқин Шарқдаги сўнгги воқеалар, Эронга қарши санкцияларнинг кучайиши муқаррар равишда жаҳон бозорига нефть ва газ етказиб беришни пасайишига олиб келди, бу ўз навбатида нефть нархининг ўсишига ва етказиб берувчилар, шу жумладан, Саудия Арабистони ва ОПЕКнинг бошқа аъзолари томонидан экспорт қилиш учун маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтиришга сабаб бўлди.

Саудия Арабистони минтақадаги энг йирик нефть қазиб олувчи мамлакат саналади. 2008 йилдаги молиявий инқироз натижасида давлат ўз бюджетини сақлаб қолиш учун энергия экспортини фаоллаштирди. Ҳозирги вазиятда Саудия Арабистони Ғарбнинг Эронга қарши санкциялари фонида жаҳон бозорига хом ашё етказиб беришда етакчиликка интилмоқда.

Яқин Шарқ мамлакатларининг энергетика сиёсати минтақа ташқарисидаги давлатлар билан мустақил ҳамкорлик қилишнинг вазифалари ва усулларини ҳам қамраб олади. Шунга қарамай, монархиялар жаҳон энергия бозоридаги вазиятга жиддий таъсир кўрсатишга қодир бўлган Саудия Арабистонининг амбицияларига ёнбосишга мажбур бўлмоқдалар. Айни пайтда, экспортнинг сезиларли мавқеига эга бўлган қироллик нарх-наво сиёсатидаги гегемонлик тактикасидан воз кечиб, глобал иқтисодиётда энергияга талаб ва таклиф ўртасидаги мувозанатни сақлаш зарурлигини англаб етмоқда.

Ҳозирги вақтда қироллик, шубҳасиз, ишлаб чиқаришни сақлаб қолиш ва нархларнинг пасайиш тенденцияси билан муроса қилиш ниятида. Аслида, бу Ар-Риёднинг Хитой, Япония ва Жанубий Корея сингари импортёрлар учун нархларини арзонлаштиришга қаратилган узоқни кўзлайдиган стратегиясидир. Бундай ҳаракатлар Саудия Арабистонининг рақобатчиларни халқаро энергия бозоридаги ролини камайтириш сиёсати билан изоҳланади.

Сўнгги йилларда ОПЕК мамлакатлари глобал энергия бозорида ҳаддан ташқари ўзгарувчанликни олдини олиш учун халқаро энергия бозорини асосан Саудия Арабистони захиралари ҳисобидан таъминлаб келди. Агар Саудия Арабистони мавжуд имкониятлардан маҳрум бўлса, мамлакат Қўшма Штатлар ва дунёнинг бошқа асосий нефть импортчилари учун стратегик аҳамиятини йўқота бошлайди, бу эса Яқин Шарқнинг энергетика хавфсизлигига катта таъсир кўрсатиши мумкин.

Энергия бозорида стратегик моделларнинг ўзгариши Яқин Шарқ ва Осиё ўртасидаги алоқаларни мустаҳкамлашга ёрдам беради. Минтақада геологик қидирув ишларини диверсификация қилиш ва ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш орқали устунликни сақлаб

[1] The Energy Intelligence world opinion 2019. URL: http://www.energyintel.com/pages/worldopinion.aspx.

қолиш мумкин. Бугунги кунда Осиё Яқин Шарқ нефтининг етакчи истеъмолчисига айланди. Бундай силжиш Ғарб учун сиёсий таъсирга эга бўлиши мумкин. Бироқ, глобал энергия бозорини ўзгартириш учун вақт ва эҳтимол бу соҳада муҳим бир етакчи бўлиши керак, чунки Қўшма Штатлар катта ҳажмдаги энергияни экспорт қилишни эмас, балки ўзининг ички талабини Вашингтоннинг энергия бўйича шерик-давлатлари импорти билан қоплашни афзал кўради. Халқаро Энергия Агентлигининг прогнозларига кўра, Хитой тез орада нефть истеъмолида АҚШни ортда қолдиради[1].

Ҳозирги вақтда энергия манбаларига талаб катта бўлишига қарамай, янги етказиб берувчиларнинг пайдо бўлиши энергия бозоридаги монополия ва хомашё таъминотини манипуляция қилишга одатланган Яқин Шарқ энергия ишлаб чиқарувчи мамлакатлари учун жиддий оқибатларга олиб келиши мумкин. Дунёда ва хусусан АҚШда нефть қазиб олишнинг жадал ўсиши, шунингдек, янги минтақаларда, шу жумладан Жанубий Осиёда энергия ишлаб чиқариш потенциали жаҳон бозорига янги нефть етказиб берувчиларни олиб чиқади.

Замонавий бурғулаш технологияларининг кенг ривожланиши минтақада янги потенциал қазилма ёқилғи ишлаб чиқарувчиларни вужудга келтирди. Бу ерда етакчи давлат Исроил ҳисобланади. Исроил АҚШнинг импорт технологиясидан фойдаланган ҳолда 250 миллиард баррел сланец нефти бўлган бир нечта йирик денгиз захираларига эга. Бундан ташқари, Исроил табиий газнинг катта захираларига эга. Мамлакат ресурсларининг 60 фоизи ички бозор эҳтиёжларини қондиради[2]. Табиий газ қазиб олиш салмоғининг ортиши Исроилнинг қўшни Миср билан муносабатларни таранглаштириши ва бу жиддий оқибатларга олиб келиши мумкин. Исроил кўп йиллар давомида Миср табиий газининг асосий импортёри бўлиб келган. Ҳозирги кунда Тел-Авив мамлакатда ишлаб чиқаришни кўпайтириш ва глобал энергия бозорида етакчи табиий газ етказиб берувчилар билан рақобатлашишга ва янги экспортёрга айланиш йўлини белгилаб олди. Шунингдек, Миср ва Россия каби газ экспорти учун Европага қувур ўтказиш имкониятини кўриб чиқмоқда. Бу эса, Исроилнинг энергия ресурсларини қазиб олиш ва ривожлантириш бўйича жиддий режаларга эга эканлигини англатади.

Ўрта эр денгизидаги сланецли газ конлари Исроил билан чегараланмайди. Фаластин маъмурияти, Ливан, Кипр ва Туркия ҳам ушбу турдаги газнинг потенциал етказиб берувчилигига даъво қилмоқдалар. Минтақадаги нобарқарорлик ва Сурия можаросини инобатга олган ҳолда, Левант мамлакатлари сланец конлари мавжуд бўлган трансчегаравий акваториялар бўйича ўзаро ҳудудий даъволарни ҳозирча илгари сурмаяптилар. Бироқ, келажакда минтақа мамлакатлари, энергетика хавфсизлиги важидан, ҳатто, Исроил билан муносабатларда тангликни кучайтириш хавфи остида ҳам, ўзаро зиддиятга боришлари мумкин. Фаластин маъмурияти, Ливан ва Кипр ўзларининг денгиз ҳудудий даъволарини ҳимоя қилишга ҳаракат қилишлари эҳтимоли катта. Аммо бу ҳолда можаро томонлари АҚШ ва ЕИнинг халқаро ёрдамни тўхтатиши билан боғлиқ қийинчиликларга дуч келиши мумкин[3].

Энергия манбаларини импорт қилишда ўнлаб йиллар давом этган мураккаб шароитлардан сўнг экспортёр-давлатга айланиш имконияти Исроил учун катта устунлик бўлиши

[1] The International Energy Agency World Outlook 2019. URL: http://www.iea.org/Textbase/npsum/MTrenew2019sum.pdf.

[2] Grushevenko D. Neft slansevih pleyev – noviy vizov energeticheskomu rinku? (Shale oil is a new challenge to the energy market?) URL: http://www.eriras.ru/files/spravka_slanc_njeft.pdf.

[3] Sirkin E. Netradisionnaya neft Sredizemnomorya. (Unconventional oil of the Mediterranean) URL: http://www.ng.ru/ng_energiya_oil.html.

мумкин. Энергетика хавфсизлигини таъминлаш билан бир қаторда, мамлакат ўзининг энергия мустақиллигига эга бўлади ҳамда Миср ресурсларининг нобарқарор экспортига таянмайди. Исроил, шунингдек, Европа билан унинг Россия таъминотига қарамлигини камайтириш орқали ўзаро энергетика алоқаларини кучайтириши мумкин.

Шунга қарамай, бугунги кунда АҚШ, Австралия ва Қатар йирик сланец конларига эга ва халқаро ҳамжамиятга энг катта табиий газ етказиб берувчи давлатлар бўлиб қолмоқда. Бундай вазият Ўрта ер денгизи ҳар қандай мамлакатининг глобал табиий газ экспорт бозорида улар билан рақобатлаша олишига имкон бермайди. Минтақа давлатларини энергия ресурсларини ишлаб чиқаришнинг замонавий технологиялари билан таъминлаш учун жуда катта капитал талаб қиладиган инфратузилма зарур бўлиб, бу саноатни кўп йиллик ривожлантиришни талаб қилади.

Шундай қилиб, АҚШ "Сланец инқилоби"нинг дунёнинг бошқа минтақаларига кўчиши имконсиз кўринади, чунки дунёнинг бирор бир мамлакатида самарали молиявий ва ҳуқуқий тизимлар ҳамда рақобат ва юқори технологияли бурғулаш усулларининг бундай комбинацияси мавжуд эмас. Шу билан бирга, келажакда сланец саноати бошқа мамлакатларда ҳам фаол ривожланиши кутилмоқда. Сланец энергиясининг улуши халқаро энергия бозорининг келажакдаги ривожланишида муҳим омил бўлади.

Умуман олганда, минтақанинг энергия манбаларини ривожлантириш барча манфаатдор томонлар учун муҳим устунликка эгадир. Аммо, сиёсий, иқтисодий, маданий ва ижтимоий зиддиятлар илдиз отган минтақа мамлакатларининг бу борадаги интеграцияси қийин кечади.

Бугунги кунда Форс кўрфази мамлакатлари глобал иқтисодиётнинг ўзгарувчан марказига тобора кўпроқ эътибор қаратиб, Осиё мамлакатлари билан янада мустаҳкам алоқаларни ўрнатишга ҳаракат қилмоқда. Бироқ, Европа Иттифоқидан фарқли ўлароқ, бундай ҳамкорлик жараёни Форс кўрфазида асосан бозор конъюнктураси туфайли тизимсиз бўлиб қолмоқда. Минтақа монархиялари энергетика омили туфайли халқаро сиёсий тизимнинг ҳал қилувчи акторларига айланиб, нефть ва газ секторининг муваффақиятли ишлаши учун қулай сиёсий имидж яратиш заруратига дуч келмоқда. Бу субрегионнинг энергетика хавфсизлиги учун устувор вазифадир. Сланец қазиб олиш ва бурғулашнинг янги усуллари сингари бир қатор технологик ютуқлар Яқин Шарқнинг энергетика сиёсатини ўзгартирувчи халқаро товар бозорининг ривожланишига туртки бўлиши мумкин.

Шунингдек, минтақа давлатлари гигант истеъмолчиларни топишда ҳам қийинчиликларга дуч келмоқдалар. Бу авваллари фақат импортга боғлиқ бўлган мамлакатларда муқобил ва қайта тикланадиган энергия манбаларининг ривожланиши, қазиб олинадиган энергия ресурсларининг янги манбаларининг топилиши ва қайта ишлаб чиқарилиши билан боғлиқдир.

Шу билан бирга, Яқин Шарқнинг энергия салоҳияти бошқа ишлаб чиқарувчиларга нисбатан жуда кўп афзалликларга эга, масалан, юқори сифат ва маҳсулдорликдаги нефть конларининг мавжудлиги, ишлаб чиқаришнинг паст харажатлари, арзон транзит, янги конларни ишга тушириш имконияти ва уларнинг кўплиги шулар жумласидандир. Аммо, минтақадаги нобарқарор шароит, ҳарбий-сиёсий вазият, хавфсизликнинг паст даражаси минтақа давлатлари ва уларнинг халқаро шериклари ўртасидаги муносабатларга таҳдид солади.

Сўнгги пайтлардаги Россия ва нефть экспорт қилувчи давлатлар ўртасидаги “ОПЕК+” формати доирасидаги ҳаракатлар ҳам энергетика муносабатлари ҳамда нефть бозорида ноаниқлик ва беқарорликнинг янги даври бошланганлигини англатмоқда. Саудия Арабистони ва Россия Федерацияси ОПЕК+ нефть қазиб олишни чеклаш тўғрисидаги битимни узайтириш ҳамда 2020 йил иккинчи чорагида нефть қазиб олишни пасайтиришни сақлаб

қолишга келиша олмадилар, натижада, жаҳон бозорида “брент” маркали нефть 30%га арзонлашиб, 34 долларгача пасайди ва бу 1991 йилдаги Форс кўрфазидаги урушидан бери юз берган энг ёмон кўрсаткич сифатида изоҳланмоқда. Ар-Риёд, башарти, Москва ҳам нефть қазиб олишни қисқартиришга рози бўлса, ОПЕК доирасида нефть қазиб олишни чеклашни сақлаб қолишга рози бўлишини маълум қилди. Ўз навбатида Россия томонидан ушбу таклиф Россиянинг ишлаб чиқариш ҳажмини қисқартириш орқали жаҳон бозорини Америка сланец нефти билан тўлдириш тактикаси сифатида қабул қилинмади. Бундай вазиятда, Халқаро Энергия Агентлиги 2020 йилда нефтга глобал талаб камайиб кунига 90 минг баррелга тушишини башорат қилмоқда. Шунингдек, яқин кунларда нефть нархи бир баррел учун 20 долларга тушиши тахмин қилинмоқда.

Халқаро энергетика хавфсизлиги дунёда кечадиган ҳар қандай глобал жараёнларга ўта таъсирчандир. Нефть нархларининг ҳозирги пасайиши охир оқибат пандемияга айланган янги коронавирус эпидемияси дунё бўйлаб тез тарқалиши ва шунга боғлиқ равишда дунёда бизнес ва ишбилармонлик фаоллиги, айниқса, хизматлар, туризм ва транспорт соҳаларидаги чекловлар билан ҳам боғлиқ. Кўплаб давлатлардаги карантин чоралари туфайли таълим муассасалари, кино-театрлар, кўргазмалар ёпилди, йирик мегаполисларда жамоат транспортлари тўхтатилди, халқаро бизнес форумлари, конференциялар ва спорт тадбирлари бекор қилинди. Буларнинг барчаси нефть ва бошқа энергия ресурсларининг истеъмолини сезиларли даражада камайишига ва натижада жаҳон бозорида нефть нархларининг пасайишига олиб келди.

Хулоса. Замонавий босқичда Яқин Шарқдаги геосиёсий жараёнлар, минтақавий зиддиятларнинг кучайиши, минтақада узоқ вақтдан бери давом этиб келаётган нобарқарор вазият нефть қазиб олувчи давлатларнинг энергетика хавфсизлигига таҳдид солмоқда. Сўнгги пайтларда энергия барқарорлигини таъминлашда ОПЕК ва Форс кўрфази араб давлатлари ҳамкорлиги кенгаши ролининг пасайиши, минтақадаги можаролар, минтақа давлатлари ўртасидаги турли кўрнишдаги ихтилофларнинг мавжудлиги Яқин Шарқ минтақаси энергетика хавфсизлиги тизимини заифлаштирди. Шунга қарамай, бугунги кунда Яқин Шарқ давлатлари нефть ишлаб чиқариш ва дунё хомашё бозорининг локомотиви саналади.

Минтақа энергетика хавфсизлигини таъминлаш, жаҳон миқёсидаги ўз позицияларини янада мустаҳкамлаш, минтақавий энергетика муносабатларининг замонавий архитектурасини шакллантириш учун минтақа мамлакатлари қуйидагиларга эътибор қаратмоғи зарур:

1. Минтақа давлатлари ўзаро уйғун принципларга асосланган ташқи энергия сиёсатини ишлаб чиқиши ва амалга ошириши керак, бу минтақавий шароитда давлатлар ва халқаро ташкилотлар билан муносабатларда ҳаракатларни мувофиқлаштиришни таъминлайди.

2. Давлатлар ва энергетика компаниялари фаолиятини мувофиқлаштириш, мониторинг ва бошқариш механизмларининг узлуксиз ишлаши жуда муҳимдир.

3. Халқаро кескин вазият, геосиёсий, геоиқтисодий омиллар таъсирида халқаро майдонда сиёсий кучларнинг трансформацияси шароитида минтақа мамлакатлари ташқи сиёсатнинг энергетика ва геоиқтисодий жиҳатларига устувор аҳамият беришлари зарур.

4. Яқин Шарқ мамлакатлари минтақанинг энергия базасини диверсификация қилиш ва ички истеъмолни самарали бошқаришнинг замонавий механизмларини шакллантириши зарур. Бунда ишлаб чиқарувчи давлатлар, транзит мамлакатлар ва истеъмолчи давлатлар ўртасидаги тобора ортиб бораётган ўзаро боғлиқлик туфайли глобал энергетика хавфсизлигини мустаҳкамлаш учун барча манфаатдор томонлар ўртасида шериклик алоқаларини

ривожлантириш муҳимдир. Ушбу мақсадларга эришишнинг энг яхши усули шаффоф, самарали ва рақобатдош глобал энергия бозорларини вужудга келтиришдир.

Ва ниҳоят, нефть саноати юқори рақобатбардош бўлиб, инвестиция лойиҳалари нафақат ресурслар, балки, уларни самарали ишлаб чиқариш учун имконият мавжуд бўлган мамлакатларда амалга оширилади. Шу боисдан, Яқин Шарқ мамлакатлари ушбу воқеликка мослашиши ва энергетика сиёсатини модернизация қилиши керак. Бундай шароитда улар доимий хом ашё истеъмолчиларига эга бўлиш билан бирга халқаро майдондаги мавқеларини мустаҳкамлайдилар. Минтақа давлатлари Яқин Шарқдаги энергетика хавфсизлиги ва энергетика муносабатларининг янги конструктив тизимини таъминлаш учун зарур чораларни кўришлари даркор.

АРАБ ТАДҚИҚОТ МАРКАЗЛАРИНИНГ ДАВЛАТ СИЁСИЙ ҲАЁТИДАГИ ЎРНИ

ИКРОМОВ ШАВКАТ

Таянч докторант, Ўз Р ФА ҳузуридаги Ўзбекистоннинг энг янги тарихи масалалари бўйича Мувофиқлаштирувчи-методик марказ

Аннотация. *Мазкур мақоланинг мақсади, араб давлатларида фаолият юритаётган тадқиқот марказлари, уларнинг давлат ҳаётига оид стратегик концепцияларни ишлаб чиқишдаги иштироки даражасини таҳлил қилишдан иборат. Тадқиқот марказларининг давлат сиёсий идоралари билан ҳамкорлигини ўрганиш араб давлатларида илм-фан тараққиёти ва демократик қадриятлар ҳамда сиёсий плюрализмнинг ривожланиш даражасини аниқлаш имконини беради.*

Услубий жиҳатдан араб тадқиқот марказлари фаолиятини баҳолашда иккита мезон танлаб олинди: биринчи, давлатнинг илм-фан тараққиётига сарфлаётган инвестициялари, иккинчи, унинг демократик индекслари. Ҳар икки мезон бўйича араб давлатларининг халқаро кўрсаткичлари нуфузли рейтинг агентликлари ҳамда тадқиқот марказларининг ҳисоботлари асосида шакллантирилди.

Тадқиқот марказлари фаолиятини таҳлил қилиш учун биринчи, уларнинг ривожланиш босқичлари, иккинчи, марказлар фаолиятига таъсир кўрсатувчи омиллар, учинчи, ички сиёсат, иқтисодиёт, халқаро ҳамкорлик ҳамда минтақавий хавфсизлик билан боғлиқ стратегик қарорлар қабул қилишда марказларнинг ўрни ва аҳамияти ўрганилди. Тадқиқот натижасида шу аниқ бўлдики, минтақадаги ҳозирги кескинлик ҳамда инқирозларнинг ортиб бораётганлиги марказлар фаолияти самарадорлигини юқори баҳолаш имкониятини бермайди.

Таянч сўз ва иборалар: *тадқиқот марказлари, араб давлатлари, ижтимоий сиёсий жараёнлар, стратегик дастурлар.*

Аннотация. *Цель данной статьи изучить исследовательские центры, работающие в арабских странах, проанализировать степень их участия в разработке стратегических концепций общественной жизни. Изучение сотрудничества исследовательских центров с государственными политическими властями поможет определить уровень развития науки и демократических ценностей в арабском мире и уровень политического плюрализма.*

Для методологической оценки арабских исследовательских центров были выбраны два критерия: во-первых, государственные инвестиции в науку и, во-вторых, его демократические показа-

тели. В обоих критериях арабские международные рейтинги основаны на отчетах авторитетных рейтинговых агентств и исследовательских центров.

Первый этапы развития исследовательских центров, второй факторы, влияющие на деятельность центров, третий роль и значение центров в принятии стратегических решений относительно внутренней политики, экономики, международного сотрудничества и региональной безопасности. Исследование показало, что нынешняя напряженность в регионе и усиливающиеся кризисы не позволяют переоценить эффективность центров.

Опорные слова и выражения: *исследовательские центры, арабские государства, общественно-политические процессы, стратегические программы.*

Abstract. *The purpose of this article is to study the research centers operating in the Arab states and analyze the extent of their involvement in the development of strategic concepts in public life. The study of cooperation between research centers and political offices of the state gives an opportunity to clarify the development degree of science and democratic traditions, and political pluralism in Arab states.*

Methodically, two criteria were chosen for evaluating the activities of Arab research centers: first, the state's investment in science, and second, their democratic indexes. In both criteria, the Arabian international rankings are based on reports from competent rating agencies and research centers.

In order to analyze the activities of research centers, firstly, their development stages, secondly, factors that affected the activities of the centers, and thirdly, the role and importance of the centers in strategic decision-making related to domestic policy, economy, international cooperation and regional security were investigated. The study revealed that the current tensions and increasing crises in the region do not allow the centers to overestimate their effectiveness.

Keywords and expressions: *research centers, Arab states, socio-political processes, strategic programs.*

Мавзунинг долзарблиги. Бизнинг давримизда давлат ва жамият ҳаётининг турли соҳалари ҳамда халқаро муносабатларнинг мураккаб йўналишлари тизимли муаммоларни вужудга келтирмоқда. Инсоният цивилизациясининг ҳозирги босқичи кескин рақобат муҳитида бўлиб, бу шароитда қарор қабул қилиш мураккаблашади. Профессионал ёндашилмаган, илмий нуқтаи назардан асосланмаган, бир шахс ёки маълум бир сиёсий гуруҳ тафаккур маҳсули бўлган қарорлар тараққиётни орқага суриб, давлатлараро зиддиятларга сабаб бўлмоқда. Рационал қарорлар қабул қилиш ва провардида тараққиёт стратегияларини тўғри белгилаш кучли интеллектларни ўзида жамлаган илмий лабораторияларга, яъни тадқиқот марказларига нисбатан эҳтиёжни вужудга келтиради. Тадқиқот марказларининг самарали фаолияти натижасида давлат тараққиётининг иқтисодиёт, сиёсат, мудофаа, хавфсизлик каби стратегик йўналишларини ривожлантириш мумкин. Ҳозирги кунда дунё бўйича 8000 дан ортиқроқ тадқиқот марказлари бўлиб, уларнинг салмоқли қисми ривожланган давлатлар ҳиссасига тўғри келади. Тадқиқот марказлари фаол ишлаётган ҳудудларда, муаммоларга тизимли ёндашилиб, уларнинг олди олинади.

Араб давлатларидаги сиёсат, иқтисодиёт ва хавфсизликка оид қарорларнинг қабул қилинишида тадқиқот марказлари таъсирини аниқлаш ҳамда бу борадаги муаммоларни таҳлил қилиш ишнинг мақсади ҳисобланади. Мақолада аввал тадқиқот марказлари тушунчаси ва унинг давлат стратегик концепцияларини ишлаб чиқишдаги аҳамиятини тушунтириш, бу орқали эса уларнинг давлат сиёсий ҳаётидаги ўрнини баҳолаш, шунингдек, араб давлатларидаги тадқиқот марказларининг шаклланиш босқичларини ўрганиш, уларнинг ривожланишига таъсир кўрсатувчи омилларни гуруҳлш каби вазифалар белгиланган.

Тадқиқот обеъкти – араб давлатларида фаолият юритаётган тадқиқот марказлари. Тадқиқот предмети – мазкур марказларнинг фаолият йўналишлари ва уларнинг давлат сиёсий ҳаётидаги аҳамияти.

Тадқиқотнинг методологик тавсифи. Араб тадқиқот марказлари фаолиятини баҳолашда иккита мезон танлаб олинди: биринчи, давлатнинг илм-фан тараққиётига сарфлаётган инвестициялари, иккинчи, унинг демократик индекслари. Ҳар икки мезон бўйича араб давлатларининг халқаро кўрсаткичлари нуфузли рейтинг агентликлари ва тадқиқот марказларининг ҳисоботлари асосида шакллантирилди. Араб давлатларидаги тадқиқот марказларининг умумий хусусияти етакчи тадқиқот марказлари мисолида ўрганилди. Улар фаолитига оид маълумотлар аввал умумлаштирилиб гуруҳлаштирилди, тўпланган маълумотлар фанлараро ёндашув методлари асосида таҳлил қилинди, шунингдек, маълумотлар ва хулосаларни янада равшанлаштириш учун қиёсий таҳлил методлари қўлланилди. Ўрганилаётган ҳар бир тадқиқот марказининг веб-саҳифаси ва уларнинг нашр ишлари: монографиялар, илмий журналлар, халқаро конференция ва семинарларнинг натижалари таҳлил қилинди. Тадқиқот якунида марказлар фаолияти бўйича айрим хулосаларга келинди.

Мавзу бўйича адабиётлар таҳлили. Тадқиқот маказлари фаолиятини ўрганишда маълумотлар баъзасининг бой эканлигини кўриш мумкин. Араб тадқиқотчилари сўнгги ўн йиллик давр чагарасида мавзуга оид юзга яқин илмий мақолалар ва ўнлаб монографиялар яратган. Хусусан, Ҳусайн Шаҳоуний[1], Ҳалид Маҳмуд[2], Ҳалид Ардавий,[3] Маҳмуд ас-Сеқалий[4] кабиларнинг ишларини алоҳида таъкидлаш мумкин.

Уларнинг тадқиқотларида асосий эътибор араб таҳлилий марказларининг фаолият методологияси, марказларнинг давлат сиёсий ҳаётида иштирок этиш даражаси ва бу йўлдаги муаммолари таҳлил қилинган. Жумладан, профессор Ҳ. Ҳ. Шаҳоуний ўз тадқиқотларида араб тадқиқот марказларини ривожланган давлатларнинг тадқиқот марказлари билан қиёслаган, араб тадқиқот марказларининг муаммоларини аниқлаган. М. Сеқалий эса араб давлатлари сиёсий доираларининг қарор қабул қилиш жараёнида тадқиқот марказларининг иштироки даражасига танқидий ёндашади.

Ғарб тадқиқотчиларидан James G.McGann[5] ва He Li[6] кабиларнинг тадқиқотлари билан танишиш натижасида тадқиқот марказларининг умумий хусусиятлари ва дунё минтақаларида уларнинг фаоллик даражаси ҳақида маълумотлар олиш мумкин.

Таҳлилий марказлар тушунчаси. Тадқиқот марказлари – бу таҳлилий тадқиқотлар олиб борадиган, комплекс тадқиқотлар натижасида давлат сиёсий ҳаёти, мудофаа тизими, миллий ва минтақавий хавфсизлик, шунингдек, иқтисодиёт ва жамият ривожининг бошқа турли соҳалари бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш орқали давлат органларининг муҳим қарорлар қабул қилишига кўмаклашадиган институтлардир. Пенсильвания университетининг анъанавий равишда тайёрлаб келадиган дунёдаги барча тадқиқот ва таҳлилий марказларнинг фаолиятига оид ҳисоботига кўра, 2019 йил дунёда жами 8,248 тадқиқот ва таҳлилий марказлар фаолият олиб борди. Уларнинг аксари ўз давлатларининг стратегик

---

[1] هاشم حسن حسين الشهواني، مراكز www.elections.akhbarak.netهاشم حسن حسين الشهواني. أهمية مراكز الأبحاث\\ 2011.07.08 \\ 2:الأبحاث العربية وسبل تطويرها باتجاه الاسهام في صناعة القرار السياسي، مركز الدراسات الاقليمية، عبر الرابط http://www.regionalstudiescente.net/site/journals/regional/rs.r

[2] خالد وليد محمود. دور مراكز الأبحاث في الوطن العربيّ: الواقع الراهن وشروط الانتقال إلى فاعلية أكبر. المركز العربيّ للأبحاث ودراسة السياسات. 2013 م.

[3] خالد عليوي العرداوي. التحديات الشيعية والحاجة الى مراكز األبحاث والدراسات في مطلع االلفية الثالثة\\ جامعة كربالء. 2016 م.

[4] محمود محمد السيقلي. دور مراكز الفكر والبحث في صنع القرار: واقع مراكز الفكر العربية. 2019 م.

[5] James G. McGann, 2017 Global Go to Think Tanks Index Report, The Think Tanks and Civil Societies Program, International Relations Program, University of Pennsylvania, 30/1/2018.

[6] He Li. The Role of Think Tanks in Chinese Foreign Policy. Problems of Post-Communism, Vol. 49, n. 2 (Mar/Apr 2002.


концепцияларини ишлаб чиқишда фаол иштирок этган[1]. АҚШнинг Brookings Institution, RAND Corporation, Center for Strategic and International Studies (CSIS), Англиянинг Chatham House каби таҳлилий ва тадқиқот марказлари сиёсатчилари, сиёсий тадқиқотлар билан шуғулланувчилар ва умуман, зиёлилар орасида маълум ва машҳурдир.

Бу турдаги марказлар сиёсий элита ҳамда сиёсий тафаккур эгалари орасида боғланишни, сиёсатчилар, иқтисодчилар ҳамда илмий академик доиралар ўртасидаги интеграцияни вужудга келтириши билан муҳим аҳамиятга эга[2].

Профессор Халид Улайвининг фикрига кўра, маълум мақсадларда ташкил қилинган фондлар (Foundations), илмий институтлар, (Institutes), илмий марказлар (Centers), таҳлилий марказлар (Think Tanks) ёки (Brain boxes), жамғарма (Funds) ёки (Endowments) кабиларнинг барчасини тадқиқот марказлари деб номлаш мумкин[3].

Тадқиқот марказлари уларнинг ташкил қилинишига кўра учта гуруҳга бўлинади, яъни 1) ҳукумат ёки ҳукуматнинг ярим шериклигида; 2) илмий муассасалар таркибида; 3) хусусий[4].

Биринчи кўриниш:



Тадқиқот марказлари фаолиятининг натижасида яратилган таҳлиллар ва ҳисоботлар ўзининг эксперт баҳолаш, таҳлилий билим, жараёнларга нисбатан профессионал қараш, муаммоларни чуқур илмий таҳлил қилиши билан ажралиб туради. Одатда, таҳлилий марказларда кучли интеллектуаллардан иборат ресурс мужассамлаштирилади. Улар сиёсат ва сиёсий билимларни бирлаштирган ҳолда жараёнларга таъсир эта олиш, стратегик

[1] Mc Gann, James G. 2018 Global Go To Think Tank Index Report (2019). TTCSP Global Go To Think Tank Index Reports. 16. https://repository.upenn.edu/think_tanks/16

[2] دور المراكز الأبحاث والدراسات في صنع القرار السياسي: إيران أنموذجاً، إصدارات مركز الروابط للبحوث والدراسات الاستراتيجية، بتاريخ 4 أيلول/سبتمبر 2015، يمكن الاطلاع عليه على الموقع الإلكتروني: http://rawabetcenter.com)

[3] خالد عليوي العرداوي. مراكز الأبحاث في العراق. https://m.annabaa.org/arabic/studies/16799

[4] محمد عبد الراض محمود. دور المراكز البحث ةٌ ف تنم ةٌ العلاقات المصر ةٌ السودان ةٌ مركز دراسات حوض الن لٌ نموذجا". مدرس الأنثروبولوج اٌ الثقاف ةٌ بمعهد البحوث والدراسات الإفر قٌ ةٌ جامعة القاهرة. 2017 م.

муаммоларни ҳал қилиш ҳамда уларни бошқариб боришга қаратилган материалларни шакллантиради. Марказлар ўзлари олиб бораётган тадқиқотларни жамият манфаатларини ифодалаш ва жамият муаммоларини ҳал қилиш ҳамда давлат сиёсатини ривожлантиришга йўналтиради. Шунингдек, бу турдаги институтлар ўз фаолияти натижаларини кўрсатиш, фикр алмашиш учун нашр ишларини йўлга қўйиш, конференция ва семинарлар ташкил қилишдан иборат бўлган фаолият турлари билан ҳам шуғулланади[1].

Тадқиқот марказларининг мустақил ва эркин шароитда самарали фаолиятлари нотўғри қарорлар қабул қилиниш хавфини камайтиради[2].

Хулоса қилиб айтганда, ўтган асрдан бошлаб фаоллик билан ривожланган бу турдаги марказлар, бугунги кунга келиб ривожланган давлатларда сиёсий, иқтисодий ҳамда ижтимоий соҳаларга доир стратегик қарорлар қабул қилишда асосий таянч вазифасини бажармоқда. Шунингдек, халқаро жараёнларга таъсир кўрсатувчи актор даражасида қабул қилинмоқда.

Араб давлатлари тадқиқот марказларининг ривожланиш хусусиятлари. Яқин Шарқ минтақасида тадқиқот марказларининг фаолияти ўтган асрнинг сўнгги чорагидан бошланади. Айтиш мумкинки, ўтган ярим асрга яқин давр, Яқин Шарқ ва Шимолий Африка ҳудудида таҳлилий марказларнинг жадал ривожланиш даври бўлди.

2019 йил эълон қилинган, дунё тадқиқот марказлари фаолиятига оид ҳисоботга кўра, минтақада 507 тадқиқот марказлари фаолият олиб боради, бу бутун дунёдаги тадқиқот марказларининг 6,1 фоизидир[3]. Уларнинг сонига кўра минтақада Эрон, Исроил, Туркия, Миср, Ироқ ва Ливан давлатлари етакчилик қилади. Халқаро эътироф этилиш кўрсаткичи ва таъсир даражасига кўра эса Миср, Туркия, Исроил ва Қатардаги тадқиқот марказлари етакчи ҳисобланади[4].

Тадқиқот марказларининг тараққиёти асосан иккита омилга боғланади, биринчи, давлатнинг илм-фан тараққиётига сарфлаётган инвестицияларига иккинчи, унинг демократик индексларига. Бу икки омилнинг ижобий ҳолати тадқиот марказлари фаолиятининг ривожланишига сабаб бўлиши мумкин. Мазкур икки омил бўйича араб давлатларидаги тадқиқот марказларининг умумий хусусияти ва кўрсаткичларини таҳлил қилишга ҳаркат қиламиз.

Биринчи омил: статистик маълумотларга кўра, араб давлатлари ўз миллий даромадларининг ўртача 0,8 фоизини илм-фан тараққиёти йўлида сарфлайди, солиштириш учун Исроил 3,93 фоиз миллий даромадларини фан тарққиётига сарфлайди. Америка Қўшма Штатларида ҳаммаси бўлиб 397 тадқиқот марказлари бўлса, 22 араб давлатидаги барча тадқиқот марказларининг умумий сони бу рақамлардан анча ортда қолади. Эрондаги тадқиқот марказларининг сони кўрфаз давлатлари иттифоқидаги бешта давлатнинг тадқиқот марказлари сонидан кўпроқ. Дунё тадқиқот марказларининг 2019 йил учун ишлаб чиқилган рейтингида Яқин Шарқ минтақаси бўйича жами 507 тадқиқот маркази рўйхатга олинган бўлса, улардан 258 таси араб давлатларига тўғри келади, минтақада биринчи ўринда Туркия (59 та), иккинчи ўринда Исроил (58 та) ва катта фарқ билан Миср (35 та) учинчи ўринда туради[5].

Форс кўрфази араб давлатлари катта молиявий манбаларга эга бўлишига қармасдан, бу турдаги марказларнинг ривожланишини қўллаб-қувватламайди. Солиштириш учун Африка-

---

[1] Mc Gann, James G., "2018 Global Go To Think Tank Index Report" (2019). TTCSP Global Go To Think Tank Index Reports. 16. https://repository.upenn.edu/think_tanks/16

[2] هاشم حسن حسين الشهواني، أهمية مراكز الأبحاث، مقال منشور على الشبكة الدولية للمعلومات (الانترنيت) على الموقع الالكتروني:

[3] 1-30-2018 2017 Global Go To Think Tank Index Report. – P. 35.

[4] تقييم مراكز الدراسات والبحوث العربية والدولية\\ https://www.ecssr.ae/wp-content/uploads/2019/05/ER-2018-Ar-Rev.31.pdf

[5] أحمد نظيف. ما هي أفضل مراكز الدراسات والأبحاث في الشرق الأوسط؟ \\ https://raseef22.com/article/90371

даги Сомали давлатида (11 та) Саудия Арабистонидаги тадқиқот марказларидан (10 та) кўра кўпроқ марказлар бор. Иқтисодий имкониятлари Жазоир (11 та) ва Ливияга (11 та) нисабатан юқори бўлмаган Тунисда 18 та тадқиқот маркази фаолият олиб боради. Рақамлар шуни кўрсатадики, тадқиқот марказларининг фаолиятида давлатнинг илм-фан учун сарфлаётган маблағлари катта аҳамиятга эга.

Иккинчи омил: баъзи араб давлатларидаги тадқиқот марказларининг молиявий имкониятлари катта бўлса-да, Европа ва Американинг шу турдаги марказларга нисбатан секин ривожланаётганлигини кузатиш мумкин.

Уларнинг ривожланишига тўсиқ бўлаётган омиллардан яна бири давлатлардаги демократик кўрсаткичлар билан боғлиқ вазиятдир. Биз араб тадқиқот марказларини давлат сиёсий ҳаётидаги ўрнини баҳолашга ҳаракат қилар эканмиз, эътиборга олиниши керак бўлган асосий жиҳат бор, яъни тадқиқот марказлари демократиянинг Ғарбда эътироф этилган талабларига мос сиёсий тизимлардагина тўғри ишлаши мумкин. Араб давлатларидаги демократик индексларнинг "ўзига хос" эканлиги ҳисобга олинса, бу ердаги тадқиқот марказларининг фаолиятидаги муаммолар равшанлашади.

The Economist Intelligence Unit нашри томонидан 2019 йил учун дунё давлатларининг демократик кўрсаткичлари рейтинги (The Democracy Index) эълон қилинган. Араб давлатлари орасидан фақат Тунис (53) ва Марокаш (96) нисбатан юқори кўрсаткичларга эга, қолган араб давлатлари рейтингда юқори ўринларга эга эмас, хусусан, Миср (136) ва Саудия Арабистони (158) ўринлар билан 166 давлатнинг орасида жуда паст баллга эга бўлган[1].

Демократик кўрсаткичларнинг ўрта ва паст даражада эканлиги яна бир қатор шарт-шароитларни вужудга келтирганки, улар ҳам араб давлатларидаги тадқиқот марказларининг ривожланишига тўсиқ бўлмоқда. Профессор Жавад ал-Ҳамд уларни умумлаштирган ҳолда уч гуруҳга бўлади:

– Араб тадқиқот марказлари давлат томонидан молиялаштирилади ва ўз ўрнида марказлар буюртмачисининг буюртмаларини бажаришда давом этади.

– Муайян мафкура ёки сиёсатни илгари суриш марказларнинг фаолиятига тўсиқ бўлади.

– Тадқиқот марказларининг режалари ижтимоий эҳтиёжлар билан боғлиқ бўлган стратегик қарашларга асосланмаганлиги.

Хусусан, Саудия Арабистонидаги 10 та, Бирлашган Араб Амирликларидаги 11 та, Қатардаги 11 та ва Мисрдаги 39 та тадқиқот ва таҳлилий марказларнинг ҳаммаси ҳукумат ёки ҳукмрон сулолалар томонидан молиялаштирилади [2] . Саудиянинг стратегик ва халқаро тадқиқотлар, Амирликнинг стратегик тадқиқотлар ёки Кўрфаз тадқиқотлар маркази (БАА) кабиларнинг барчаси ҳукмрон оилалар томонидан ташкил қилинган. Улар ўз фаолиятларини минтақавий ёки халқаро миқёсда Саудия ҳамда Амирликлар манфаатларини ҳимоя қилишга йўналтирган. Хусусан, Саудиянинг стратегик ва халқаро тадқиқотлар маркази панарабизм ва панисломизим ғояларинигина эмас, балки Саудиянинг глобал миқёсдаги фаолиятига доир тадқиқотларни олиб бориш буюртмасини олган[3]. Қирол Фейсал номидаги ислом тадқиқотлар марказининг Осиё ва Африка тадқиқотлари бўлимларида асосан Саудиянинг бу минтақалардаги сиёсий қизиқишлари доирасидаги тадқиқотлар ташкил қилинади.

---

[1] https://www.eiu.com/topic/democracy-index\\ Democracy Index 2019.

[2] محمود محمد السيقلي. دور مراكز الفكر والبحث في صنع القرار: واقع مراكز الفكر العربي. 2019 م.

[3] http://www.alriyadh.com/25006 حمد بن عبدالله اللحيدان. المركز السعودي للدراسات الاستراتيجية والدولية\\

Араб тадқиқот марказларининг шаклланиш босқичлари ва унга таъсир қилувчи омиллар. Минтақадаги тадқиқот марказларининг шаклланиш эволюциясида, уларнинг сон ва сифат кўрсаткичларига таъсир қилган бир қатор омилларни учратиш мумкин. Агар ўтган асрнинг 70-йилларига қадар араб-исроил келишмовчилигига оид муаммоларни таҳлил қилиш тадқиқот марказларининг бош мақсади бўлган бўлса, XX асрнинг 70-йилларидан кейин панарабистик ғояларнинг тарғиботи уларнинг асосий йўналиши бўлди.

XX асрнинг 90-йилларида Ироқнинг Кувайтга агрессияси ва Жазоирдаги фуқаролар уруши минтақа давлатларида ривожланиш ва хавфсизликка доир алоҳида миллий стратегиялар ишлаб чиқиш заруриятини вужудга келтирди. Бу ўз ўрнида тадқиқот марказлари фаолиятини миллий стратегия концепциялари бўйича тавсиялар ишлаб чиқишига йўналтирди.

2001 йил 11/09 воқеалари тадқиқот марказлари сонининг кескин ошишига олиб келди[1]. Шу билан бирга, тадқиқот йўналишларида минтақавий хавфсизлик, терроризм ҳамда радикал ислом гуруҳларига қарши кураш масаласига урғу берила бошланди. 2011 йил араб баҳори инқилобий чиқишлари эса миллий хавфсизлик, ахборот хавфсизлиги, радикаллашган ислом гуруҳларига қарши кураш каби масалаларни долзарблаштирди. 2011 йилдан кейин Ироқ, Сурия, Ливия ва Ямандаги инқирозлар ҳам тадқиқот марказларининг тадқиқот режаларининг ўзгаришига олиб келган ва асосий эътибор мазкур инқирозларнинг хавфини ўрганишга қаратилган.

Шунингдек, XX асрнинг сўнгига келиб араб давлатлари сиёсий, ижтимоий ва иқтисодий жараёнларида бошланган трансформация, демократлаштириш ва либерализм жараёнлари, шунингдек, минтақа давлатларининг халқаро ҳамжамият учун кенг очилиши каби ҳолатлар тадқиқот марказлари фаолиятининг долзарблиги ва тадқиқот йўналишларини шакллантиришда муҳим босқич бўлди.

Биринчи авлод араб тадқиқот марказларидаги асосий масала араб бирлиги ғоясини қўллаб-қувватлаш ва кенгайтириш ҳамда буни амалга оширишга қаратилган тадқиқотлардан иборат бўлган бўлса, ҳозирги даврга келиб бу тенденция ўзгарган. Бугунги таҳлилий марказлар асосан миллий, шунингдек, минтақавий ва халқаро миқёсдаги сиёсий, иқтисодий, миллий хавфсизлик, армия ва мудофаа, ислом ва дунё динлари, сиёсий ислом, ижтимоий-маданий, инновоцион ривожланиш, фан ва технологиялар, энергетика, энергетик хавфсизлик, экология ҳамда маданий ривожланишга доир 50 дан ортиқ йўналишларда тадқиқотлар олиб боради.

2019 йил "Амирлик сиёсий тадқиқотлар" маркази томонидан араб давлатларида фаолият олиб бораётган тадқиқот марказлари фаолияти бир қанча параметрларга кўра баҳоланган ва уларнинг фаолият рейтинги тузилган[2].

Иккинчи кўриниш:

Тадқиқот йўналишлари	Давлат номи	Ўзбекча номланиши	Тадқиқот марказ номи ва веб саҳифаси
Ички сиёсат, иқтисод, мудофаа ва хавфсизлик, ташқи сиёсат жами 12 та йўналиш	Миср Араб Республикаси	Ал-Аҳрам сиёсий ва стратегик тадқиқотлар маркази	مركز الأهرام للدراسات السياسية والاستراتيجية www.acpss.ahram.org.eg

[1] ليلى الرطيمات. دور مراكز البحث في إنتاج الدراسات وتطوير المعرفة: نموذج مراكز البحث بالمغرب \\ https://caus.org.lb/ar

[2] أبوظبي، الإمارات العربية المتحدة 2019 م. \\تقييم مراكز الدراسات والبحوث العربية والدولية 2018 - 2019.

Давлат бошқаруви, дипломатия, Осиё ва Европа тадқиқотлари жами 10 та йўналиш	Бирлашган Араб Амирликлари	Муҳаммад бин Рашид Давлат бошқарув мактаби	كلية محمد بن راشد للإدارة الحكومية www.mbrsg.ae
Ислом тадқиқотлари, Осиё ва Африка давлатлари тадқиқотлари, маданий мерос жами 6 та йўналиш	Саудия Арабистони Подшолиги	Қирол Файсал Ислом тадқиқотлари маркази	مركز الملك فيصل للبحوث والدراسات الإسلامية www.kfcris.com/ar
Ички ва ташқи сиёсат, иқтисод, энергетика жами 5 та йўналиш	Баҳрайн давлати	Баҳрайн стратегик, халқаро ва энергетика тадқиқотлар маркази	مركز البحرين للدراسات الاستراتيجية والدولية والطاقة www.derasat.org.bh
Араб давлатларининг иқтисодиёт, сиёсат ва хавфсизликка оид умумий масалалар, жами 10 га яқин	Иордания Ҳошимийлар қироллиги	Араб тафаккур Форуми	منتدى الفكر العربي www.atf.org.jo
Араб давлатларининг иқтисодиёт, сиёсат ва хавфсизликка оид умумий масалалари, жами 5 га яқин йўналишлар	Бирлашган Араб Амирликлари	Араб Стратегик Форуми	المنتدى الاستراتيجي العربي arabstrategyforum.org/ar
Ички ва ташқи сиёсат, иқтисодиёт ва хавфсизлик, жами 7 та йўналиш	Иордания Ҳошимийлар Қироллиги	Стратегик тадқиқотлар маркази	مركز الدراسات الاستراتيجية
Эрон ва минтақавий хавфсизлик масалалари	Саудия Арабистони Подшолиги	Эронни тадқиқ қилиш халқаро институти	المعهد الدولي للدراسات الإيرانية http://jcss.org/
Умумий интеграция жараёнлари, ўзаро ҳамкорликка оид жами 10 га яқин йўналиш	Ливия Республикаси	Араб бирлиги тадқиқотлари маркази	مركز دراسات الوحدة العربية https://caus.org.lb/ar
Араб кўрфазидаги ҳамкорлик масалаларига оид 10 га яқин йўналиш	Кувайт давлати	Кўрфаз ва Арабистон яриороли тадқиқотлар маркази	مركز دراسات الخليج والجزيرة العربية http://cgaps.ku.edu.kw/

Араб тадқиқот марказларининг сиёсий қарорлар қабул қилишдаги иштироки. Тадқиқот марказларининг энг муҳим вазифаларидан бири сиёсий қарор қабул қилиш жараёнида тавсиялар билан иштирок этишдир. Қарор қабул қилиш жараёни самарадорлигини таъминлайдиган камида учта элемент мавжуд: қарор қабул қилувчининг шахсий сифатлари ва маҳорати, тажрибаси ҳамда билими. Қарор қабул қилувчининг шахсий сифатлари, маҳорати ва тажрибаси ҳамма замонларда ҳам муҳим бўлган, бироқ тажрибадан маълумки, инсоннинг шахсий сифатлари ҳар доим ҳам муваффақиятли натижага олиб келмаслиги мумкин. Яъни, бир шахс, агар у катта тажриба ва қобилият эгаси бўлса ҳам, ҳамма билимларга эга бўлиши мумкин эмас. Маълумки, давлат идораларининг таркибида қарор қабул қилиш учун ахборотларни жамлаб, уларни таҳлил қилувчи бўлимлар мавжуд бўлади. Бироқ бу бўлимлар бюрократик мезонлар асосида фаолиятларини ташкил қилганлиги ва кўп ҳолларда эркин фаолият олиб бора олмаслиги ҳисобга олинса, уларнинг қарорлар қабул қилишдаги самарадорлигини юқори баҳолаб бўлмайди. Шу сабабли бугунги кунда ривожланган давлатларнинг бошқарув идоралари муаммоларни ўрганиш, ташхислаш ва улар билан шуғулланиш учун тадқиқот марказларига мурожаат қилмоқда. Хусусан, араб давлатлари ҳам.

Сўнгги йилларда араб давлатларидаги тадқиқот марказларининг сиёсий жараёнларда иштирокига оид бир қатор тадқиқотлар олиб борилган. Бу тадқиқотларда қўйилаётган биринчи савол қуйидагича: "сиёсий жараёнларда иштирок этиш учун бу тадқиқот марказларининг ҳуқуқий мақоми ва демократик эркинликлари қанчалар таъминланган?" Жумладан, профессор Халед Ардави Ироқдаги тадқиқот марказларининг сиёсий-ҳуқуқий мақоми ва уларнинг сиёсий қарорлар қабул қилинишидаги иштирокини баҳолар экан, тадқиқот марказлари ва давлат ўртасида ҳамкорлик кўзга ташланишини, бироқ, марказларнинг ҳуқуқий ва ташкилий жиҳатдан муаммолар кўп эканлигини ёзади[1].

Тадқиқотчи Лейла Артемати Марокашдаги тадқиот марказларининг сиёсий жараёнларда иштирокини таҳлил қилиб, мамлакатда демократик эркинликлар таъминланиш кўрсаткичи яхши бўлса-да, молиявий таъминот билан боғлиқ муаммолар тадқиқот марказларининг эркин бўлишига имкон бермайди деган хулосага келади[2]. Профессор Хаба Жамалиддин эса "Мисрда таҳлилий марказлар ва сиёсий доиралар муносабатларини ривожлантириш" номли мақоласида сиёсий қарор қабул қилиш жараёнида ҳукумат идоралари ва тадқиқот марказларининг ҳамкорлик олиб бориш методологиясини таҳлил қилади. Унинг хулосасига кўра, Мисрда томонлар ўртасидаги муносабатлар талаб даражасида эмас, шу боис ҳукумат ва марказлар ўртасидаги бир қатор муаммоларни бартараф этиш лозим[3].

Қуйида араб давлатларидаги етакчи тадқиқот марказлари мисолида уларнинг давлат сиёсий ҳаётидаги иштироки кўриб чиқилади.

– *Ал-Аҳрам сиёсий ва стратегик тадқиқотлар маркази***.** Бу марказ Пенсилвания университети дунё тадқиқот марказларининг 2017 йил учун ишлаб чиққан рейтингида минтақада биринчи ва дунёда 18 ўринда эътироф этилган[4].

У араб дунёсидаги биринчи тадқиқот маркази бўлиб, 1968 йил Мисрда журналист Муҳаммад Ҳасан Ҳайкал томонидан асос солинган. Тадқиқот маркази минтақадаги араб-исроил келишмовчилиги келтириб чиқараётган муаммоларни ўрганиш мақсадида ташкил

[1] https://m.annabaa.org/arabic/studies/16799 الد عليوي العرداوي. مراكز الأبحاث في العراق: تنظيمها القانوني ودورها السياسي\\

[2] https://caus.org.lb/ar/ليلى الرطيمات. دور مراكز البحث في إنتاج الدراسات وتطوير المعرفة: نموذج مراكز البحث بالمغرب\\

[3] https://democraticac.de/?p=60606. 2016-26 د. هبة جمال الدين.اعادة بناء العلاقة بين مراكز الفكر ودوائر صنع السياسات في مصر

[4] https://raseef22.com/article/90371 \\ أحمد نظيف. ما هي أفضل مراكز الدراسات والأبحاث في الشرق الأوسط؟

қилинган. Марказ ўтган йиллар мобайнида фаолият йўналишларини кенгайтириб борди ва бугунги кунга келиб Мисрнинг сиёсий ва стратегик масалаларини комплекс ўрганишга ихтисослашган марказга айланди. Шунингдек, у халқаро жараёнлар, араб давлатларининг ўзаро муносабатлари ва уларни ўраб турган глобал тизимнинг хусусиятлари каби масалаларда ҳам изланишлар олиб боради[1].

Тадқиқот маркази зиммасига Мисрнинг стратегик мақсадлари, араб давлатларининг ривожланиш муаммолари ва халқаро жараёнлар, тўғрисида кенг жамоатчиликка, илмий таҳлил қилинган ахборотни етказиб бериш, Миср сиёсий доираларининг қарорлар қабул қилиш жараёнини оқилона ташкил қилишга кўмаклашиш каби вазифалар юклатилган**.**

Таҳлилий марказ ўз фаолиятининг натижаси сифатида Мисрнинг умуммиллий мақсадлари ва бу йўлдаги имкониятларини комплекс ўрганган ҳолда миллий стратегия концепцияларини ишлаб чиқади ва ҳукуматга тақдим қилади. Бу стратегик дастурларда Мисрнинг миллий манфаатларига таъсир қилувчи барча омиллар, хусусан, миллий хавфсизлик, ички ва ташқи сиёсат, иқтисод, ижтимоий ва диний маърифий жараёнлар, шунингдек, Миср халқининг тарихий тажрибаси ҳисобга олинади. Бу концепциялар тавсия хусусиятида бўлиб, унинг амалиётга жорий қилиниш имкониятлари давлатнинг сиёсий иродасига боғлиқ. Хусусан, узоқ йиллар давомида марказда ислом ва сиёсат, радикал ислом гуруҳларининг фаолияти ва унинг миллий барқорорликка таъсири, “Мусулмон биродарлар” ташкилотининг ғоявий ва дастурий асослари таҳлил қилиб келинган. Сўнгги йилларда эса, марказ ёшлар масаласи, ахборот хавфсизлиги каби муаммоларга ҳам эътибор қаратмоқда. Шунингдек, Яқин Шарқ минтақасидаги кескинлик шароитида мудофаага оид тадқиқотлар олиб борилиб, тегишли тавсиялар ишлаб чиқилмоқда.

Марказда муаммоларга ихтисослаштирилган бўлимлар фаолият олиб боради. Хусусан, арабшунослик, сиёсий тизимлар таҳлили, халқаро алоқалар, иқтисодий тадқиқотлар, ижтимоий тадқиқотлар, матбуотшунослик, тарихшунослик, ҳарбий тадқиқотлар, исроилшунослик, Форс кўрфазига оид дастурларни бажариш ва ижтимоий тармоқларни таҳлил қилиш каби бўлимлар фаолияти йўлга қўйилган[2].

Ал-Аҳрам сиёсий ва стратегик тадқиқотлар маркази қуйидаги даврий нашрларни чоп этади: Араб давлатларига оид йиллик статистик Ҳисобот, Иқтисодий тенденциялар тўғрисида йиллик ҳисобот, Исломий ҳаракатлар йиллик Каталоги, “Миср ҳаёти” чораклик журнал, ҳар ойда нашр қилинадиган араб ва инглиз тилларидаги статистик Рисолалар, Ал-Аҳрам стратегик ойлик журнали, Исроил ва Эронга оид алоҳида ойлик журналлар.

Сўнгги йилларда марказнинг етакчилик мавқеи пасайиб бораётганлиги кузатилади, буни марказ мутахассислари бир қанча омиллар билан изоҳлайди, жумладан, сўнгги йилларда минтақадаги сиёсий элита ва етакчи сиёсий кучлар билан марказ раҳбарияти орасидаги ҳамкорлик сусайган, марказнинг ичида ҳам интеллектуал ва сиёсий плюрализм пасайган. Сўнгги йилларда марказ кучли рақобат муҳитига тушиб қолган, Мисрнинг ўзида ва қолаверса, бутун минтақада кучли техник ҳамда молиявий таъминотга эга бўлган янги марказлар ўз фаолиятини бошлаганки, бу эса, ўз ўрнида Ал-Аҳрам марказининг фаолиятига ҳам ўз таъсирини кўрсатмоқда[3].

[1] http://acpss.ahram.org.eg/eng/ahram/2004/7/5/Abot0.HTM
[2] https://www.iicss.iq/?id=436
[3] https://www.aljazeera.net/news/reportsandinterviews/2008/1/ مركز الأهرام للدراسات بين أهم 30 مركزا في العالم

Хулоса қилиб айтганда, Ал-Аҳрам сиёсий ва стратегик тадқиқотлар маркази араб давлатларидаги тадқиқот марказлари орасидан биринчилардан бўлиб халқаро даражада эътироф этилган ва у бу мавқеини ҳамон сақлаб келмоқда. У Мисрнинг сиёсий ва иқтисодий тараққиётида ўзига хос аҳамият касб этади.

– *Қирол Фейсал номидаги исломий тадқиқотлар маркази.* 1983 йилда марҳум қирол Фейсал ибн Абдул-Азиз ал-Сауднинг оила аъзолари томонидан ташкил қилинган. Тадқиқот марказининг мақсади маҳаллий ва глобал миқёсдаги илмий изланишлар ҳамда маданий меросни сақлаш ва ривожлантириш йўлидаги ҳаракатларни қўллаб-қувватлашдан иборат. Марказ исломшунослик, сиёсат, социология ва маданий мерос билан боғлиқ илмий тадқиқотларни ташкил қилишга кўмаклашади.

Марказ қирол Фейсал номини абадийлаштириш, унинг инсон тараққиёти йўлидаги ҳаркатларини давом эттириш, гуманитар йўналишдаги тадқиқотларни ҳамда исломий меросни сақлаш ишларини қўллаб-қувватлаш, шунингдек, илмий-маданий ҳамкорликни йўлга қўйиш, илмий изланишлар ва мулоқотлар учун қулай инфратузулма ва платформани ташкил қилиш кабиларни ўзининг устувор вазифалари қилиб белгилаган.

Марказ қуйидаги бешта йўналишда фаолият олиб боради:

1) тадқиқотлар ва илмий изланишлар;
2) кутубхона ва манбалар хизмати;
3) маданият соҳасидаги хизматлар;
4) музей ва қўлёзмалар;
5) тренинглар ташкил қилиш ва гуманитар фаолиятни ривожлантириш.

Тадқиқот марказининг илмий изланишларни ташкил қилиш ва қўллаб-қувватлаш хизмати энг катта ва аҳамиятли йўналишлардан биридир. Бу бўлим тадқиқот марказлари фаолиятига нисбатан қўйиладиган халқаро талабларга тўла мос бўлиб, у қирилликнинг стратегик ривожланиш концепцияларини ишлаб чиқувчи лаборатория вазифасини бажаради. Тадқиқот марказида: хавфсизлик, замонавий сиёсий тафаккур, иқтисодий сиёсат, Африка тадқиқотлари, Осиё тадқиқотлари каби бешта йўналишда тадқиқотлар ташкил қилинган.

Марказ 40 йилга яқин вақт давомида фаолият олиб бораётган бўлса, унинг олдида ҳали ҳам бир қатор вазифалар бор. Хусусан, маданиятлараро мулоқат масаласи тушунчаси марказнинг дастурларида бор бўлса-да, бироқ у кўпроқ режаларда қолиб кетмоқда. Келажакда марказ бу тушунчани кенгроқ аудиторияга, хусусан, ёшлар онгига сингдиришга ҳаракат қилмоқчи.

– *Муҳаммад бин Рашид давлат бошқарув мактаби.* Муҳаммад бин Рашид давлат бошқаруви мактабига (Дубай давлат бошқарув академияси номи билан ҳам машҳур) Шайх Муҳаммад бин Рашид ал-Мактум ташаббуси билан 2005 йил асос солинган. Мазкур бошқарув мактаби (академияси) араб кўрфазида шу турдаги академияларнинг биринчиси бўлиб, у давлат бошқарувининг турли соҳалари учун мутахассисларни тайёрлайди, сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий соҳаларда тадқиқотлар олиб боради[1]. Қисқа вақт ичида академия таркибидаги илмий марказлар сиёсат, хавфсизлик, таълим, соғлиқни сақлаш ва ижтимоий фаровонликка оид тадқиқотларни ташкил қилиши билан араб давлатларидаги тадқиқот марказлари орасида етакчиларидан бирига айланди.

Академиянинг тадқиқот марказларида давлат сиёсий ҳаётининг турли соҳалари бўйича вужудга келиши мумкин бўлган муаммолар илмий ўрганилади, шунингдек, шу йўналишдаги

[1] https://www.mbrsg.ae/home/about-us/introduction.aspx. عن الكلية

таълим ва ўқув дастурлари ишлаб чиқилади. Академия халқаро ва минтақавий конференциялар ҳамда семинарлар ташкил қилиш орқали Бирлашган Араб Амирликлари ва араб давлатлари ҳамда дунё миқёсида фикр, билим ва тажриба алмашиш имкониятини яратади[1].

Бошқарув академияси ўқитиш ва яна бир қатор хизматлар билан бирга илмий тадқиқотларни ташкил этиш, олиб бориш ва қўллаб-қувватлаш бўйича ҳам кенг фаолиятни йўлга қўйган. Академияда инновацион ҳукумат, таълим, соғлиқни сақлаш, бошқарув ва етакчилик, ижтимоий фаровонлик ҳамда барқарор ривожланиш сиёсатига оид ўнга яқин йўналишларда тадқиқотлар олиб борилади[2]. Муассаса ўзининг сиёсат ва бошқарув соҳасида эришаётган натижалари ва илмий изланишлари хулосаларини ёритиб бориш учун *"Дубай сиёсати"* журналини нашр қилади.

Фаолият юритаётганига кўп бўлмаган бўлса-да, мазкур академия ва унинг тадқиқот марказлари инновацион ривожланиш ва фаровон келажак яратиш йўлида катта лойиҳаларни амалга ошириб, Бирлашган Араб Амирликлари сиёсий ҳаётида катта аҳамият касб эта бошлаган.

Хулоса қилиб айтганда, араб давлатларидаги тадқиқот марказларининг сиёсий қарорлар қабул қилиш, стратегик концепцияларни ишлаб чиқишдаги иштироки давлатларнинг демократик индексларига боғлиқ бўлиб қолмоқда. Тадқиқот марказларининг қарор қабул қилиш жараёнлардаги иштироки чекланган бўлиб, улар молиявий боғлиқлик туфайли давлат ва ҳукмрон сулолаларнинг сиёсий иродаларини ифодаловчи илмий муассаса даражасида қолиб кетмоқда.

Тадқиқот марказларининг араб давлатлари ташқи сиёсий фаолиятидаги иштироки. Таҳлилий марказлар фаолиятининг яна бир фаол йўналишларидан бири бу – ташқи сиёсат ва мудофаа тизимларини комплекс таҳлил қилиб, хулоса ҳамда тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат. Маълумки, Америка Қўшма Штатлари ўзининг ташқи сиёсий фаолиятига доир қарорлар қабул қилишда Brookings Institution, RAND Corporation сингари таҳлилий марказларнинг тавсияларини ҳисобга олади. Мамлакатдаги тадқиқот марказлари икки сиёсий партия ўртасида воситачи вазифасини бажарувчи учинчи йирик кучга айланиб улгурган[3].

Араб давлатларида ҳам ташқи сиёсатга ихтисослашган бир қатор тадқиқот ва таҳлилий марказлар фаолият олиб боради. Улар орасида, халқаро ва минтақавий сиёсат хусусиятларини таҳлил қилувчи Ал-Аҳрам сиёсий ва стратегик тадқиқотлар маркази ҳамда иқтисодий алоқаларни таҳлил қилувчи Абу Дабидаги Амирликлар стратегик тадқиқотлар маркази етакчи ҳисобланади. Шунингдек, Саудия Арабистонидаги Қирол Фейсал ислом тадқиқотлар марказининг халқаро масалалар бўйича бўлимлари, Иорданиядаги Яқин Шарқ тадқиқот маркази, Марокашдаги Қироллик стратегик тадқиқотлар институти, Мисрдаги Иқтисодий тадқиқотлар маркази, Баҳрайндаги "Исо маданият маркази" ҳамда Кувайтдаги Кўрфаз ва Арабистон ярим ороли тадқиқот марказлари ҳам халқаро ва минтақавий жараёнлар бўйича таҳлилий материаллар тайёрлайди, конференциялар, форумлар ва давра суҳбатлари ташкил қилиб, ўзаро фикр алмашади[4].

11/09 воқеаларидан кейин кўрфаз ҳамкорлик ташкилотига аъзо давлатларнинг минтақада хавфсизликни таъминлаш борасидаги стратегияларида ўзгаришлар содир бўлди. Бу минтақадаги тадқиқот марказларининг фаолиятида ҳам ўз аксини топди. Эндиликда тадқиқот марказлари хавфсизлик ва мудофаа соҳасидаги илмий изланишларни олиб бориш бўйича янги

[1] https://dubaipolicyreview.ae/ar راشد للإدارة الحكومية نبذة عن كلية محمد ب

[2] https://www.mbrsg.ae/home/about-us/board-of-trustees.aspx

[3] http://www.acrseg.org/40792علاء إبراهيم رجب. دور المراكز البحثية الأمريكية في عملية صنع القرار السياسي: دراسة حالة "مؤسسة راند\\

[4] https://www.maaal.com/archives/20180710/109682 د. نوف عبدالعزيز الغامدي. مراكز الدراسات الإستراتيجية واستشراف المستقبل\\

концепциялар ишлаб чиқди, мавзуга оид халқаро ва минтақавий семинар ҳамда конференциялар ташкил қилиб, халқаро терроризм феноменининг сабабларини қандай ташхислаш, жараёнларнинг сабаблари ва воситаларини аниқлашга катта эътибор қарата бошлади[1].

Минтақавий хавфсизликнинг янги концепцияларини ишлаб чиқишда тадқиқот марказлари Эрон, Яман, Ироқ каби кўрфаз иттифоқига аъзо эмас бироқ, кўрфаздаги хавфсизлик жараёнларига таъсир қилиши мумкин бўлган давлатлардаги тадқиқот марказлари билан ҳам ҳамкорликни йўлга қўйди. 11/09 дан кейин тадқиқот марказлари иттифоқининг хавфсизлик ва мудофаа стратегиясини ишлаб чиқиш бўйича комплекс тадқиқотларни амалга ошириб ўз тавсияларини ишлаб чиқди. Тавсияларда минтақа ҳукуматларига хавфсизлик масалалари бўйича қарорлар қабул қилишда қуйидагиларни инобатга олиш зарурлиги кўрсатилган. Кўрфаз иттифоқи фалсафасини тушуниш, кўрфазда ҳамкорликни фаоллаштириш, стратегик қарорлар қабул қилишда кўрфаз иттифоқи хавфсизлиги ва мудофаа масалаларини ҳисобга олиш, минтақада умумий хавфсизлик ва мудофаанинг ҳарбий доктринасини ишлаб чиқиш, хавфсизлик масаласида минтақавий ҳамда халқаро таъсирларни камайтиришни амалга оширадиган доктринани яратиш, шунингдек, стратегик тўртликни, яъни (қуруқликдаги кучлар, денгиз, ҳаво, ҳаво ҳужумига қарши мудофаа тизими) бошқариш ишларини такомиллаштириш кабилар. Мазкур тавсияларни амалий сиёсий жараёнларга татбиқ қилишда Саудия Арабистонининг аҳамияти ва таъсири катта, қолаверса, Саудия Арабистонининг минтақавий ва халқаро миқёсдаги ташқи сиёсий фаолияти мураккаб шароитларда олиб борилмоқда. Бу ўз ўрнида мустаҳкам хавфсизлик тизимини яратишга доир илмий асосланган концепцияларга нисбатан эҳтиёжни ҳам вужудга келтиради. Катта эҳтиёжнинг бор эканлигига қарамасдан, қиролликда ташқи сиёсат масалалари билан шуғулланувчи марказларнинг сони кўп эмас[2]. Қирол Фейсал ислом тадқиқотлар маркази узоқ йиллар давомида қироллик оиласининг ташқи алоқалар масалалари бўйича буюртмаларини бажариб келади. У 30 йилдан ортиқ вақт давомида Саудия Арабистонининг халқаро жараёнлардаги иштироки бўйича турли таҳлилий материаллар тайёрлаган. Марказнинг Эронни тадқиқ қилиш бўлими Саудия Арабистонининг Эрон билан муносабатларини ўрганиш, баҳолаш ва хулосалар бериш бўйича фаол, норасмий иштирокчиларидан бири ҳисобланади. Худди шунингдек, марказнинг Исроилга оид тадқиқотларни ташкил қилувчи бўлими ҳам Саудия-Исроил муносабатларида таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш нуқтаи назаридан ўз аҳамиятига эга.

Қиролликнинг ташқи сиёсатига оид фаолиятини илмий ташкил қилиш ва малакали кадрлар билан таъминлаш заруриятининг ортиб бориши натижасида 1983 йил Қирол Сауд ал-Фейсал дипломатия институти ташкил қилинган. Институтнинг тадқиқот маркази Саудиянинг халқаро ҳамкорлик алоқаларини ташкил қилишда фаол иштирок қилмоқда. Марказда Америка, Европа ва Осиё давлатлари тараққиёт хусусиятларини ўрганувчи алоҳида бўлимлар бўлиб, улар қиролликнинг бу давлатлар билан ҳамкорликни ривожлантириш имкониятларини ўрганади. Жумладан, Саудия Арабистонининг Марказий Осиё давлатлари билан ҳамкорлик алоқаларига доир таҳлилий материаллар ҳам мазкур институтнинг Осиё давлатларини ўрганиш бўлимида тайёрланади[3].

---

[1] خليفة علاوي حسين. د . م. مراكز الدراسات واثرها في ادارة الاستراتيجية الاقليمية دراسة في برنامج الامن والدفاع للاتحاد الخليجي: جامعة النهرين. 2017 م.

[2] https://aawsat.com/home/article/1554371 د. صالح بن محمد الخثلان. دور مراكز الأبحاث في السياسة الخارجية السعودية\\

[3] http://www.ids.gov.sa/ar/home/details\\ مركز الدراسات الآسيوية

Шимолий Африка араб давлатларида ҳам минтақавий ва халқаро ҳамкорликни ташкил қилиш масалаларига ихтисослашган тадқиқот марказлари фаолият олиб боради. Ал-Аҳрам сиёсий ва стратегик тадқиқотлар маркази, Марокашдаги Қироллик стратегик тадқиқотлар институти, Тунисдаги Мағриб давлатларини ўрганиш маркази ва Судандаги Нил ҳавзаси давлатларини ўрганиш стратегик тадқиқотлар институти кабилар минтақадаги етакчилар сифатида тан олинади.

2005 йил Суданда "Судан тадқиқотлар маркази" ташкил қилиниб, у Суданнинг ташқи дунё билан ҳамкорлик алоқалари учун ахборот ва таҳлилий материаллар тайёрлашни бошлаган. Марказнинг асосий эътибори қўшни давлатлар билан ҳамкорликка оид масалаларга қаратилган. 2016 йилга келиб унинг номи "Нил ҳавзаси давлатларини ўрганиш стратегик тадқиқотлар институти" деб қайта номланиб, минтақавий тадқиқот маркази даражасига кўтарилди. Марказ ташаббуси билан Судан ва Миср ўртасидаги ҳамкорлик алоқалари ривожлана бошлаган. Марказ Суданнинг халқаро имиджини мустаҳкамлаш ва давлатда амалга ошираётган тинчлик сиёсатини минтақа ҳамда халқаро миқёсда намойиш қилиш мақсадида кўплаб илмий конференция ва форумлар ташкил қилиб келмоқда. Марказ фаолиятининг диққатга сазовор йўналишларидан бири – Миср-Судан муносабатларини ривожлантириш бўйича амалга ошираётган лойиҳаларидир.

Хусусан, Суданнинг ҳозирги тараққиёт босқичида Миср–Судан алоқалари минтақавий семинари (2011 й.), "Миср–Судан алоқалари: асрлар оша" халқаро семинари (2012 й.), Африка дипломатлари учун маҳорат мактаби қўшма семинар тренинги (2012 й.), "Нил ҳавзаси мамлакатларидаги сув ва энергетика интеграция ва ривожланиш имкониятлари" халқаро конференцияси (2014 й.) каби яна ўнлаб тадбирларда Миср–Судан алоқаларини ривожлантиришга оид таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган[1].

Мазкур тадқиқот маркази Мисрдаги Ал-Аҳрам сиёсий ва стратегик тадқиқотлар маркази билан фаол ҳамкорликни амалга оширмоқда. Айтиш мумкинки, тадқиқот марказлари ҳамкорликда ўзаро алоқаларини ривожлантириш борасида кўплаб ташаббусларни илгари сурмоқда. Бу марказларнинг ташаббуслари билан Миср ва Судан ҳукуматлари ўзаро ҳамкорлик алоқларини мустаҳкамлаш бўйича таъсирчан чоралар ишлаб чиқмоқда.

Араб давлатларидаги тадқиқот марказлари Яқин Шарқ минтақасида ўзаро ҳамкорликни кучайтириш, минтақавий хавфсизлик тизимини ишлаб чиқиш, сиёсий ва иқтисодий муносабатлар бўйича стратегик концепцияларни яратиш йўлида ўз тадқиқотларини ташкил қилиб келмоқда. Марказлар ўз хулоса ва тавсиялари билан минтақада илмий асосланган, қулай хавфсиз ва истиқболли ҳамкорликка интилмоқда. Бу ҳудуддаги асосий масала давлат ва сиёсий элитанинг мазкур тавсия ва хулосаларини қанчалик инобатга олишида бўлиб қолган.

Хулоса. Ривожланган давлатларнинг тажрибасига кўра, тадқиқот марказларининг тавсиялари сиёсат, иқтисодиёт, мудофаа ва хавфсизлик соҳаларига оид стратегик концепцияларни ишлаб чиқишда муҳим амалий аҳамият касб этади.

Дунё давлатларида тадқиқот марказларига нисбатан талаб ва эҳтиёж юқори бўлган ҳозирги даврда араб давлатларида ҳам тадқиқот марказларининг сони кўпайиб бормоқда. Бироқ, араб давлатларидаги фаол сиёсий жараёнлар ва улар жойлашган ареалдаги кескин инқирозли вазиятлар тадқиқот марказларининг сони ва сифатини янада яхшилашни талаб қилади.

---

[1] محمد عبد الراض محمود. دور المراكز البحث ةٌ ف تنم ةٌ العلاقات المصر ةٌ السودان ةٌ
" مركز دراسات حوض الن لٌ نموذجا" \\ "

Тадқиқотларимиз шуни кўрсатдики, демократик индекслари юқори бўлган араб давлатларида тадқиқот марказлари самарали фаолият олиб бориб, стратегик қарорлар қабул қилинишида ўз тавсиялари билан қатнашмоқда, демократик индекслари юқори бўлмаган араб давлатларида эса, улар сон жиҳатдан кўп бўлса-да, сифат ва самарадорлик кўрсаткичлари юқори эмас. Бу давлатлардаги тадқиқот марказлари қарорлар қабул қилиш жараёнларида ҳукмрон доираларнинг манфаатлари доирасидан ташқарига чиқиб кета олмаяпти. Жумладан, иқтисодиёт, ички сиёсат, демократик қадриятлар, инсон ҳуқуқлари ва сўз эркинлиги, ижтимоий тенглик ҳамда эътиқод эркинлиги каби масалалардаги тадқиқотлар давлат назорати ва босими остида ривожланмасдан қолмоқда.

Минтақадаги ташқи сиёсат, ўзаро ҳамкорлик, мудофаа ва хавфсизлик масалалари муҳокамасида марказларнинг нисбатан фаол эканлиги кўринади. Улар бу йўналишда ҳукуматнинг катта буюртмаларини қабул қилиб, комплекс тадқиқотлар ташкил қилаётганлигининг гувоҳи бўлишимиз мумкин. Бироқ, минтақадаги ҳозирги кескинлик ҳамда инқирозларнинг ортиб бораётганлиги улар фаолияти самарадорлигини юқори баҳолаш имкониятини бермайди.

SPEECH (SPEAKING) SKILL IN TEACHING ARABIC TO NON-NATIVE SPEAKERS

مهارة الكلام (المحادثة) في تدريس اللغة العربية للناطقين بغيرها

IBRAHIM MUHAMMAD NASIR

Doctor, Kuwait University

Abstract. *The article describes the features of teaching Arabic as a foreign language, modern innovative approaches to language education, as well as issues of literary language and dialects. Arabic literary language is the most acceptable and clean version of this language. Usually this language is not the language spoken by the majority of the population, because people constantly discover its various manifestations. Dialects are characteristic of local populations and are transmitted orally without written preservation. This factor also poses particular difficulties in teaching Arabic to foreign students. The method of communicative study of the Arabic language, along with the methods of teaching the Arabic language, plays a key role in the effective mastery of the Arabic language. Learning grammar is important, but a student with deep knowledge of grammar may not speak fluently. Therefore, both of these methods are of great importance.*

Language is a cultural phenomenon, therefore the cultural and historical heritage of each country depends on its language. This, in turn, contributes to the development of the nation, country and society as a whole. A person is, first of all, a communicator, therefore we need to understand each other in order to develop and improve.

Keywords and expressions: *arabic literary language, dialects, language teaching, dialogue of civilizations, cultural heritage, modern programs.*

Аннотация. *Мақолада араб тилининг хорижий тил сифатида ўқитилишининг ўзига хос жиҳатлари, тил таълимидаги замонавий инновацион ёндашувлар ҳамда адабий тил ва сўзлашув лаҳжалари масалалари ёритиб берилган. Араб адабий тили бу тилнинг энг мақбул ва соф версияси ҳисобланади. Одатда, бу тил аҳолининг асосий қисми сўзлашадиган тил эмас, чунки одамлар доимо унинг турли кўринишларини кашф қилишади. Тил шевалари маҳаллий аҳоли гуруҳларига хос бўлиб, ёзма шаклда сақланмасдан, оғзаки равишда ўтиб боради. Бу омил ҳам араб тилини хорижий талабаларга ўргатишда ўзига хос қийинчиликларни юзага келтиради. Араб тилини ўргатиш усуллари билан биргаликда араб тилини коммуникатив ўрганиш усули араб тилини самарали ўзлаштиришда асосий аҳамиятга эга. Грамматикани ўрганиш муҳимдир, бироқ ўрганувчи грамматикани тўлиқ билиши, лекин сўзлай олмаслиги мумкин. Шунинг учун ушбу икки усул ҳам катта аҳамиятга эга.*

Тил бу маданий ҳодисадир, шунинг учун ҳар бир мамлакатнинг маданий-тарихий мероси унинг тилига боғлиқ. Бу эса, ўз навбатида, миллат, мамлакат ва умуман, жамият ривожланишига ёрдам кўрсатади. Инсон, энг аввало, мулоқот қилувчи зотдир, шу боис, ривожланишимиз ва комил бўлишимиз учун бир-биримизни тушуниш қобилиятига эга бўлишимиз даркор.

Таянч сўз ва иборалар: *араб адабий тили, сўзлашув лаҳжалари, тил ўқитиш, цивилизациялар мулоқоти, маданий мерос, замонавий дастурлар.*

Аннотация. *В статье описываются особенности преподавания арабского языка как иностранного, современные инновационные подходы к языковому образованию, а также вопросы*

литературного языка и диалектов. Арабский литературный язык является наиболее приемлемой и чистой версией этого языка. Обычно он не является языком, на котором говорит большинство населения, потому что люди постоянно обнаруживают его различные проявления. Диалекты характерны для местных групп населения и передаются в устной форме без письменного сохранения. Этот фактор также создает особые трудности при обучении арабскому языку иностранных студентов. Метод коммуникативного изучения арабского языка, наряду с методами преподавания арабского языка, играет ключевую роль в эффективном его овладении. Изучение грамматики важно, но ученик с глубокими познаниями в грамматике может не говорить свободно. Поэтому оба эти метода имеют большое значение.

Язык – это культурное явление, поэтому культурное и историческое наследие каждой страны зависит от ее языка. Это, в свою очередь, способствует развитию нации, страны и общества в целом. Человек – это, прежде всего, коммуникатор, поэтому нам нужно понимать друг друга, чтобы развиваться и совершенствоваться.

Опорные слова и выражения: *арабский литературный язык, диалекты, преподавание языка, диалог цивилизаций, культурное наследие, современные программы.*

كان لافتا للنظر في كتب تعليم وتعلم اللغة العربية للناطقين بها وبغيرها أنّ تحدي تعليم اللغة العربية الفصحى لا يزال قائما، وأن مشكلة استخدام العربية الفصحى أمام اللهجات العامية تارة وأمام اللغات الأجنبية تارة أخرى لاتزال عالقة بين نظريات تعليمية من جانب وتطبيقات عملية متفاوتة الجهود من جانب آخر. وإنّ عولمة الفصحى الغاية المنشودة منذ آماد بعيدة لا تتحقق إلا بعد – كما يعتقد الباحث – أن تُعولَم أولا في وطنها الأم درسا وتدريسا ولغة حياة الناس؛ كل الناس وليس فئة معينة.

